

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қ.АБИРҚУЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтиносидий таълим
йўналишлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

ABIRKULOV K.N.

ECONOMICAL GEOGRAPHY

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

Абирқұлов Қ.Н. Иқтисодий география (Дарслик). Т.:
Т.ЦУ, 2004 – 320 бет.

Унибу дарслердегі «Иқтисодий география» фанининг предметтері, пазарий ва амалий йұналишлари, бозор иқтисодиеті шароитидегі иннелаб чиқарып күчларини ривожлантириш ва жойлаштырышини такомиллаштириш мұаммолари устида тұхтаб ўтилған.

Үндег дунё сиёсий картаси ривожланишининг асосий босқыншылары, йирик ұзғарышлар жумладан социалистик тұзумнинг нарачаланиши нәтижасыда янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлини таърифланган.

Дарслердегі дунё хўжалиги, халқаро меңнат тақсимоти ва интеграция масалалари, ИТТининг дунё хўжалиги ривожланишинга, тармоқ ва худудий тизилмаларининг таъсири кўрсатилған.

Дунё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти уларнинг турли мамлакат гурӯхларыда жойлашиши ва ривожланишин баён этилған. АҚШ, Германия, Япония ва Россиянинг иқтисодий-географик тавсифи берилған.

Дарслердегі Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига тутган ўрни, меңнат ресурс салоҳиятидан фойдаланыши самараадорлигини ошириш мұаммолари, бозор шароитида иқтисодиёт тармоқлари ривожланши ва жойлашиш хусусиятлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши атрофлича таҳдил этилған. Ҳар бир маизуга тегишили таянч иборалар ҳамда адабиётлар рўйхати берилған.


Дарслердегі иқтисодий йұналиш мутахассислигига ўқиётган талабаларга мўлжалланган.

Масъул мұҳаррир: и.ф.д., проф.

Ш.Р.Холмұминов.

Тақризчилар: г.ф.д. проф. А.Солиев;

г.ф.д., проф. И.Қаюмов.



Abirkulov K.N. Economical geography (Textbook). -T.: TSEU, 2004 – 320 pages.

The textbook is about subject, theoretical and practical sides of «Economical geography». It also addresses to the problem development and placement of production forces.

The textbook describes the stages of development world's political map, great changes, in particular, formation of new sovereign states as result of collapse of socialistic system.

World household, international labour allocation, integration issues, the influence of scientific-technical progress on world household are also shown.

It explains world industry, agricultural, transportation, their location and development in different country groups. The economical-geographic characteristics of USA, Germany, Japan and Russia are detailed.

The textbook covers the role of Uzbekistan in the world household, the efficiency issues of labour resources utilization, development and placement characteristics of economic branches in the conditions of market system, analysis of development of international economic relations. It is given used literature to every topic.

The textbook is designed for the students majoring in economic trends.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.

References: doctor of geographic science,
prof. Soliev A.;
doctor of economic science,
prof. Kayumov I.

КИРИШ

Келажаги буюк давлат Ўзбекистонинг иқтисодий тараққиети ҳар томонлама етук, жаҳон талабларига жавоб берадиган иқтисодчиларни таъминлаш, уларни тайёрланашда иқтисодий таълим йўналишидаги бошқа фанлар қатори «Иқтисодий география» фани ҳам катта ўрин тутади. У бўлажак иқтисодчиларга табиий ресурслар, уларнинг жаҳон ва Ўзбекистон бўйича тарқалини, жаҳон ва Ўзбекистон аҳолиси, жаҳон саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти ва ҳалқаро иқтисодий алоқалар тўғрисида билим беради.

«Иқтисодий география» фани бўйича тайёрланган мазкур дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми жаҳон иқтисодий географияси, иккинчи қисми эса, Ўзбекистон иқтисодий географияси масалаларига багишланган.

Биринчи қисмнинг асосий вазифаси талабаларга «Иқтисодий география» фани, унинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқаси, ишлаб чиқариш кучлари, сиёсий харита, жаҳон аҳолиси, жаҳон хўжалиги ва унинг тармоқлари ривожланган давлатларниң хўжалиги ҳақида билимлар бериш, улarda тегишли кўнгилмаларни шакллантириш ҳамда малака ҳосил қилишdir.

Иккингчى қисм, яъни «Ўзбекистон иқтисодий географияси»нинг асосий мақсади талабаларни Ватанимиз табиати ва табиий ресурслари, уларнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга таъсири, мамлакатимиз аҳолиси, меҳнат ресурслари, фани, маданияти ривожи, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, хизмат кўрсатиш соҳалари, ташки иқтисодий ва маданий алоқалари билан таништиришдан иборат.

Дарсликнинг ушбу қисмини ёзишда А.Рўзиев ва Қ.Абирақуловларнинг 2002 йилда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий географияси» ўқув қўлланмасидан фойдаланилди.

Дарслик иқтисодий таълим йўналишидаги мутахассислар учун биринчи маротаба тайёрланётганлиги боис унда муайян камчиликлар учраши табиий. Бу ҳақдаги самимий фикр ва мулоҳазаларингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирган ҳолда уларни қўйидаги манзилга жўнатишингизни илтимос қиласиз:

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, «Минтақа иқтисодиёти ва экологияси» кафедраси.

I бўлим

«ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ» НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛARI

I боб

«ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ» КУРСИННИГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Иқтисодий география»нинг предмети, унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни

«Иқтисодий география» фанининг предмети. «Иқтисодий география» - ишлаб чиқарини кучларининг бутун дунё, мамлакатлар, минтақалар бўйича худудий жойлашиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганувчи фандир.

«Иқтисодий география» фани ишлаб чиқаришининг худудий муаммоларини табиий ва иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда ўрганади; дунё ҳамда турли мамлакатлар ва минтақаларда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва худудий ташкил этиш хусусиятларининг объектив қонуниятларини асослаб беради; ишлаб чиқаришининг жойлашиши ва ривожланиши хусусиятларини ўрганиши жараёнида мамлакатлар худудида иқтисодий районларнинг вужудга келиши, улар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланишини изоҳлайди; шунингдек айrim мамлакатлар ва худудлар хўжалигининг тасиғини аниқ иқтисодий-статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши асосида ўрганиб, қисқача илмий холосалар чиқаради ва тавсиялар беради.

Ишлаб чиқаришининг географик мұаммоларини ҳал қилиш борасида «Иқтисодий география» ҳалқ хўжалиги, унинг тармоқларини стратегик режалаштириш учун хўжалик объектларини мақсадга мувофиқ жойлаштириши, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришининг истиқболларини башорат қилиши билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларини ўрганади.

Ишлаб чиқаришини жойлаштириш қонуниятлари ижтимоий формацияларнинг ривожланиши қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий ишлаб чиқаришининг географик мұаммоларини тадқиқот қилини ижтимоий меҳнат тақсимотини кенг кўламда, яъни худудий меҳнат тақсимотини таҳлил қилиши билан аниқданади.

«Иқтисодий география» мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши шароити ва хусусиятлари, уларда иқтисодий район-

шарининг мамлакатлар ва йирик иқтисодий районлар ўртасида иқтисодий алоқаларниң шаклланиши ҳақида тушунча беради; аниқ маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилини йўли билан мамлакатлар ва миңтақаларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва худудий ташкил қилиши хусусиятларининг обьектив қонуниятларини изоҳлайди.

Иқтисодий-географик тадқиқотларда маҳаллий, табиий ва иқтисодий шароитларни ўрганишга катта аҳамият берилади. Буидай изланишлар мамлакатимизни, қўшини мамлакатларни ва бутуни дунёни билишда муҳимдир. Улар бўлажак иқтисодчи мутахассислар дунёқарашининг шаклланишида, умумий билимини, айниқса иқтисодий билим савиясини оширишда катта роль ўйнайди.

«Иқтисодий география»нинг бошқа фанлар орасида тутгани ўрии. «Иқтисодий география» география фанлари тизимиға киради. У «Табиий география», «Тарих», «Иқтисод ва статистика» фанлари билан узвий равишда боғланган.

«Иқтисодий география» ижтимоий, географик, табиий география эса табиий фан ҳисобланади. «Иқтисодий география» ва «Табиий география» ўртасида узвий ҳамкорлик мавжуд «Иқтисодий география» табиий шароит ва ресурсларга иқтисодий баҳо беришнинг илмий асосларини ишлаб чиқади.

География фанлари бўйича тадқиқот ва ўқув ишлари олиб бориш учун «Иқтисодий география»нинг «Табиий география» билан узвий ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Айрим мамлакат ва миңтақаларга таъриф берувчи мамлакатшунослик ишларини ташкил қилишда ҳам бу ҳамкорликнинг роли катта.

Ижтимоий фанлар туркумига кирувчи «Иқтисодий география» учун назарий аҳамиятга эга бўлган умумиқтисодий фанларниң қисқача хulosалари муҳимдир. Тармоқлар иқтисодиёт билан шуғулланувчи фанлар, яъни ишлаб чиқарини шароити, ҳалқ ҳўжалик тармоқларида ишлаб чиқарини ташкил қилиш ва ривожлантириш, техник-иқтисодий асослари, ишлаб чиқарини жойлаштиришнинг хусусиятлари ва омиллари, ишлаб чиқарипда танинрарх ва бошқалар билан шуғулланувчи аниқ иқтисодиёт фанлари кўп масалаларда «Иқтисодий география» билан алоқада бўлади.

«Иқтисодий география» фани ижтимоий-иқтисодий формациялар бўйича ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини таҳлил қилиш давомида тарихий усуллардан фойдаланади. «Тарих» фани эса жамиятнинг ривожланиши ва тарихий жараёнларни тадқиқ этаётганда табиий ва атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларни «Иқтисодий география» фанидан олади.

1.2. «Иқтисодий география»нинг назарий асослари, илмий концепциялари ва услублари

«Иқтисодий география» географик тадқиқотларини тарихий-ижтимоий таҳлиллар асосида олиб боради. Бу борада, у албатта, ҳозирги даврда ишлаб чиқаришини жойлаштириш масалаларида тарихий маълумотларга (айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалиги минтақалари, транспорт йўллари, ахолини жойлаштириш, шаҳарлар, меҳнатга лаёқатли аҳоли ва бошқаларга нисбатан) таянади, ривожланиши даражасини, динамикасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқаришини солиштиради, баҳолайди ва инсоннинг табиий муҳитга таъсирини таҳлил қиласди.

Айрим яхшатларни ўрганиши учун «Иқтисодий география» икки қисмга – «Умумий иқтисодий география» ва «Районлар иқтисодий географияси»га бўлинади. «Умумий иқтисодий география» қисмида тизимнинг умумий масалалари, мамлакатларни хўжалик географияси ва асосий тармоқлар географияси ўрганилади. «Районлар иқтисодий географияси» қисмида эса тегишли мамлакатнинг айрим худудлари хўжалиги ва иқтисодий районлари ўрганилади. Мамлакатларни мажмуали ўрганишда иккала қисм ҳам бир-бирини тўлдиради. Айни вақтда мамлакатлар хўжалиги ва бу хўжалик тармоқларини тадқиқот қилишдаги умумий масалаларни ўрганиш тегишли мамлакатнинг айрим худудлари ва иқтисодий туманлари хўжалигини ўрганиш учун жуда зарур хисобланади.

«Иқтисодий география» ишлаб чиқаришини жойлаштиришини ўргана бориб, худудий ишлаб чиқариши мажмууларининг шаклланиши ва ривожланишини кенг кўламда тадқиқ қиласди. Худудий ишлаб чиқариш мажмуулар – бу табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароит, тарихий хусусият ва иқтисодий-географик ўринига эга бўлган аниқ худудда ишлаб чиқариш тармоқларининг ўйғунаштирилгандир.

«Иқтисодий география»нинг қўйидаги илмий концепциялари мавжуд:

- иқтисодий ривожлантириш концепцияси – муайян мамлакат, иқтисодий районларнинг мураккаб тизими бўлиб, шаклланиши қонуний тарзда шаклланади;

- худудий ишлаб чиқариши мажмуулари концепцияси – ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли яшаш жойларини чегараланган худуд ёхуд иқтисодий район ёки кичик район худудида ўзаро ўйғунашуви;

- энергия ишлаб чиқариши цикллари концепцияси – район барно этувчи қонуниятлар цикли.

Ушбу концепциялар иқтисодий-географик изланингларда ўз аксини топади.

«Иқтисодий география» ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий тизимларни ўрганишида дастурли-мақсадли, тизимнинг таҳлили, баланс (мувозанат), картографик, иқтисодий-математик моделлангтириш, қиёсий-географик, иқтисодий-географик башоратлаш усусларидан фойдаланилади.

1) *Дастурлий-мақсадли усул* бозор иқтисодиётин муносабатлари шароитида жуда мухим бўлиб, маъмуанинг кечиктириб бўлмайдиган ва умумманфаатларни кўзлаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш дастури ва мақсади билан узвий боғлиқ; 2) *Тизимнинг таҳлили усули* босқичма-босқич тамойилига асосланган бўлиб, ҳар бир ҳудудий тизим, айниқса, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жойлашиш хусусиятларини ўрганиши бўйича маълум мақсад ва вазифаларни қамраб олган; 3) *Баланс усули* «Иқтисодий география»нинг асосий усусларидан бири. Ушбу усул ёрдамида регионларнинг ресурс ва маҳсулотга, ишчи кучига бўлган талабини аниқлаш хусусан, айрим ҳудудлар ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан ўз эҳтиёжини қондиралаётганилиги ёки қондира олмаётганилиги, зарур маҳсулотларни келтириш ёки олиб кетиш қўлами даражасини баҳолаш, шунингдек, регион ҳўжалик маъмуни ривожланишидаги номутаносибликни ва уни бартараф этиши йўллари аниқланади; 4) *Картографик усул* «Иқтисодий география»нинг маҳсус усусларидан ҳисобланади. Харита – билим манбаи ва ўрганиш объектиdir. Ҳудудий, иқтисодий географик жараёнлар ва айрим мамлакатлар миёсида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш хусусиятларини энг кўргазмали тарзда фақат географик харита намоён этиши мумкин; 5) *Иқтисодий-математик моделлаштириши усули* ҳўжалик тармоқларининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш муаммолари билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар жараёнида кенг кўлланилади; 6) *Қиёсий географик усул* қатор ҳудудий бирликларни турли кўрсаткичлар асосида бир-бири билан тақкослашдир; 7) *Иқтисодий - географик башоратлаш усули* мамлакатлар, уларнинг ҳудудлари келажакда маъмуали ривожланишини турли кўрсаткичлар таҳлили орқали белгилашга ёрдам беради.

«Иқтисодий география» ижтимоий – иқтисодий, ҳудудий тизимларни ўрганишида булардан ташқари ўзи узвий алоқада бўлган бопиқа фанларнинг усуслари ва ҳуносаларидан ҳам кенг фойдаланади.

«Иқтисодий география»нинг асосий вазифалари. Маълумки, табиатнинг жамият ривожланишига-, моддий ишлаб чиқарининг ўсишига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашишига таъсири ҳал қилувчи ҳолат эмас. У жамиятнинг ривожланишига турли ишлаб чиқарип усуслари ва ишлаб чиқарип куч-

ларининг ривожланиши ва жойлашишига қараб турлича таъсири қилади. Шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш жойлаштирилишини ўрганишида географик мухит ва бу мухит элементларининг худудлардаги ўзаро таъсирини ҳисобга олиш керак.

«Иқтисодий география» учун табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқ умумий масалалар билан бир қаторда турли табиий мухитнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсирини ўрганиш ҳам мухим аҳамият касб этади.

«Табиий география» билан узвий ҳамкорликда ва аниқ тармоқлар иқтисодиёти маълумотларига таянган ҳолда худудлар табиий шароитига иқтисодий баҳо бериш ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш «Иқтисодий география»нинг асосий вазифаларидан бириди.

Иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг умумий режасидан келиб чиқсан ҳолда маълум бир худудда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш ҳамда худудий ишлаб чиқариш мажмуналарини ташкил қилиш кўзда тутилади. Шунинг учун географик мухитни хўжалик юритишида фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан баҳолаш ва уни оқилона ўзлаштириш муаммолари «Иқтисодий география»да мухим ўрини эгаллайди.

1.3. «Иқтисодий география»нинг ривожланиш тарихи

«Иқтисодий география» фан сифатида нисбатан яқинда – 1200-1250 йил аввал шаклланган. Лекин унинг манбалари ва куртакларининг пайдо бўлиши узоқ даврларга бориб тақалади. Чунки иқтисодий-географик маълумотлар қадимги манбаларда (саёҳатномалар, зафарномалар, йилномалар, илмий асарлар ва ҳ.к.ларда) жуда кўп учрайди. Эротафоннинг (милоддан аввалигى III аср) «Географика» номли асарининг учинчи қисми ҳам айрим мамлакатлар таърифига бағишиланган. Қадимги давларда «География» фани айрим мамлакатларининг, жойларининг табиати, аҳолиси ва хўжалиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган билимлар тўпламидан иборат бўлган.

Ўрта асрларда иқтисодий-географик билимлар Ал Хоразмий («Китоб Суръат ал-Аз»), Беруний («Ҳиндистон»), Бобур («Бобуриома») ва бошқа олимларнинг асарларида чуқурлаштирилган.

Европада «Иқтисодий география» фан сифатида XVI асрдан шаклана бошлаган. Унинг ривожланишига француз олими Ж.Бодеи, италиян олими Л.Твиггерди, голланд олими Б.Варенс мухим хисса қўшишди. Француз олими Ж.Бодеи 1564 йилда ёзган йирик географик асарида шарқ географиясидаги

географик мухитнинг жамият ривожланишига таъсири муаммоси қайтадан кўриб чиқилди, Италия олими Л. Твиччардининг «Нидерландия тавсифи» (1567 йил), Голланд олими Б. Варенус нинг «Бош география» (1650 йил) номли асарида ҳам иқтисодий географияга оид қатор муаммолар илмий ечимини тоанди.

«Иқтисодий география» илмий атамасини фанга биринчи бўлиб рус олими М.В.Ломоносов XVIII асрда олиб кирди. У иқтисодий хариташуносликнинг ривожланишига катта хисса қўниди. Француз олими Луи Монтесье табиий шароитнинг жамият ривожланишига таъсирини ўрганиш бўйича жуда муҳим илмий ишлар олиб борди. Мазкур муаммо билан немис олимлари И.Кант, Г.Ф.Гегель ҳам шуғулланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида айрим давлатларда саноат тез суръатлар билан ривожланиш натижасида йирик географик асарлар вужудга келди. Бу даврда олимлардан А.Гумбольд саноатнинг табиатга таъсири масалаларига, К.Риттер эса табиат ва инсон алоқалари муаммоларига катта эътибор беришган.

XX асрда «Иқтисодий география»нинг ривожланиши Н.Н.Колосовский, Н.Н.Баранский, Н.П.Никитин, В.В.Покшиневский, Ю.Г.Сауцкин, Семёвский В.М., Э.Б.Алаев, Б.С.Хорева бошқаларнинг, Ўзбекистонда ўтган аср бошларида яшаган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидов, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан XX аср бошларида «География»дан қатор дарслклар ва асарлар ёзилган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонда «Аҳоли географияси»нинг асосчиси ҳисобланади. У «Мадхали жуғрофияи имроний» («Аҳоли географиясига кириши»), «Мунтажаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий географияси»), «Мухтасарий жуғрофияи Русий» («Русиянинг қисқача жуғрофияси») номли дарслклар муаллифиdir.

Ўзбекистонда 1920-30 йилларда «Иқтисодий география» ва умуман, «География» фанининг ривожланишида қўйидаги олимларнинг ишлари муҳим ўрин тутади: Н.Балашов («Ўзбекистон ва унга кўшини жумхуриятлар ҳамда вилоятлар», 1925 й.), Н.П.Архангельский («Жуғрофия – ўлқани ўрганиш дарслиги», 1933 й.), А.Обизов («Ўзбекистон шўролар жумхурияти жуғрофияси», 1933 й.).

XX асрнинг иккинчи ярмида ва ҳозирги пайтда Ўзбекистонда «Иқтисодий география» фанининг ривожланиши З.М.Акрамов, О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиев, Қ.Абирқулов, Х.С.Салимов, А.Р.Рўзиев, А.Қаюмов, Ш.Иномов, Ҳ.Абдуллаев ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

Қисқача хуросалар

«Иқтисодий география» фани география фанлари тизимида киругчи ижтимоий фандир. У:

- «Табиий география» билан ҳамкорликда ишлаб чиқарини ривожланадиган географик мұхитни, яғни табиат билан жамиятни ўзаро таъсирини;
- ахолининг жойлашишини, меңнат ресурсларини, шаҳар ва қышлоқларни, ахоли таркибини, күпайишини ва ҳаракатини;
- жаҳон, шу жумладан, давлатларининг иқтисодий-географик шароитини;
- иқтисодий ривожлантириш назариясини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- меңнатнинг ҳудудий тақсимотини ўрганади, давлатларни гурухлаштиради ва ҳ.к.лар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Иқтисодий география»нинг предметини изоҳлаб беринг.
2. «Иқтисодий география»нинг назарий асосларини таърифланг.
3. «Иқтисодий география»нинг асосий илмий услубларини сананг.
4. «Иқтисодий география» бошқа фанлар ўртасида қандай ўрин тутади?
5. «Иқтисодий география»нинг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Ишлаб чиқариш күчларининг ривожланиши ва жойлашишида табиий шароитлар аҳамиятта эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
4. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
5. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. – Ростов-на Дону; 2000.
6. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. –М., 2000.
7. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
8. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -- Ростов-на -Дону,: Веникс. 1997.
9. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
10. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
11. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. -М., 2000.
12. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. – М.: Прогресс, 1998.
13. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
14. Страны мира. – -М.: Мысль, 1996.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

2.1. Ишлаб чиқарини кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириши ва худудий ривожланиш қонуниятларига қўйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқаришни худудий оқилона ташкил этиш қонунияти. Унга мувофиқ:

- ишлаб чиқариш корхоналарини ИТТнинг ютуқлари асосида, иложи борича манбаларга яқин жойлаштириш керак. Масалан, сувни кўп талаб қиласидаган тармоқларни имкон қадар йирик ва самарали сув манбаларига яқин жойлаштириш мақсадга мувофиқ;

- меҳнатни кўп талаб қилиувчи (сермеҳнат) тармоқларни эса меҳнат ресурслари шаклланган марказларга яқинроқ;

- қундалик истеъмол қилинувчи маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини истеъмолчиларга яқинроқ жойлаштириш керак ва х.к.лар.

2. Ишлаб чиқаришнинг худудий ихтисослашуви ва кооперациялашуви қонунияти. Бунда бирон бир ҳудуд ичида ихтисослашув ва корхоналар ўртасида энг такомилланишган ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатиш ҳамда уларни ташкил иқтисодий алоқаларда кенг иштироки кўзда тутилган.

3. Ҳудудларнинг мажмуали ривожланиш қонунияти. Ҳудуднинг (республика, вилоят, иқтисодий туман) комплекс ривожланиши деганда, хўжаликдаги мутаносиблиқ, ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳаллий табиий ва иқтисодий шароитга мослиги, ихтисослашган тармоқлар, инфратузилмасини, турли кўламдаги шаҳарларнинг ривожланиши, табиий мухитни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва ҳоказолар назарда тутилади.

4. Ишлаб чиқаришни ҳудудларда иложи борича бир меъёрда жойлаштириш ёки ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тенглаштириш қонунияти. Унга кўра республикамиз ҳудудларининг иқтисодий ривожланишини бир-бираига тенглаштириш, яъни мамлакатимизда ишлаб чиқарини кучларини бир меъёрда жойлаштириб, келажакда аҳоли турмуш даражасини ошириш асосий мақсад қилиб олинади.

Ишлаб чиқариш құчларини жойлаштиришда юқоридаги қонуинияттар асосида ёндашилса халқ хұжалигининг барча тармоқларыда мәхнат унумдорлиги ошади, иқтисодий самарадорликка әришилади.

2.2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакллари

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг барча шакллари – мужассамлашув, ихтисослашув, коопeração ва комбинация айни найтда ижтимоий ва худудий жиҳатларга әга. Бунда ишлаб чиқаришнинг худудий томони етакчи роль йүйнайды. Шулға қара-масдан бир-бири билан бөглиқ бўлган бу жараёнларни уюштирган ҳолда ўрганиш, тахлил қилиш, биридан иккинчисига ўта билин географик фикрларининг муҳим хусусиятидир.

Мужассамлашув ёки ишлаб чиқаришнинг тўпланиши географик жиҳатдан энг аввало, моддий соҳалар – саноат, қишлоқ хўжалик, транспортда яққол намоён бўлади. Фан объектини айлан шу тармоқларнинг худудий ташкил этилиши, жойлашиш хусусиятлари белгилаб беради. Ижтимоий объектларнинг худудий ташкил этилиши эса халқ хұжалигининг барча тармоқларида турлича бўлади.

Мужассамлашув даражасининг юқори ёки пастлиги айни найтда маълум бир соҳанинг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Ихтисослашув мәхнат тақсимоти ва иқтисодий районларнинг таркиб топиши билан чамбарчас болиқдир. Унинг уч босқичи - *корхона, шаҳар ва туман* миқёсидағи ихтисослашуви, шунингдек, уч тури – қисм (детал); технологик ёки ярим маҳсулот ва предмет (товар маҳсулот ишлаб чиқариш) ихтисослашуви мавжуд. Ихтисослашув босқичлари корхона, шаҳар ва туманларнинг мәхнат тақсимотидаги ўрнини белгилаб беради, турлари эса, бир-бири билан узвий бөглиқ бўлиб, турли худудий босқичда ўзгача хусусиятга әга бўлади. Ихтисослашув натижасида халқ хұжалиги тармоқлари вужудга келади, иқтисодий районлар, шаҳарларнинг функционал турлари шаклланади.

Коопेरация – бир маҳсулот яратиш учун турли корхоналарнинг ҳамкорлиги бўлиб, бунда уларнинг тармоқ ҳолда жойлашуви кузатилади. Бунда қатнашувчи корхоналар сони вужудга келаётган маҳсулотнинг мураккаблигига болик бўлади.

Комбинация - коопेरацияга ўхшаб корхоналар бирлаши масидан иборат. Бунда тарқоқ ҳолда жойлашган бирлик эмас, балки уларнинг худудий умумийлиги тушунилади. Коопеरацияда маҳсулот бир бўлса, комбинацияда аксинча, хоманиё бир бў-

либ, ундан олинган маҳсулот турлича бўлади. Комбинатлашув маълум турдаги хомашёни чуқур технологик қайта ишлаган ҳолде маҳсулотлар ишлаб чиқариши англатади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариши ташкил этишининг барча шаклларидан тўғри ва оқилюна фойдаланиш зарур.

2.3. Ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этишининг асосий омиллари

Иқтисодиёт тармоқлари маълум шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ва ҳудудий ташкил этилади. Бу омилларни яхши билиш ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби ва тизимининг ривожланиши қонуниятларини ўрганишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда хомашё ёқилғи, электр энергия, сув, иқлим, меҳнат ресурслари, истеъмол ва транспорт, иқтисодий-географик ўрини каби омиллар эътиборга олинади. Шунингдек, экология, ИТТ ва бозор иқтисодиёти омилларининг бу борадаги аҳамияти ҳам ошиб бормоқда.

Ушбу омилларни табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик гурухларга бирлаштириш мумкин. Уларнинг моҳияти ва таъсирчанилиги жамият ривожланиши билан ўзгариб туради Айни пайтда ижтимоий ва экологик омиллар ишлаб чиқариши бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида ташкил этишда устувор ўринга эга бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда барча шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур, лекин маълум тармоқни ҳудудий ташкил этишда барча омиллар эмас, балки улардағайримларигина етакчи роль ўйнайди.

Хомашё омили. Айрим маҳсулотларни олиш учун хомашё қўпроқ сарфланади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар мумкин қадаҳомашё районларига яқин жойлаштирилади. Хомашёга асосланган саноат тармоқларининг географиясини ўрганиш эни аввало, мамлакат табиий шароити ва бойликларини билишни талааб этади.

Ёқилғи-омили. Иссиқлик электр станциялари қора металлургия саноатининг дастлабки босқичини жойлаштиришида асосий роль ўйнайди. Аммо унинг таъсири ҳар доим етакчи кучга эга эмас. Бундай ҳол нефть ва унинг маҳсулоти мазут, табиий газ асосида ишловчи иссиқлик электр станцияларини куришга тааллукли бўлади.

Электроэнергия омили. Бу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у яратган маҳсулот - электр қувватини жамгариб, шоорхоналарда йиғиб бўлмайди, ундан айни пайтнинг ўзида фойдаланиш керак. Бундан ташқари электр қуввати юқори кучинини бўлиб, тармоқлар орқали узоқ масофаларга берилиши мумкин. Худду шу мақсадда йирик кўмир ҳавзаларида йирик олиги энергетика мажмуалари барпо этилган. Одатда, электр қуввати омилини ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил этилишида энг аввало, унинг арzon турига устунлик берилади. Арzon электр қуввати гидроэлектро-станцияларидан олинади, чунки онда сув кейин ҳам сувлигича қолаверади, ёқилғи электр станцияларидаги эса кўмир, мазут ёки табиий газ сарфланади. Электр қуввати омилига қўйидаги мисолларни келтириш кифоя: Ітон-на титан ишлаб чиқариш учун 40-50 минг квт-с, шунча алюминий ишлаб чиқариш учун 17-19 минг квт-с, мисни тозалаш, темир қотишмаларини ишлаб чиқариш, электр печларида пўлат орнитин учун уларнинг ҳар бир тоннасига 8-10 минг квт-с атрофидан электр қуввати сарфланади. Табиийки, бундай корхоналарининг арzon электр қуввати манбаларига яқин жойда қурилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, электр қуввати бир қатор саноат корхоналарини ўз атрофига омил сифатида «йигар» экан. Шу сабабли у йирик район ва мажмуя ҳосил қилиш қурдатига эга.

Сув ва иқлим шароити ҳам ишлаб чиқариш тармоқларини ижодлаштиришда катта аҳамиятга эга. Сув манбалари айниқса кимё, ёғоч-целлюлоза, металлургия заводларининг фаолиятига сезиларли таъсир қиласиди.

Сув ва иқлим шароитлари бошқа саноат корхоналарини қуришида ҳам эътиборга олинади. Бу омилнинг аҳамияти қишлоқ хўйкалиги учун муҳим ҳисобланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасида анъанавий дехқончилик иссиқ ва қуруқ иқлими шароитида фақат сунъий сугориш асосида олиб борилади.

Ижтимоий-иктисодий омиллар орасида энг муҳими, аҳоли ва меҳнат ресурслариdir. Бу ўринда икки ҳолни қайд қилиши мозим: бирипчидан, шундай корхоналар борки, уларга сон жиҳатидан кўп ишчи керак. Масалан, тикув фабрикаси, консерва ишлаб чиқариш, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш ва х.к. Бошқа корхоналарга эса, меҳнат ресурсларининг миқдори кўп бўлиши шарт эмас, уларда «оз» ва «соз» малакали ишчи кучи тараба қилинади. Масалан, радио ва асбобсозлик, аниқ машинасозлик ва х.к.лар. малакали ишчи кучи мавжуд бўлган шаҳарларда, илмий техник марказларда жойлаштирилайди.

Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг табиий кўпайини да-

ражаси юқорилиги, миграцион ҳаракати фаолсизлиги меҳнат захиралари кўплаб шаклланишига олиб келади. Шу сабабли уларнинг микдори кўп бўлган қишлоқ жойларда, шаҳарларда янги саноат корхона ва бошқа корхоналарни, маданий-маиший муассасаларни ташкил этиши зарур.

Аҳоли фақат ишчи кучи эмас, балки у энг аввало, «истеъмолчи» ҳамдир. Бу омилнинг роли эса ҳозирги кунда кескин ониб бормоқда. Шу сабабли истеъмол омили корхоналарни ўзига «тортади». Истеъмол омили фақат ҳалқ эҳтиёжи билан белгиланмайди. Ишлаб чиқаришнинг ўз талаби, бошқа хил маҳсулотларнинг кенг микдорда сарфланиши, уларни транспортда келтиришнинг иокулалиги ҳам буидай корхоналарни истеъмол районларида барни этишини назарда тутади.

Транспорт ҳам жуда муҳим, чунки у ишлаб чиқаришнинг бевосита давом эттирувчи тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун транспортнинг аҳамияти барча бошқа омиллар билан қўшилиб, уйгуилашиб кетади ва уни «соғ» ҳолда ажратиб олиш қийин. Шу билан бирга транспорт масаласи иқтисодий-географик омил билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бу обьектнинг энг аввало, ташки (худудий) иқтисодий муносабатларини англатади.

Илмий-техник тараққиёт омилиниң таъсири бир катор тармоқларни худудий ташкил этишда аниқ намоён бўлади. Масалан, машинасозлик, электротехника ва кимё саноат тармоқларига тегишли кўпгина корхоналар юксак даражада илмий техника қурдатига эга бўлган шаҳарларда жойлаштирилади.

Юқорида кўрилган омилларнинг аҳамияти катта. Аммо уларнинг барчаси провард натижада экологик омил билан «ҳисоблашишлари» керак. Ҳозирги кунда айрим саноат корхоналарининг ишлаши шу нуқтай назардан тўхтатилганлиги бежиз эмас. Экологик жиҳатдан кимё, ёғоч-целлюлоза, гўшт, консерва, чарм заводлари, иссиқлик электростанциялари аҳоли жойлашган марказлардан узокроқда бўлгани яхши. Бу омил билан ҳозирги кунда ҳисоблашмасдан иложи йўқ.

Бозор иқтисодиёти омилини ишлаб чиқарип тармоқларини худудий ташкил этишга нисбатан таҳлил этар эканмиз, унда бу борада анъанавий фикр юритиш тарзимиз тамомила ўзгариб кетади. Чунки бу шароитда нимага ихтисослашувни ва қаерда жойлаштиришини провард натижада бозор, рақобат, талаб ва таклиф белгилайди, давлат эса регионал (худудий) ва солиқ сиёсати орқали бу жараённи бошқариб ёки тартибга солиб туради.

Қисқача хуросалар

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучтарини жойлаштириш қонуниятлари ўзариши кўрсатилган. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари қўйидагилардан иборат: худудий ташкил этиш; худудий ихтисослашув; худудларнинг мажмуали (комплекс) ривожланини қонунлари. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шаклларига мужассамлашув, ихтисослашув ва кооперация киради. Ишлаб чиқариш қўйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади: хомашё, ёқилғи, электроэнергия, сув ва иқлим, ижтимоий-иктисодий, транспорт, илмий-техник тараққиёт ва экологик, бозор иқтисодиёти омиллари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиётига ўтгач ишлаб чиқаришни жойлаштиришда қайси омиллар муҳим роль ўйнайди?
2. Ишлаб чиқаришнинг худудий ихтисослашуви деганда нимани тушунасиз?
3. Қайси саноат тармоқлари хомашё маибаларага яқин қурилади?
4. Қандай омил приборсозлик ва электроника саноатини жойлаштиришга кучли таъсир этади?
5. Узбекистонда автомобиль заводини қуришда қандай омил ҳисобга олинган?
6. Экологик омил Марказий Осиё шароитида қандай аҳамиятта эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср интилмокда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
4. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
5. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. Ростов-на Дону, 2000.
6. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М, 2000.
7. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
8. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. – Ростов-на Дону: Веникс, 1997.
9. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
10. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. – -М., 1995.
11. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
12. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. – М.: Прогресс, 1998.
13. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
14. Страны мира. – -М.: Мысль, 1996.

II бўлим

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

III боб

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ

3.1. Дунё сиёсий харитасининг аҳамияти ва ўзига хослиги

Сиёсий хаританинг аҳамияти тояттаги катта бўлиб, у мамлакатларнинг ҳалқаро ўрнини, дунёда эгаллаган мавқенини, ички сиёсий-маммурӣ структураси хусусиятларини ўзида якъол акс эттиради.

Мамлакатлар ва ҳалқларнинг бутун ҳаёти уларнинг давлат (сиёсий) чегаралари белгиланган ўз худудларида ўтади. Уларни айнан шу йўналишда ўрганиш иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий географиянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бир томондан, дунё ва регионал муаммолар айрим мамлакатларнинг муаммоларидан ўсиб чиқади ва шаклланади, бошқа томондан эса, уларнинг ривожланиши бошқа кўплаб мамлакатларга бевосита катта таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримовнинг қўйидаги фикрини эслаш ўринлидир: «СССР иарчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ва интилишимиизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташки чегараларидаги Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган танглик ўчиғи алана олиб турибди»⁽¹⁾.

Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий танглик, Тожикистондаги бекарорлик бутун Марказий Осиёдаги минтақавий барқарорликнинг ҳолатига ҳам, жумладан, Ўзбекистонинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шу билан бир қаторда ҳалқаро ҳаётда сиёсий, иқтисодий (шу жумладан, саноат, транспорт ва бошқа соҳалардаги хўжалик қурилишлари), эгалик муаммоларини бир нечта давлатларнинг биргалиқдаги саъи-харакатлари, умумий маблағлар ҳисобига ҳал этиш йўллари тобора кўпайиб бормоқда. Бундай муаммолар ечими давлат чегараларидан ташқарига чиқмоқда, чегаралар эса давлатларни ажратиб турадиган тўсиқлардан ўзаро алоқа, ҳамкорлик чизиқларига айланмоқда. Лекин чегаралар очиқлиги давлат худудлари суверенитетининг тутаганлигини асло кўрсатмайди.

Мустақил давлатларнинг ташкил топини, шаклланиши, ривожланиши, шунингдек, уларнинг барбод бўлиши ёки суверенитетининг тутатилини, ўзгариши ёки тубдан ўзгартирилини ва бошқалар фоят мураккаб тарихий жараёнлар бўлиб, кўплаб ички ва ташки амаллар – сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, этник, диний ва бошқалар билан белгиланади. Бунда кўпинча мамлакатлар ва халқлар ҳаётининг мураккаб муаммолари қўп йиллар, баъзан асрлар давомида ечилмой қолади.

Халқаро муаммолар бўйича мутахассислар Ер шарида 300 га яқин жой (пункт) бўйича худудий, чегара ва бошқа масалалар юзасидан мунозаралар борлигини, шу жумладан, 100дан ортиқ шундай жой бўйича кучли низоли вазият мавжудлигини кўрсатадилар.

Дунёning аҳоли яшайдиган қисми (ўзлаштирилган қуруқлик) одамларнинг тез кўпайишига боғлиқ ҳолда тобора тор бўлиб қолмоқда. Кўтчилик давлатларда, биринчи нафбатда, Осиё ва Африканинг айrim мамлакатларида мавжуд чегаралар доирасида ер танқислиги ҳаддан ташқари мураккаб муаммога айланди. Уларда ернинг озиқ-овқат ишлаб чиқариш манбаи, аҳоли яшаш манзиллари жойлашадиган ва хўжалик ривожланиши учун фоят зарур ҳудуд сифатидаги қиймати ошиб бормокда. Бу ҳолат мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ривожланиши хусусиятлари ҳамда экологик вазиятнинг кескин ёмонлашуви, катта ер майдонларининг ишдан чиқиши (қисман абадий қайтмайдиган бўлиб), аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги билан узвий боғлиқдир.

Бундай аҳволга мисол тариқасида Хитой, Ҳиндистон, кўтчилик араб давлатлари, Тропик Африка мамлакатлари. Мисол тариқасида Бангладеш Республикасида юзага келган фожиали вазиятни кўрсатиш мумкин. Унинг майдони атига 144минг кв. км бўлиб, бу ерда 120 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Худуднинг 90% Ганг, Брахмапуртра, Мечхна дарёлари ва уларнинг кўплаб irmoқлари яратган ётқизиқларида ташкил тонган дельтадан иборат. Иссиқ ва фоят нам иқлимда «шоли тупроқлари» деб аталадиган бу ерлар ушбу мамлакатнинг энг қимматли ва деярли ягона табиий бойлигиdir. Айни пайтда, дунёning бирон мамлакати дарё тўрлари зичлиги, ҳар йили кўп марта содир бўладиган, катта моддий зарар етказадиган, худудининг катта қисмини сув остида қолдирадиган тошқинларнинг катта миёси бўйича Бангладешга тенглаша олмайди. Масалан, 1988 йил авгуаст-сентябрдаги сув тошқинлари мамлакатнинг 80% худудига ёйилган ва 30млн. аҳолининг бошпанасиз қолишига сабаб бўлган. Дунёда Цунани тўлқинлари каби денгиз стихиясининг

даҳнатли зарбаларига учрайдиган Бангладеш каби давлат тоғилмайди. Бу табиий офат ўн минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Масалан, 1990 йил кузидаги содир бўлган тошкни оқибатида, ҳисобларга кўра, 150 мингдан 300 мингтагача одам ҳалок бўлган.

Бангладеш аграр мамлакат бўлиб, деярли барча иқтисодий ва ижтимоий қўрсаткичлар бўйича дунёнинг энг камбағал ва қолоқ мамлакатларидан биридир. Ахолисининг табиий ўсиши ҳар йили 3 млн. кишидан (2,2%) кўпроқни ташкил этади, умумий сони эса 120 млн.дан кўпроқдир (1996). Ахолисининг ўртача зичлиги 1кв.км га 833 кишига тенг. Бу қўрсаткич худуди жиҳатидан унча катта бўлмаган Бангладешдек мамлакат учун ғоят катта. Булар қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг чуқурлашувига сабаб бўлмоқда. Чунки бирорта давлат Бангладешга бир қарич ҳам ер бермаслиги аниқ-ку, ахир. Афсуски, дунёнинг кўп районларида чегара, худудий масалалар доимо мураккаб муаммо бўлиб келган, улар айниқса сўнгги йилларда давлатлараро, миллатлараро низолар оқибатида ғоят кескинлашди.

Дунё сиёсий харитаси ғоят ўзгарувчан хусусиятга эга. У қўйидаги асосий сиёсий-географик ўзгаришларни акс эттиради: муайян давлатнинг бошқа давлат билан қўшилиши (бирлашибиши, бир давлатнинг бошқа давлат таркибига кириши в.б.); давлатчиликнинг (сиёсий суверенитетининг) йўқотилиши; давлатлар (мамлакатлар) майдонининг-худудлар ва акваториялар, улар чегараларининг ўзгариши; пойтахтнинг алмашиши (ўзгариши); давлат, мамлакат ва пойтахт номларининг ўзгариши; давлат бошқаруви шаклиниң ўзгариши ва бошқалар. Бу элементларнинг барчаси сиёсий географик хаританинг асосий мазмунини белгилаб беради.

3.2. Дунё сиёсий харитаси шаклланишининг хусусиятлари ва асосий босқичлари

 Шаклланиш босқичлари. Ҳозирги замон дунё сиёсий харитаси кишилик жамиятининг узоқ давом этган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ўзгариши, алмашинуви конуниятларини тўла акс эттиради. Дунё сиёсий харитаси (ДС) – тарихий даврларнинг кўзгуси, материклар, қитъалар, дунё сиёсий-иқтисодий бўлинишининг ўзига хос тасвиридир.

ДСнинг шаклланиши қўйидаги даврларга бўлинади: қадимги, ўрта асрлар, янги давр ва энг янги давр.

Қадимги давр (давлатларнинг дастлаб пайдо бўлишидан

милоднинг V асригача) қулдорлик тузуми даврини ўз ичига олади; Ер шариди биринчи давлатларнинг пайдо бўлиши ва ҳалокатини акс эттиради. Қадимги Миср, Карфаген, қадимги Греция, қадимги Рим, Ўрта Осиёда шакланган қадимги Хоразм, Бақтрия, Суғд ва бошқа давлатлар, Турк ҳоқонилклари (милоддан аввалги 207 йилдан милоднинг 216 йилигача Улув Хун империяси, Иккинчи Хун империяси милоднинг II-IV асри) каби қадимги давлатлар дунё цивилизациясининг ривожланишига катта хисса қўйганилар. Туркий халқларининг қадимги авлодлари бўлган хунлар (скиф) Марказий Осиё, Каспий бўйлари, Шимолий Кавказгача чўзилган ўз давлатларини барпо этганлар. Улар ўз ёзувига эга бўлишган, ҳарбий мақсадларда хариталардан фойдаланишган. Хун авлодлари Шарқий ва Фарбий Европага бориб, милоднинг 347 йилидан 469 йилигача Хунлар империясини тузганлар. Шу билан бир қаторда бу даврда ҳарбий юришлар, урушлар давлат чегаралари ва худудлари ўзгариши нинг асосий сабаби бўлган.

Ўрта асрлар даври (V-XV асрлар). Бу даврда ДС феодализм даври билан боғлиқ ҳолда шакланган. Қулдорлик империялари парчаланиб, уларнинг ўрнида кўп сонли катта ва кичик феодал давлатлар пайдо бўлди. Феодал давлатларнинг сиёсий функциялари қулдорлик давридаги давлатлардагига нисбатан анча мураккаб ва хилма-хил эди. Бу даврда ички бозор шакланди, регионларнинг бошқалардан ажralган ҳолда биқиқ яшашига чек қўйилди. Давлатларнинг ўзларидан узоқда жойлашган худудларни босиб олишга ҳаракат қилиш иштиёки кучаяди. Дунё материклари ва қитъалари турли давлатлар ўртасида тақсимлаб олинди.

Бу даврда муқаддас Рим империяси, Англия, Испания, Франция, Португалия, Киев Руси, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон-Туркистон ўлкасидағи феодал давлатлар ва бошиқалар мавжуд бўлган. Шу жумладан, Ўрта асрлар дунё сиёсий харитасида Мовароуннахрнинг илк феодал давлатлари (Суғд, Тоҳристон, Фарғона, Чоч, Хоразм ва бошиқалар), IX-XIII асрдаги феодал давлатлар (Карлуклар, Тоҳирийлар, Самонийлар Коронийлар, Хоразм давлатлари ва бошиқалар), Чифатой усули (XIII-XIV аср), Амир Темур ва Темурийлар давлатлари (XIV асрнинг охири XV аср боши) катта салмоққа эга бўлганлар. Бу давлатлар жойлашган ўрни Буюк ипак йўли билан боғлиқ бўлган қулайлигидан феодаланиб, Фарб ва Шарқ ўртасидағи алоқаларда ўзига хос Карвон йўли «Қўприги» (алоқачиси) ролини ўйнаганлар. Шу билан бир қаторда Ўрта Осиё саҳролари уларни ажратувчи, карвон савдоси учун тўсиқ функцияни ҳам бажар-

ғанлигини таъкидлаш лозим. Дунё сиёсий ва иқтисодий харитаси шакланишининг янги даври (XV-XVI аср орлиғидан биринчи жаҳон уруши тугаганига қадар) капитализм пайдо бўлган, ривожланган ва қарор топган бутун бир тарихий даврга тўғри келади.

Феодализмнинг емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ва дунё сиёсий харитасида муҳим ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида буюк географик қашфиётлар алоҳида ўрин эгаллайди. У феодал ишлаб чиқариш муносабатларидан капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўтишининг асосий омилларидан бири хисобланади. Буюк географик қашфиётлар қатор иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнлар ва воқеаларнинг якуний натижаси сифатида тайёрланган эди. Ўрта ер денгизи бўйи савдосининг ишқирози ва муомала воситаси ҳисобланган олтин ва кумушнинг етишмаслиги, Туркия Ўрта ер денгизи қирғоқларипи забт этиши европаликларни Шарққа, айниқса, Хиндистонга борадиган янги йўлларни излаб топишга мажбур этди. «Олтинга ташналиқ» эса янги ерларни қидиришга унади. Португаллар Африка қирғоқлари, Хиндистон, Ўзоқ Шарқда, испанлар эса Атлантика океанидан кесиб ўтиб, Америкада «олтин» қидирдилар. Буюк географик қашфиётларнинг тайёрланиши Европа қитъасининг капитализм ватанини учун яратилган қуидаги шарт-шароитлар билан узвий боғлиқлар.

- товар-пул муносабатларининг ривожланиши;
 - марказлашган йирик давлатларнинг ташкил тоиниши;
 - янги ерларни қашф этиш ва ўзлаштириш учун тайёр кадрларнинг мавжудлиги;
 - техник имкониятлар, биринчи навбатда Каравелла (учёки тўрт мачтали елканли кема), ихтиросли ва компасли хариталардан фойдаланиши;
 - ўсмонли турклар томонидан Шарқий Ўрта ер денгизининг забт қилиниши ва европаликларнинг шарққа янги йўллар топишга мажбур бўлганлиги;
 - фан ривожи, айниқса, «Астрономия» ва «География» фанларининг ютуқларига таяниб, испанлар ва португаллар буюк географик қашфиётнинг қашлофлари (пионерлари) бўлдилар. Португаллар Африкани айланиб, Хиндистонга, испанлар эса Янги дунё (Америка)га денгиз йўлларини очишга эришдилар. Булар оламицумул аҳамиятига эга қашфиётлар эди.
- Буюк географик қашфиётлар қаторига кирадиган қуидаги саёҳатларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. 1492-1502 йиллари Американинг европаликлар учун кашф этилиши (Х Колумбнинг Марказий Америка ва Жанубий Американинг шимолига саёҳати). Испания томонидан Американинг колонизациясининг бошланиши;

2. 1498 – Веска да Гомланинг Африкани айланиб ўтган денгиз саёҳати;

3. 1499-1504 йиллар Америкко Веспуччининг Жанубий Америкага саёҳати;

4. 1519-1522 йиллар – Магеллан ва шерикларининг дунё айланаси бўйлаб саёҳати;

5. 1648 йил Семен Дежуевнинг саёҳати (Россия - Сибирь);

6. 1740 йил В.Беринг ва П. Чириков саёҳатлари (Сибирь);

7. 1771-1773 йиллар - Дж. Кук саёҳати (Австралия, Океания).

Буюк географик кашфиётлар даври дунё сиёсий ва иқтисадий харитасида кучли ўзгаришлар бўлишига олиб келди. У Европа мустамлакачилар босқичининг бошланиши, дунё хўжалик алоқаларининг кенг тарқалиши, аҳоли кўчиши ҳаракатларининг кучайишига сабаб бўлди. Буюк географик кашфиётлар, биринчидан, дунёнинг биринчи учта йирик мустамлакачи давлатлари – Испания (Америкада), Португалия (асосан Осиёда) империяларининг пайдо бўлишига, иккинчидан, дунё савдосининг вужудга келиши ва дунё бозорининг шаклланишига олиб келди. Шу муносабат билан асосий савдо йўллари, дунё савдосининг асосий ҳажми ва ўналиши қуруқлик (карвон) йўллари (шу жумладан, Буюк Ипак йўли ҳам), ички денгиз йўллари ва уларга туташ мамлакатлардан Атлантика ва Ҳинд океанига кўчди. Испания, Португалия, Англия, Голландия, Франциянинг иқтисодий географик ўрни яхшиланди. Лиссабон ва Севилья, сўнгра Антверпен ва Амстердам Европанинг йирик денгиз портларига айланди. Айни пайтда қитъа ичкарисида жойлашган шахарлар, масалан, шимолий Италия шаҳарлари оғир ахволга тушди, қуруқлик карвон йўлларининг аҳамияти аинча пасайди. Темурийлар давлатининг инқизози ва парчаланиб кетиши ҳам айни юу даврга тўғри келди. Ёвропанинг арzon олтин ва кумуш оқимлари кириб келиши XVI асрда товарлар нархи бир неча маротаба кўтарилишига, оқибатда, савдо саноати буржуазиясининг тез бойишига олиб келди. Саноат молларини четга чиқарувчи мамлакатлар (Нederlandия, Англия, Франция) тез фурратда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар. Аксинча Испания ва Португалияда осонлик билан олиб келинаётган мустамлака ўлжалари феодал муносабатлар, черковнинг сақланишига, ўз хунармандчилиги ва мануфактурасига путур етказишга, оқибатида ўзларининг аввалги аҳамиятини йўқотиши ва рақобатчи-

ларидан ҳарбий мағлубиятга учрашига сабаб бўлди. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошида ташкил тонган Амир Темур ва Темурийлар давлати Ҳиндистон ва Хитойдан қора денгизга қадар ва Орол денигиздан форс қўлтиғига қадар ғоят катта худудни эгаллаган давлат эди. Унинг дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаритаси шаклланишига таъсири бу улкан худуд билангида чегараланмаган. Бу давлат яна Жанубий - Шарқий ва кичик Осиё, Сурия, Миср, Куйи Волга, Дон бўйлари, Шимолий Кавказ, Балхош қўли ва Или дарёси бўйлари, Шимолий Ҳиндистонгача бўлган кўплаб мамлакатларни ўзига бўйсундирган қудратли давлатга айланган эди. Амир Темур Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий савдо йўли - «Буюк ипак йўли»ни назорат қилиб, Шарқ билан Farb ўртасидаги савдо-сотиқ ва элчилик алоқларини ҳар томонлама ривожлантиришига катта ҳисса қўшди. Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалаба қозониб, Олтин Ўрдага берган қақшаткич зарбаси (1395 й.) Россия давлатининг мустақиллигини сақлаб қолиш ва унинг марказлашувида буюк аҳамият касб этганлиги тан олинган ҳақиқатдир. Соҳибқироннинг Боязид устидан ғалабаси эса (1402 й.) Европани Усмонли турк империяси асоратидан сақлаб қолди.

Лекин Темур вофотидан кейин ворислари тожу таҳт ташашви, шунингдек, Буюк ипак йўлининг ҳалқаро савдо (карвон) йўли сифатидаги аҳамияти кескин пасайиши (буюк географик қашфиётлар, айниқса, янги денигиз йўлларининг очилиши ва денигиз транспортидаги тараққиёт билан боғлиқ ҳолда) ушбу улкан давлатнинг парчаланишига олиб келди. Унинг ўрнида кўплаб катта-кичик давлатлар пайдо бўлди. Ҳусусан, Мовароннахр ва Хурросонда Шайбонийхон давлати (XVI аср бошлирида) ташкил топди. Унинг парчаланган худудларида эса XVI асрда Бухоро ҳонлиги (амирлиги), Хива ҳонлиги, XVIII аср бошида Кўқон ҳонлиги вужудга келди. XIX асрнинг ўрталарида бошлаб Россия империяси ўзбек ҳонликларини босиб олиш учун кенг ҳарбий-сиёсий тайёргарлик кўришига кириди. XIX асрнинг 40-йиллари охири, 50-йиллари бошидан Россия империяси Туркистон ерларига шиддат билан бостириб кела бошлади. Рус истилочи қўшинлари кенг кўламдаги ҳарбий ҳаракатлар билан 60-йиллардан Кўқон ҳонлиги, Бухоро амирлиги, 70-йилларнинг бошида эса Хива ҳонлиги худудларини босиб олди ва уларни Россия империясига тўла бўйсундирди. Туркистон улкан вилоят, волост, участка ва оқсоқолликларга бўлинниб бошқарилди. Россиядан кўплаб рус дехқонлари ва ерсиз мужиклар кўчирилиб келтирилиб, уларга камида 10 десятинадан ер

ажратиб берилди. Мустамлакачилар рус империялари, хутор ва селолар, шаҳарлар ёнида эса руслар учун «янги шаҳарлар» барпо этишга алоҳида эътибор берди. Туб жой ахолисининг турмумши эса тобора оғирлашиб бораверди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё учун бир асрдан кўироқ давом этган оғир мустамлакачилик даври бошланиди XVII асрнинг биринчи ярмида Англия ва Франция мустамлакачилик ҳаракатини бошладилар. Улар Вест-Индиядаги қатор оролларни ўзларига бўйсундирди, Шимолий Америкада ўзларининг кўчма колонияларини ташкил қилдилар. XVII асрнинг ўртасида Нидерландия, Голландия, Осиёдаги Португалия мустамлакаларини (Целлон, Хиндистон денгизи қирғозларидаги таянч пунктлар, қатор Зонд ороллари), Африка жануби, Суринам, Вести-Индиядаги оролларни босиб олиб, дунёнинг биринчи мустамлакачи ва савдо мамлакатига айланди. Лекин XVII асрнинг иккинчи яримидағи Англия, Галландия урушлари Голландияни сезиларли кучсизлантириди. Мустамлакалар учун Англия билан Франция ўртасидаги кураш XVII аср охиридан XIX асрнинг бошларигача давом этди. Англия ўз мустамлакаларини француздар ҳисобидан Шимолий Америкада ва Хиндистонда кенгайтирди. Франция қарамоғида факат кичик мустамлакаларгина сақланиб қолди. Англия шиддатли кураш орқали Испания, Нидерландия, Франциядан қўплаб мустамлакаларни тортиб олди. Уларнинг умумий майдони 22 млн. кв. км.дан ортироқ бўлиб, Хиндистон, Канада, Австралия, йКанубий Африкани ўз ичига олган эди. Бутун «етук» капитализм даври мобайнида Англия дунёда ўзининг саноат, савдо, молия ва харбий хукумронлигини сақлаб қолди. Лондон дунёнинг энг йирик шаҳари, порти, банк марказига айланди. 1870 йилда Англия ҳиссасига дунё саноат ишлаб чиқаришининг 1,3 қисми тўғри келган ва Британия мустамлака империяси дунё сиёсий ва иқтисодий харитасининг шаклланишига энг катта таъсир кўрсатган. XIX асрнинг ўрталарида Хиндистон тўлиқ Англия мустамлакасига айланди. Хиндистонга борадиган денгиз йўлидаги барча таянч пунктлар (Маврикий ороли, Африканинг жанубий қирғози), мамлакатнинг жанубий қирғози, Сингапур босиб олиди, Австралия ва Янги Зеландия устидан тўлиқ хукумронлик ўрнатишиди.

XVIII асрнинг охирига келиб Лотин Америкасида Испания ва Португалияниң талончилик сиёсати салбий оқибатлари якқол кўрина бошлади. Озодлик урушлари билан боғлиқ ҳолда XIX асрнинг биринчи чорагида Испания мустамлакаларида (Янги Испания, Янги Гренада, Перу, Ла-Плата) йигирмага яқин давлатлар тизими пайдо бўлди. Бу мамлакатлар иқтисодиётига чет эл капитали кенг миқёсда кириб кела бошлади.

Англияning мустамлакалар иқтисодий ривожланишини метрополия манфатлариға тұла бўйсундиришига ҳаракати Шимолий Америка мустамлакаларида кучли норозилик уйғотди. Масалан, 1775-1783 йилларда озодлик учун олиб борилган уруш Англияning АҚШ мустақиллигини тан олишга мажбур этди. 1776 йилда АҚШ мустақиллiğiниң эълон қилинди. Унинг таркибига 13 инглиз мустамлакалари кирди. Мустақилликка эришгач, АҚШ да бопқа давлатларга нисбатан капитализмнинг көнгайиши ва чукурлашуви учун нихоятда қулай вазият юзага келди. XVIII асрнинг охиридан бошлаб АҚШ Аппалачи тоғларидан гарбда жойлашган индеец қабилалари яшайдиган худудлар колонизацияси күчайтируди, XIX асрнинг биринчи яримида АҚШ ерларни сотиб олиш ва забт этиш ҳисобига ўз худудларини анча көнгайтируди. 1803 йилда Франциядан Гарбий луизианани (майдони 2,5 млн. кв. км.), 1819 йилда Испаниядан Флоридани сотиб олди. Мексикадан Техас (1845й), Калифорния ва ғояли тоғларнинг жанубини (1848й) ўз ичига олган катта худудлар тортиб олинди, 1846 йилда көнг Орган вилояти мамлакатининг шимоли-гарби қўшиб олинди, 1867 йилда Россиядан Аляска сотиб олинди. Шундай қилиб, АҚШнинг тез ривожланиши учун қулай шартшароитлар юзага келди. Унинг дунё саноати ишлаб чиқаришидаги салмоғи 1870 йилга келиб 14% га етди.

XIX асрнинг ўрталарида Германия ва Италияда сиёсий бирлашиш асосида ягона марказлашган давлатлар ташкил тоиди. Болқон ярим оролида миллий озодлик ҳаракати асосида Туркия империяси таркибига кирган Греция (1829й.), Руминия (1861й.), Болгария, Сербия, Черногория (1878й.) давлатлари пайдо бўлди.

XIX асрнинг охирги чорагига келиб Россия дунёning йирик мустамлакачи давлатлари қаторида турад әди. У янги асрда Рус давлатидан кўплаб туташ мамлакатларни истило қилиш асосида йирик Россия империясига айланди. 1876 йилда унинг мустамлакалари майдони 17 млн. кв. км. бўлиб уларда яшайдиган аҳоли 15,9 млн. нафарга етган әди. Уша даврда Россия дунёning Буюк Британиядан кейинги иккинчи мустамлакачи империяси ҳисобланарди.

Айниқса, XIX-XX аср туташган даврда бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш учун кураш ғоят кескинлашиб, дунё сиёсий ҳаритаси бекор бўлиб қолди. Масалан, 1876 йилда Африканинг атиги 10% худуди гарбий Европа мамлакатларига қарашиб бўлса, 1900 йилга келиб бу кўрсаткич 905 га етди. Африкани бўлиб олишда биринчи ўринни Англия эгаллади. У Шимолий Шарқий ва Жанубий, қисман Гарбий Африкада хукумрон мавқега эга

бўлди ва ўзига Миср, Судан, Кения, Уганда, Сомолининг бир қисми, Беиуаналенд, Шимолий ва Жанубий Родезия, Трансваль ва Туксарик (Оранжевая), Бур Республикалари, Нигерия, Олтин қирғоқ (Гана), Съерра - Леоне, Гамбия мамлакатларини бўйсундирди.

Франция 70-йилларгача Жазоир, Сенегал, Гвинея қўлтиги қирғоқларининг бир қисмини босиб олган бўлса, Африкани бўлиб олиш даврида яна Тунис, Марокка, Гвинея қўлтиги қирғоқлари, Нигер, Конго хавзаси, Чад кўли райони, Мадакаскар, Сомолининг бир қисмини забт этди ва Шимолий ва Фарбий Африкада йирик мустамлака массивини барни қилди.

Бу даврда Германия, Италия ҳам Африкада мустамлакалар босиб олишини бошлади. 1884 йилда Германия Жануби-Фарбий ва Шарқий Африка (Танганика), Камерун, Тогони истило этди. Италия Эритреяни, Сомолининг бир қисмини босиб олди. 1911-1912 йиллардаги Туркия, Ливия уруши оқибатидаги Кичик Осиё қирғоқларидағи ороллар гуруҳига эга бўлди. Бепоён ва хилма-хил ресурсларга бой Конго худудлари Бельгия эгалигига ўтди. Африкани бўлиб олиш даврида Португалия, Ангола ва Мозамбик худудларини кенгайтирди, Испания Фарбий Сахрои Кабир, Испания Гвинеяси (Рио Муни), Шимолий Марокканинг бир қисмини забт этди.

Шундай қилиб, бутун Африка қитъасида номигагина иккита мустақил давлат сақланиб қолди. Буларнинг бири Абиссиния (Эфиопия) бўлиб, у Италияга қарши зарба беришга муваффақ бўлган эди. Иккинчиси – Либерия эса 1847 йилда Америка мустамлака жамияти томонидан асосланган бўлиб АҚШ нинг норасмий протекторати ҳисобланарди.

XIX асрнинг охирида АҚШ ҳам мустамлакалар босиб олишга киришди. 1898 йилдаги Испан – Америка уруши натижасида у Испаниядан Филиппин, Гуам ороллари ва Пуэрто-Рикони тортиб олди.

Куба расман мустақил деб тан олинишига қарамай, амалда у АҚШ нинг ярим мустамлакасига айланган эди. АҚШ ўзига Гавайи оролларини қўшиб олди, Самоа оролларини Германия билан бўлиб олишди, Панама канали зонасини истеҳкомлар ва ҳарбий-дениз базасини қуриш хуқуқи билан ижарага олди. Оканияни бўлиб олиш ҳам тутгалланди: Англия Фиджи оролларини, Салмон оролларининг бир қисмини, Франция, Таити, Янги Каледания оролларини, Германия Янги Гвинея оролларининг Шимолий-Шарқий қисмини, Бисмарк оролларини, Саломон оролларининг бир қисмини, Маршал оролларини босиб олдилар. Германия Испаниядан Марин ва Королгин оролларини сотиб олди.

Япония узоқ Шарқда мустамлакалар истило қилишини бош-

лади. 1895 йилда Хитойдан Тайвоңы оролини тортиб олди, Кореяни босиб олди ва 1910 йилда уни ўзининг мустамлакаси деб ўзлон қилди. Рус-Япон урушидан кейин Япония Сахалин оролининг Жанубий қисмида, Күриль оролларида мустахкам ўрнашди. Мустамлакали давлатлар Хитойни ярим мустамлакага айлантирилар, унга тенг бўлмаган шартномаларни мажбуран қабул қилирдилар ва шу асосда унинг худудларида «таъсир соҳалари», концепциялар тузишли. XIX асрнинг иккинчи ярмида Франция Вьетнам, Лаос, Камбоджани ўз ичига олган Француз Хинди Хитойни мустамлака колониясини барпю этди. Англия Юқори Бирма, Барнео оролининг Шимолини забт этди, Малайхдаги мустамлакаларини кенгайтириди. XX асрнинг бошида Туркия хўқмронлигига қарши миллий озодлик ҳаракатлари Блокли ярим ороли сиёсий ҳаритасида ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Албания мустақилликка эришибди, Болгария Эгей денгизига чишишга, Греция ва Сербия эса ўз худудларини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, дунё сиёсий ҳаритаси шаклланишининг янги аср давридаги асосий мазмунини мустамлакалар босиб олиш, метрополия (мустамлакачи) давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабат ва нисбатлар белгилаб берди. XX аср бошида дунё тўлиқ бўлиб олинди. 1914 йилда мустамлакачи империялар мустамлакаларининг умумий майдони 74,9 млн. кв. км. (жами ер юзаси қуруқлик худудларининг 56%и), улардаги аҳоли 530 млн. кишига (дунё аҳолисининг 35%и) етди. Англия мустамлакалари майдони 33,5 млн. кв. км. (дунё мустамлакаларининг 44,7%и), уларнинг аҳолиси 393,5 млн. киши (мустамлака аҳолисининг 74,2%и), Россия шунга мос ҳолда - 17,4 млн. (23,3%) ва 33,2 млн. (6,3%); Франция-10,6 млн. (14,1%) ва 55,5 млн. (10,5%); Германия-2,9 млн. (3,9) ва 12,3 млн. (2,3%); АҚШ-0,3 млн. (0,4%) ва 9,7 млн. (1,8%); Япония-0,3 млн. (0,4%) ва 19,2 млн. (3,6%) бўлган. Метрополия ва мустамлакалар майдони ва аҳолиси ўртасидаги нисбат тегишлича қуйидаги миқдорда ортиқ бўлган: Буюк Британияда 100 ва 8,8 марта ва 0,2%, Нидерландия-67 ва 7,4, Португалия -21 ва 1,5, Франция-21 ва 1,3, Бельгия -80 ва 2,8 марта, Дания - 5 марта ва 4,2%, Германия 5 марта ва 21%, Испания-40% ва 3,8%, Италия -1,7 марта ва 2,2%, АҚШ-24,4% ва 11,6%. Шу даврдан бошлаб дунёни қайта бўлиб олиш фақат уруш ва зўравонлик воситасида амалга ошиши мумкин эди. Шу сабабдан дунёнинг етакчи мамлакатлари ўртасида бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш учун кураш тобора кескинлашди.

Энг янги давр биринчи жаҳон урушининг тугаши ва 1917 йил Россияда Октябр тўнтаринидан бошлаб то ҳозирги кун-

ларгача бўлган даврни қамраб олади. Бу давр қўйидаги уч босқичга бўлинади.

Биринчи босқич (117-1939 йиллар) дунё харитасида СССР (социалистик империя)нинг пайдо бўлиши, Европада ва дунёнинг бошқа қисмларида муҳим ҳудудий ўзгаришларнинг содир бўлиши билан характерланади. Австрия-Венгрия империяси парчаланди, кўп давлатларнинг чегаралари ўзгарди. Янги мустақил мамлакатлар - Польша, Финляндия, Чехословакия, Югославия (Сербия, Хорватия, Словения қиролликлари) ва бошқалар пайдо бўлди. Буюк Британия, Франция, Бельгия, Япония мустамлакалари кўпайди ва қенгайди. Германия мустамлакалари (3 млн. кв. км.) ғолиб давлатларга вассиийликка (амалда мустамлакага) бўлиб берилиди. Масалан, Танганьика Англияга «мандат» га берилди. Того ва Камерун эса Англия ва Франция ўртасида бўлиб олинди. Жануби-Фарбий Африка-ЖАРГа, Шимолий Шарқий Янги Гвинея-Австралия Иттифоқига, Каролин, Мариан, Маршалл ороллари-Японияга, Фарбий Самоа ороллари-Янги Зеландияга, Науру ороллари - Англия, Австралия, Янги Зеландияга берилди.

Россияда большевиклар яккабошчилиги остида совет ҳокимияти ўрнатилигандан кейин Туркистонда ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Тарихан таркиб топган ҳалқларнинг ягона иқтисодий, маданий макони, мавжуд сув ресурслари, сув, суғориш тизимлари ва бошқаларнинг умумийлиги ҳисобга олинмай, Марказий Осиёни бўлиб ташлаш, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирилиги, Хива хонлиги ўрнида янги тузилмаларни вужудга келтириш асосида мустамлакачиликни янада мустахкамлаш Шўролар империяси сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Дастреб Туркистон мухторияти (1917 й. ноябрь-1918 й. февраль), Туркистон АССРнинг тузилиши (1918 й. апрель), Бухоро амиригининг тугатилиши (1920 й. август) ва Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси (1920 й. октябрь) тузилиши (1920 йил бошлари) ва Ҳоразм Ҳалқ Совет Республикаси (1920 йил апрель) тузилиши, сўнгра миллий-давлат чегараланишининг амалга оширилиши ушбу сиёсатнинг натижаларидир. В.И. Ленин Туркистонни, «Узбекия, Киргизия, Туркманияга бўлинган харитасини тузиш тўғрисида кўрсатма берди. 1924 йилда Туркистон, Бухоро ва Ҳоразм Совет Республикалари ўрнида Узбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тоҷикистон АССР, (Узбекистон ССР таркибида), Қорақирғиз (Кирғиз- вилояти (РСФСР таркибида) ва Қорақалпоқ автоном вилояти (Қозогистон АССР таркибида) ташкил этилди. Тил ва миллий тафовутларни атайлаб бўрттириб кўрсатиб, айни ҳолда тарихий, иқтисодий, маданий, диний

бирликни ҳисобга олмасдан тузилган янги республикалар «бўлиб ташла, хукумронлик қил»деган мустамлакачилик принципига асосланган эди. Улар Россия империяси давридагидек метрополияга арzon хомашё етказиб бериладиган мустамлакалар бўлиб қолаверди. Булардан ташқари 1918 йилда Латва, Литвия, Эстония (Россия империяси), Яман (Туркия империяси мухтор ҳудуди), 1919 йилда Авғонистон (Британия империясининг экспонијаси обьекти) мустақиллиги эълон қилинди.

1920 йилда Антанта (ғолиблари) мамлакатлари томонидан Сан-Ремо конференциясида Туркия империясининг араб мамлакатларицаги мустамлакалари мандатлари бўлиб олинди. Англияга Фаластин, Трансиордания, Месопатамия (Йроқ), Францияга Сурія ва Ливан берилди. Хиджаз мустақил араб давлати сифатида тан олинди. (у 1925 йилда Неджз давлати томонидан босиб олинган эди). 1926 йилда «қўшилган вилоятлар билан Хиджаз ва Неджз» қироллиги ташкил топди ва унинг номи 1932 йилда Саудия Арабистони деб ўзгартирилди.

1923 йилда Непал мустақиллиги эълон қилинди, лекин у мустақил тараққиёт йўлига иккинчи жаҳон урушидан кейингина ўтди.

30-йилларда дунёнинг қайта бўлиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳарбий низолар муттасил давом этди. 1931-1932 йилларда Япония Хитойдан Манвчжурия ва Ички Монголиянинг бир қисмини тортиб олди, 1937 йилда Хитойни босиб олиш учун уруш бошлади. Италия 1935-1936 йилларда Абиссинияни (Эфиопия), 1939 йилда Албанияни истило қилди. Гитлер Германияси 1938-1939 йилда Австралияни босиб олди, Чехословакияни бўлиб ташлади. 1939 йил сентябрда Германия Польшага хужум бошлади. Польша эса шартномалар орқали Франция ва Англия билан боғланганлиги сабабли, бу уруш иккинчи жаҳон урушининг бошланишига олиб келди. Уруш давомида Германия қатор Европа мамлакатларини босиб олди. 1941 йилда Япония Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океанига бошқа империяларининг мустамлакаларини босиб олиш учун ҳарбий ҳараратларни бошлади, 4млн. кв. км. худудни унда яшайдиган 150 млн. киши билан ишғол қилди. Иккинчи жаҳон урушида Германия ва Япониянинг мағлубиятига боғлиқ ҳолда дунё сиёсий харитасида муҳим ўзгаришлар юз берди.

Иккинчи босқич (1939-1990й.) Европа сиёсий харитасида юз берган ўзгаришлардан ташқари, социалистик эксперииментнинг кенгайиши (Европа ва Осиёдаги айrim давлатларнинг социалистик йўлга ўтиши), империализм мустамлакачилик тизимиning емирилини оқибатида Осиё, Африка, Лотин

Америкасай (Кариб региони) океанияда 100дан ортиқ мустақил давлатнинг барпо этилиши билан характерланади. Мустамла-качилик тизимининг барбод бўлиши, миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши, халқларнинг мустақиллик учун курашлари дунё сиёсий харитасини тубдан ўзгаририб юборди.

1943 йилда Ливон ва Суря;

1944 йилда Испания;

1945 йилда Индонезия (Нидерланди Ост-индияси худудида);

1946 йилда Филиппин ва Нердания мустақилликка эришилар;

1947 йилда Хинди斯顿 диний принципга асосан иккита доминион-Хинди斯顿 ва Покистонга бўлинди;

1950 йилда Хинди斯顿;

1956 йилда Покистон Республикалари эълон қилинди;

1947 йилда БМТ бош Ассамблеяси Фаластин худудида иккита мустақил Араб ва яхудий давлатларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1948 йилда Истроил давлати ташкил этилди, лекин кўп сабабларга кўра, ҳозиргача Фаластин араб давлати тузилмади. 1949 йилда собиқ Германия худудида ластлаб ГФР (АҚШ, Англия, Франция ишғол зонасида), сўнгра ГДР (СССР зонасида) тузилди. Фарбий Берлин эса мустақил сиёсий мақомга эга шаҳарга айлантирилди. СССР чегараларида баъзи ўзгаришлар юз берди: Закарпат Украинаси, собиқ Шарқий Пруссиянинг бир қисми (1946 йилдан Калининград вилояти), Печенга вилояти, Жанубий Сахалин, Куриль ороллари СССР таркибига кирди. Польшага унинг ерлари-Селезия, Поморье, Гданьск вилоятлари қайта қўшилди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда дунё сиёсий харитасида Ветнам (1945й) КХДР (1948), Хитой Халқ Республикаси (1949й), 1948 йилда Бирма ва Цейлон (1972 йилдан Шири Ланка), 1953 йилда Лаос ва Камбоджа пайдо бўлди. 1997 йилда Малоя Федерацияси тузилди. 1963 йилда Сингапур, Сабоҳ, Саравак билан биргаликда Малайзия Федерацияси таркибига кирди. 1965 йилда Сингапур мустақил республика деб эълон қилинди. 60-йилларнинг биринчи ярмида инглиз мустамлақалари Кипр, Кувайт, Мальдов ороллари, 1967 йилда Жанубий Яман, 1971 йилда Бахрейн, Катар, Бирлашган Амирликлари (БАА), шунингдек, Бангладеш (Шарқий Покистон) мустақил бўлди. БАА таркибига Англия протекторлигидаги 7 амирлик кирди. 1976 йилда Шимолий ва Жанубий Въетнам ягона давлатга бирлашди. 1975 йилда Лаосда Монархия афдарилиб Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Африканинг

чоғи та яқин ҳудуди ва 75% аҳолиси мустамлака асоратида эди. Бу срда фақат учта мустақил давлат (Жанубий Африка Иттифоқиниң ҳисобламаганда) – Эфиопия, Миср, Либерия мавжуд болған. Ҳозир уларнинг сони 50 дан кўпроқдир. Биринчи бўлиб инномий Араб мамлакатлари мустақил бўлдилар: Ливия (1951), Марокка ва Тунис, Судан (1956), ундан сўнг Тропик Африкада опрични бўлиб Гана (1957), сўнгра Гвинея (1958). 1960 – «Африка йили» дан бошлаб (шу йили 17 Африка мамлакати мустақил бўлди) мустамлакачиликнинг нарчаланиши жараёни тарзи бониқа материкларда ҳам ниҳоят даражада тезлашди (ҳатто, Европада ҳам: 1964 йилда Мальта мустақил бўлди).

Лотин Америкаси сиёсий харитасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. 1959 йилда Куба ривожланишининг социалистик нулига кирди. 1962 йилда инглиз мустамлакалари ўрнида мустақил давлатлар – Тринидад ва Табаго, Ямайка, 1966 йилда Гайана (Собиқ Британия Гвианаси) ва Барбадос, 1973 йилда – Багам ороллари, 1974 йилда – Гренада, 1978 йилда Доминика, 1979 йилда Сент-Висент ва Гренадина, Сент-Люсия пайдо бўлди. 1975 йилда Нидерландия мустамлакаси Суринам мустақилликка эриди.

Океания сиёсий харитасида ҳам чўқур ўзгаришлар содир бўлди. 60-йилларда Фарбий Самоа ва Науру (БМТ нинг собиқ восьи ҳудудлари), 70-йилларда – Тонга, Фиджи, Саломон ороллари, Тувал, Кирибати, Попуа-Янги Гвинея, 1980 йилларда – Ванатуту (инглиз-француз кондоминиуми – Янги Гибралтар ороллари ўрнида ва бошқалар мустақил давлат бўлдилар).

Учинчи босқич 1990 йиллардан то ҳозирга қадар давом этетир. Бунда қуйидагилар дунё ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатди ва дунё ҳаритасида муҳим янги сифат ўзгаришлари содир бўлишига олиб келди:

- 1991 йилда СССР нинг парчаланиши, унионг таркибидағи барча иттифоқдош республикаларда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши;

- Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг (МДҲ) ташкил топиши;

- Шарқий Европа мамлакатларида тинч йўл билан ҳалқ - демократик инқиlobининг ғалаба қилиши (1989-1990 йиллар);

- 1991 йилда Варшава шартномаси ташкилоти (харбий) ва ўзаро ёрдам иқтисодий кенгайиши фаолиятининг тўхтатилиши. Улар Европа ва дунёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга доимо жиiddий таъсир кўрсатиб турган эди;

- 1990 йил З октябрь - иккى немис давлатининг (ГФР ва ГДР) ягона давлатга бирлашуви;

- Югославия Социалистик Федератив Республикасининг парчаланиши, Словения, Босния ва Герцоговина, Харватия Югославия Иттифоки Республикаси (таркибида Сербия ва Черногория) мустақиллигининг эълон қилиниши. Ҳозирги давом этат ётган фуқаролар уруши ва миллатлараро низолар билан боғлиқ бўлган собиқ федерациянинг жиҳдий инқизорзи;

- 1990 йил май ойида икки араб давлати — Яман Араб Республикаси (ЯАР) ва Яман Халқ Демократик Республикаси (ЯХДР) миллий-этник асосларда бирлашди (Яман Республикаси, пойтахти - Саня шахри);

- 1990-91 йилларда мустамлакачиликнинг барбод бўлиш жараёни давом этиб, қуйидагилар мустақилликка эришдилар: Намибия (Африкадаги энг сўнгги мустамлака); Океанияда янги давлатлар — Микронезия Федератив Штатлари (Каролин ороллари), Маршал ороллари Республикаси пайдо бўлди;

- 1993 йил 1 январда собиқ Чехословакия парчаланиб, иккита мустақил давлат — Чехия ва Словакия вужудга келди;

- 1993 йил - Эритерия давлатининг (Эфиопиянинг қизил денгиз қирғоидаги собиқ провинцияси) мустақиллиги эълон қилинди.

Дунё сиёсий харитасининг келажакда ўзгариш миқёслари кўп миллатли мамлакатларда этник-миллий жараёнларнинг ривожи йўналишига, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг характерига bogлиқ.

3.3. Давлат тузими ва давлат тузилиши

Зарур.
Мустақил мамлакатлар давлатни ташкил этишининг турли шаклларига эга. Улардан энг муҳими давлат тузими — У монархия ва республика бўлиши мумкин.

Ҳокимликнинг республика шаклида давлат ҳокимияти-пинг олий органлари сайланади ёки умуммиллий вакиллар мусассаси-парламент томонидан тузилади. Республика тузимида қонун чиқарувчи ҳокимят — парламентга, ижория ҳокимият хукуматга тегислидир. Бунда Президент жуда катта ваколатга эга бўлган ва хукуматни бошқарадиган Президент республикаси (АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатларининг айримлари) ва Президентнинг роли камроқ, хукуматни эса бош вазир бошқарадиган парламент республикалари бир-бирларидан фарқ қиласи. Ҷунёда бундай республикалар сони 140 дан кўпроқ. Ҳокимликнинг монархия шаклида олий давлат ҳокимияти монархларга - қирол, князь, султон, шоҳ, амирга қарашли бўлиб, ҳокимият мерос орқали авлоддан-авлодга ўтади. Дунё сиёсий

харитасида 30 монархия бор, шу жумладан, Осиёда-14, Европа-та 12 Африкада 3, Океанияда-1.

Монархиялар конститутцион ва мутлақ типларга бўлиниш Уларнинг кўпчилиги конститутцион монархия бўлиб, унда монарх рамзий «подшолик» қиласи, лекин давлатни бошқармайтиш (Буюк Британия, Норвегия, Швеция), реал қонун чиқарувчи ҳокимият парламентга, ижроия ҳокимият ҳукуматга қарашнидир. Мутлақ монархияда монарх ҳокимияти деярли чекланмаган, ҳукумат ва бошқа ҳокимият органлари фақат монарх одишида масъул ва жавобгардир (Саудия Арабистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Омон, Бруней, Қувайт ва бошқалар).

Ҳокимникнинг яна бир кенг тарқалган шакли Буюк Британия бошчилик қиласидан Британия ҳамдўстлигидир. У ҳукукий ижоатдан 1931 йилдаёқ расмийлаштирилган бўлиб, таркибига Буюк Британия доминионлари - Канада, Австралия, Йанубий Африка Иттифоқи, Ньюфаундленд ва Ирландия кирган эди. Шаклини жаҳон урушидан кейин ва Британия Империяси барбод бўлгач, ҳамдўстлик таркибига Британия сабиқ мустамлакаларининг кўпчилиги кирди. Унинг таркибида дунёнинг барча қитъаларида жойлашган 50 давлат бўлиб, уларнинг умумий худуди 30 млн. кв. км, аҳолиси 1,2 млрд нафардан кўпроқ. Улар сиёсий ва ижтимоий-иктисодий тузилишини, иктисодий ривожланиши даражаси, этник, тил, диний ва бошқа хусусиятлари бўйича тоғит хилма-хил ва бир-бирларидан тубдан фарқ қиласи. Расман ҳамкорликнинг барча аъзолари тенг, унда Буюк Британиянинг стакчилиги тушунчаси расман кўрсатилмаган. Улар ўзларининг умумий муаммоларини ҳар иккى йилда бир марта бўладиган конференцияда бош вазирлар ва молия вазирлари иштирокида муҳокама қиласидар, ҳамдўстлик ягона конститутция, на иттифоқшартнома келишимлари, на расмий атрибуларга эга эмас, у халқаро майдонда ҳам иштирок этмайди (масалан, БМГда, халқаро таъбиrlарда ва бошқалар), ҳамдўстлик аъзолари ундан истаган пайтда сўзсиз чиқиб кетиш ҳукуқига эга. Шундай ҳукуқдан Бирма, Ирландия, Покистон фойдаланган.

Ҳамкорликка кирган барча давлатлар ўзларининг ички ва ташкии ишларida тўла суверенитетга эга. Ҳамкорлик Конференцияси қарорлари унга овоз бермаган мамлакатлар учун қонуний кучга эга эмас. Ҳамдўстликнинг кўпчилик аъзолари анъанавий давлат бошқаруви шаклларига эга: улар ёки республикалар (Ҳиндистон, Бангладеш, Нигерия, Гана, Замбия, Зимбабва бошқалар) ёки монархиялар (Буюк Британия, Малайзия, Брунет, Свазиленд ва бошқалар) ҳисобланади. Унинг баъзи аъзолари - Канада, Австралия, Янги Зеландия, Тувалу, Антигуа ва

Барбуда, Маврикий, Багам ороллари ҳамкорлиги, Барбадос, Белиз, Гренада, Сент-Винсент ва Гренадина, Сент-Кристофер ва Невис, Сент-Люсия, Ямайка ўзларини республика, монархия хисобламайди. Уларнинг аҳолиси амалиётда ўзларини Буюк Британия қироличасининг фуқароси ҳам санашмайди, фақат ўз мамлакатининг фуқароси деб хисоблайдилар.

Бу давлатларнинг (расман «Ҳамкорлик таркибидаги давлат») парламенти ва ҳукумати мамлакат ҳаётининг ҳар қандай масалаларини ва ташки (халқаро) алоқаларини амалий жиҳатдан расман Буюк Британияга боғлиқ бўлмай мустақил ҳал этиши мумкин. Шу билан бир қаторда улар ихтиёрий равишда ўзлари учун давлат бошлифи, олий ҳокимият рамзи сифатида Буюк Британия қироличасини танлаганлар ва буни ўз конститутцияларида белгилаб қўйганлар. Уларнинг баъзилари Буюк Британия атрибутилардан фойдаланадилар (масалан, Янги Зеландия - инглиз гимни, инглиз орденлари билан Янги Зеландия ҳукумати тавсиясига асослашиб, Буюк Британия қироличаси янги зеландияликларни мукофотлайди ва бошқалар). Уларнинг ҳаммаси амалиётда, лекин ҳар хил дараҷада, Буюк Британия сиёсати, қонуцлари, анъаналарини (шу жумладан, тил, маданий турмуш, маросим-намойиш ва бошқаларни кўзда тутиб иш қўради. Бундай давлат бошқарувининг ўзига хос шакли ҳозирги замон халқаро сиёсий ҳаётининг парадоксларидан (яни, умум томонидан қабул қилинган фикрларга мос келмайдиган, соглом ақлга зид фикр, вазият) бири, лекин у эътироф этилгандир. Шу сабабдан ва кўтчилик талабалар ва ўқувчилар ушбу Ҳамдўстлик тўғрисида етарли маълумот ва тушунчага эга эмаслигини хисобга олиб, муаллиф турли манбаларнинг маълумотларини жамлаб, таҳлил қилиб, умумлаштириб юқоридаги қисқа таърифни бериш зарур деб хисоблайди.

Дунёдаги факат битта мамлакат – Ливия Араб Социалистик Халқ Монархияси деб расман аталадиган давлатда ҳокимликнинг ўзига хос шакли мавжуд. Бу шакл дунёда мавжуд бўлган бирорта давлат ҳокимиятига ўхшамайди. Шу сабабдан Ливия раҳбарлари барча вазиятда ўз мамлактини айнан жамахария деб тан олинишини қаттиқ талаб қиласидилар. (Бу сўз арабча бўлаб, «омма давлати», «халқ ҳокимияти» маъносини англатади). 1977 йилда мамлакатда ўтказилган ислоҳотлар асосида барча анъанавий республика ҳокимияти ва бошқарув органдарни кўпгина юқоригача сайланадиган доимий халқ мажлислиари ва халқ қўмиталарига алмаштирилди, йилига икки мартадан кам бўлмаган муддатларда чиқариладиган Умумий халқ конгресси давлат ҳокимиятининг олий органи эканлиги тантанали суръатда эълон қилинди. Бундан мақсад:

- марказнинг жойлар (худудлар) устидан назоратини ўрнатиш;
- шароитга мослашган иқтисодий, ижтимоий, регионал сиёсатин амалга ошириш;
- сайлов компанияларини ўтказиб ва бошқалардир.

Ривожланган Farb мамлакатларида кўпчилигининг маъмурӣ-худудий бўлиниши (МХБ) мураккаблиги ва кўп босқичини билан ажralиб туради. Одатда, МХБ уч поғонага (босқичга) бўлинади, баъзан эса улар ғоят майдалангандан кўринишга оға. Масалан, Францияда 26 район, 100 департамент ва 36,5 минг коммуна бор. АҚШда қуий бирлик округ ёки «графлик» бўлиб (30 мингдан кўпроқ), улар 50 штатга бирлаштирилган. Шу билан бир қаторда баъзи графиклар яна туанишипларга ва муниципалитетларга бўлинади. Булардан ташқари қўп минграб уй-жой ва йўл қурилиши, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, мактаб таълими ва бошқа ишлар билан шуғулланадиган маҳсус округлар фаолият кўрсатади.

Farb мамлакатларида XX асрнинг 60-80-йилларида МХБлар ислоҳоти амалга оширилган бўлиб улар энг аввало, йириклиштириш ва тартибга солиш мақсадларини кўзлаган эди. Бу тадбирлар, қоида тариқасида, конкрет шароитни ҳисобга оладиган келиштирувчи характерда амалга оширилди.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам 50-йиллардан МХБни ислоҳотлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Бунда МХБни қайта ташкил этиш Farb мамлакатларида фарқ қилиб, асосан бўлинишини йириклиштиришга йўналтирилган эди. Собиқ СССР ёки МДҲ мамлакатларининг тарихан шаклланган МХБ кўпчилик олимлар ва мутахассисларниң фикрича, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди. Унинг асосий камчилиги МХБ билан иқтисодий районлаштириш ўртасидаги мутаносиблиқ ва ўзаро боғлиқнинг йўқлиги ҳисобланади. Бу камчиликларни тузатиш яқин келажакдаги мухим вазифалардан биридир. Давлатнинг МХБлари икки асосий шаклга — унитар ва федеративга бўлинади. Унитар давлатда, одатда, ягона қонун чиқарувчи ва ижроя ҳокимият ягона давлат органлари тизими, ягона конституция мавжуд бўлади. Бундай давлатлар дунёда кўп.

Федератив давлатда ягона қонунлар ва ҳокимият органлари билан бир қаторда бошқа давлат тузилмалари — республикалар, штатлар, провинциялар, ерлар, қантонлар, худудлар бўлиб, улар «иккинчи» даражали бўлсада, ўзларининг қонунлари ва ҳокимият органларига эгадирлар. Кўпчилик федератив давлатларда парламент икки палатадан иборат. Уларнинг биттаси республикалар, штатлар ва бошқалар ваколатини таъминлайди.

Конфедерация давлатлар бирлашишининг кам учрайди-

ган шаклларидан бири бўлиб, жуда чекланган мақсадларни (харбий, ташқи сиёсий ва бошқалар) амалга ошириш учун ташкил этилади.

Шундай қилиб, дунё сиёсий харитаси ўтган тарихий даврлар ичида ғоят ўзгариб борди ва улар дунёнинг ғоят мураккаб ва турли-туман жараёнларини ва умуман, тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Дунёнинг то Буюк географик кашфиётлар давригача сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий хусусиятларининг ҳозирги даврдан асосий фарқи дунё турли қисмларининг бир-биридан ажralиб қолганлиги, бир-бирлари билан боғланмаганлиги, доимий алоқаларнинг шаклланмаганлиги, ахолисининг сони ва ўзлаштирилиши даражаси, маданиятининг бойлиги ва хилма-хиллиги фарқлари, иқтисодий алоқаларининг тараққиёт даражаси бўйича бир-биридан тубдан фарқ қиласидан ва тенг бўлмаган худудларга бўлинганлиги ва бошқа хусусиятларининг мавжудлиги ҳисобланади. Кўрсатилган барча белгилар бўйича дунёнинг бир-бирларига тулашиб кетган Европа, Осиё ва Африка қитъаларининг кенг материк қисмларида, мамлакатлар ва регионлари, марказлари гурухлари кескин ажralиб турадиган цивилизация кочоқлари мавжуд бўлган. Бундан ташқари Америка, Австралия ва Океанияда ҳам кишилик жамиятининг ўз маданиятига эга бўлган цивилизация ўчоқлари бўлган. Уларнинг батъзи жойларида ҳаёт маданияти нисбатан ривожланган (Америкадаги Ўрта Аид ва Мексика ясситоғлиги), батъзи жойларда эса жуда ибтидоий кўринишда бўлган. Масалан, Австралия ахолиси ҳатто ибтидоий дехқончиликни ҳам билмаганлар, овчилик ва ёввойи ўсимликларнинг меваларини териб еб яшаганлар. Америка, Австралия, Океаниянинг бу маданиятлари бир-биридан ва эски дунё маданиятларидан ажralган ҳолда мавжуд бўлган.

Шу билан бир қаторда дунёнинг турли регионларида ва уларнинг ичида қатор маданий ўчоқлар шаклланган. Улар ўртасида алоқалар мутлақо бўлмаган ёки бундай алоқалар заиф бўлган.

Узоқ ўтмишда дунё ҳудудлариаро хўжалик ва маданий алоқалар ривожланишига тўсиқ бўлган географик омиллардан бири – океанлар ва уларнинг ўтиб бўлмас саҳролари, кенгликлари ҳисобланган. Христофор Колумб, Васка да Гама Магаллен кема сафаригача очиқ океан кенгликлари фақат «ажратувчи макон» бўлган. Эндиликда фан-техника тараққиёти туфайли океанлар ва денгизлар ўзаро узоқ жойлашган, бир-бирларидан «ажralган» мамлакатларни «бирлаштирадиган», яқинлаштирадиган омилга айланди Дунё океани инсоният ҳаётида тоборо

мухим аҳамиятга эга бўлаётир ва у кенг ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш маконига айланди.

Дунёнинг бир-бирига қўшилиб кетган қитъалари – Европа, Осиё ва Африкада инсониятнинг кўпчилик қисми тўплантан, бу ерда дастлабки цивилизация шаклланган ва ривожланган. Ўларда яшаган ҳалқлар ўртасида қадимдан бошлаб муносабат ва алоқалар мавжуд бўлган. Лекин Европа билан Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида бевосита алоқалар доимий омас, тасодифий бўлган ва айрим шахсларнинг камдан-кам саёҳатлари билан чекланган. Европаликлар Шимоли-Шарқий Осиё, Африканинг ички қисмлари, жануби тўғрисида ишончли маълумотларни билганлар.

Дунё маданияти ва цивилизацияси шаклланишида Шарқ мухим роль ўйнаган, Хитойликларнинг европаликларга кам маъқул бўлган Шарқий, Жанубий, Марказий Осиё ва Шарқий Африка билан алоқалар йўлга қўйилган. Қадимда Турон, сўнгра Туркистон ва Мовароуннахр номлари билан машхур бўлган ҳозирги Ўзбекистон худудларида яшаган ҳалқлар Эски дунёнинг кўп slab мамлакатлари билан алоқада бўлганлар ва уларнинг география тасаввурлари кенг ва дунёни билиш даражаси анча юқори бўлган. Қадим замонларда Шарқ билан Фарони боғлаб турган «Буюк Ипак Йўли» Ўзбекистон худуди орқали ўтганилиги ва бу йўл дунё алоқаларида океанлар тўсиқ бўлган даврда (XV асртагача). Эски дунёнинг кўп давлатлари савдо ва маданий алоқаларида мухим роль ўйнаган.

Буюк география қашфиётлари арафасида Европа, Осиё, Африка биргаликда дунёнинг бошқа қисмларига нисбатан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражаси ва ҳалқаро алоқаларининг ривожланиши бўйича анча устунликка эга бўлган.

Дунёнинг юқорида қисқача таърифланган тарихий-географик ҳусусиятлари дунё сиёсий ҳаритасининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Қисқача хуросалар

Сиёсий хаританинг аҳамияти ғоят катта бўлиб, у мамлакатларниң халқаро ўрнини, эгаллаган мавқеини, ички сиёсий маъмурӣ тузилиши хусусиятларини ўзида яққол акс эттиради.

Ҳозирги замон дунё сиёсий харитаси кишилик жамиятининг узоқ давом этган ижтимоий-иқтисодий ривоҷланиши жараёнлари ўзгариши, алманинуви қонуниятларини тӯла акс эттиради. Буюк географик қашфиётлар даври дунё сиёсий ва иқтисодий харитасида кучли ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

У Европа мустамлакачилар босқичининг боштаниши, дунё хўжалик алоқаларининг кенг тарқалиши, аҳоли кўчии ҳаракатларининг кучайишига сабаб бўлди. СССРнинг парчаланиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши дунё сиёсий харитасида улкан ўзгаришларга олиб келди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Дунё сиёсий харитаси тушунчасига изоҳ беринг; унинг аҳамияти ва ўзига хослиги нимада?
2. Дунё сиёсий харитаси қандай шаклланган?
3. Дунё сиёсий харитасининг асосий босқичлари тарифи.
4. Мамлакатлар типологияси (гуруҳларни) қандай белгиларга қараб аниқланади.
5. Турли гуруҳ мамлакатлар таснифи.
6. Янги мустақил давлатлар таснифи.

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на -Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. – Ростов-на Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. – -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ДУНЁ АХОЛИСИ ГЕОГРАФИЯСИ

4.1. Дунё ахолисининг ўсиши

Аҳоли табиат ва жамият ўртасидаги мураккаб боғлиқликни таъминлаб турувчи асосий бўғиндири. XXI аср бошига келиб бу муаммо жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлиб турибди. Аҳолининг табиий ўсиши йиллар ўтган сари ортиб бораётганилиги тўғрисида турли маълумотлар бор. Ер шарида бундан 1000 йил муқаддам 300 млн. киши яшаган бўлса, 1900 йилга келиб 1млрд. 600 млн. 1987 йили 5 млрд. ҳозир эса 8 млрд. дан ошиб кетган. “Буюк Британия – 1995” йилномаси, БМТ ва башқа халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китоб ва тахминларига кўра, 2010 йилда аҳоли сони 7 млрд. 176,6 млн.га, 2025 йилда эса 8 млрд. 504,2 млн.га етади. Ҳисоб-китоблардан маълум бўлдики, дунёда ҳар 230 кунда 1 та Туркия аҳолисига баробар иуфуз ортди. Ҳар сонияда 3, дақиқада 155, ҳар соатда 10609, ҳар кунда эса 245-620 чақалоқ рўйхатга олинади.

Жаҳонда аҳоли сонининг озайиб кетиши бўйича Европа малакатлари (Германия, Данія, Финляндия) олдида туради.

4.2. Дунё ахолисининг зичлиги ва жойлашуви

Аҳоли Ер куррасида ниҳоятда нотекис жойлашган. Аҳоли кўп тўпланган учта асосий ареални ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи ареал Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёни ўз ичига олади. Бу ареалдаги мамлакатларда ўртacha зичлик 1 км.кв. 100 кишидан ортади, баъзи жойларда эса, 1000-1500 кишига етади ва ундан ҳам ошади. Аҳолининг бундай зичлигига бу ерда кишиларнинг қадимдан яшави, кўп меҳнат талаб қилувчи интенсив обикор дехқончилик тишининг тарихий таркиб топганлиги, шунингдек, аҳолининг табиий қўпайиши хусусиятлари сабаб бўлган.

Ер шари аҳолисининг 70%и қуруқликнинг 7 фоизида мұжассамлашган бўлса, 15%да аҳоли умуман яшамайди. Аҳолининг асосий қисми мўътадил, субтропик ва субэкватор иқлим минтақаларида жойлашган, 50% аҳоли денгиз сатҳидан 200 м.гача бўлган худудларда; 30%и денгиз соҳилларидан 50 км.гача узоқ худудларда яшайди.

Ер шари бўйича ҳар km^2 га ўртacha 40 киши тўғри келсада, айрим мамлакатларда аҳоли зиглиги жуда юқори (Бангладешда

ҳар км² га 800 киши, Манакода 15,5 минг, Сингапурда 4,5минг киши түгри келади) Ер шарида аҳоли энг зич яшайдиган худудлар қуидагилардир:

1. Жанубий Осиё - Хиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Покистон(аҳоли сони 1,5млрдга яқинлашмокда, зичлиги 300-500 киши/км²);

2. Шарқий Осиё – Хитой, Япония, Корея Республикаси, КХДР(Бу худудда 1,5млрд дан ортик аҳоли яшайди, зичлиги ҳар км² га 200-300 киши);

3. Жануби-Шарқий Осиё – Индонезия, Филиппин, Тайланд, Малайзия ва бошқалар(аҳоли сони 0,5млрд, зичлик 300 киши км²);

4. Европа (аҳоли сони 0,7млрдга яқин , зичлиқ 200 киши);

5. Шимолий Американинг Атлантика океани соҳиллари, АҚШнинг шимоли-шарқи. Умуман, дунё аҳолисининг 60%и Осиёда ,12%и Африкада, 9,5%и Европада, 8,5%и Лотин Америкасида, 5,5%дан Шимолий Америка ва собиқ Иттилоқ худудида, 0,5% Австралия ва Океанияда истиқомат қиласи.

Зичлиги катта бўлган иккинчи ареал Европада таркиб топган. Бу ареалда аҳолининг ўртача зичлиги 200 кишидан 400 кишигача бўлган бир қанча мамлакатлар бор. Асосий саноат районларида аҳоли зичлиги ҳар км.кв.да 500-1500 кишига стади ва ундан ҳам ортади. Учинчи ареал АҚШнинг Шимоли-Шарқий қисмидир. Куруқлик майдонининг атиги 7%ини эгаллаган аҳоли энг зич районларда ер шаридаги аҳолининг 70%га яқини тўпланган. Шу билан бирга куруқлик майдонининг ярмига яқинида аҳоли зичлиги 1км²га бир киши ҳам тўғри келмайди. Ўзлаштириш айниқса қийин бўлган доимий совуқ қутбда баланд тоғли ўлқалар, чўллар, иссиқ ва сернам экваториал ўрмонлар аҳоли ниҳоятда кам ва одам бутунлай яшамайдиган худудлардир. Шундай қилиб, табиий шароит аҳолининг жойлашишига катта таъсир кўрсатади. Аҳолининг жойлашишига табиий шароит хусусиятлари эмас, балки иқтисодий ва тарихий шароитлар: аҳолини келиб ўрнашган вақти, хўжалик типи, ташки ва ички миграциянинг интенсивлиги ва бошқалар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади,

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун аҳоли сони ва зичлиги муайян миқдорда бўлини зарур. Аҳолининг жойлашиши кўп жиҳатдан шаҳарлар географиясига боғлиқ. Шаҳарлар жуда қадим замонларда бунёдга келган. Бироқ улар XIX асрда ишлаб чиқаришни машиналаштириш ривожланиши билан айниқса тез ўси. К.Маркс “шаҳарларни капитализм бунёд этди”, - дейди. Ер курраси аҳолисининг XIX аср бошида 3%, XX аср

бошида 13%и ва 1985 йилда эса 41%и шаҳарларда яшаган. Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолиси ер шаридаги бутун аҳолига қаралганда икки баробар тез кўпаймоқда. 2000 йилга бориб бутун дунё аҳолисининг ярмидан ортифи шаҳарларда яшайди.

4.3. Урбанизация жараёнининг ривожланиши

Мамлакат ёки район аҳолиси сонида шаҳарликлар саломининг ўсиши урбанизация деб аталади. Дунё бўйича урбанизация даражаси XX аср бошидаги 4%дан ҳозирги даврда 41% га ортди. Ҳозир дунё мамлакатларининг 120 тасида урбанизация даражаси ўртача дунё кўрсаткичларидан юқори. Урбанизация даражаси ҳам дунёнинг турли қисмларида турлича. Масалан, хорижий Осиёда 27%, Африкада 30%, Европада 73%. Шимолий Америкада 75%. Умуман, ривожланган мамлакатларда урбанизация даражаси (72%) ривожланаётган мамлакатлардагидан (30%) анча юқори.

Шаҳар агломерациялари ҳам тез ривожланмоқда. АҚШ-даги Босвали, Чиплитс, Сансан мегаполисларида яқин келажакда АҚШ аҳолисини қарийб 50%и яшashi кутилмоқда. Ер юзасида сони 10 млн.дан кўн бўлган «баҳайбат шаҳарлар» анча кўпайди. Янги аср бошиларида ёқ Мехикода-31 млн., Сан-Паулуда-26 млн., Токиода-24, Нью-Йоркда-23, Калькуттада-20 млн. аҳоли яшashi башорат қилинмоқда. Аҳолисининг сони 5 млн. дан зиёд шаҳарлар сони 30 тага етадиган бўлса, “миллионер шаҳарлар” сони 250 тага етди. Лекин бу саломғо урбанизация жараёнида эришилган ҳақиқий даражанинг ташқи белгисидир, холос. Аслида урбанизация шаҳарлар ролининг ортиши ва шаҳарликлар турмуш тарзининг ўзгарини жараёнидан иборат.

Одатда, шаҳар аҳолиси қанча кўп бўлса, шаҳарнинг ўсиши суръати шунча юқори бўлади: кичик ва ўрта шаҳарларда секин, катта шаҳарларда эса анча тез ўсади. XX аср бошида бундай шаҳарлар бутуни ер юзида 360та бўлган, ҳозир улар 2000 дан ортиқ. Катта шаҳарлар саноат концентрациясининг ҳозирги замон шаклларига жуда мос келди. Катта шаҳарлар фан билан ишлаб чиқариш алоқаларининг кучайишига ёрдам беради, кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини яхшироқ қондиради, уларнинг тез ўсаётганлиги бир қанча мураккаб муаммоларни келтириб чиқаришига қарамай, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш заруратини сира ҳам мустасно қилмайди.

Лекин шаҳарларнинг ўзгарини фақат аҳолиси сонининг ўсиши билангина чекланимайди. Урбанизациянинг ҳозирги босқичи учун шаҳарлар жойлашишининг оддий шакллардан

мураккаброқ шаклларига ўтиши, яъни аҳолининг одатдаги бир катта шаҳарда тўпланишидан шаҳарлар гуруҳида жойлашиши айниқса характерлидири. Шаҳар гуруҳи системасининг олий шаклли шаҳарлар агломерациясиидир. Бинобарин, шаҳар аҳолисининг кўнайиши жараёни катта шаҳарларда ва шаҳар агломерациялари аҳолининг кўплаб тўплана боришидан ҳам иборатдир.

Мамлакатлар урбанизация даражаси ва суръатлари жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қиласиди. Америка, Австралия ва Европада урбанизация энг юқори даражага етган, бу жиҳатлардаги кўп мамлакатларда шаҳар аҳолисининг ўсиши амалда ниҳоясига етаяпди, бошқаларда эса шаҳар аҳолисининг кўнайиш суръатлари катта эмас. Осиё ва Африканинг кўпчилик мамлакатларида, аксинча, урбанизация даражаси ҳали жуда паст, лекин унинг ўсиш суръатлари жуда юқори.

Урбанизация даражасини таққослаганди, ҳамма мамлакатлар учун ягона бўлган “шаҳар” тушунчаси йўқлигини эътиборга олмоқ керак. Масалан, Данияда аҳолиси 200дан ортиқ бўлган аҳоли пунктлари, Нидерландия эса аҳолиси 20 мингдан ортиқ бўлган аҳоли пунктлари шахар дейилади. Африка ва Лотин Америкасининг кўп мамлакатларида аҳолиси сонидан қатъина зар барча маъмурӣ марказлар шаҳар дейилаверади.

Шаҳарлар жуда тез ўсаётганлигига қарамай, ҳозирча дунё аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларда яшайди. Европа билан Шимолий Америкада барча қишлоқ аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмаган ҳолда Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида қишлоқ аҳолиси билан қишлоқ хўжалик аҳолиси ўртасида фарқ деярли йўқ.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашиши шакллари ҳар хил бўлади. Қишлоқ аҳоли пунктларининг тўн-тўп бўлиб жойлашиш шакли устун туради. Баъзи мамлакатлар ва районлар қишлоқ аҳоли пунктларининг алоҳида кўрғон шаклида тарқоқ жойлашиши тарқалган.

4.4. Аҳолининг жинсий, диний ва ирқий таркиби

Аҳолининг жинси ва ёши бўйича таркиби. Дунё бўйича ўғил болалар қиз болаларга қараганди бир оз кўпроқ туғилади ва умуман олганда, дунё аҳолисининг жинсий таркибида эркаклар бир оз кўпроқ.

Аҳолининг ёни бўйича таркиби унинг табиий кўнайиши таъсирида таркиб топади. Унга миграция ва урушлар ҳам анча таъсири кўрсатади. Аҳоли кўнайишининг биринчи типига аҳоли ёши структурасининг ўзига хос таркиби тўғри келади, бунда кичик

ёшдагилар салмоғи катта бўлади. Аҳоли қўпайишининг иккинчи типи устун бўлган мамлакатларда кичик ёшдагилар салмоғи жуда юқори (40-45%) ва катта ёшдагилар салмоғи ниҳоятда кичик (одатда 306%) бўлади.

Ер шари аҳолисининг турли динларга мансублигини билиш ҳам муҳимдир. Энг кўп тарқалган динларга уч масҳабга эга бўлган христиан дини, ислом дини, ҳинд дини ва буддизм киради. Дин давлатдан ажратилган социалистик мамлакатларда диний сарқитлар ҳозирча сақланиб келаётган бўлсада, лекин динининг роли катта эмас.

4.5. Мехнат ресурслари ва бандлик муаммолари

Аҳолининг жисмонан ривожланган ва соғлом, меҳнатга яроқли қисми меҳнат ресурсларини ташкил этади. Меҳнатга яроқли ахолига, одатда, 15 ёйдан бўйнча бўлган кишилар киради. Меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисмини ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашувчи иқтиносий фаол аҳоли ташкил этади. Аҳолининг меҳнат фаолиятига муносабатига караб : меҳнатга лаёқатлигача бўлган, меҳнатга лаёқатли ва меҳнатга лаёқатлидан кейинги гурухлар ажратилади.

Асосий меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ва меҳнат ёнидаги, хусусан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган ва ҳарбий хизматдагиларни ўзида бирлантирса, кўшимча меҳнат ресурсларига 14-16 ёйдаги ишловчи ўспирин-ёшлар ва хизматини давом эттираётган нафақаҳўрлар киради.

Ишга лаёқатли ёш турли мамлакатларда турлича белгиланган. Масалан, Россияда 16-59 ёйдаги эркаклар , 16-54 ёйдаги аёллар меҳнат ресурслари хисобланади. АҚШ да эркак ва аёллар бир хил – 16-65, Финляндия, Япония, Канада, Германияда 15 ёйдан меҳнатга лаёқатли хисобланади. Унинг юқори чегараси аҳолининг ўртacha умр кўриш даражаси, мамлакатнинг иқтиносий салоҳияти асосида белгиланиши мумкин.

Аҳоли бандлиги ҳам турли мамлакатларда турлича. Масалан, моддий бойликлар ишлаб чиқарини соҳасида Россия аҳолисининг (мехнатда банд аҳолининг) 70%ни, АҚШ аҳолисининг 54%ни, ноинишиб чиқарини соҳасида эса Россиянинг 30%, АҚШнинг 46% меҳнат ресурслари банд. Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги бўйича Россияда 15%ни, АҚШда 3%ни, саноатда Россияда 37%ни, АҚШда 24%ни, хизмат кўрсатини соҳасида Россияда 48%ни, АҚШда 70% ни ташкил этади.

Иқтиносий фаол аҳоли салмоғи Европа, Шимолий Америка мамлакатларида, Австралияда 40-45%ни, Осиё, Афри-

ка ва Лотин Америкаси мамлакатларида 30-40%ни ташкил этади. Ишсизликка бархам бериш кўилаб мамлакатларда энг асосий муаммолардан бирига айланган. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида эса, ишсизларнинг мавжудлигига, иқтисадининг умуман, суст ривоҷланганилиги, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга кам тортилганлиги, кичик ёшдагилар кўпчиликни ташкил этиши сабабдир.

Мехнатда банд аҳолининг таркибида қишлоқ хўжалиги ва унга яқин бўлган соҳаларда банд аҳоли кўпчиликни ташкил этади. Бу соҳаларда ер шари иқтисодий фаол аҳолисининг ярмидан ортиғи банд.

Кишилоқ хўжалигига банд аҳоли салмофининг камайини саноатда ва моддий бойлик ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларда банд аҳоли салмофининг опиши билан қопланиб бормоқда. Бироқ фан-техника тараққиётни тезлашиб бораётган даврда моддий бойлик ишлаб чиқармайдиган тармоқларда банд аҳоли салмоғи янада тезроқ ўсиб боради. Умуман, бу прогрессив тенденциядир. Бунинг сабаби шуки, биринчида, моддий бойлик ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлиги тез ўсади, иккинчидан, ақлий меҳнатнинг роли ортади, илмий ва техник ходимлар сони кўнай боради, шунингдек, бошқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли шакллари кенгаяди.

Аҳолининг этник таркиби. Ер шари аҳолиси жуда кўн этник бирликлардан иборат. Ана шунда бирликларнинг энг кичиги - қабила, ўртаси әлат ва каттаси миллатдир. Бу тушунчалар билан бирга яна умумлантирувчи “халқ” деган атама ҳам бор. Совет этнографиясида халқ атамаси орқали этник бирликларнинг ҳаммасини ифодалани қабул этилган.

Ер юзида 2000дан ортиқ миллий гурухлар бор, лекин уларнинг кўпчилиги жуда кам сонлидир. Аҳолиси сони 50 млн. кишидан ортиқ бўлган энг йирик халқлардан 18таси бутун инсониятининг ярмига яқинини ташкил этади. Энг йирик тил оиласлари (хинд, европа, хитой, тибет, малайзий, полинезия, дравид, семит-ҳамит, бунту, олтой тили оиласлари)дир.

Миллий ва сиёсий чегаралари бир-бирларига тӯғри келиб қолганда бир миллатли давлатлар ҳосил бўлади. Польша ёки Йиония бир миллатли давлатларга мисол бўлишин мумкин. Баъзи мамлакатлар бир миллатли давлатлар тишига яқин бўлиб, уларда аҳолининг жуда оз қисмини кичик миллатлар ташкил этади. Масалан, Финляндия. Иккиси ва ундан кўн миллатли давлатларга Россия, Хиндистон ва бошқалар киради.

Қисқача хуросалар

Мавзуда дунё аҳолисининг ҳудудий жойлашувидаги қонуниятлар очиб берилган. Муайян тарихий даврлар мобайнида аҳоли сонининг ўсиш динамикаси кўрсатилган. Жаҳон аҳолисининг диний ва ирқий таркибига кенг ўрин ажратилган. Ўнда асосий ирқий групкалар, дунё динлари ва уларнинг ҳудудий тарқалиши бўйича маълумот берилган.

Иқтисадий ривожланиши даражаси турлича бўлган мамлакатларда меҳнат ресурсларининг таркиби, улар орасидаги таво-футлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолининг табиий ўсишига ва зичлигига қандай омиллар таъсир этади? Уларга тариф беринг.
2. «Демографик портлаш» нима?
3. Ер юзида аҳоли ирқий таркиби бўйича қандай таржалган?
4. Аҳоли миграциясининг асосий оқимлари нималардан иборат?
5. Ҳубанизация жараёни юқори бўлган ҳудудларни биласизми?
6. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиши муаммоллари ҳақида нима дея оласиз?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на-Дону, 2000.
4. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
5. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
6. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
7. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
8. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
9. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
10. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
11. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ЖАХОН ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ

5.1. Дунё хўжалигининг умумий таърифи

Дунё хўжалигининг шаклланиши жуда узоқ давом этган тарихий жараён бўлиб, унда инсоният айрим яшаган ибтидоий одам тўдаларидан бутун дунёни қамраб олган иқтисодий муносабатларгача, тош қуролларидан энг мураккаб электрон-хисоблаш машиналаридан фойдаланишгacha бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. Дунё хўжалиги (ДХ) шаклланиши энг аввало жамият ишлаб чиқариши кучларининг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлануви, табиат билан жамият ўртасида модда алмашинувининг тўхтовсиз ошиб бориши, турли мамлакатлар, регионлар ўртасида савдо-молия ва ишлаб чиқариш муносабатларининг мунтазам ўрнатилиши ва Ѣу асосда дунёда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга тўсиҳ бўлиб келган миллӣ хўжаликларнинг асрлар давомида бир-бирларидан ажралган ҳолда ва алоҳида ҳаёт кечиришига чек қўйилиши давригача бўлган тарихни тўла акс эттиради.

Жаҳон хўжалиги дунёдаги барча мамлакатлар миллӣ хўжаликларининг жаҳон иқтисодий алоқалари орқали ўзаро узвий боғланган ва тарихан шаклланган маъқмуасидир. У дунё ишлаб чиқариши кучларининг минг йиллик эволюцияси натижасидир. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши бир неча босқичга бўлиниади: 1) дунё хўжалиги шаклланишининг XVI-асргача бўлган босқичи; 2) жаҳон хўжалигининг пайдо бўлиши даври (XVI-XVII асрлар) асосан Буюк географик кашифиётларга боғлиқ бўлиб, ҳалқаро савдо дунёнинг барча мамлакат ва регионларини қамраб олган пайтга тўғри келади; 3) жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва кенгайиш даври (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг боши) транспорт, қитъалараро алоқалар, дунё бозорининг тез ривожланиши билан боғлиқдир; 4) жаҳон хўжалигининг чуқурлашув даври (XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача) йирик машина индустриси, транспорт ва дунё бозорининг биргаликда ривожланиши натижасидир. Сўнгги босқичда кўплаб собиқ мамлакатлар мустақилликка эришдилар ва ўз иқтисодиётини ривожлантириб, дунё хўжалигига кўшилдилар.

Ҳозирги пайтда дунё хўжалигига интеграциясининг янада кучайини билан боғлиқ бўлган янги босқич бошланадигани кузатилмоқда. Унинг асосий хусусияти дунё хўжалиги тизимиға кирадиган мамлакатлар ўртасида ибтидоий алоқалар юқори

каражага күтарилиши жараёнининг тобора кучайиши билан боғшындири. Интеграция жараёнида трансмиллий корпорациялар катта ахамиятга эга бўлмоқда, бир нечта мамлакатлар худудларини опролантирувчи йирик бозор зоналарини барпо этишга катта эътибор берилмоқда (масалан, Европа Иттифоқи, эркин савдо тўғрислари Шимолий Америка Шартномаси ва бошқалар).

«Дунё хўжалиги» тушунчаси «ижтимоий меҳнат тақсимоти», «хўжалик халқаро иқтисодий интеграция» тушунчалари билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари бу тушунча географик категория бўлиб, уни ўрганиш қўйидаги уч босқични ўз ичига олади:

1) дунё хўжалигининг умумий географияси;

2) дунё хўжалиги тармоқлари географияси;

3) дунёнинг йирик регионлари ва субрегионлари географияси.

Навбатдаги босқич – айрим мамлакатлар – «Иқтисодий география»нинг мамлакатшунослик юналишига тааллуқлидир.

Дунё хўжалиги тузилиши ўзгариб бормоқда. Шу билан бир қаторда унга хилма – хиллик ва ички зиддиятлар хосдир. Чуники дунё хўжалиги ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси ва тузилиши ҳар хил бўлган мамлакатлар хўжалигини ўз ичига олади.

Жаҳон бозори дунё мамлакатлари иқтисодий алоқаларининг асосини ташкил этади. Транспортниң (темир йўл, ҳаво, денгиз, қувур) ва континентлараро алоқаларнинг жуда тез ривожланиши унинг кенгайишига имкон берди. Ҳозирги дунёда ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти унинг жаҳон моддий ва номоддий айирбошлишида қатнашуви билан узвий боғлиқдир.

Транспорт ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Илмий-техника ишқилоби (ИТИ) даврида барча транспорт турларининг тезлиги ўси, юқ ташиш ҳажми онди, шунга боғлиқ ҳолда дунёнинг турли бурчакларига бориб-келиш анча осонлашди. Денгизлар тубидан кўпласб нефть ва газ қувурлари, океанлар тубидан эса кабель линиялари (ахборот узатиш воситаси) ўтказилган. Халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланишида денгиз транспорти етакчи ўринни эгаллайди, унинг ҳиссасига мамлакатлар ўртасидаги барча юқ ташишининг 80% га яқини тўғри келади. Дунё флотининг пешқадамлари қаторига Япония, АҚШ, Либерия, Панама, Греция, Хитой, Кипр киради. Савдо флоти тоинажи бўйича Роттердам (Нидерландия), Янги Орлеан, Нью-Йорк (АҚШ), Тиба, Кобе, Нагоя, Иокогама (Япония), Марсель, Гавр (Франция), Мина-Эль-Ахмади (Кувайт), Антверпен (Бельгия), Гонконг, Сингапур портлари йирик ҳисобланади.

Океан трассаларининг энг қуюқлашган түгунлари бўғозлар ва денгиз каналлари хисобланади. Ла-Манш (Англия) бўғози орқали сутқасига 500, Гибралтар орқали – 140 денгиз кемаси ўтади. Дунёнинг энг йирик денгиз каналлари Сувайш (Миср, 1869 йилдан бошлаб) ва Панама (Панама, 1920) хисобланади. Йилига Сувайш каналидан 20 минг кема ўтади, унинг юқ ҳажми 350 минг т. (дунё денгиз транспорти юкларининг 14% и). Панама каналида бу кўрсаткичлар 14,6 минг кема ва 170 минг т.га тенг. Киль канали уларга нисбатан кичик бўлиб, у Шарқий Европадан Фарбий Европага ўтадиган йўлда жойлашган муҳим каналdir.

Хозирги дунё хўжалигининг асосини халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) ташкил этади. Меҳнат тақсимотининг энг оддий шакли дастлаб жамият тараққиётининг бошланиши даврида пайдо бўлган бўлиб, у болалар, қариялар ўртасидаги табиий бўлинишга асосланган меҳнат тақсимоти бўлган. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жараёнida оддий табиий меҳнат тақсимоти аста-секин ижтимоий меҳнат тақсимотига айланади. У жамият ичидағи, мамлакатлар ва регионлар, иқтисодиёт тармоқлари, айрим корхоналар ва ҳатто айрим ишловчилар ўртасида меҳнат тақсимотини ҳам камраб олади.

Географик меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат тақсимотининг ажралмас тарқибий қисми, у худудларнинг ихтисослашниши жараёнини ва худудларнинг ихтисослашган, маҳсулотлар ва хизматларни айирбошлишини ифодалайди. Географик меҳнат тақсимотининг оддий шакли халқаро меҳнат тақсимотидир (ХМТ). ХМТ айрим мамлакатлар хўжалигининг маълум маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашнишини ва бу маҳсулотларни бошқа мамлакатлар билан айирбошлишини билдиради. У мамлакатлар ўртасида қўй томонлама алоқаларни амалга оширишга олиб келадиган ва айрим мамлакатлар хўжалигининг ўзаро боғлиқ ҳолда жаҳон бозорида сотиш учун маълум маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашниши жараённи натижаси хисобланади.

Халқаро географик меҳнат тақсимотини Н.И.Баранский ««Иқтисодий география»»нинг асосий тушунчаси, деб атаган. У географик меҳнат тақсимоти шаклланишининг дастлабки шартшароитларини асослаб берди. Географик меҳнат тақсимоти факат товарнинг ишлаб чиқарилган жойдаги баҳоси транспорт харажатларини қўшиб хисоблагандা ҳам сотиладиган жойдаги баҳосидан ортиқ бўлган ҳолдагина амалга оширилади. Шу сабабдан транспорт харажатларини пасайтириш халқаро географик меҳнат тақсимотини ривожлантиришнинг муҳим омили хисобланади. Дунё мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланишида ва ривожланишида иштирок этини учун

қүйидаги асосий шарт-шароитлар бўлиши лозим:

1) XMTда иштирок этувчи мамлакатлар маълум маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бопиқа мамлакатларга нисбатан қандайдир устулилк ва афзаликка эга бўлиши (масалан, табиии ресурсларга бойлиги, табиий шароитнинг қулайлиги);

2) ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мамлакат ташкарисида бу маҳсулотга эҳтиёжи борлиги ва уни юқорироқ баҳода сотиб олувчи харидор мамлакатларнинг мавжудлиги;

3) маҳсулотни сотиш жойига таниб бориши харажатлари маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакат учун зарарли бўлмаслиги ва фойда бериши.

Халқаро меҳнат тақсимоти энг аввало моддий ишлаб чиқарини товарларининг халқаро савдоси билан ифодаланади, лекин у ўшунингдек, хизматлар айирбошлишини ҳам ўз ичига олади (халқаро туризм, молиявий воситачилик фаолияти, транспорт хизмати, қадрларни ўқитиш ва бошқалар).

Дунё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий алоқалари фаяқат товар савдоси ва хизмат айирбошлиши билан чекланмайди. Ҳозирги дунё хўжалиги капитал оқимлари ва одамларнинг миграция оқимлари мавжудлиги, уларнинг аралашиб кетганлиги билан характерланади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда «халқаро меҳнат тақсимоти» тушунчасини ташкил этади.

Дунёning кўпчилик мамлакатлари хўжалик қиёфасини уларнинг халқаро ихтисослашуви белгилаб беради. Масалан, Япония радиоэлектроника ва робототехника, автомобиль, денгиз кемаларининг йирик экспортёри ҳисобланади. Болгария агросаноат маҳсулотлари, кўтарма транспорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга, Саудия Арабистони, Кувайт ва Форс кўлтигининг бошқа мамлакатлари нефть экспортига ихтисослашган. Замбия дунёда мисрудаси ва тозаланган миснинг энг йирик экспортёридир. Бурунди ва Уганданинг 80% дан кўпроқ экспортини кофе ташкил этади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хар қандай мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотига жалб этилиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши даражаси билан белгиланди. Шу сабабдан индустрисал ривожланган мамлакатлар қимматбаҳо маҳсулотлар – машина ва жиҳозлар, кимё саноати маҳсулотлари ва бошқаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, ҳозирги XMT да етакчи ўринни эгаллайдилар. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар эса минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишга ихтисослашишга мажбур бўлмоқдалар.

XMTга ишлаб чиқарини кучларининг ривожланиш даражасидан ташкири яна қўйидаги географик омиллар ҳам сезиларли

таъсир кўрсатади: иқтисодий-географик ўринининг қулайлиги ёки нокулайлиги (масалан, мамлакатнинг асосий денгиз савдо йўлларида ёки континент ичкарисида жойлашиши); турли-туман табиий ресурсларнинг мавжудлиги (кулай иқлим шароити, рудали ва рудасиз фойдали қазилмалар). Шу билан бир қаторда сўнгти йилларда ХМТда ижтимоий-иқтисодий шароит етакчи роль ўйнамоқда. Масалан, қўпчилик тропик малакатларнинг кофе, шакар-қанд, какао сотишга ихтисослашуви биринчи ўринда Жаҳон бозорида ушбу товарларга талабнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Дунё мамлакатларининг ХМТда қандай тармоқларга ихтисослашиши катта аҳамиятга эга. Мамлакатларнинг кам сонли маҳсулотлар етказиб беришга ҳаддан ташқари ихтисослашиши уларнинг хўжалигини жаҳон бозоридаги баҳолар тебранишига кучли даражада боғлаб қуяди, бу эса мамлакатлар иқтисодиёти тармоқлари таркибини қашлоқлаштиради «Монокултура ихтисослашиши», хўжаликнинг экспортга йўналтирилиши. табиий ресурсларни қазиб олишга асосланган тармоқлар катта даромад берини мумкин, лекин улар оғир жисмоний меҳнатни қўп талаб қиласди ва уларнинг ривожланиши алоҳида йўналишда бўлиб, маҳалий хўжаликнинг бошقا тармоқларини ривожлантиришни рафбатлантирмайди. Бу муаммолар дунёнинг кўпчилик ривожланиётган мамлакатлари учун хосдир.

Шу билан бир қаторда «учинчи дунё» мамлакатлари орасида ХМТда янги индустрiali мамлакатлар (ЯИМ) алоҳида ўринни эгаллайди. Улар қаторига Бразилия, Мексика, Мир, Туркия, «Осиё йўлбарслари» - Гонконг, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея киради (кўп ҳолларда Туркия ва Жанубий Кореяни иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторига қўшадилар). Сўнгти йилларда уларга кўпчилик иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Малайзия, Таиланд, Индонезия яқинлашмоқда.

Дунё хўжалигининг ишлаб берувчи тармоқлари, айниқса, мураккаб машинасозлик, электроника, электротехника юқори малакали меҳнат билан боғлиқ бўлиб, факат хар томонлама ривожланган хўжаликка асосланиб ривожланади ва бунда улар бутун жамиятнинг келажакдаги ривожланиши омили бўлиб хизмат қиласди.

Кейинги йилларда дунё хўжалигида жиддий ўзгариш содир бўлди. Бу ўзгаришларга сабаб бўлган омиллар қаторига илмий-техника инқилоби (ИТИ), интеграция жараёнлари, шунингдек, хомашё, энергетика ва умумиқтисодий кризислар (бухронлар), умуминсоний глобал муаммоларнинг кескинлашуви (демографик, экологик ва бошқалар) киради.

Хозирги дунё, хусусан, дунё хўжалиги ривожланишининг ғоят мухим бўйини-мамлакатлар, мамлакатлар гурӯхи, континентлар

үртасида иқтисодий ва ноиқтисодий алоқаларнинг ғоят кўчайиши чирабланади. Ҳозир бирорта, ҳатто, энг ривожланган мамлакатлар ҳам замонавий маҳсулотларнинг барча турларини бир хил даражада самарали ишлаб чиқара олмайди, бунга хожат ҳам йўқ.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг қўп шакллари мавжуд бўлиб, улар қаторига ташки савдо, капитал чиқариш, илмий-техника ҳамкорлиги, компенсация келишувлари, кредит-молия муносабатлари, турли хизмат кўрсатини йўналишлари, халқаро туризм, объектларини биргаликда қуриш ва бошқалар киради.

Ҳар бир мамлакат учун ҳалқаро иқтисодий алоқалар турли шаклларининг роли уларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини даражаси, ХМТдаги хўжалик ихтиослашиши ва бошқалар билан белгиланади. Ҷунёниг қўпчилик мамлакатлари учун ташки савдо ташки иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. ХМТда катниашини даражасини товар ва хизматлар экспорти ва импорти тузилиши белгилаб беради.

Дунё хўжалиги доирасида ҳалқаро савдонинг бир неча асосий географик йўналишлари шаклланган. Масалан, дунёниг онг катта ҳажмли савдоси иқтисодий ривожланган мамлакатлар (Фарбий Европа, АҚШ, Япония) ўртасида олиб борилади ва уларнинг дунё товар айланмасидаги салмоғи 70%га тенг. Бу асосан тайёр саноат маҳсулотлари савдосидан иборатdir.

Ҳалқаро савдода ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Бу бир томондан, улардан хомашё экспорти (янги индустрiali мамлакатлардан тайёр буюмлар ҳам), бошқа томондан, машина ва озиқ-овқатлар импортига боғлиқдир. Бу мамлакатлар учун машина ва жиҳозлар баҳоси хомашёга нисбатан тез ошиб бораётганилиги сабабли нокулай савдо шикоятлари юзага келмоқда. Уларнинг қўпчилиги ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти бўлиб қолмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг ташки савдосини қайта қуришга, ривожланган мамлакатлар билан шаклланган муносабатларни ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда. Улар янги дунёвий иқтисодий тартиб ўрнатилиши зарурлиги тўғрисидаги талабларни тез-тез кўймоқдалар. Бу талабларга ривожланаётган мамлакатлар худудларида жойлашган трансмиллий корпорациялар фаолиятини назорат килиш, хомашё ва тайёр буюмларга ҳаққоний баҳолар белгилаш, ҳар қандай ёрдамни сиёсий шартларсиз бериш ва бошқалар киради.

Ривожланаётган мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ кам ривожланган, уни ривожлантириш эса ривожланган давлатлар бозорларига бормасдан, қўйлаб товарлар айирбошлишини амалга оширишга имкон берган бўлар эди.

ДХ ва ХМТ дүиё мамлакатларининг барчасини қамраб олиб, кейинги йилларда кенгайиш йўналишида эмас, балки чуқурлашиш йўналишида жадал ривожланмоқда. Иқтисодий муносабатлар мураккабланиб, янги шаклларга ўтмоқда. Халқаро ихтинослашиш ва айрбошлиашнинг чуқурлашиши, айниқса, қатор мамлакатлар миллий хўжаликларининг бир-бирларига чамбарчас қўшилиб кетишига олиб келди. Оқибатда ХМТ нинг янги, олий босқичи – халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) пайдо бўлди. У мамлакатлар гурӯҳининг иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида давлатлараро келишувига асосланган чуқур ва мунтазам ўзаро алоқалари жараёнининг ривожланишини ифодалайди.

Дунёning энг муҳим регионал ва тармоқ иқтисодий гурӯҳларидан қўйидагиларни кўрсатиш лозим: Европа Иттифоқи (ЕИ), Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН), Лотин Америкаси интеграцияси ассоциацияси (АЛАДИ), Шимолий Америка эркин савдо шартномаси тўғрисида (НАФТА), нефть экспорти мамлакатлари Ташкилоти (ОПЕК) ва бошқалар. Учинчи дунё мамлакатлари ўртасида узоқ муддатли савдо, валюта, ишлаб чиқарип алоқаларини ривожлантириш иқтисодий ривожланган давлатларниң ривожланаётган мамлакатлар регионидаги таъсирига қарши маълум шарт-шароитлар яратиши, тенг ҳуқуқли халқаро иқтисодий муносабатларни ўрнатиши асосида узарнинг иқтисодий ривожланишига кўшимча импульс берип мумкин.

Қўйидаги жадвалда дунёning асосий иқтисодий кўрсаткичлари берилган:

I-жадвал

Ҳозирги дунёning асосий иқтисодий кўрсаткичлари (%)

Мамлакат типлари, мамлакатлар гурӯхи	Худуди	Аҳолиси	Саноат ишлаб чиқарини-даги хиссаси	Кинжалоқ хўжалигини хиссаси	Танчи санҷо айланмае-и	Язни миллӣ даромад
Дунё	100	100	100	100	100	100
Иқтисодий ривожланган мамлакатлар	23,8	15,2	66	40	70,4	59
шу жумладан: Еарбий Европа	2,7	7,0	23	19	45,8	25
Ривожланаёт-ган мамлакатлар	76,2	53,5	17	30	22,3	14

Жадвал мәйлумотларини таҳлил этишда қүйидаги ҳолатни хисобга олип лозим: энг йирік ҳалқаро ташкилоттар (Жахон Валюта Фонди (ЖВД) ва бошқалар) жадвалда берилған дунё иқтисодиеті тұғрисидеги мәйлумотларни унча тұғри әмас, деб хисоблайдилар. Бир гурұх иқтисодий ривожланған мамлакаттарда дунё ахолисининг 20%га яқини яшагани ҳолда, улар дунё бойынчларининг 2/3 қысметини ишилаб чиқариши тұғрисидеги теңис үтмишіга хос түшінчалар бўлиб қолаётір. Гап асосий иқтисодий күрсаткышларни статистик хисоблаш усулларининг тубдан үзгартырылғанлығы тұғрисида бормоқда. Янги қабул қылған усул бўйича дунё мамлакатлари янги маҳсулот миқдори долларни айирбошлиш курси (қиймати) бўйича әмас, балки миллӣ валютарининг харид қуввати курсига асосланиб ҳисобланади.

Шу муносабат билан Жахон Валюта Фонди (ЖВФ) хисобларига кўра, ривожланған мамлакатларниң дунё иқтисодиетидеги салмоғи 30%-дан кўпроқ (илгариги ҳисоблардаги деңгэжек 18 ёки 14% әмас), индустрималь мамлакатлар эса жаҳон бойынчларининг ярмидан сал кўпроғини ишилаб чиқаради. Ривожланған мамлакатларда ишилаб чиқаришининг ўсиш суръатлари юқорилиги сабабли (айниқса, «янги индустрималь мамлакатларда») XX асарнинг охирида ривожланған мамлакатларга дунё ишилаб чиқаришининг ярмидан камроғи тұғри келиб қолди.

Янги ҳисоблаш тизимиға кўра валюталарниң харид қуввати тенглиги (паритети) бўйича ҳар бир ривожланған мамлакатниң валюта «статуси» пасаяди, Буңда Хитой, Туркия, Мексика, Хиндистон, Бразилия, Тайланд каби мамлакатларниң «салмоғи» онади. Хитой, ҳатто, дунёниң учинчи ёки тұрттынчи иқтисодий давлати дарајасига күтарилади (Хитойда илгариги ҳисоб тизими бўйича аҳоли жон бошига ички ялпи маҳсулот (ИЯМ) 1992 йилда ҳаммаси бўлиб 370 долларликни ташкил этган, янги ҳисоб бўйича эса-2460 долларлик). Булар, сўзсиз, катта фарқлардир. Ҳозирги пайтда Жахон реконструкция ва ривожланиш банки (ёки Жахон банки) ҳам ҳисобларни миллӣ валюталарниң харид қувватига асосланиб олиб борилмоқда ва кредитларни жуда қаттиқ талабларга асосланиб бермоқда. Энг имтиёзли кредитлар энг кам ривожланған мамлакатларга берилеётір (йилига аҳоли жон бошига 765 доллар), йиллик даромад аҳоли жон бошига 4300 доллардан юқори бўлған мамлакатларга эса, ҳеч қандай кредит берилмаётір. Шундай қилиб, ЖВФ ҳисоблари узоққа борадиган оқибатларга олиб келиши ва дунё иқтисодий геосиёсатини үзгартыриши мумкин. Кипишик жамияти эса үзининг яшапи ва фаолияти учун зарур бўлған энг яхши, идеал иқтисодий тизимиң яратишига доимо ҳаракат қиласаверади.

5.2. Фан-техника инқилоби ва ишлаб чиқарин күчларини жойлаштириши

ХХ асрнинг ўрталарида бошланган ҳозирги замон фан-техника инқилоби (ФТИ) бутун дунё ҳаётини, шу жумладан, дунё хўжалигининг ривожланишида юз берган кескин сифат ўзгариши ишлаб чиқариш күчларини тубдан қайта ўзгартириб юборди. ФТИ фан, техника, технология, ишлаб чиқариш, бошқарипни, ҳамма тармоқлар ва соҳаларни, меҳнат жараёснини, турмуш шароитини, маданиятини, кишилар рухиятини ўзгартириди, жамиятнинг моддий ва маънавий имкониятларининг тез ўсишига сабаб бўлди. Буларнинг ҳаммаси фаннинг гуркираб ривожланиши ва жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланиши билан узвий боғлиқдир. Биринчидан, замонавий фан калифиётлар индустрисига, техника ривожланишининг курратли тезлаштирувчисига айланди. Шунга боғлиқ ҳолда янги «фан – ишлаб чиқарин» ва «таълим – фан – ишлаб чиқарин» пайдо бўлди. Иккинчидан, ФТИ ишлаб чиқаришнинг техника базасини тубдан ўзгартириди. Электрон-хисоблаш техникаси ва роботлардан кенг миқёса фойдаланини технологиянинг ўзгариши, мутлақ янги кимёвий материалларнинг пайдо бўлиши, энергия турларининг кашф этилиши ва улардан фойдаланиш (атом, термоядро), «микроэлектрон инқилоб» ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш (тез ўзгара оладиган ишлаб чиқарин тизимлари, робот-заводлар («одамсиз» заводлар) ва бошқалар тарихан шаклланган дунё хўжалигининг структурасида туб силжишлар юз берипига, уни ривожлантириш ва жойлаштириш омиллари, принципларининг ўзгаришига олиб келди. Шу муносабат билан асрлар давомида дунёнинг етакчи мамлакатлари куррати асосини ташкил этган тармоқларининг рози пасаймоқда, айни пайтда фанталаб маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи юқори технологияли тармоқларининг этадиган аҳамияти ортиб, улар ғоят жадал суръатларда ривожланмоқда.

ФТИга боғлиқ ҳолда дунё хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар бир томондан, замонавий таълим тизими муваффақиятлари, бошқа томондан эса, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланималари (ИТТКИ) ва фан тараққиёти учун қилинаётган харажатларининг мутассиъ олиб бораётгани билан узвий боғлиқдир. Масалан, саноатга ФТИ ютуқларини жорий қилиш бўйича эришган ютуқлари дунёда тан олинган Япониянинг муваффақиятлари мамлакатда ғоят намунали йўлга қўйилган таълим тизими ва унга сарфлананаётган катта сарф-харажатлар билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бу мамла-

катда илмий-тадқиқот ва ИТГКИ олиб борадиган 450 университет бор. Ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британияда ғоят катта илмий потенциал бўлиб, улар хиссасига дунё олимларининг 85%и тўғри келади. АҚШда 2,6 млн. киши фан билан банд ёки мамлакатда ҳар 10минг кишига 107 илмий ходим тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатларда эса мутлақо бошқа ахвол мавжуд: ҳар 10 минг аҳолига 1 илмий ходим тўғри келади, холос. Барча ривожланаётган мамлакатлар хиссасига 10% олим ва мухандислар тўғри келади. Уларнинг ярми 4та мамлакат – Хиндистон, Бразилия, Аргентина, Мексикада .

ФТИ даврида ИТТКИ ларга сарфланадиган харажатлар ғоят муҳим иқтисодий кўрсаткичига айланмоқда. Дунё миқиёсидаги шундай харажатларниң 85%и саноати ривожланган асосий мамлакатлар - АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия ҳиссасига тўғри келади. Бунда АҚШ нинг харажатлари (140 млрд доллар) тахминан Farbий Европа ва Япония мамлакатларининг биргаликдаги ялини харажатларига баробар. АҚШ ва бошқа Farb мамлакатларида ўртacha буидай харажатлар ички ялини маҳсулотининг 1,5 дан 3% гачасини ташкил этади. Айрим фанталаб тармоқларда бу ҳисса 10-15% ва ундан кўпроқда ҳам етади.

Ривожланаётган мамлакатларда ИТТКИ харажатлари ЯИМ нинг 0,4%ига тенг. Ривожланаётган мамлакатларниң Farb мамлакатларидан анча орқада қолаётганлигини аҳоли жон бошинга сарфланаётган харажатлар яққој кўрсатади: 1 доллар ва 110 доллар. Бу кўрсаткичлар Осиёning янги индустрисал мамлакатларига тааллуқли эмас. Уларда ИТТКИ харажатлари 1,5-2%га етади.

Барча суст ривожланаётган мамлакатларда ИТТКИ харажатларининг камлиги ишлаб чиқариш-техник дараҷаси пастлигининг асосий сабабидир. Шунинг учун мамлакатлар иқтисодиётини ФТИ талаблари дараҗасига кўтаришда фан ва техникани устун дараҷада ривожлантириши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ФТИ шароитида ишлаб чиқаришнинг техника базасини тубдан қайта қуриш илмий кашфиёт билан уни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш ўртасидаги вақтнинг кескин кисқариши, маҳсулотларниң жуда тез маънавий эскириб қолиши ва мунтазам янгиланиб туриши, ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш, табиатни муҳофаза қилини техникаси ва технологиясини кең жорий этиши, ва ишҳоят, меҳнатининг мураккаблиги ва самарадорлиги кескин кўтарилиши билан боелиқ ҳозда юқори малакали меҳнат ресурсларига талабнинг ошиши, меҳнатни ақлийлаштириши жараёни ифодасини тоиди. Шу муносабат билан дунё хўжали-

гининг фанталаб тармоқлари тез ривожланмоқда, уларнинг иқти-
содиётдаги салмоғи тез ошмоқда. Шундай тармоқларга прибор-
созлик, электротехника машинасозлиги, авиакосмик саноат ва
бошқалар киради. Фанталаб маҳсулотларнинг 90%дан кўпроғи
АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия ҳиссаси-
га тўғри келади. Мустақил Ўзбекистоннинг энг муҳим вазифа-
ларидан бири ўз экспортида айнан шундай фанталаб қиммат-
баҳо маҳсулотлари салмоғини оширишдан иборат.

Янги техника ва технологиядан кенг миқёсларда фойда-
ланиши дунё хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳ-
нат унумдорлигини ошириши, ресурсларни иқтисод қилиш ва
табиатни муҳафаза қилиш вазифаларини ҳал этишда муҳим
ўринни эгалламоқда. Масалан, Буюк Британия ва Италияда
иўлатнинг, 2/3 АҚШ, ГФР, Японияда 1/2 қисми темир-терсак-
дан олинади. Халқаро савдода темир-терсак сотиш ҳажми 25
мли. тонага етди. Бошқа мисол: Данияда қофознинг 80%,
Жаңаубий Кореяда 67%, Нидерландияда 65%, Испанияда 64%,
Венгрияда 61%, Буюк Британияда 60%, Японияда 52%,
Мисрда 50%, ГФР 50%, Францияда 47%, Польшада 33%,
АҚШ да 28% макулатурадан олинади. АҚШ ва Японияда
алюминийнинг катта қисми иккиламчи алюминийдан олинади.

Ишлаб чиқаришни электронлаштириш ва комплекс автоматлаштириш ФТИ микроэлектрон инқи lobининг энг муҳим
натижаси бўлиб, Фарб мамлакатларида замонавий асосларда қайта
индустрлаштиришини амалга оширишга олиб келди. Электрон
саноати ғоят тез суръатларда ривожланди. Ҳозирги пайтда бу
саноат маҳсулотининг 33%и АҚШ, 26,4%и Япония, 25%и Фарбий
Европа мамлакатлари, 2,7%и бошқа иқтисодий ривожланган
мамлакатлар, 7,9%и Осиённинг янги саноатлашган мамлакатлари,
1,8%и Лотин Америкаси, 3%и бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғ-
ри келади (1990 йилларнинг боши). Унинг тарқибида асбоб-
ускуналар (ҳисоблаш техникаси, алоқа жиҳозлари, радио ва эле-
ктрон ўлчагич приборлар), уй-рўзгор жиҳозлари, ҳарбий ва космик
асбоб-ускуналар, интеграл схемалар ва электрон қисмлар (тран-
зистор, диодлар) ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Профес-
сионал ва ҳарбий-космик асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича
дунёда АҚШ биринчи ўринни, уй-рўзгор буомлари бўйича
Япония ва АҚШ етакчи ўринни эгаллайди.

Микроэлектроника билан комплекс автоматлаштиришининг
ривожланиши узвий боғланган бўлиб, унинг янги сифат босқи-
чи 1971 йилда микропроцессор (микроэлектрон магнитий қурил-
маси, у турли механизмларнинг ишини бошқарини учун ўрнати-
лади) ихтиросидан кейин бошланди. Микропроцессорлар ро-

бот техникани күпілаб ишлаб чиқаришни тезлаштириди. Робот техникаи ишлаб чиқаришда Япония дунёда биринчи ўринни (йилига 300 минг дона), АҚШ иккінчи (80 минг дона), ГФР учинчі ўринни (40 минг дона) эталлады. 90-жылларининг боппенди дунёда 460 минг донағача робот бўлган, ҳозир эса уларнинг сони 1 млн. донадан ошади.

Ҳозирги замон роботларининг қўни биринчи авлодга мансубdir. Улардан фойдаланишининг асосий соҳалари – пайванд, кессип, пресслап, қопламалар суртиш, тозалаш, сайқалашдир. Уларнинг ўрнига келаётган иккинчи авлод роботлар атроф-мухитини фарқлайдиган қурилмалар билан жиҳозланган. Унинг авлодига мансуб робот интеллектуаллар эса кўриши, есзиши ва энгитини мумкин. Япон олимлари ва муҳандислари роботлардан фойдаланишининг устувор соҳалари атом энергетикаси, космосни ўзлаштириш, транспорт, савдо, омборхоналар, тиббий хизмати, саноат ва уй-рўзгори чиқитларини қайта ишлани, қўча ва бинополарни тозалаш, океан туби бойликларини ўзлаштириш, йўл ишлари, тоф-кои саноати, балиқчилик, ўрмон хўжалиги бўлишини таъкидламоқдалар. Микророцессор ва роботлардан фойдаланишининг яна бир соҳаси тез ўзгара оладиган ишлаб чиқариш тизимлари бўлиб, улар ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаптиришининг энг самарали воситаси ҳисобланади. Дунёда 1200 шундай тизим ҳаракатда бўлган. Уларнинг 20%и Японияга, 17%и АҚШ, 12%и Буюк Британия, 9%и ГФР, 9%и Францияга, 4,5%и Италия ва 4,5%и Швецияга қарашли бўлган.

ФТИнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни бошқариш ғоят мураккаблашди ва у маҳсус тайёргарликни талаб қилмоқда. Бошқариш бўйича мутахассислар АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлардаги энг яхши университетлар қошидаги ўқиш қиммат турдиган бизнес мактабларида тайёрланмоқда. Уларни битирувчилар замонавий ишлаб чиқаришининг раҳбарлари-менежерларидир.

ФТИ шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари. ФТИ даврида ишлаб чиқаришининг жойлашшини ва ҳудудий таркибига таъсир кўрсатадиган табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар янги техника ва технология таъсирида илгариги даврдагига нисбатан янги мазмунга эга бўлди. Шу билан бир қаторда ФТИ билан бевосита боғлиқ ҳолда янги омиллар ҳам найдо бўлди (экологик, фанталаблари, инфратузилма ва бошқалар). Лекин дунё хўжалигининг XX аср охирида шакланган географик тасвири табиий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа омилларнинг узоқ давом этган ўзаро таъсириининг тарихий натижаси бўлганилиги сабабли ҳатто ЙТИ даврида ҳам уларнинг умумий хусусиятлари аста-секин ўзгармоқда.

ИТИ даврида биринчи қарашда ғайримтабиий күришадиган шундай ҳолат юзага келдики, бунда айнаң ўзларининг хомашё базалари бўлмаган кўпилаб мамлакатлар ва раёнлар тез ривожланмоқда. Бунинг ёрқин мисоли Япония бўлиб, у 90% хомашё ва ёқилғини импорт қиласди, бу ҳолат унинг юқори даражада ривожланган индустритал мамлакатга айланишига ҳалақит бера олмади. Бониқа давлатларда асосий саноат марказлари илгариги ёқилғи ва хомашё базаларида замонавий индустритал саноат шаклланган янги районларга кўчди. Масалан, АҚШ да шундай силжини Шимолий-Шарқдан Калифорнияга, Германияда Рур ҳавзасидан мамлакат жанубига томон юз берди. Лекин ривожланган мамлакатларда ундирувчи саноат (тоғ-кон) фақат янги ресурс районларидағина ишлаб чиқаринининг асосий тармоғи бўлиб қолмоқда. Шундай ҳолат, масалан, Канаданинг шимолий ва ғарбий худудлари, Дунё океанининг шельф зоналарига хосdir.

Ривожланаётган мамлакатларда ахвол бошқача бўлиб, уларда минерал-хомашё ресурслари индустриташиришининг энг муҳим омили бўлибгина қолмай, балки ҳўжаликни жойлаштиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Фақат Яқин Шарқининг нефть қазиб олувчи мамлакатларигина ўзларининг бой ресуре имкониятларидан иқтисодий мустақиликка эришини мақсадларida оқилюна фойдаланишига муваффақ бўлдилар.

Тоғ-кон саноати учун табиий ресурслар омили ҳам асосий омили бўлиб қолмоқда. Фойдали қазилма конлари улар жойлашишининг табиий манбаи ва асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бошқача айтганда, ундирувчи саноат тармоқларида у ёки бу ресурс ҳавзалари ёки конлари уларнинг ривожланиши миқёсларини белгилаб берадиган асосий омил бўлиб қолаверади. Янги ресурс районларини ўзлаштириш дунё ҳўжалигининг ресурс чегараларини кенгайтишига имкон берадиган омил вазифаси ФТИ даврида ҳам муваффақиятни бажарилмоқда. Бориш ва ўзлаштириши қийини бўлган районлардаги ва Дунё океани экваторияларидаги янги фойдали қазилма маибаларини ўзлаштириши катта транспорт қурилиши, янги йирик оқимларининг шаклланиши билан биргаликда содир бўлмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сиғатида Россия ва Канада шимоли, Аляска, шимолий ва шимоли-ғарбий Австралия, Узбекистонда Қизилкумнинг ўзлаштиришини, шунингдек Дунё океани шельфи, нефти ва табиий газининг ўзлаштирилишини кўрсатиш мумкин.

Дунёда ишлаб чиқаринин жойлаштиришининг энг муҳим омилларидан бири уларнинг фан ва таъзим (изл) олини мар-

казларига интилиши ҳисобланади. Биринчи навбатда бу омил фанталаб тармоқлар географиясини белгилаб беради ва янги илмий ишланмаларни (кашфиётларни) бажарувчи илмий марказлар, кадрлар тайёрлайдиган ва чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширадиган етакчи университетлар жойлашган шаҳарларга қараб интилади. Таълим – фан – ишлаб чиқариш занжири ривожланган мамлакатларнинг кўпчилик етакчи марказлари ва районлари учун одатдаги ҳолатга айланган. ФТИ даврида фаннинг илгари асосан мамлакатлар пойтахтларида ва университет шаҳарларида тўпланиши ўзгариб, фанни худудий ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди. Йирик шаҳар агломерациялари чеккаларида ихтисослашган фан шаҳарлари (академ шаҳарчалар) ташкил топди. Бундан ҳам характерли бўлган ҳолат – илмий (илмий-тадқиқот, технологик) марказларнинг пайдо бўлишидир. Бундай марказлар олдиндан маҳсус ажратилган ва жиҳозланган худудларда ташкил этилган бўлиб, қонда тариқасида, фанталаб саноат тармоқларининг лабораториялари, тажриба ва ишлаб чиқариш корхоналарини қўшиб оладиган илмий саноат комплекси ҳисобланади. У энг янги технологияни яратишга ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга йўналтирилган ва одатда, университет ёки бошқа илмий-тадқиқот маркази яқинида жойлашади.

Илмий марказлар (парклар) АҚШда ўтган асрнинг 50-йилларда пайдо бўлган ва ҳозир мамлакатда уларнинг сони 150 дан кўпроқдир. Уларнинг энг машҳурлари: Стенфорд университети асосида Сан-Франциско атрофига ташкил этилган Силикон-Велли Кремний водийси. Массачусетс технология институтига асосланиб, Бостон атрофига ташкил этилган 128-йўл. Сўнгра шундай парклар Фарбий Европада ҳам пайдо бўла бошлиди. Уларнинг энг йириклари: ГФРда Мюнхен университети базасида яратилган Изор Валли, Буюк Британияда Кембридж университети базасида ташкил этилган Кембридж парки, Францияда Лазур қирғоқларида ва Греноблда жойлашган парклар. Илмий парклар Бельгия ва Нидерландияда ва Фарбий Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам ташкил этилган. Илмий паркнинг яна бир варианти технология номини олган бўлиб, улар авиакосмик техника, ЭХМ ишланмалари ва уларни ишлаб чиқариш, робот курилмаларини ишлаб чиқиши ва бошқа энг фанталаб йўналишларни қамраб олади. Сўнгги йилларда шундай парклар Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустрисал мамлакатларида ҳам барпо этилоқда: Корея Республикаси (Сеул яқинида), Тайланд (Тайбей яқинида).

Юқори малакали ишчи кучи омили ФТИ шароитида фоят

мухим омиллардан бирига айланди. Ҳозир ҳар қандай мамлакатга оддий меҳнат ресурслари эмас, замонавий мураккаб техникани бошқаришиннудалай оладиган маълумотли, юқори малакали, сифатли ишчи кучи керак. Шу муносабат билан ривожланган мамлакатларда юқори малакали ишчи кадрларга суяниш катта аҳамиятга эга бўлиб, ишчи кучларининг малакаси ва қиймати ўртасидаги фарқ ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга сезиларли таъсир кўрсатаётир. Шу сабабдан Монополиялар ишлаб берувчи саноатнинг биринчи қаватини (кўп меҳнат талаб қиласидиган тармоқлар) арzon ишчидан фойдаланиш мақсадларида қўпроқ ривожланаётган мамлакатларга қўчираяптилар. Масалан, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг жуда кўп арzon ишчи кучига эга бўлган худулларига Фарбий Европа, Япония, АҚШ дан саноатнинг кўп меҳнат талаб қиласидиган тармоқлари кириб келмоқда. Шу сабабдан ФТИ шароитида арzon ишчи кучига, шу жумладан, аёллар иш кучидан фойдаланишга интилиш ҳам сезиларли даражада кучаймоқда. Булар иқтисодий омиллар ва ҳисоблар билан узвий боғлиқидир. Мисол учун, Осиё, Африканинг баъзи мамлакатларида 8 соатлик иш куни учун малакасиз ишчига 1 долларга яқин ҳақ тўлнади, айнан шу ишчи АҚШ да шундай иш кучи учун 56 доллар, яъни 56 марта кимматроқ ҳақ берилади.

ФТИ.инқиlobи шароитида «Иқтисодий география»да ил гаридан ҳисобга олиниб келинаётган қўйидаги омилларнинг ҳам ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги аҳамияти ошиб, улар янги мазмунга эга бўлмоқда: истеъмол омили (айниқса кенг истемол товарларни ишлаб чиқаришда); энергетика омили (рангли металургия, кимё ва энергияни кўп талаб қиласидиган бошқа тармоқлар); иқтисодий географик ўрин омили (марказий ва дengiz бўйида жойлашганиликнинг қулайлиги, чеккада (материк ичкарисида) жойлашишининг ривожланишга салбий таъсири); экологик омил (уни ҳисобга олишнинг зарурлиги, экологик қонуният, қоидалар, қонунчилик талабларига риоя қилиши).

Дунё ҳўжалиги ривожланишининг ҳозирги босқичи аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада худудий тўпланишига олиб келди (йирик саноат марказлари, тугунлари, худудлари, транспорт линиялари ва тугунлари, шаҳар агломерацияларида ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва бошқалар). Бу омил бир томондан, ҳамиша маълум манфаат ва фойда берган бўлса (худудларни тежаш, умумий инфратузилмадан фойдаланиш ва корхоналарни кооперациялари имкониятлари, йирик шаҳарлардаги фан билан боғлиқ самарада фойдаланиш ва бошқалар), бошқа

томундан, ишлаб чиқариш ва ахоли түпланишининг оқилона чегаралардан ташқарига чиқиши экологик вазиятнинг ёмонлашувига, транспорт линиялари қурилишининг опицига, сув таъминотининг қийинлашишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Дунёning йирик шаҳарлари (Мехико, Сан-Паулу, Нью-Йорк ва бошқалар) ва саноат районлари ўсишининг, ахоли ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада түпланишининг кам назорат қилинаётганлиги муаммоси хавотирли тус олмоқда. Шу сабабдан кўпчилик мамлакатларда йирик шаҳарлар ва саноат зоналарида ишлаб чиқаришни түпланишдан бўштиш (деконцентрация), уларни шаҳар атрофига, кичик ва ўрта шаҳарларда жойлаптириш, кичик, ўрта корхоналар ва заводлар қуриш ижобий натижалар бермоқда. МДҲ мамлакатларида ҳам деконцентрация жараёнининг бошланиши ишлаб чиқаришни давлат тассаруфидан чиқариш билан кўшиб олиб борилмоқда.

5.3. Моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимида юз берастган силжишлар ва дунё иқтисодиётининг уч тури - босқичи

Моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимида ҳам сезилярди ўзгаришлар содир бўлди. Тармоқ тизимини таҳлил қилиш ва ўрганишда унинг учта бўғини (қават) ажратилади: 1) макротизим; 2) мезотизим; 3) микротизим;

Макротизим энг йирик иқтисодий нисбатларни акс эттиради ва бунда ишлаб чиқарип ва ноишлаб чиқариш соҳалари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, халқаро савдо ўртасидаги нисбатлар аниқланади. Улар у ёки бу мамлакатни иқтисодиётнинг аграр, индустрисал ёки постиндустриал турларга ажратишга асос бўлади. 1950-1990 йилларда дунёning моддий ишлаб чиқариш тизимида қуийдаги ўзгаришлар ва силжишлар юз берди. Агар 1950 йилда саноат 42%, қишлоқ хўжалиги 21%, халқаро савдо 19%, транспорт ва алоқа 10%, қурилиш 8% ни тақиқил этган бўлса, 1990 йилда моддий ишлаб чиқарип тизимида саноат 59%, халқаро савдо 19%, қишлоқ хўжалиги 8%, транспорт ва алоқа 7%, қурилиш 7% салмоққа эга бўлди. Бониҳача айтганда, ўтган даврда саноатнинг етакчилик роли кучайди, қишлоқ хўжалигининг салмоғи сезилярли даражада пасайди, бошқа тармоқлар эса ўз ўринларини деярли бир хил даражада сақлаб қолдилар.

Мезотизим (тармоқларро тизим) саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқаларнинг ичидаги шаклланадиган нисбатларни кўрсатади. Масалан, дунё саноат тизимида ФТИ таъсирида тоғ-

кон саноатининг солмоғи пасайиб, ишлаб берувчи саноатнинг салмоғи ошиб бормоқда. Агар иккинчи жаҳон урушидан оддин уларнинг иисбати 15:8,5 бўлган бўлса, 1970 йилларда 13:87, 90-йилларнинг бошида эса 8:92 га етди. Бу ўзгаришлар бир томондан, ишлаб чиқаришнинг материал сарфлапи ҳажми камайиши, бошқа томондан эса, минерал хомашёни сунъий хомошиб билан алмаштиришнинг ўсиши билан боелиқ бўлди. Тор-кон саноати тизимида эса ҳозирги пайтда 2:3 ёқилғи, айниқса нефть қазиб олишга, 1:3 руда, курилиш материаллари ва бошқаларни қазиб олишга тўки келади. Лекин бу ўртача умумжаҳон кўрсаткичлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида катта фарқ борлигини ҳам бекитувчи восита бўлмаслиги керак. Гап шундаки Фарбанинг ривожланган мамлакатларининг кўпчилигидаги тор-кон саноати салмоғини пасайтириши уларнинг фақат ривожланаётган мамлакатлар ёқилғи-хомашё ресурсларига суюничи асосида юз берди. Шу сабабдан тор-кон саноати ривожланаётган мамлакатлар саноат ишлаб чиқаришида ўртача 2%, ривожланаётган мамлакатларда эса 14% ни ташкил этади (Яқин ва Ўрта Шарқдаги нефть қазиб олувчи мамлакатларда 40-50%). Шу билан бир қаторда, айрим ривожланган мамлакатлар, масалан, Канада, Австралия, тор-кон саноати ҳиссасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат узоқ вақт мобайнида барча социалистик тизим мамлакатлари эҳтиёжларини кенг миқёсда таъминлаб келган собиқ СССР учун ҳам характерли бўлган.

Микротизим (микротармоқ структураси) моддий ишлаб чиқаришнинг айрим турларида, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқаришида юз берадиган ўзгариш ва силжишларни акс эттиради. Бунда фанталаб тармоқлари электрон хисоблаци техникаси, атом энергетикаси жиҳозлари, микробиологик препараторлар ишлаб чиқариш биринчи ўриинга чиқмоқда. Буларнинг ҳаммаси илмий-техника тараққиётининг катализатори ролини баҗараётган АҚШ да ана шундай фанталаб юқори технологик ишлаб чиқаришнинг бутун ишлаб берувчи саноат маҳсулотидаги ҳиссаси 40% дан кўпроқ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италияда эса 30-35% га тенг.

Дунё моддий ишлаб чиқариши тизимида ФТИ таъсирида умумий бир бирига қарама-қарши ҳаракатларга эга бўлган яна иккига силжиш яққол намоён бўлаётир. Улардан биринчиси, микротизим даражасида содир бўлиб, хўжаликнинг тармоқ структурасидаги диверсификацияда (бўлинин, сочилини) ўз аксени топаётир. Иккинчиси, тармоқлараро комплекслар - ёқилғи – энергетика, машинасозлик, агросаноат, ҳарбий саноат, аэрокосмик, автомобиль комплексларининг таъсили тоинишида намоён бўлаётир.

Фанда сўнгги йилларда дунё иқтисодиётининг уч хили – аграр, индустриал, постиндустриал типлари тўғрисида тасаввур пайдо бўлди.

XVII-XIX асрлардаги саноат тўнташишларигача дунё иқтисодиётининг аграр хили хукмрон бўлган. Сўнгра у саноатниг ривожланшини билан боғлиқ ҳолда ўз ўрнини индустриал турига бўшиатиб берди. Лекин бунда шуни ҳисобга олиш керакки, ҳозир ҳам дунёнинг 47% иқтисодий фаол аҳолиси (2,3 млрд киши) қишлоқ хўжалигида банд. Айниқса, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларга тааллуқли бўлиб, уларда аҳолининг деярли 60% қишлоқ хўжалигида ишлайди. Масалан бу кўрсаткич Монголияда 30, Парагвайда 48, Нигерияда 50, Индонезияда 55, Хиндистон ва Хитойда 60, Вьетнамда 73, Эфиопияда 75, Малида 85, Руандада 88, Непалда 92% тенг.

Фарбнинг ривожланган мамлакатларида қишлоқ хўжалигида банд аҳоли салмоғи ўртacha 7,8%, Буюқ Британияда 2%, АҚШ, Бельгия ГФРда 3%, Швецияда 4%, Австрияда 5%, Францияда 7%, Японияда 7%, Италияда 8%, Финляндияда 10%, Россияда 13%.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи ярмидага энг аввало Европа, Шимолий Америка, Япония ва собиқ СССР да ишлаб чиқаришнинг индустриал типи шаклланди. Унинг учун ИЯМ ва бандлик структурасида саноат ва қурилишларнинг устуворлиги характерли бўлган. Бу икки тармоқ ҳиссасига Фарб мамлакатларида банд аҳолининг ўртacha 32% и (шу жумладан, Фарбий Европада 38%, Шимолий Америкада 31%ига) тўғри келади. Айниқса, бу кўрсаткич қуйидаги мамлакатлarda жуда юқори: Италия- 32, Япония- 34, ГФР- 40, Швецария- 43 промиль. Шу билан бир каторда бу мамлакатларда аввалдан саноат ва қурилишнинг салмоғи мутассил пасайиб келмоқда ва уларнинг бирор тасодиғи улар биринчи ўринни эгалламайди. Иқтисодиётнинг индустриал тури энг тўлиқ намоён бўлган Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида бундай ҳолат кузатилмайди. Албатта, бу тасодифий ҳол эмас, балки маълум иқтисодий сиёсат, индустрлаштириш йўналишининг натижасидир.

5.4. Дунё иқтисодиётида фан-техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган янги хўжалик турлари

ФТИнинг кенгайиши ва чуқурлашуви, дунё хўжлигига таъсирининг кучайиши кўпчилик мамлакатларда индустриал турдан кейин шаклланган ва постиндустриал деб ном олган (post – лотинча, «кейин» маъносини билдиради) иқтисодиёт-

нинг мутлақо янги тури пайдо бўлишига олиб келди. У ўз на-
вбатида, индустрислорти жамияти, деб аталаётган ва хизмат
кўрсатиш соҳаси, фан ва таълим етакчи ўринни эгаллайдиган,
корпорациялар ва профессионал мутахассисларни бўшатиб бе-
раётган ФТИ шароитида ривожланаётган янги жамиятнинг
таркибий қисмидир.

Индустрислорти турининг асосий хусусиятларини амали-
ётда фанталаб ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси, қурдатли
илмий-техника потенциали белгилаб беради. Булар эса, ўз на-
вбатида, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришлар ўртасидаги
нисбатининг номоддий ишлаб чиқариш фойдасига ўзгаришига,
айниқса, ишбилиармонлик ва хизмат кўрсатиш соҳасининг (тех-
ник хизмат кўрсатиш корхоналари, ишга тушириш-созлаш коми-
ссиялари, инжинеринг, маркетинг, маслаҳат фирмалар ва
бошқалар) тез ривожланишига, моддий ишлаб чиқариш салмо-
гининг қисқаришига, фан, таълим, маданият, саёҳатчилик хиз-
мати, суғурта соҳаларининг ўсишига ва ақлий меҳнат соҳасида
банд бўлган ходимларнинг кўпайишига олиб келади.

Индустрислорти турига асосан Farb мамлакатлари кира-
ди. Ноишлаб чиқариш соҳасида банд аҳолининг ўртача кўрсат-
кичи 50% бўлган ҳолда кўпчилик мамлакатларда у анча юқори.
Бунда биринчи ўринни АҚШ эгаллайди; мамлакатда сўнгги 15
йилда ишлаб чиқариш соҳасида ишлайдиганлар сони ярим мил-
лион кишига камайгани ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасида эса
улар 25 млн. кишига кўпайди. АҚШ да ноишлаб чиқариш
соҳасига мамлакатдаги банд аҳолининг 64%, ЯМД нинг 70% и
тўғри келади. Айнан шундай кўрсаткичлар, шунингдек, Буюк
Британия, Швеция, Канада, Австрия ва бошқа мамлакатларга
хам таалуқлидир. Ноишлаб чиқариш соҳасида Японияда 52%,
ГФРда 53%, Францияда 56%, Швеция ва Австралияда 60%,
Канадада 62%, Буюк Британияда 63% киши банд.

Ривожланган мамлакатлар ноишлаб чиқариш соҳасида
ўртача 22,3% киши машғул. Бу кўрсаткич Непалда атиги 8%,
Бангладешда 10%, Нигерияда 10%га тенг. Шу билан бир қаторда
айрим ривожланган мамлакатларда ноишлаб чиқаришда банд
кишиларнинг салмоғи юқори. Булар ё изжтимоий-иктисодий
ривожланишда анча илгарилаб кетган мамлакатлар (Аргенти-
на 59%, Мексика, Бразилия, Корея Республикаси), ё молиявий
фаолият ва ишбилиармонлик сервисининг йирик марказларига
айланган нефть экспортёри мамлакатлари (Ливия 55%, Жазо-
ир, Саудия Арабистони), ё воситачилик фаолияти ва туризмга
ихтисослашган мамлакатлар (масалан, Багам оролларида аҳо-
лининг 80%и хизмат кўрсатиш соҳасида банд) ҳисобланади.

5.5. Дунё хўжалигининг географик модели

Дунё хўжалигининг ривожланиши ва мураккаблашиб ооринига мувофиқ унинг географик модели ҳам ўзгариб борди. Ўнёда хукмдор мавқени турли даврда турли мамлакатлар эгалиган. Ўз вақтида Амир Темур давлати, сўнгра Испания, Голландия, Дания шундай вазифани бажарган. XX асрда АҚШ дунёда хукмдор кучга айланди.

Шу билан бир қаторда бу модель тобора мураккаблашиб бормоқда ва у бир марказликдан кўп марказлик (полицентристик) хусусиятга эга бўлмоқда. XVIII аср охиригача дунёда битта марказ - Европа устун турган бўлса, кейинчалик иккичи марказ - АҚШ пайдо бўлди ва у тез фурсатда асосий марказга айланди. Сўнгра бошқа янги марказлар пайдо бўла бошлади. В.И. Максаковский ҳозирги дунё хўжалигида 10 та асосий марказни ажратиб кўрсатган. Булар АҚШ, Европа, Япония, МДҲ, Хитой, Жанубий Шарқий Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё, Австралия, Бразилия.

Улардан энг иқтисодий қудратлиси иккита эски марказлар - Европа (дунё ЯИМнинг 28%) ва Америка (26%) ҳисобланди. Ундан кейин иккита ўрта авлод маркази - Япония (10%) ва МДҲ туради. Охирги марказнинг ҳиссаси сўнгги йилларда камайиб бориши тенденциясига эга бўлди. Иккинчи жаҳон уришидан кейин пайдо бўлган бошқа марказлар нисбатан унча катта эмас, лекин улар тез ривожланмоқда. Умуман олганда, бу марказлар биргаликда Дунё хўжалиги географик моделининг асосларини ташкил эгади. Ушбу марказлар билан биргаликда, дунё хўжалигининг худудий (тузилишида) янги бошқа блокларини ҳам ажратиш мумкин. Бошқа блок - Осиё - Тинч океани региони мамлакатларига (ОТОР) АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Россия, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Лотин Америкаси, Австралия киради. Регионнинг ушбу таркибида унинг ҳиссасига дунё саноат маҳсулотининг ярмига яқини, шу жумладан, автомобиллар, кемалар, телевизорлар, синтетик толанинг 70, пластмассанинг 60, алюминий ва пўлатнинг 50% тўғри келади. Бундан ушбу регион худудидаги мамлакатлар ва худудларнинг дунё иқтисодиётидаги аҳамияти ошиб бормоқда. Бу биринчи ўринда Хитойга тегишли бўлиб, у дунё миқёсида ишлаб чиқариш ўсишининг энг юқори суръатлари билан ажralиб туради. Утган асрнинг 80-йилларда Хитойда йиллик ўсиш 9, 1992-1993 йилларда 11-13% га тенг бўлган. Булар Хитой умумий ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда учинчи-тўртиччи ўринга чиқиб олишига олиб келди.

Шуниси характерлики, дунё хўжалиги асосий марказларининг ярми ривожлангаётган мамлакатлардадир. Бу 50-90-йилларда Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида ривожланиш стратегиясининг икки бозори типини-импорт ўрнини бостириш ва экспортни кўпайтиришни амалга ошириш натижасидир. Бу стратегияларни амалга ошириш ривожлангаётган мамлакатлар саноат потенциалининг сезиларли даражада ўсизига олиб келди. Шунга мос ҳолда уларнинг дунё саноат ишлаб чиқаришидаги салмоғи 90-йиллар бошида 14%гача.

5.6. Дунё хўжалиги ва регионал сиёсат

Ривожланган мамлакатларда шаклланган иқтисодиётнинг етук худудий структураси мавжудлигига қарамасдан улардан ҳам юқори даражада ривожланган иқтисодий районлар, депрессив (турғулиқдаги) районлар, ривожланишдан орқада қолган қолоқ агарар районлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида катта тафовутлар сақланиб қолмоқда. Ривожлангаётган мамлакатлар хўжалигининг худудий тузилинида эса ўтмиш мустамлака даврининг таъсири ханузгача сезилиб туради. Улар учун худудий структура ютуқларининг никоятда паст даражаси, транспорт ва инфратузилманинг кам ривожлангани билан боғлиқ ҳолда районларнинг бир-биридан ажралиб қолганлиги, айни пайтда, аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг катта қисми пойтахт шаҳарларда тўпланганлиги ва кескин худудий номувофиқликнинг сақланиб колаётганлиги харакатерлидир. Ривожланган ва ривожлангаётган мамлакатларга хос бўлган хўжаликнинг ўзига хос худудий хусусиятлари турли йўналиш ва мазмундаги регионлар сиёсати амалга оширилишини тақозо этади.

Ривожланган мамлакатларда регионал сиёсат давлат иқтисодиётни бошқаришининг таркибий қисми бўлиб, моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқлари, аҳоли бандлиги, хизмат кўрсатиш соҳасини жойлаштириш, туризмни рањбатлантириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Регионал сиёсатнинг икки асосий шакли бор: 1) регионал режалаштириш, дастурлаштириш, асосан регионал режа (дастур) тузиш: улар қисқа, ўрта, узоқ муддатли бўлиши мумкин. Бунда баъзи мамлакатлар (Франция, Буюк Британия, Италия, Ницерландия, Швеция, Япония) ўз худудларини тўла қамраб оладиган, бошқа баъзи мамлакатлар (ГФР, Бельгия, АҚШ) эса ўз худудларини иотулиқ қамраб оладиган режалаштиришини амалга оширадилар; 2) регионал башоратлаш (прогнозлаш) регионал сиёсатни амалга оширадган органлар миллий (маслан, АҚШ) ва мамлакатлар (масалан, Европа Йетифоқи) даражасида бўлиши мумкин.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда регионал сиёсат усулиари ўзгариб борди. Масалан, бирориги навбатда, ижтимоий националарни ҳал этишга, сўнгра иқтисодий масалалар ечимига кагъта ўтибормон берилиди. Вакъ ўтиши билан регионал муаммоларни синни учун фақат давлат капиталигина эмас, балки хусусий капитал ҳам жалб қилинди. Кўпинча йирик миқёсдаги дастурлардан локал (маҳаллий) масалалар ечимига ўтилди. Айни найдаги регионал сиёсатининг асосий мақсади ўзгармасдан қолаверди. Регионал сиёсатининг асосий мақсади жамиятда кескинилик куҷайининг ва меҳнаткашларнинг оммавий чиқиниларига сабаб оғлациган мамлакатининг айрим районлари ўргасидаги энг кескини ижтимоий ва иқтисодий номувофиқликларни бартараф қилиши, одамлар ҳаётининг сифатини белгилаб берадган яшаш дарасини тенглаштиришга қаратилган. Регионал сиёсатда ҳам чекювчи, ҳам рафбарлантирувчи тадбирлар кенг қўлланилмоқда.

Таърифланганларга асосланиб Farb мамлакатларида регионал сиёсатнинг қуйидаги тўрт конкрет йўналишини ажратни мумкин: 1) қолоқ аграр районларни юксалтириш. Бу районларда ФТИ таъсири кам бўлиб, уларда ахолининг кўчиб кетини ишсизликнинг юқорилиги, капитал қўйилмаларнинг камлиги характерлидир. Шундай районларга ривожланишда саноатланган Шимолдан жуда орқада қолган Жанубий Италия, Франциядаги Марказий массив (ясситоғ), Аквитания, Шимоли-Фарб, Корсика, Испаниядаги Галисия, Жануб ва Марказнинг айрим районлари, Булук Британияда Шимолий Шотландия, АКШ-да Озарк Ясситоғи, Аризона, Колорадо, Нью-Мексика ва Юта штатлари туташган «Тўргурчак» райони мисол бўлади. Бундай районларда нисбатан регионал сиёсатда солиқ имтиёzlари, маҳсус фондлар ташкил этиш (масалан Италиядаги «Жанубий кассаси»), давлат маблағлари асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранни барпо этиш кўзда тутади ва булар кўпинча районнинг иш иқлимини белгилаб беради. Уларда кўпинча ўсиш қутблари ролини ўйнайдиган йирик саноат корхоналари барпо этилади. Италияда биринчи марта регионал сиёсат доирасида 1957 йилда «Ўсиш қутблари» тўғрисида қонун қабул қилинди. Унга биноан Жанубда қатор йирик корхоналар, масалан, Таронтадаги катта металлургия заводи курилди. Шунингдек, «Ўсиш қутблари» Испания, Франция ва бошқа мамлакатларда ҳам барпо этила бошлади. Сўнгги йилларда кам ривожланган районларда индустрлаштириш билан бир қаторда қишилук хўжалиги, туризм ва рекреацияни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. 2) депрессив районларни жонлантириш. Булар XVII-XIX асрларда саноат тўнтаришлари даврида наидо бўлган асоссан

кўмири, темир руда, тўқимачилик саноатлари ривожланган эски саноат районлариидир. ФТИ даврида энергетиканинг кўмирдан, нефть ва газдан, қора металлургиянинг маҳаллий хомашёдан воз кечиб, денгиз орти мамлакатларининг бой ва арzon темир рудасига, тўқимачилик саноатининг табиий хомашёдан сунъий хомашёга ўтиши ана шундай районларнинг иқтисодий инқизорзга, депрессияга тушишига олиб келди. «Депрессив район» атамаси 1929-1933 йиллардаги жаҳон бўхрони (кризиси) даврида пайдо бўлди. Уларнинг кучли даражада орқада қолиши ФТИ даврида янада яққол намоён бўлди. Аҳолининг кўчиб кетишига қарши, структура бўхрони, структура ишсизлиги бошланди.

Депрессив районга яққол мисол АҚШ нинг Аппалачи райони бўлиши мумкин. Унинг худуди аҳолиси 20 миллиондан кўп бўлган 13 штатни тўлиқ ва қисман қамраб олади. Бу районда мамлакатнинг асосий тошкўмир ҳавзаси жойлашган бўлиб, у узоқ йиллар мобайнида иқтисодий турғуныликни бошидан кечирди. Структура бўхрони Европанинг кўпчилик тошкўмир ва темир-руда ҳавзаларини, эски тўқимачилик районларини ҳам шикастлантирди. Депрессия районларида регионал сиёsat, қоида тариқасида, уларнинг иқтисодиётига ФТИ билан узвий боғлиқ янги ва энг янги ишлаб чиқаришни жорий этиш, корхоналар ихтиослашиштири қайта ўзгартириш, ишчи қасбларни кайта ўзгартириш, трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) филиалларини ташкил этишни ўз ичига олади. Бу тадбирлар маҳсус мақсадли қrimилекс дастур асосида амалга оширилди. З) Шаҳар агломерациялари, айниқса пойтахтларнинг гипертрофияга дучор бўлишининг (ҳаддан ташқари катталашиб ва кентгайиб кетиши, ўсиши) олдини олиш, уни тўхтатиш. Бундай ўсиши ўтган асрнинг 60-70-йилларида содир бўлиб, унинг оқибатида шаҳарлар бўхрони (кризиси) деб атала бошлаган анча умумий воқелик рўй берди. У шаҳар мухитининг ҳавфли ифлосланиши ва яшашнинг санитария-гигиена шароитлари ёмонлашиши, транспортнинг ортиқча бандлиги, уй-жой фондларининг ёмонлашуви ва бошқа салбий ҳолатларда намоён бўлди. Оқибатда аҳоли бадавлат қатламларининг шаҳарлар марказий қисмларидан шаҳар атрофига оммавий кўчиб ўтиши бошланди. Шу сабабдан регионал сиёsatнинг бу соҳадаги асосий вазифаси шундай «ўта катта шаҳарлар»ни жиловлаш бўлиб қолди. Бу Франция, Нидерландия, Япония, АҚШ, Канадада район планировкаси ёрдамида кенг миқёсда амалга оширилди. Буюк Британия, Францияда Лондон ва Парижнинг йўлдош шаҳарларини ва умуман, янги шаҳарларни қуриш катта миқёсларда амалга оширилди. Бу эса шаҳар агломерациялари юкини ентиллантирирди. Шу билан бир қаторда айрим мамлакатлarda деагломерация деб аталган ҳам пассив (суст) —

шарқи маҳарларда янги қурилишни чеклаш, ҳам фаол (актив) – шундай шаҳарлардан корхоналарни ташқарига олиб чиқишин амалга оширишнинг айрим мисоллари бор. 4) Экстремал табиий шароитда ресурс районларини ўзлаштириш. Иккинчи жаҳон урушига кадар Фарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония мустамлака ва ярим мустамлакаларининг ёқилғи-хомашё ресурсларига таяниши мумкин эди. Шу сабабдан уларнинг Шимол районларига, Австралияга қизиқишлири онда-сонда бир бўладиган «олтин талваси»сига боғлиқ бўлган ва ўзидан кейин кўпингча фақат одамсиз шарпашаҳарларни қолдираш эди. Мустамлакачилик тизими барбод бўлгач, Farb мамлакатларининг янги ўзлаштириладиган районларга қизиқиши кучайди. Бунда оғир саноатни ўз ресурслари билан таъминлашга, ривожланётган мамлакатлардан хомашё ва ёқилғи импортига боғлиқликни камайтиришга ҳаракат кучайди. Шу мусосабат билан 18 млн. кв.км майдонни эгаллайдиган катта худудларнинг Шимолий Аляска, Греция, Гренландия, Скандинавиянинг шимоли, ички Австралияни кенг миқёсда ўзлаштириш бошланди.

Умуман, ривожланган мамлакатларда регионал сиёсатни амалга ошириш сезиларли натижаларга эришишга имкон берди. Шу блан бир қаторда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуддир. Районларни юқори даражада ривожланган, қолоқ, цепрессивга бўлиш ва улар ўртасидаги тафовут сақланиб қолмоқда. Регионал дастурлар асосида қолоқ регионларда барпо этилган оғир саноат ўчоқлари кўпчилик мамлакатларда кўпинча турғунликка учраган ва маҳаллий иқтисодиёт билан ҳам боғланган қора металлургия, нефтни қайта ишлаш каби баъзи тармоқлардан ташкил тонгган. Янги ресурс районларини ўзлаштиришда ҳарбий – стратегик манфаатларнинг устуворлиги кўп холларда асосий ўринни эгаллайди. Умуман олганда, регионал сиёсат Farb мамлакатларда худудий номувофиқларни анча юмшатишга имкон берди. Унинг ибратли тажрибаларидан мустақил Ўзбекистоннинг регионал муаммолари ечимини топишда, масалан, бепоён чўллар ва тоғ худудларини ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Ривожланётган мамлакатларда регионал сиёсатнинг йўналиши, мазмун ва моҳияти Farb мамлакатларидагидан фарқ қиласди. Уларда регионал сиёсат асосан ўтмиш мустамлакачилик даври асоратларини бартараф этингча қаратилган. Бу сиёсатнинг асосий мақсади мамлакат айрим қисмларининг тарқоқлигини бартараф этиш ва уларнинг яхлитлигини таъминланаш, марказ билан чекка жойлар ўртасидаги тафовутларни камайтириш, урбанизация жараёнларини тартибга солиш, ресурсларни районларни ўзлаштириш ва бошқалардан иборат. Ички ва чекка

районларнинг бой табиий ресурс имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида баъзи мамлакатлар (Бразилия, Аргентина, Нигерия, Танзания, Қозогистон) ўз пойтахтларини ички районларга кўчирдилар. Лекин амалга оширилаётган тадбирларга қарамасдан қўпчилик ривожланаётган мамлакатларда ички ҳудудий номувофиқликлар сақланиб қолмоқда. Шундай қилиб, дунё хўжалигининг ФТИ шароитида ривожланиши ва жойлашиши хусусиятлари ўзгариб бормоқда. Ер шарида ўзлаштирилмаган ҳудудлар тобора камайиб бораётир, ишлаб чиқарииш кучларини жойлаштиришга таъсир кўрсатадиган янги омиллар пайдо бўлмоқда, дунё хўжалиги таркибиға кирадиган миллий хўжаликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тобора қучаймоқда.

Қисқача хуросалар

Жаҳон хўжалиги дунёдаги барча мамлакатлар миллий хўжаликларининг жаҳон иқтисодий алоқалари орқали ўзаро узвий боғланган ва тарихан шаклланган мажмуасидир. Географик меҳнат тақсимоти ҳозирги дунё хўжалигининг асосини ташкил қиласиди. ФТИ саноатнинг фанталасаб соҳалари тез суръатларда ривожланишига олиб келди.

Моддий ишлаб чиқаришининг тармоқ тизими учта бўғиндан иборат: макротизим (моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ўргасидаги нисбатни акс эттиради), мезотизим (саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ичидағи нисбатларни кўрсатади), микротизим (моддий ишлаб чиқаришининг айрим турларида, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқаришида юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради).

ФТИ таъсирида хўжаликни индустримальорти тури вужудга келди ва тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиганлар сони кўпчиликни ташкил қиласиди.

Дунё хўжалиги ҳозирги найтда кўпмарказлилик хусусиятига эга. Ривожланаётган мамлакатларда регионал сиёсат давлат иқтисодиётни бошқаришининг таркибий қисмига айланган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон хўжалиги нима?
2. Географик меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув ҳақида сўзлаб беринг.
3. Макро-, мезо-, микротизимларнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Регионал сиёсат деганда нимани тушунасиз?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на-Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. -М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ДҮНЁ САНОАТИ ВА УНИНГ ТАРМОҚЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

6.1. Саноат ривожланишининг умумий хусусиятлари

Саноат дунё моддий ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғи бўлиб, унда 350 млн. дан кўпроқ аҳоли банд. Бу кўрсаткич дунё қинилюқ хўжалигида ишилаётганларга нисбатан 3 марта кам. Саноатда банд бўлганларнинг умумий сони Хитойда 64, АҚШ да 23, Россияда 16,5 млн. кишини ташкил этади. Дунё саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 7,7 трлн. долларга тенг. Етакчи саноат мамлакати: АҚШнинг дунё кўрсаткичларидаги ҳиссаси 18,9%. Бу борадаги кўрсаткич етакчи мамлакатлар сирасига кирувчи Японияда 10,7, Хитойда 8,5, ГФРда 5,9, Россияда 4, Хиндистонда 3,5, Буюк Британияда 3, Францияда 2,8, Италияда 2,8, Бразилия 2,6, Мексикада 2,5, Корея Республикасида 2, Канадада 1,7%.

Саноат асосан ишлаб берувчи ва ундирувчи (тоғ-кон) тармоқлардан иборат. Тармоқлар пайдо бўлиш даврига кўра, З гурӯхга бўлинади: 1) эски тармоқлар (кўмир, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, кемасозлик, кимё саноатининг айrim тармоқлари); 2) янги тармоқлар (автомобиль, авиаация, нефть, ўрмон, кимё, алюминий ишлаб чиқариш, пластмасса, синтетик каучук, сўнъий талолалар ишлаб чиқариш ва бошқалар); 3) энг янги тармоқлар (роботсозлик, аэрокосмика, органик синтез, микробиология саноати ва бошқалар).

Кейинги ўн йилликларда ривожланиш суръатлари ФТИнинг етакчи тармоқлари – машинасозлик ва кимё саноатларида ривожланиш суръатлари бошқа тармоқларга нисбатан анча юқори, тоғ-кон ва базавий тармоқларда эса секин бўлди. Тўқимачилик, нойабзal, озиқ-овқат саноатлари яна ҳам секинроқ ривожланди.

Ривожланган мамлакатлар саноати структурасида ишлаб берувчи саноат 83,4%, ундирувчи саноат – 8,1%, электроэнергия ва газ ишлаб чиқариши 8,5% салмоққа эга. Саноат структурасининг энг характерли хусусияти унда илмий-техника тараққиётини белгилаб берувчи энг янги фанталаб тармоқларидан кўпчилигини қамраб оладиган машинасозликнинг пешқадамлигидир. Машинасозликнинг устуворлиги иқтисодий ривожланган кўпчилик мамлакатларга хос хусусиятдир. Масалан, машинасозликнинг бутун саноат ишлаб чиқаришидаги салмоғи ГФР ва Швецарияда 38, Венгрияда 33, Буюк Британия ва Италияда 32, Нидерландияда 28, Норвегияда 26, Канадада 25, Австрия ва Даніяда 24, Финляндияда 24, Австралияда 23, Испанияда 22% га тенг. Буларга структу-

расида кatta ўзгаришлар содир бўлаётган машинасозликни ҳам кўшиш керак. Транспорт машинасозлиги, айниқса, кемасозлик ва темир йўл ҳаракати воситалари ишлаб чиқариш салмоғининг пасайиб бориши, умумий машинасозлик учун мўътадил ўсиш, электротехника ва электроника, робот ва идора жиҳозлари ишлаб чиқаришининг эса тез ўсаётганилиги характеридир. Иккинчи ўринни кимё саноати эгаллади. Унинг саноатдаги салмоғи ривожланган мамлакатларда 20-25%га teng. Кимё саноати структурасида полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг салмоғи ошиб бораётир, тоғ-кимё ва асосий кимё саноатининг салмоғи эса пасаймоқда.

6.2. Дунё ёқилғи-энергетика саноати

Ёқилғи-энергетика саноати дунё хўжалигининг асоси бўлиб, у учта бўғиндан – ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш, ресурсларни энергия ишлаб чиқариш жойларига ташиши, электр ва иссиқлиқ энергиясини ишлаб чиқаришдан ташкил тонган. XIX асрда ва XX асрнинг бошида энергия ресурсларининг асоси кўмир, XX аср ўрталаридан бошлаб кўмир, нефть, газ, 60-90-йилларда (кўмир, нефть, газдан ташқари) – ядро ва сув ресурслари бўлиб қолди.

Дунёда бирламчи энергия ресурсларини истеъмол қилиш муттасил ошиб бораётир. XX асрнинг бошида (1900 йилда) уларнинг ҳажми 1 млрд.. тонна шартли ёқилғига, 2000 йилда (башпорат) 14 млрд. тоннага етган. Энергия истеъмолининг ўртача ўсиши XX асрнинг биринчи ярмида йилига 2-3%, 1950 – 1975 йилларда 5% бўлган. Дунёда бирламчи энергия ресурсларини истеъмол қилишнинг умумий ҳажми турли вариантдаги башоратларга кўра, 2000 йилда 14,5 ва 16,8, млрд. т.н.ё. га, 2020 йилда эса 19,7 ва 26,7 млрд. т.н.ё. га тенг бўлади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши уларнинг арzon нефть ресурсларидан оммавий фойдаланиши билан боғлиқ бўлди. Яқин Шарқдаги дунёнинг энг бой нефть конларини ҳалқаро нефть монополиялари тўла назорат қиласарди. Бу даврда дунё бозорида нефтнинг боҳоси кўмирнинг баҳосидан ҳам паст эди.

1960 йиллардан бошлаб ёқилғи ва энергия итеъмоли асосан нефть ва газ қазиб олиш суръатининг жадал ошиши ва уларни дунёнинг турли қисмларига ташини ҳисобига ўси. Бу даврни, одатда, арzon нефть даври, деб аташади (1970 йилларда Іт нефтнинг нархи 20 доллар бўлган). Лекин 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб дунё энергетикасида кatta ўзгаришлар юз берди: 1) ёқилғи қазиб олишиниң кон-геологик шароитлари ёмонлашуви ва уларнинг экстремал районларда (Шимол, Сахрои Каабир), жойлашгани, континентал шельфга кўчиши, табиат муҳофазасига талабининг ошиши; 2) дунё хўжалигига зиддиятларнинг кучайиши, ривожланётган мамлакатларнинг

жыл нефть ресурслариниң юқори нархда сотин учун қурашиши оқибатта 1 тонна нефть баҳосининг 250-300 долларга күтарилиши (илгарини баҳоларга нисбатан 12-15 марта ошиши). Оқибатда арzon ёқилғи (нефть) даври тугаб, энергетика бўхрони бошланди.

Дастлаб АҚШ, Япония, Фарбий Европа мамлакатлари фавкуннодда чораларни кўришга маъжбур бўлдилар (Кино театрларда сенаслар, телевизион кўрсатувлар вақти кисқартирилди, автомобиль ва самалётларнинг тезлиги пасайтирилди, кўплаб авиарейслар бекор қилинди, автобензин қўйиш шохобчаларининг сони камайтирилди, автопойгалар бекор қилинди, квартиralарни иситиш, иссиқ сув бериш қисқартирилди, реклама ёриткичлари ўчирилди в.х.лар.

Янги энергетика сиёсати дунё энергия истеъмоли структурасида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бу структурада нефтининг салмоғи пасайди. Унинг бозордаги нархи тахминан 100 долларга камайди.

Дунё ёқилғи ва энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиши бўйича ўз географик хусусиятига эга. Ривожланётган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган энергетика ресурсларининг катта қисми АҚШ, Фарбий Европа, Японияга олиб кетилади.

Дунё энергетикасининг асосини учта тармоқ - нефть, газ, кўмир саноатлари ташкил этади.

Дунё нефть саноати. Нефть саноати дунё ёқилғи-энергетикасининг етакчи тармоғи бўлиб у дунё хўжалигига катта таъсир кўрсатади. Асосий маҳсулотидан энергетика мақсадларида фойдалацанганилиги учун у энергетика тармоқлари гуруҳига киради. Нефть ва нефть маҳсулотларининг бир қисми нефть кимё саноатида қайта ишланади.

Нефть қаттиқ ёқилғидан маълум табиий хусусиятларига кўра устун туради: ҳажм ва оғирлик бирлиги бўйича катта самара беради; суюқлиги, оқувчанлиги ва тез ёниш хоссалари қазиб олишини механизациялаш ва автоматлашириш, ташишни, ортиб туширишни, қайта ишлашни осонлашитиради; тўлиқ ёнади; юқ ташувчи катта кемаларда ташиш нисбатан арzon. Аммо бу афзалликлар уни қазиб олишининг қўпайишига сабаб бўлмаган. Асосий сабаб – нефть маҳсулотларига саноатнинг, хўжаликнинг кўплаб тармоқлари ва куроли кучлар талаб ва эҳтиёжи тез ўсиб бориши, кўмирга нисбатан нефть қазиб олиш ва ташиш харажатларининг нисбатан камлиги, энг йирик захиралари энг арzon ишчи кучларига эга бўлган, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда тўлангантигидир. Буларнинг хаммаси нефть саноатиниң энг сердорамад тармоқлардан бирига айлантирди.

Нефть саноати энг юқори даражада монополиялашган тармоқдир. Энг йирик нефть корпорациялари қудратли халқаро монополистик гуруҳларга киради. Дунё нефть саноатининг асосий кўрсаткичлари 2-жадвалда берилган.

**Дунёнинг аниқланган нефть захиралари ва уни қазиб олиш
(1998 йил)**

Регион (мамлакат- лар)	Нефть захиралари (млн.) т	Дунё захирасида- ги ҳиссаси (%)	Нефть қазиб олиш (1994й) (млн.)	Дунёда қазиб олиш бўйича салмоғи (%)	Дунёда қазиб олиш бўйича эгаллаган ўрии
Дунё	136094	100,0	3000,0	100,0	
Япония ва Ўрта Шарқ шумладан:	84440	65,7	921,7	30,7	
Саудия Арабистони	32255	25,9	388,9	12,9	1
Эрон	12110	8,9	176,9	5,9	4
Кувайт	12946	9,5	92,7	3,1	11
Осиёнинг долган қисми, Австралия ва Океания	6021	4,4	329,5	11,0	
Шу жумладан:					
Хитой	3288	2,4	147,5	4,9	5
Индонезия	786	0,6	66,0	2,2	14
Америка	22026	16,2	804,0	26,8	
Шу жумладан:					
АКШ	3095	2,3	326,7	10,9	3
Мексика	7151	5,3	137,9	4,6	6
Венесуэла	9204	6,8	128,4	4,3	7
Канада	678	0,5	857	2,9	12
Африка	8301	6,1	306,1	10,6	
Шу жумладан:					
Нигерия	2415	1,8	95,0	3,2	10
Ливия	2594	2,2	65,5	2,2	13
Фарбий Европа	2254	1,7	277,6	9,2	
Шу жумладан:					
Буюк Британия	621	0,5	125,7	4,2	8
Норвегия	1265	0,9	122,6	4,1	9
МДҲ, ва Шарқий Европа	8052	5,9	361,1	12,0	
Шу жумладан: МДҲ	7755	5,7	347,1	11,6	7

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёда 10 млрд. тоннадан ортиқ нефть захираларига фақат Форс қўлтигининг 5 мамлакати (Саудия Арабистони, Эрон, БАА, Йроқ, Кувайт) эга. М.ИХ мамлакатларидан Россияда сабиқ СССР нефть захираларининг (8-10 млрд. т) 85, Қозоғистонда 9, Озарбайжонда 2,3, Туркманистанда 2 фоиз жойлашган.

Дунёда нефть қазиб олуви мамлакатлар сони 1900 йилда 20, 1940 йилда 40, 1970 йилида 60 та бўлган. Ҳар йили дунёда 3-3,5 млрд. т нефть қазиб олиниди. Энг йирик нефть қазиб олуви мамлакатлар – Саудия Арабистони, АҚШ, Россия, Эрон, Мексика, Хитой, Венесуэла. Форс қўлтигининг 5 мамлакати дунё нефтининг 25, ОПЕК мамлакатлари 40, саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ ни ҳам қўшиб) 25%ини қазиб олади. Шуни айтиш керакки, сўнгти йилларда ривожланган мамлакатлардан АҚШ да (захираларнинг кўплигига қарамай АҚШ истеъмол қилинадиган нефтининг 52%ини импорт қиласди) ва Буюк Британияда (нефть асосан Шимолий денгиз акваториясидан қазиб олиниди, у 130 млн. тоннадан 90 млн. тоннага камайди) нефть импорти қазиб олиши камайишига боғлиқ ҳолда қисқарди. Нефть экспертларининг фикрича Шимолий денгизда нефть қазиб олиш максимум даражага етган (250 млн. тоннага яқин) ва истиқболда аста-секин камайиб боради. Нефтнинг аниқланган захираларидан 22,5%и денгиз конларига тўғри келади. Денгизларда қидирув ишлари қирғоқдан 200-500 км узоқликдаги 800 метргача чуқурликда олиб борилмоқда. Ҳозир континентал шельфда 50 мамлакат нефть қазиб олаётир, денгиз нефтининг умумий ҳажми 1995 йилда 950 млн. тоннага етган (дунё умумий ҳажмидаги салмоғи 28%). Европа ва Австралияда нефтнинг 90%, Лотин Америкасида 50%дан кўпроғи денгиздан қазиб олиниди. Денгиз нефтини қазиб олишида (1992 й.) қуйидаги мамлакатлар алоҳида ажralиб туради (млн. т.): Буюк Британия (89), Норвегия (84), Мексика (79), Саудия Арабистони (74), Венесуэла (46), АҚШ (42), БАА (35), Ҳиндистон (33), Бразилия (31), Малайзия (30), Миср (27), Нигерия (26), Австралия (23), Индонезия (23), Ангола (20), Эрон (17) ва бошқалар. Айрим мамлакатларда нефтининг 95-100 (Буюк Британия, Норвегия, Дания, Испания, БАА, Заир, Конго, Австралия) ва 80 фоизи (Венесуэла, Габон) денгиз конларидан олиниди. Континенталь шельфдаги асосий денгиз нефть конлари шимолий денгиз, Форс қўлтиги, Мексика қўлтиги, Кариб денгизида жойлашган. Сўнгти йилларда Беренц ва Қора денгиз, Сахалин, Каспий денгизи шельфларида нефтининг катта захиралари борлиги аниқланган.

Денгизда нефтни қазиб олиш чуқурлык ошган сари ва юкори (шимолий) географик кенгилкларда тобора қимматта тушиади. Масалан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакаттардаги нефтни қайта ишловчи (НКИ) 700 заводнинг умумий куввати 3,6 млрд. тоннадан кўпроқ бўлиб, ундан АҚШ га 780, Европага 720, Японияга 200, Лотин Америкасига 300, Яқин ва Ўрта Шарққа 250, Африкага 150 млн. тонна тўғри келади. НКИ саноатини жойлаштиришда бир-бирига қарама-қарши икки тенденция таъсир кўрсатади: бири – бозор тенденцияси (НКИ нинг қазиб олиниадган жойлардан узоқдалиги ва НКИ заводларини истеъмолчи мамлакатларда куриш), боиқаси – хомацё тенденцияси – НКИ ни нефть қазиб олиниадган жойларга яқинлаштириш. Сўнгги йилларгача биринчи тенденция устун эди ва у арzon хом нефтни сотиб олиб, ундан олинган маҳсулотларни бир неча баробар қиммат сотиш билан боғлиқ эди. Кейинги йилларда НКИ заводларини айрим ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, транспорт коммуникациялари туғунида, муҳим дengiz йўлларида куриш тенденцияси кучайди. Ўнёдаги куввати 15 млн. тоннадан ортиқ бўлган кудратли 15ta НКИ заводларининг ярми Сингапур, Саудия Арабистони, Венесуэла, Багам оролларида жойлашган. Куввати 30 млн. тонна бўлган энг йирик НКИ заводи АҚШ га қарашли. У Карип дengизидаги Виргин оролларида жойлашган.

Ривожланаётган мамлакатларда НКИ заводларини куриш, шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатларда табиатни муҳофаза қилиш талаблари кучайтирилганлиги билан ҳам боғлиқ (экологик ифлос ишлаб чиқаришни ташқарига чиқариши). Нефть қазиб олувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг ўз НКИ ва нефть-кимё саноатини барпо этишга интилишлари ҳам ривожланаётган мамлакатларда ушбу тенденциянинг кучайшига олиб келди.

Қазиб олиниётган нефтнинг ярми экспорт қилинади. Асосий экспортёрлар: ОПЕК мамлакатлари, Россия, Хитой, Саудия Арабистони, Венесуэла, Қувайт ва бошқалар. Нефтни сотиб олувчи асосий давлатлар Япония, Фарбий Европа мамлакатлари, Корея Республикаси.

Нефтни қазиб олиш ва истеъмол қилиш районлари ўртасидаги ҳудудий узилиш уни ташишнинг катта миёсда бўлишига сабаб бўлган. У дengиз транспортида (танкер) ташиладиган энг асосий юkdir. Шунингдек, нефть темир йўлда ва нефть кувурлари орқали ҳам кўп миқдорда ташилади.

Асосий нефть юклари оқими Форс кўлтиридининг энг йирик нефть портларидан Фарбий Европа ва Японияга жўнатилади.

Динг йирик танкерлар Африкани айланыб ўтадиган узок йўлдан, унча катта бўлмаганлари – Сувайши каналидан ўтади. Кичик юқ оқимлари Лотин Америкаси мамлакатларида (Мексика, Венесуэла) АҚШ ва Фарбий Европага боради. АҚШ, Канада орқали ўтадиган Аляска нефть қувури орқали нефть билан таъминланади. Шарқий Европа мамлакатдарини нефть билан таъминлашда Россия асосий роль ўйнайди.

Дунё газ саноати. Газ саноати XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожлана бошлади. Дунё ёқилғи истеъмоли структурасида нефть ва кўмирдан кейин учинчى ўринни эгалайди (20%). Газ экологик энг тоза энергия ресурсидир. Дунё газ саноатининг асосий маълумотлари З-жадвалда берилган.

З-жадвал

Дунёда табиий газнинг аниқланган захиралари, қазиб олиниши ва истеъмоли

Регион (мамлакатлар)	Дунё захираларидағи солмоғи (%)	Қазиб олини (млрд. м ³)	Истеъмол (млрд. м ³)
Дунё	100,0	2215	2215
Шимолий Америка	4,9	658	654
Лотин Америкаси	5,1	97	101
Фарбий Европа	3,8	244	335
Шарқий Европа	40,2	795	720
Шу жумладан:			
Россия	39,2	606	497
Африка	6,9	87	46
Яқин ва Ўрта Шарқ	32,0	136	130
Австралия ва Океания	7,0	198	229

Газнинг аниқланган захиралари бўйича айниқса, МДХ ва Жапуби - Фарбий Осиё (трлн. м³), Россия (40), Эрон (16), Саудия Арабистони (6), БАЛ (5,7), АҚШ (5,4), Жазоир (4), Канада (2,6), Венесуэла (3,1), Мексика (2), Индонезия (2,5), Норвегия (2,3), Малайзия (2), Хитой (2), Нидерландия (1,7), Туркманистон, Ўзбекистон ва бошқалар ажralиб туради.

Дунёда газ қазиб м³ олишининг умумий ҳажми 1990 йилда 2,1 трлн. м³, 1995 йилда 2,2 трлн. м³, 2000 йилда 2,5 – 2,6 трлн. м³ бўлган . Газ 60дан ортиқ мамлакатда қазиб олиниади. Газ қазиб оловчи биринчи ўнлик мамлакатларига Россия, АҚШ, Канада, Нидерландия, Туркманистон, Ўзбекистон, Буюк Британия, Индонезия,

Жазоир, Саудия Арабистони киради. Кўп мамлакатлар дengиз тубидан кўп миқдорда газ қазиб олмоқдалар. (млрд. м³) : АҚШ (120), Буюк Британия (48), Норвегия (31), Малайзия (18), Нидерландия (17), Австралия (12), Бруней (8). Қазиб олинаётган газнинг 15 % и экспортга чиқарилади. Асосий нефть экспорт қилувчи давлатлар Россия, Турманистон, Ўзбекистон, Канада, Нидерландия, Норвегия, Жазоир, Индонезия. Асосий импортерлар – ГФР, Япония, АҚШ, Франция, Италия. Газнинг 75%и газ қувурлари орқали, 25%и суюлтирилган ҳолда метан ташувчи танкерларда ташилади. Газни континентларро ташининг мураккаблиги унинг 85%и газ қазиб олувчи мамлакатларда тўпланишига сабаб бўлган.

Газ қувурларини қуриш жадал ривожланмоқда. Уларнинг ҳозирги пайтдаги узуунлиги дунёда 900 минг км га етади. Энг йирик газ қувурлари Шимолий Америкада. (Канаданинг Альберта провинцияси ва АҚШ ўртасида), Фарбий Евроиада (Голландиядаги энг йирик Гропинген конидан, Германия ва Швейцария ҳудуди орқали Италияга, Норвегиянинг Шимолий дengиз секторидан Германия, Белгия ва Францияга) ишлаб турибди. 1982 йилдан бўён Жазоирдан Тунисга ва ундан кейин Ўрта ер дengизи тубидан Италиягача ўтказилган газ қувурлари ишламоқда. Россиядан Шарқий Европанинг деярли барча мамлакатларига (Албаниядан ташқари), шунингдек, қатор Фарбий Европа мамлакатларига (Германия, Австрия, Италия, Франция, Финландия) газ қувурлари орқали газ келтирилади.

Давлатлараро дengизда суюлтирилган газни газ ташувчи маҳсус кемаларда ташиш ривожланиб бормоқда. У экспорт қилинадиган портларда қимматга тушадиган газ суюлтиручи, импорт портларида уни яна нормал ҳолатга келтирадиган қурилмалар қуришни тақозо этади. Шу сабабдан газни шундай усулда дengизда ташининг барқарор занжиirlари Яқин Шарқ – Япония, Австралия – Япония ўртасида шаклланган.

Дунё кўумир саноати. Дунёда энергетик вазиятнинг кескинилашишига боғлиқ ҳолда сўнгги йилларда кўумир саноати тез ривожланди. У дунё энергетикасининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат электроэнергетика ва қора металлургия каби йирик кўумир истеъмолчи тармоқларининг мавжудлиги ҳамда нефть саноатига нисбатан ресурслар билан жуда яхши таъминланганлиги билан изохланади.

Дунёнинг умумий кўумир захиралари 1,2 трлн. т га тенг (52% тошкўумир, 48% қунғир кўумир). Унинг 66%и иқтисодий ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Дунёда кўумир захиралари бўйича қўйидаги мамлакатлар етакчи ўрин эгаллайди (млрд. т): АҚШ (400), МДҲ мамлакатлари (280), Хитой (105),

ЧФР (90), Буюк Британия (90), Канада (15). Булардан ташқари Индонезия, Ботсвана, Зимбабве, Мазамбик, Колумбия, Венесуэла ва бошқалар кўмири захиралари билан ажралиб туради.

1950-1995 йилларда кўмири қазиб олиш муттасил кўпай-бо борди: 1950й-1,3, 1960й-2,6, 1970й-2,9, 1980й-3,7, 1985й-1,3, 1990-4,9, 1995й-5,2 млрд. тонна. Шу билан бир қаторда сунгги йилларда ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигига асосий анъанавий кўмири (эски саноат) районларида (ГФРда РУР ҳавзаси, Шимолий Франция, АҚШда Аппалачи) кўмири қазиб олиш камайди. Австралия, ЖАР, Канадада экспортга асосаниб кўмири қазиб олиш кўпайди. Австралия ёки ЖАР дан Fарбий Ёвропага олиб борилаётган кўмири маҳаллий кўмирдан уч марта арzonга тушади. Бу Fарбий Ёвропа кўмири ҳавзалари инцирозининг сабабидир.

Дунёнинг 70 дан кўпроқ мамлакатида кўмири саноати ривожланган. Кўнгир кўмири қазиб олишда Германия дунёда биринчи ўринни эгалайди ва бу ерда ундан электростанцияларда кимё саноатида, уй рӯзгорда (брекет) кенг фойдаланилади.

Нефть ва газдан фарқ қилиб, кўмирнинг атиги 8%и экспортга чиқарилади, асосий қисми эса қазиб олинган мамлакатда истеъмол қилинади. Кўмири экспорт қилувчи асосий давлатлар (млн. т): Австралия (110), АҚШ (95), ЖАР (50), МДХ (40), Польша (30), Канада (25), Хитой (75), Намибия (15), асосий кўмири импорт қилувчи давлатлар – Япония (400), Корея Республикаси (30), Италия (20), Канада (20), Франция (15), Нидерландия (15) ш.ё. Ҳалқаро савдода кўмирнинг 90% денгиз транспортида ташилади.

6.3. Дунё электроэнергетика саноати

Электроэнергетика саноатининг ривожланиши ишлаб чиқариш ва турмуш – уй-рӯзғор соҳаларини электрланитириши билан узвий боғлиқ. Дунёда истеъмол қилинадиган энергиянинг 1/3 дан кўпроғи (15 млрд. тонна ш.ё.) электр энергиясига айлантирилади. 2000 йилда барча бирламчи энергия ресурсларининг 40%и электроэнергия ишлаб чиқаришга сарфланди. Шу сабабдан электроэнергия ишлаб чиқариши барламчи энергия ресурслари ишлаб чиқарилши ва истеъмолига нисбатан тезроқ ўсаяпти. Утган асрнинг 50-70-йилларда у ҳар ўн йилда икки марта кўпайиб борди. Масалан, дунёда 1950 йилда – 950, 1960 йилда – 2300, 1970 йилда – 5000, 1980 йилда – 8250, 1990 йилда – 11550, 2000 йилда – 13,2 млрд. квт:соат электроэнергияси ишлаб чиқарилди. Дунёдаги барча электро-станцияларнинг умумий

куввати ҳам тез суръатларда ўсмоқда: у 1970 йилда 1,1 млрд. квт га тенг бўлса, 1995 йилда 2,6 млрд. квт га етди.

Дунёда электр энергия ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича ўринлар қўйидагида тақсимланган: 1) Шимолий Америка (32,3%), 2) Европа (26%), 3)Хорижий Осиё (18,2%), 4)МДХ (14,4%), 5)Лотин Америкаси (5,2%) 6)Африка (2,2%), 7)Австралия (1,7%). Дунё электр энергиясининг 80% дан кўпроғи ривожланган мамлакатлар, 20%дан камроғи эса ривожлананётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Дунёда энг кўп электр энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қўйидагилар: 1)АҚШ – 3,2 трлн. квт:с, (дунёнинг 27,8% электр энергияси); 2)Россия – 1,1 трлн. квт:с (9,5%); 3)Япония – 835 млн. квт:с (7,2%); 4)Хитой - 620 млн. квт:с, (5,4%); 5)ГФР - 560 млн. квт:с (4,8%); 6)Канада - 520 млн. квт:с (4,5%); 7)Франция - 420 млн. квт:с (3,6%); 8)Буюк Британия - 320 млн. квт:с (2,8%); 9)Украина - 300 млн. квт:с (2,6%); 10)Хиндистон - 280 млн. квт:с (2,4%). Аҳоли жон бошига электр энергия ишлаб чиқаришда (дунёда ўртача 2140 квт) мамлакатлар бир-бирларидан катта фарқ қиласидилар. Масалан, бу кўрсаткич бўйича биринчи ўринларда Норвегия (28660 квт), Канада (19600квт), Швеция (17100квт), АҚШ (12860квт), Финляндия (10950квт) туради, энг охирги ўринларни эса Африка мамлакатлари (ўртача 81 квт), Хиндистон (340квт), Хитой (550 квт), Туркия (970квт) эгаллайди.

Дунёда электр энергия ишлаб чиқариш структурасининг айrim регионлар бўйича фарқи 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Дунёда электр энергия ишлаб чиқариш структураси

Дунё бўйича, регионлар	ИСЭ ларда ишлаб чиқарини (%)	ГЭС ларда ишлаб чиқарини (%)	АЭС ларда ишлаб чиқарини (%)	Жами
Дунё	63	20	17	100
МДХ	75	13	12	100
Хорижий Европа	55	15	27	100
Хорижий Осиё	69	18	13	100
Африка	81	17	2	100
Шимолий Америка	66	18	18	-
Лотин Америкаси	23	75	2	-
Австралия ва Океания	79	21	-	-

Дунёда электр энергия ишлаб чиқариш структурасида иесий ўринни иссиқлик электр станциялари (ИЭС – 63%), иккичи ўринни гидроэлектр станциялари (ГЭС – 20%), учинчи ўринни эса, атом электр станциялари (АЭС- 17%) өгаллады. Бундай нисбат күп регионлар учун хам характерлиди, лекин алғым фарқлар хам мавжуд. Масалан, Лотин Америкасида электр энергиянинг кўпи ГЭС ларда ишлаб чиқарилади.

Бу мазкур регионнинг гидроструктураларга бойлиги, кўмир, кўичилик мамлакатларда эса нефть конларининг камлиги оиласи изохланади. АЭС салмоғи Ғарбий Европада ўртача кўрсаткичдан атча юқоридир.

Кўмирнинг салмоғи баъзи мамлакатлар ИЭСда жуда катта (масалан, ЖАРда деярли 100%, Австралияда 75%, Германия ва АҚШда- 50% дан ортиқ). Бунда кўмир ёқилғи-энергетика циклининг экологик хавф-хатарли эканлигини ҳисобга олиш ва уларни экологик тоза энергия турларига алмаптириш (куёш, шамол ва бошқалар) зарурати кўндалаңг туради.

Учинчи гурӯхга ГЭС ларнинг электр энергия ишлаб чиқариппаги салмоғи юқори бўлган мамлакатлар киради. Буларга Норвегия (99,5%), Бразилия (92%), Гондурас, Непал, Шри Ланка, Парагвай (90% дан кўпроқ), Эфиопия, Габон (80%дан ортиқ), Австралия, Колумбия, Перу, Кения, Мадагаскар, Янги Зеландия (70% дан ортиқ), Канада (62%), Швеция (50%) ҳамда Тожикистон, Қирғизистон мисол бўлади. Уларнинг ҳаммасида минерал ёқилғи ресурслари чекланган. Улар гидроресурсларга бойтоғ ва дарёлар кўп мамлакатлариdir. ГЭС ларда электроэнергия ишлаб чиқаришнинг кўпи АҚШ, Канада, Европа мамлакатлари хиссасига тўғри келади.

Ёр шарининг гидроэнергетика қуввати назарий жиҳатдан 33-49 трлн. квт/соат, ҳозирги техника ривожланиши шароитига кўра эса, 15 трлн. квт/соатга тенг. Уни ўзлаштириш даражаси дунё бўйича 14% га баробар. Баъзи мамлакатлар Швеция, ГФРда гидроэнергетика қуввати деярли тўла ўзлаштирилган бошқаларида ўзлаштириш эндилиқда бошлаймоқда. Японияда гидроресурсларнинг 2/3, АҚШ ва Канада 3/2, Лотин Америкасида 1/10, Африкада 1/20 дан фойдаланилмоқда.

Дунёда қуввати 1 млн. квт.дан кўп бўлган, ишлаб турган 110 та ГЭС бор. Уларнинг 50% дан кўнроғи ривожланган мамлакатларда (Канадада 17, АҚШда 16таси) жойлашган. Дунёнинг энг йирик ГЭС лари куйидагилар (қуввати млн. квт/с): Италия (Бразилия – Парагвай, Парана дарёсида) – 12,6; Гранд – Кули (АҚШ) – 10,8; Гури (Венесуэла, Карони дарёси) – 10,3; Тукурим (Бразилия) – 8,0; Саян – Шушенск (Россия)

— 6,4; Корпус — Посадое (Аргентина — Парагвай) — 6,0; Красноярск (Россия) — 6,0; Ла — Гранд — 2 (Канада) — 5,3; Чергилл — Фалз (Канада) — 5,2; Ксиндо (Бразилия) — 5,0; ҳозирги пайтда құңчилік мамлакатларда кичик ГЭСларни құп-
лаб қуриш тез ривожланмоқда. Дүнёда ҳозир 100 мингдан ортиң
кичик ГЭСлар ишлаб турибди.

ГЭСларни қуришда уларнинг афзаллық (эксплуатация даврининг давомийлиги, эксплуатация харажатларининг кам-
лиғи, энергияны тұйлаш имкониятлари, экологик тозалиғи ва сарфланған маблағларни қоплашнинг узоқ муддатта чүзилиши,
күп қишлоқ хұжалиқ ерларини йүқотиши, ер ости сувлариппинг
ер юзасига құтарилиши, дарё қирғоқтарининг емирилиши ва бошқаларни ҳисобға олини зарур.

Тұрттынчи гурухга атом энергиясининг салмоғи юқори бүл-
ган мамлакатлар қираиди. Булар Франция (72,9%), Бельгия
(59,9%), Корея Республикасы (43,2%), Швеция (43,2%).

Дунё атом энергияси муаммолари. Атом энергияси тизими ривожланишининг нисбатан қыска даври учун құтарилиши ва па-
сайиш бүйіча ҳисоблар ва бащоратларни қайта бохолаш ҳаракат-
ларидир. Уни жадал ривожлантришишининг дастлабки дастурлари үтган асрнинг 50-60-йилларда АҚШ, Буюқ Британия, сөбің СССРда,
сүнгра ГФР ва Японияда ишлаб чиқылған зди. Уларнинг құңчилігі ўша даврда АЭСларнинг ИЭСлар билан етарли рақобатбар-
дош бўла олмаганилиги сабабли амалга оширай қолди. Сүнгра дунё
энергетика бўхрони бошланиши, нефть нархининг кескин құтари-
лиши энергия билан таъминлашни мустаҳкамлаш масаласини ян-
гича йўлга қўйишга олиб келди ва атом энергиясининг акциялари
нархи тез құтарилиди. Бу биринчи навбатда, ГФР, Бельгия, Швеция,
Финляндия, Япония, Корея Республикасыга тааллуқли зди. Шу
билин бир қаторда минерал ёқилғига бой бўлған АҚШ ва сөбің
СССР каби мамлакатлар ҳам атом энергиясини ривожлантриши-
нинг йирик дастурларини қабул қилиб, амалга ошира бошладилар.
Натижада 70-йилларнинг охирига келиб, құңчилік Farb эксперти-
лари XX асрнинг охиридаги АЭС күвватлари 1300-1600 млн. квт.га
ёки барча типдаги электр станциялар күввати йифиндисининг таҳ-
минан ярмiga тенг бўлади, АЭСлар дунёning 50 мамлакатида пай-
до бўлади, деб ҳисобладилар. 2020 йилда дунё ёқилғи ва энергия
истеъмолида атом энергетикаси салмоғи 30%га стиши бащорат
қилинган зди. Лекин үтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб,
атом энергиясининг үсінші яна секинлашды, құңчилік мамлакат-
ларда АЭС қуриш режалари ва бащоратлари қайта қўриб чиқыл-
ди. Бунга энергияны тежаш мақсадидаги ютуқлар, нефтининг аста-
секин арzonлашиб бориши, айниқса, АЭСлар қуришининг экологик

окибатларини қайта баҳолаш ва боиқалар сабаб бўлди. Бундай қайта баҳолаш АҚШ нинг Три Майкл Айленд АЭСи ва айниқса, 1986 йилда Украинадаги Чернобиль АЭСида содир бўлган даҳнатиши авариялардан кейин янада қўчайди. Чернобиль ҳалокати Украина, Белоруссия, Россиянинг 17 млн. аҳоли яшайдиган 11 вилоятини қамраб олди ва Чернобилдан 2 минг км. радиусдаги 20 мамлакатда радиация даражасининг ошишига сабаб бўлди. Радиация бинолари шимолий-гарбда Норвегиянинг шимолига, Фарбда Рейн дарёсига, жанубда ФОРС қўлтиғига етиб борди.

Айнан шу даврда кўп мамлакатлар atom энергиясидан тўлиқ ёки аста- секин воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилилар. Макалан, Австрияда Вена яқинидаги ишлашга тайёр АЭС тўхтагиб қўйилди. Италияда 1987 йилдаги референдумдан кейин учта АЭС ёнилди, куриб тутгалланган тўртинчи АЭС қайта жижозланиб, ИЭСга айлантирилди. Польша Жарновицеда АЭС кўрилишини тўхтатди. Швеция, Нидерландиянинг ядро дастурлари амалий жиҳатдан тўхтатилди. Швецияда референдумдан кейин ишлаб турган 12та atom реакторларининг барчасини 2010 йилгача ёниш тўғрисида қарор қабул қилинди. Маълумки, бу мамлакатда АЭСлар ишлаб чиқарилаётган элекстр энергиянинг деярли ярмини беради. Мамлакат аҳоли жон бошига atom элекстр энергияси ишлаб чиқаришда биринчи ўринни эгаллади.

Баъзи мамлакатлар ўз АЭСларини демонтаж қилимадилар, узарнинг янгисини кўришидан ҳам воз кечмадилар, лекин atom энергетика дастурларини сезиларли даражада қисқартирилар. Бу ҳолат АҚШга тааллуқли бўлиб, у ерда сўнгги йилларда янги АЭС куришга деярли рухсат берилмади. Шунингдек, собиқ СССРда ҳам Чернобиль авариясидан кейин бу соҳадаги катта тадбирлар дастури амалда деярли тўхтатилди.

Аммо сўнгти йилларда содир бўлган энергетика бўхрони atom энергетикаси имкониятларини яна янгидан қайта баҳолашни кун тартибига қўйди. 1993 йилда Россияда 2010 йилгача мўжалланган янги АЭСларни куриш дастури қабул қилинди (8та янги қўшимча энергия блоклари Узоқ Шарқда, учта янги АЭС куриш). Литвада мамлакатнинг 80% элекстр энергиясини ишлаб чиқарадиган Игналин АЭСи фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги талабларга чек қўйилди. Арманистанда Ереван АЭС қайта ишга тушди.

Хозирги пайтда дунёнинг 33 мамлакатида умумий куввати 350 млн. квт га тенг atom реакторлари ишламоқда, яна 70 млн. квт.га тенг реакторлари курилмоқда (Японияда 16 млн., АҚШ да 9 млн., Францияда 9 млн. квт.). Дунё мамлакатларидан айримларининг ядро кувватлари 5-жадвалда берилган.

Дунёдаги айрим мамлакатларниң ядро күввати

Мамлакат лар	Низгайтган реакторлар		Күриштеган реакторлар		Атом энергиясининг умумий электр энергия ишлаб чиқарилидаги салмоғи
	блоклар сони	куввати (MW)	блоклар сони	куввати (MW)	
Дунё бўйича	434	330651	72	59720	17
1. АҚШ	111	99757	3	3480	21,7
2. Франция	56	57688	5	7125	72,9
3. Япония	44	34238	9	8129	27,7
4. Буюк Британия	37	12066	1	1188	23,2
5. Россия	28	18893	18	14175	11,8
6. Канада	21	14874	1	881	15,2
7. Германия	21	22559		-	30,1
8. Украина	15	13020	6	5700	25,0
9. Швеция	12	10002		-	43,2
10. Корея Рес.	9	7220	3	2550	43,2
11. Испания	9	7101		-	36,4
12. Велизгия	7	5484		-	59,9

Изоҳ: 2002 йил бошида дунёдаги 29 мамлакатида 425 реактор ишлаб турган ва 16 мамлакатда яна 60 реактор куришини боекчида бўлган.

Дунё атом энергиясининг умумий электр энергия ишлаб чиқарилидаги салмоғи (%), кувватларининг ошиб бориши (млн. квт.) 1970-2000 йилларда қуйидагича ўзгарган: 1970 йилда 2% (25 млн. квт.), 1975 йилда 6% (80 млн. квт.), 1980 йилда 8% (150 млн. квт.), 1985 йилда 13% (250 млн. квт.), 1999 йилда 17% (330 млн. квт.), 1995 йилда 18% (380 млн. квт.), 2000 йилда 19% (450 млн. квт.). АЭСларда йилига 2 трлн. квт/с электр энергия ишлаб чиқарилмоқда. Дунё АЭС лари кувватининг учдан икки қисми АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Россияда тўйланган. Бунда АҚШнинг салмоғи 40% га teng. Энг йирик Фукуёсима атом энергетика комплекси Япониянинг Хонсю оролида жойлашган. Унинг куввати 9 млн. квт бўлиб, 10 энергия блокидан иборат.

Хорижий мамлакатларда уран концентратлари (V3O8) ишлаб чиқариш 1980 йилда 45 минг тоинадан 1990 йилда 39 минг тоинагача камайди. Унинг асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатлари: Канада (10 минг т.), АҚШ (4,6 минг т.), Австралия (4,1 минг т.), ЖАР (3,6 минг т.), Намибия (3,5 минг т.), Франция (3,4 минг т.), Нигерия (3,1 минг т.), Габон (1 минг т.). Қазиб олинган уранинг 80 фоизи халқаро савдога чиқарилади.

Асосий экспортёrlар Канада (9,5), Австралия (4,3), Намибия (3,5), АҚШ (3,2), Нигерия (3,1), Жар (1,7), Габон (1,0). Уларнинг асосий истеъмолчилари факат АҚШ, Фарбий Европа мамлакатлариидир. Уран очиқ ва шахта усулида қазиб олинади. Бойитилган уранни йирик ишлаб чиқарувчи ва экспортёrlари қатаротга Россия, МДХнинг айrim мамлакатлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон), шунингдек, Хитой ҳам киради.

6.4. Дунё металлургия саноати

Қора металлургия. Қора металлургия — саноатнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, машинасозлик ва қурилишни ривожлантириш асоси, халқ хўжалиги барча тармоқларини техник жиҳозлашнииг зарурий шарт-шароити ҳисобланади. Унинг гаркибига рудали ва рудасиз хоманиёни қазиб олиш ва бойитиш, ҷўян, пўлат, прокат, ферро қотинималар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашдан олинадиган буюмлар ишлаб чиқариш тармоқлари киради. Алюминий ва пластмасса рақобатчанлигига қарамай пўлат асосий конструкцион материал бўлиб қолмокда. Қора металлургиянинг аҳамияти аввало шу билан белгиланади.

Қора металлургиянинг жойлашиш хусусиятлари тармоқнинг ривожланиши давомида ўзгариб борди. Масалан, тарихан металлургия географияси икки хилдаги йўналиш таъсирида шаклланади:

- тошкўмир ҳавзаларига (АҚШ, Европа, Россия, Украина, Хитой металлургия базалари ана шундай асосда пайдо бўлган) интилиш;

- темир руда ҳавзаларига (Россия, Украина, Хитой, АҚШ, Европа) интилиш.

Лекин ФТИ даврида аввалги ёқилғи хомашёга ориентацийнинг умумий сусайиши, кокеланадиган тошкўмир ва темир руда юқ оқимларига интилиш (оқибатда Япония, Фарбий Европа мамлакатлари қора металлургия саноатининг жойлашнишида дengiz портларига томон интилиш бошланди) ҳамда истеъмолчиларга интилишининг кучайини юз бермокда. Шу сабабдан қурилаётган комбинатларнинг ўлчами қисқариши, кичик заводлар (минизаводлар) пайдо бўлиши ва уларнинг эркинироқ жойлашиши кузатилмоқда. Шундай истеъмолчига мўлжалланган митти заводлар, айниқса, АҚШ, Япония, Италия, Испанияда кўп, шунингдек, Бразилия. Мексика, Корея Республикаси, Тайванда, айrim араб мамлакатларида бор.

Темир руданинг дунёдаги умумий геологик захиралари 394 млрд. т бўлиб, унинг ҳажми бўйича (млрд. т.) биринчи ўринда

МДХ (Россия, Украина, Қозогистон, 111), иккинчи ўринда Хорижий Осиё (айниқса, Хитой, Ҳиндистон, 67,5), учинчى Лотин Америкасы (Бразилия, 61,7), ундан кейин Африка (ЖАР, Жазоир, Ливия, Мавритания, Либерия, 59,4), Шимолий Америка (АҚШ, Канада, 50,7), Австралия (23,4), Хорижий Европа (Франция, Швеция, Буюк Британия, ГФР, 20,3) туралы.

6-жадвал

Дунёning энг йирик темир руда ҳавзалари ва районлари

Ҳавзалар ва районлар	Мамлакат	Аниқланган захиралари, млрд. т	Рудадаги темир миндори, %	Руда қазиб олиши 1988 й., млн. т
Хеммерелі ҳавзаси	Австралия	11,7	62	75
«Темир руда үйлөрчагы» райони	Бразилия	6,0	62	105
Карақас райони	Бразилия	5,0	67	29
Месебін-Рейніңкрай райони	АҚШ	5,0	37-62	29
Көрөл-Лейк ҳавзаси	Канада	2,7	38	15
Сингбум райони	Ҳиндистон	2,0	60	19
Симеи ҳавзаси	ЖАР	1,3	64	15
Лотарингия ҳавзаси	Франция	2,1	31-32	10
Пестери-Лидейль райони	Австралия	1,4	57	20
Кириунавеара райони	Швеция	1,8	49	13
Урукум райони	Бразилия	4,0	55-56	-

Дунёда темир руда қазиб олишининг 1950-1990 йиллардаги динамикаси қуйидаги рақамлар билан характерланади (млн. т): 1950-й. - 250, 1960-й. - 500, 1970-й. - 750, 1980-й. - 900, 1985-й. - 850, 1990-й. - 1000. Иккинчи жағон урушыгача чет элларда деярли барча темир руданы қазиб олиш АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатлари ҳиссасига түғри келген. Үрүшдан кейинги йилларда бу мамлакатларда конлардаги ресурсларнинг камайиши, руда сифатининг пасайиши, юқори фосфоритли рудаларга талабнинг камайиши билан боғлиқ ҳолда темир руда қазиб олиш тез қисқара бошлади. Айни пайтда темир руда қазиб олиш собиқ СССР, Канада, Австралия, ЖАР, күтпилик ривожла-наётган мамлакатларда күпайды. Ҳозирги пайтда дунёда энг күн темир руда қазиб оладиган мамлакатлар қуйидагилар: МДХ (236, шу жумладан, Россия 107, Украина 104, Қозогистон 24), Хитой (170), Бразилия (162), Австралия (112), АҚШ (58), Ҳиндистон (50), Канада (42), ЖАР (33), Швеция (23) ва б.

Дунёда қазиб олинаёттан темир руданинг 2/3 қисми фаяқат МДХ, Хитой, Бразилия, Австралия ҳиссасига түғри келади. Ҳалқаро савдога ҳар йили 430-440 млн. т темир руда чиқарылади. Унинг 80 % и деңгиз орқали юк ташылади. Темир рудаси-

ин экспорт қилувчи давлатларга Бразилия (125 млн. т), Австралия (100 млн. т), Канада (30 млн. т), Хиндистан (33 млн. т) киради. Улар ҳиссасига дунё экспортининг 2/3 қисми тўғри келади, шу жумладан, Бразилия - 28,4%, Австралия - 22,7%, Хиндистан - 7,5%. Асосий импортерлар - Европа Иттифоқи (34%), Япония (28%), Корея Республикаси (5%), АҚШ (4%). Япония йилига 150 млн. т гача темир руда сотиб олади.

Темир руда халқаро савдосида бойитилган руда ва темиртерсак сотиш ҳажмининг кўпайиб бориши мухим йўналишига айланади.

Кўпчилик металларни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жараёни қўйидаги босқичлардан ташкил тонади: руда хомашёсини казиб олиш, рудани бойитиш, қўйиш, прокат ва қотишмаларни тайёрлаш. Руданинг барча қимматли қўшимчалари ва қора металлургия чиқитларидан фойдаланиш мақсадида корхоналар таркибига қора металлар, таёrlайдиган цех ва заводлар ҳам киради. Бундай корхоналар кўпчилик бўлиб, улар металлургия комбинатлари деб аталади.

Дунёда ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошида йилига 550 млн. т чўян қўйилган, 760 млн. т пўлат эритилган. Чўян қўйиш бўйича дунёда биринчи «ўнлик» ўринин Япония (80 млн. т), Хитой (62), Россия (59), АҚШ рО), Украина (40), ГФР (30). Бразилия (25), Жанубий Корея (15), Франция (14), Хиндистан (13) эгаллайди.

Дунёда пўлат эритиши 1950 йилдан 70-йилларнинг охирларигача тез ўси, сўнгги ўн йилликларда секин ривожланди. Масалан, 1950 йилда – 200, 1960 йилда – 350, 1970 йилда – 800 млн. т пўлат ишлаб чиқарилган. Бу аҳвол бир томондан ФТИ даврида тайёр маҳсулот бирлигига сарфланадиган металлургия камайиши, металл сифатига талабнинг ошиши, бошқа томондан эса иқтисодий қийинчилик сабабли қора металлга талабнинг камайиши билан боғлиқdir.

Пўлат ишлаб чиқариш бўйича (млн. т) Япония (111), Россия (90), АҚШ (89), Хитой (66), Украина (53), ГФР (43), Италия (26), Корея Республикаси (23), Бразилия (21), Франция (19) биринчи «ўнликка» киради ва улар биргаликда дунёning 2/3 пўлатини беради.

Пўлат ишлаб чиқаришда ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи ошиб бормоқда (1950 йилда – 2%, 1995 йилда – 15%). Бу юқори сифатли руда казиб оладиган мамлакатларда табиат муҳофазасига тозаб ошиши билан экологик «ифлос» ишлаб чиқаришдан (металлургия) холос бўлиш ва уни ривожланаётган мамлакатларда жойлантириши билан боғлиқ.

Шу билан бир қаторда қора металларнинг катта қисми биринчи навбатда юқори сифатли пўлат ишлаб чиқаришининг деярли ҳаммаси илгаригидек ривожланётган мамлакатларда тўпландган. Ривожланаётган мамлакатлар эса асосан оддий металл ишлаб чиқаришига ихтинослашган.

Сўнгти йилларда қора металлургия Хитой, Бразилия, Жанубий Кореяда тез суръатларда ривожланмоқда. Хитойда пўлат қуиши 1949-1992 йилларда 1,6 млн. т дан 78 млн. т гача, яъни 40 марта кўнайди. Пўлат қуишининг ҳажми бўйича Бразилия, Буюк Британия ва Франциядан, Жанубий Корея эса Италиядан ўзib кетмоқда.

Қора металлургия маҳсулотлари структурасига мамлакатлар хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШда юпқа листли (қатламли) прокат ишлаб чиқариш салмоғи катта бўлиб, у автомобиль саноати ва уй-рўзгор аппаратуралари ишлаб чиқаришининг (мўзлатгич, кондиционер ва б.) юқори даражада ривожланиши билан бевоста боғлиқ. Японияда кўп миқдорда кемасозликда ишлатиладиган ўрта ва қалин прокат листлари, ГФР ва Италияда эса сув қувурлар ва қувур тайёрланмалари ва маҳсулотлари катта салмоққа эга.

Рангли металлургия саноати

Рангли металлургия. Рангли металлургия ҳам саноатнинг эски тармоқларидан бири бўлиб, ФТИ таъсирида унинг структурасида катта ўзгаришлар ва янгиланишлар содир бўлди. Масалан, иккинчи жаҳон урушигача оғир металлар — мис, кўрғошин, рух, қалай эритиш устун бўлган бўлса, 60-70-йилларда биринчи ўринга алюминий чиқди, шунингдек, «ХХ аср металлари» - кобальт, титан берилий ва бошқаларни ишлаб чиқариши доираси кенгайди. Ҳозир рангли металлургия тахминан 70та турли металга эҳтиёжни таъминламоқда. Лекин ишлаб чиқаришининг ҳажми бўйича (40 млн.т.) у қора металлургия ишлаб чиқариши ҳажмидан 30 марта камроқдир.

Рангли металлургия технологик жараёнининг босқичлари буйича хомашёни қазиб олиш ва бойитиш, шунингдек, металл ва қотишималарни эритишни бирлаштиради. Рудада металлнинг жуда кам миқдори уни, албаттга, бойитишни тақозо этади. Рангли металл рудаларида турли қимматли компонентлар кўн бўлиб, ҳар бири бирин-кетин алоҳида алоҳида ажратиб олинади. Бойитилган руда маҳсус печларда эритилади ва тўла тозаланмаган металлга айлантирилади, ўз навбатида, у зарарли араланималардан тозаланади.

Рангли металлургия корхоналарини жойлаштиришга кўп-табиий ва иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади.

Илгари рангли металлургия корхоналари ишлаб чиқаришида оғир металлар устун турганлиги сабабли улар хомашё қазиб олинадиган районлар яқинидаги жойлаштирилган. Оғир металл рудаларида соғф металл миқдори жуда кам ($0,5\text{-}3,5\%$) бўлади (Іт мис олиш учун 100т га яқин, қалай учун - 300т дан кўпроқ руда сарфланади). Бундан ташқари, қайта ишлашда тобора кўпроқ таркиби камбағал рудалар ишлатилмоқда.

XX аср ўрталарида енгил рангли металлар (айниқса, алюминий) металлургияси тез ривожланди. У авиация, ракета техникаси, автомобилсозлик, енгил конструктив материаллар ишлаб чиқариши ва хўжаликнинг бошқа тармоқларида кент миқёсда қўлланила бошлади. Енгил рангли металлар (алюминий, титан, магний) ишлаб чиқариши эса кўп миқдорда электр энергия талаб қиласди. Шу сабабдан тармоқни жойлаштиришда энергетика манбаларига интилиш кучайди ва улар арzon энергия манбалари яқинидаги жойлаштириллади. Бундан ташқари енгил рангли металл рудалари (айниқса, алюминий) оғир металл рудаларидан фарқ қилиб, фойдали компонентлари миқдори бўйича темир рудасига ўхшайди, уларни бемалол узоққа ташиш мумкин. Масалан, бокситнинг $1/3$ қисми экспортта чиқарилади, уларни ценгизда ташишнинг ўртача масофаси 7 минг км.дан ошиб кетади. Бунинг сабаби шуки, дунёдаги боксит захираларининг 85% га яқини ўз келиб чиқиши бўйича тропик ва субтропиклардаги ер пўсти смирилиши билан боғлиқ. Шунинг учун Фарбий Европа мамлакатларининг кўпчиллиги, Япония, Канада, АҚШда боксит захиралари унча катта эмас ёки умуман йўқ. Уларнинг ҳаммаси энг аввало, импорт хомашёга таянадилар. Боксит қазиб олишда Австралия, Гвинея, Ямайка, Бразилия, Хитой, Суринам ажralиб туради.

1970 йиллардан бошлаб иккиламчи хомашёнинг ахамияти ошиб борди (қалайнинг $1/5$, алюминий ва рухнинг $1/4$, миснинг $2/5$, кўроғшиннинг $1/2$ қисми ломни қайта эритиш ҳисобига ишлаб чиқарилади), шунингдек, истеъмолчига ориентация кучаймоқда.

XX аср ўрталаридан бошлаб Фарб мамлакатлари кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар хомашёсига асосланиши корхоналарнинг денгиз қирғоқларига кўчишига олиб келди. 70-йиллардаги буҳрондан кейин Фарб мамлакатларида рангли металларни эритиш ҳажми қисқариб, иккиламчи хомашё катта

роль ўйнай боплади. Тармоқнинг истеъмолчига интилиши кучайди. Бу экологик «ифлос ишлаб чиқариш» нинг янги ишлаб чиқариш қувватлари асосан ривожланётган мамлакатларда пайдо бўлмоқда. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ўртасида худудий узилиши сақланиб қолмоқда. Чунки Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган оғир металларниң катта қисми Фарб мамлакатларида истеъмол қилинади.

Ҳам бирламчи, ҳам иккиласмчи рангли металлургия атроф-мухитни кучли дараҷада ифлослантиради, шу сабабдан ва Фарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида табиат муҳофазаси сиёсати кучайишига боғлиқ ҳозда сўнгти ўн йилликларда корхоналарни ривожланётган мамлакатларга кўчириши тенденцияси кучайиб борди.

Ривожланган мамлакатлар рангли металлургиясининг қўйидаги характерли хусусиятларини кўрсатиш мумкин: хомашё билан таъминлаш дараҷасининг настлиги; металл ишлаб чиқаришда иккиласмчи хомашёнинг катта аҳамияти ва унинг тез ўсиб бориши; тармоқ структурасининг тўлалиги (шу жумладан, нодир ва стратегик муҳим металлар ишлаб чиқариш - титан, кобальт, тантал, германий), ишлаб чиқариш цикли структурасида ўрта ва юқори босқичнинг устунилиги (тозаланмаган мис эритишининг камлиги); корхоналарни жойлаштиришда хомашё омили аҳамиятининг камлиги, транспорт - энергетика ва истеъмол омилиниң юқорилиги. Бу мамлакатлар ўртасида ресурслар ва хомашё концентрацияси бўйича Канада, Австралия, ЖАР асосий ўринни эгаллайди. Кўпчилик ривожланётган мамлакатлар рангли металлургияси импорт хомашёга асосланиб ривожланади.

Ривожланётган мамлакатларда эса, аксинча, дунё рангли металл рудалари захираларининг катта қисми тўплланган. Лекин уларнинг рангли металл ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги салмоғи жуда кам. Масалан, ривожланган мамлакатларда капиталистик дунё боксид захираларининг $\frac{3}{4}$ қисми жойлашган, лекин уларнинг қазиб олишдаги салмоғи $\frac{1}{2}$, эритишида - $\frac{1}{5}$, истеъмолда $\frac{1}{10}$ га тенг. Шунга ўхшаш ҳолат бошқа металларга ҳам хос. Улар фақат қалай ишлаб чиқаришда катта салмоққа эга ($\frac{4}{5}$ дан кўпроғи). Қалайининг асосий захиралари Малайзия, Бразилия, Индонезия, Таиланд, Боливияда жойлашган.

Мисрнинг катта захиралари Чили, Зимбабве, Замбия, Заир, Перуда (ривожланган мамлакатлардан АҚШ, МДХ, Канада) тўплланган. Тозаланмаган мис ишлаб чиқарини бўйича АҚШ, Чили,

Япония, Замбия, Заир, Канада дунёда етакчи ўрин эгаллайди.

Боксит қазиб олишда дунёнинг ечакчи мамлакатлари Австралия, Гвинея, Ямайка, Россия, Бразилия, глинозем ишлаб чиқарнида АҚШ, МДХ, Япония, Чили, Канада, Бельгия ҳисобланади.

Алюминий ишлаб чиқарип хусусиятларига кўра, дунё мамлакатларини қўйидаги 4 түрухга ажратиш мумкин: 1) алюминий ишлаб чиқариш тўла ўз хомашёсига асосланган мамлакатлар (Бразилия, Гана, Австралия); 2) алюминий ишлаб чиқарип асосан ўз хомашёси, қисман, импортга асосланган мамлакатлар (Россия, Франция, Италия, Греция, Венгрия, Руминия, собиқ Югославия, Хитой, Хиндистон); 3) алюминийни кўп ишлаб чиқарадиган ва кўп истеъмол қиласидиган, хомашёни тўлиқ ёки деярли тўлиқ импорт қиласидиган мамлакатлар (АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, ГФР, Испания, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Исландия, Швецария, Австрия, ЎКАР, Янги Зеландия, Туркия, Миср, Баҳрайн, БАА); 4) боксит қазиб оладиган, уни экспорт қиласидиган, лекин алюминий ишлаб чиқармайдиган қоюқ мамлакатлар (Гвинея, Сьерра - Леоне, Ямайка, Гаити, Доминика Республикаси, Гайана, Суринам).

Алюминий ишлаб чиқаришдаги мавжуд ҳудудий тавофутларни тўғри тушуниш учун унинг қўйидаги хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак: Маълумки, алюминий металлини электролиз жараёни ёрдамида эритиш энергияни энг кўп талаб қиласидиган ишлаб чиқарип қаторига киради. Ўт алюминий ишлаб чиқарип учун 17 минг квт/соат электр энергия сарфланади. Бу кўрсаткич ҳатто энг замонавий муқаммал заводларда ҳам 14-15 минг кВт га teng. Шунинг учун айрим мамлакатлар миқёсида алюминий заводлари, одатда, энг йирик электр энергия манбаларига яқин жойлаштирилади. Лекин бундай интилиши тури айрим корхоналаргагина эмас, балки кўпилаб мамлакатларга ҳам хос. Бунга мутлақо ўз бокситига эга бўлмаган, алюминийни эса факат импорт хомашёси асосида ишлаб чиқарадиган, сўнгра уни деярли тўлиқ экспорт қиласидиган Канада, Норвегия, Исландия, Австрия, Швейцария, Баҳрейн, БАА мисол бўлади. Бирламчи алюминий экспорт қилувчи мамлакатлар орасида Канада биринчи, Норвегия учинчи ўринни эгаллайди. Канада алюминийси дунёда энг қиммат туради (1 тоннаси 750 доллар).

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридағи энергетика ва хомашё бухрони алюминий санотига ҳам таъсир кўрсатди. Кўпчилик иккисодий ривожланган мамлакатларда унинг ривожланиши суръатлари пасайди. Масалан, Япония алюминийни Австралия,

Бразилия, Бахрайндан олиб келишини афзал кўриб, сўнгги йилларда уни ўзида ишлаб чиқариши тұхтатди. Венгрия электр энергия ишлаб чиқаришнинг кескин танқислиги сабабли алюминий эритишни тубдан камайтирди. Шу билан бир қаторда ривожланган мамлакатларда бу тармоқ ривожланиши секинлашуви унинг ривожланган мамлакатларда тез ривожланиши билан «қолланмоқда». Ривожланаётган мамлакатлар 1950 йилда жаҳон алюминий ишлаб чиқаришида фақат 0.5% салмоққа эга бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда 7%, 1980 йилда 14% 1990 йилда 30%га кўтарилиди. Ҳозирги пайтда улар ўз эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, балки қўп миқдорда алюминий металини экспорт қўлмоқдалар. Бу, биринчи навбатда, Бразилия, Венесуэлага, маълум даражада Ҳиндистон ва Хитойга тааллуқлидир. Жануби - Фарбий Осиё эса энг йирик алюминий эритадиган районга айланмоқда. Бу ерда Туркия, БАА, Бахрейн, Саудия Арабистони, Катарда алюминий заводлари ишлаб турибди. Улар 2 млн. т га яқин бирламчи алюминий ишлаб чиқармоқдалар.

6.5. Дунё машинасозлик саноати

Машинасозлик дунё ишлаб берувчи саноатининг асосий тармоғи бўлиб, кўп жиҳатдан унинг тармоқ структураси ва жойлашиши хусусиятларини белгилаб боради. Машинасозлик комплекси хўжаликнинг барча тармоқлар учун жиҳозлар, шунингдек, кўплаб истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари мажмуасидир. У дастлаб тармоқ сифатида бундан 200 йил аввал Англияда пайдо бўлган. Ҳозир у ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қиймати (1/3) ва унда ишләётганлар сони (80 млн. кишидан кўпроқ) бўйича дунё саноатида биринчи ўринни эгаллайди. Хўжаликнинг барча тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва илмий техника тараққиётини машинасозликнинг ривожланиш даражаси қўп даражада белгилаб бераади. Машинасозлик саноат тармоқлари структурасинигина эмас, балки унинг жойлашиш хусусиятларини ҳам белгилайди.

У мамлакатларниң илмий техника тараққиёти ва мудофаа қобилияти даражасини ифодалайди ҳамда хўжаликнинг бошқа тармоқлари ривожланишини белгилайди. Замонавий машинасозлик кўп тармоқ ва ишлаб чиқаришдан ташкил топган. Унинг корхоналари ўзаро ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари корхоналари билан ўзвий боғланган, машинасозлик учун ихтисослашувнинг чуқурлашуви ва унинг миқёслари кенгайиб бориши харак-

терлийдир. ФТИ даврида дунё хўжалигининг бирорта тармоғи кенг тарқалиш жиҳатдан машинасозликка тенглаша олмайди.

Машинасозлик саноатнинг боиқа тармоқдаридан ўзининг катор хусусиятлари билан фарқ қилиб, улар ўз навбатида, унинг яйлашишига таъсир кўрсатади. Биринчидан, ФТИ даврида машинасозлик илмий ишланмалари кенг жорий этилмасдан ривожлантирилишини тасаввур этиш мумкин эмас. Шу сабабдан машинасозликни фанталаб тармоқларининг маҳсулотларини ишлаб чиқариш юқори даражада ривожланган илмий базаларга тобора кўпроқ яқинлаштирилмоқда. Иккинчидан, машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бошқа тармоқларга нисбатан гоят кўп иш вақти сарфини тақозо этади ва у меҳнатни кўп сарфлайдиган тармоқ ҳисобланади (ускунасозлик, радиоэлектроника, аниқ машиналар ишлаб чиқариш). Учинчидан, тармоқ етарли даражада кўп металл сарфлайди. Шунинг учун машинасозлик корхоналари қора ва рангли металлургия марказларига яқинроқ жойлашади (оғир машинасозлик). Лекин ФТИ даврида машинасозликниң меҳнат ва фанталаблиги даражаси ошиши ҳисобига унинг металлга интилиши анча пайди. Машинасозлик нисбатан эркин ва ҳамма жойда жойлашадиган тармоққа айланмоқда. Тўртинчидан, машинасозликда ихтиослашиш ва кооперациянинг роли гоят катта бўлиб, машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш айрим ихтиослашган корхоналарда амалга оширилади. Шунинг учун транспорт омили алоҳида аҳамиятга эга. Бешинчидан, машинасозликниң кўпчилик корхоналари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, истеъмолчиларга яқин жойлаштиришни талаб қиласди (масалан, қишлоқ хўжалик машиналари, тоғ-кон саноати учун жиҳозларни ташини кийин). Уй-рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш бундай буюмлар истеъмоли ва харид қуввати мавжуд жойларда жойлаштирилади.

Машинасозликниң ривожланиши даражаси бўйича давлатлар бир-бирларидан тубдан фарқ қиласди. Буни қўйидаги 7-жадвал маълумотлари яққол кўрсатади.

Муваффақиятларга эришаётган ривожланаётган мамлакатлардан Ҳиндистон, Мексика, Корея Республикаси, Шарқий Европа Мамлакатларидан Польша, Чехия киради.

Ривожланган мамлакатларда машинасозликниң ишлаб борувчи салмоғи 30-35%, ривожланаётган мамлакатларда эса кўпинча 20% дан камроқни ташкил этади.

7-жадвал

**Хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 80-йиллари охирида
машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
(МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларидан бошқалари)**

Мамлакатлар	Маҳсулот қиймати, млрд. доллар	Машинасозликнинг ишлаб берувчи саноат маҳсулотлари кийматидаги салмоғи, %	Машинасозликнинг мамлакат экспортидаги салмоғи, %
АҚШ	289,1	36	48
Япония	146,2	37	64
ГФР	76,6	38	48
Франция	40,9	33	35
Буюк Британия	32,5	32	36
Италия	30,1	32	34
Хитой	24,7	26	16
Канада	14,7	25	42
Бразилия	13,9	24	15
Испания	9,9	22	31
Хиндистан	9,3	26	10
Швецария	8,7	38	38
Швеция	7,3	35	44
Австралия	7,1	23	6
Нидерландия	6,5	28	19

Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунё регионлари орасида Шимолий Америка (АҚШ, Канада, Мексика) дунёда биринчи ўринда туради. Унинг ҳиссасисига, дунё машинасозлик маҳсулотининг 30%и тўғри келади. У асосан ЭҲМ, самолётлар, ракета-космик техникаси ишлаб чиқариш билан алоҳида ажralиб туради. АҚШ машинасозлик маҳсулотининг ярмiga яқинини экспорт қилади. Дунё машинасозлигининг иккинчи маркази Фарбий Европа бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича у деярли Шимолий Америкага тенглашади. Бу регионнинг етакчи мамлакатлари – ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания бўлиб, улар асосан машинасозликка ихтисослашган (стаконсозлик, автомобилсозлик ва б.). Учинчи машинасозлик региони – Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бўлиб, унинг дунёдаги ҳиссасига 1/5 га teng. Регионнинг асосий мамлакати Япония машинасозликнинг ривожланиш суръатлари бўйича АҚШ ва Фарбий Европадан ўзиб кетди. Япония экспортида машинасозликнинг салмоғи дунё мамлакатлари ўртасида энг юқоридир. Шунингдек, регион таркибига Корея Республикаси, Сингапур, Хитой киради. Регион асосан энг юқори технологияга асослаган оммавий машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Тўр-

инчи регион – МДХ мамлакатлари машинасозлик маҳсулотининг катта ҳажми билан ажралиб турсада, лекин уларда фантаниб тармоқларнинг ривожланиши орқада қолган.

Ривожланган мамлакатлар машинасозлиги ривожланаётган мамлакатлардан ишлаб чиқариши структурасининг тўлиқиги, электротехника салмоғи ва маҳсулот сифатининг юқорилиги ҳамда рақобатбардошлиги, юқори экспортлик даражаси онлан ажралиб турди.

Машинасозлик структурасига кўра, дунё саноатининг энг мураккаб ва тармоқлари кўп соҳасидир. У машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоблар ва инструментлардан ташқари турли-туман уй-рўзгор ва буюмларни ҳам ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кўра, у энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, станоксозлик саноатининг кўп тармоқлари учун технологик жиҳозлар ишлаб чиқариши машинасозлиги ва бошқаларга бўлинади.

«Катта еттилик» мамлакатлари, Россия, Хитой «игнадан самолётгача» - амалий жиҳатдан барча турдаги металл буюмлар, машина ва жиҳозлар ишлаб чиқарди. Фарбий Европа ва Шарқий Европа мамлакатлари, баъзи ривожланаётган мамлакатлар (Бразилия, Ҳиндистон, Сингапур ва б.) одатда, маъдум машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда машинасозлик эмас, тўғрироғи, транспорт, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган таъмирилаш устахоналари ва оддий инвентарларни тайёрлайдиган металлни кайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Транспорт машинасозлиги дунё машинасозлиги ва саноатининг етакчи тармоғидир. Унинг структурасида муҳим ўзгаришлар юз берди. Кемасозлик ва автомобилсозлик тез ривожланди. Бунда кемасозлик ва темир йўл ҳаракат воситаларини ишлаб чиқариши сезиларли даражада ривожланаётган мамлакатларга «кучди». Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Туркия локомотивлар ишлаб чиқараётir. Вагон ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасида Мексика, Миср, Эрон, Таиланд, Чили, Колумбия ажралиб турди. Дунё кемасозлигининг 20 етакчи мамлакатларидан деярли 1/3 қисми ривожланётган мамлакатлардир. Жанубий Корея ўтган асрнинг 60-йиллари охирига дengiz кемалари ишлаб чиқарманган ва 80-йиллар охирига келиб Германиядан ўзиб кетиб, дунёда иккинчи ўринга чиқди (Япониядан кейин). Ундан кейинги ўринларни Бразилия, Тайвань. Ҳиндистон, Аргентина, Мексика эгаллайди. Мехнатнинг арzonлиги ҳозирги пайтда кемасозликнинг жойлашишини белгиламоқда. Айни пайтда «кечаги» етакчилар (АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва б.), моҳиятига кўра, ўз кемасоз-

лигини деярли ёпиб қўйиб, асосан кема таъмирлашга ўтдилар. Япония ва Корея дengiz кемалари ишлаб чиқарувчи энг йирик мамлакатлар бўлибгина қолмай, унинг йирик экспортёри ҳамдир: Япония ҳиссасига дунё дengиз кемалари экспортиning 40% и, Кореяга эса 33%и тўғри келади.

Автомобилсозлик машинасозлик комплексининг энг йирик тармоқларидан бири. У энг йирик мамлакатлар иқтисодиётининг ахволини белгилаб беради. Чунки автомобилсозлик, биринчидан, энг муҳим экспорт тармоғи хисобланади, иккинчидан, унга пластмасса, ойна, резина ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар «боғлангандир». Автомобиллар ишлаб чиқариш тез суръатда кўпаймоқда. Йиқинчи жаҳон урушидан олдин дунёнинг барча мамлакатлари тахминан 4 млн. автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, 1950 йилда - 10 млн., 70-йилларда - 30 млн., 80-йилларда - 40 млн., 90-йиллар бошида 50 млн. автомобиль ишлаб чиқарилди (АҚШ ва Япония ҳар йили 10 млн.дан кўпроқ автомобиль ишлаб чиқаради). Бу миқдорнинг 70%дан кўпроғи енгил автомобиллар, қолган қисми - юқ автомобили ва автобуслардир. Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда «биринчи» ўнлик мамлакатлари қаторига куйидагилар киради (1998й.): Япония (90,7 млн.), АҚШ (5,7), ГФР (4,4), Франция (2,6), Испания (1,8), Италия (1,5), Буюк Британия (1,2), Корея Республикаси (1,2), Россия (0,9), Канада (0,9).

Иккинчи «ўнлик мамлакатлар» куйидагилардир:

Бразилия, Мексика, Бельгия, Австралия, Туркия, Аргентина, Польша, Чехия, ЖАР, Украина. Хисобларга кўра, 2000 йилда дунёда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 40 мин.тага етди. Хитойда автомобиль саноати «эркин иқтисодий зона» сиёсати асосида рағбатлантирилиб, тез ривожланмоқда.

Дунёнинг энг йирик автомобиль фирмалари қаторига «Форд», «Дженерал Мотор», «Крейслер» (АҚШ), «Ниссан», «Хонда», «Тойота» (Япония), «Фольксваген», «Дайтлер-Бенц» (ГФР), «Фиат» (Италия), «Рено», «Пижо-Сетроён» (Франция) киради.

Йирик автомобиль заводлари жойлашиши, одатда, «шохобчали бўлиб, унинг марказида бош завод, атрофида эса ихтисослашган, шу жумладан, резина, ойна, пластмасса, бўёқлар етказиб берадиган корхоналар бўлади. Шундай «шохобчали» корхоналар Детройт (АҚШ), Вольфсбург (ГФР), Нижний Новгород (Россия) ва бошқа шаҳарларда бор.

Автомобиль экспортидаги етакчи мамлакатлар асосан қуйидагилар): (млн. дона): Япония (6,3), ГФР (2,6), Франция (1,9), Канада (1,3), АҚШ (0,9), Испания (0,3), Буюк Британия (0,3), Россия (0,3).

Умумий машинасозлик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳар хил характерга эга. Биринчи гурух мамлакатларда станоксозлик, оғир машинасозлик, жиҳозлар ишлаб чиқариш, иккинчи гурухда эса, қишлоқ хўжалик машинасозлиги устун туради. Станоксозликнинг етакчи мамлакатлари ГФР, Япония, АҚШ, Италия, Швейцария ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси ҳиссасига Жанубий Корея, Хиндистон, Бразилияни қўшганда ҳам станоксозлик маҳсулотининг атига 6% и тўғри келади (қиймати бўйича). Оғир машинасозлик маҳсулотлари асосан АҚШ, МДХ, Япония, Буюк Британияда ишлаб чиқарилади.

Электротехника саноатида электрон индустрия етакчи ўринига кўтарилди. Унинг таркибида ҳарбий саноат ва уй-рўзгор электроникаси ажralиб туради. Биринчиси асосан ривожланган мамлакатлар, иккинчиси эса (кўп, арzon меҳнат кучларини талаб қиласидан) ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Гонконг, Жанубий Корея, Тайвань, Маврикий уй-рўзгор техникасини хатто ривожланган мамлакатларга ҳам экспорт қиласи.

Шунга ўхшаш вазият дунё соат ишлаб чиқаришида ҳам содир бўлди. Бу соҳада 70-йилларининг бошигача Швейцария ҳамма тан олган лидер мамлакат эди. Кварц соатлари ихтиро қилингач, бу мамлаканинг соат саноати инқизорзга юз тутди, биринчи ўринни Япония эгаллади. Сўнгра Гонконг энг содда ва арzon электрон соатларни ишлаб чиқарип, Япониядан ўтиб кетди ва ҳозир «биринчи ўнликнинг» бештаси Осиё мамлакатларидир.

Лекин бунда шунин ҳисобга олиш керакки, бу мамлакатлардаги корхоналарнинг кўпчилиги япон ва швейцар фирмалари филиали бўлиб, уларнинг ўзлари эса мураккаб ва қимматбахо соатларни ишлаб чиқаришини ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Шунингдек, фотоаппарат ишлаб чиқарувчи «биринчи ўнлик» мамлакатларининг бештаси ҳам Осиё мамлакатлари.

Сўнгги йилларда машинасозликнинг ўзида ишлаб чиқаришни байналминаллантириш жараёни ривожланмоқда (трансмиллий корпорациялар доирасида, давлатлараро ва фирмалар ўртасидаги шартномалар асосида). Бу жараён асосан машинасозлик қувватлари ва илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг 90% и га эга бўлган ривожланган мамлакатлар ўртасида амалга оширилаётir. Машинасозликка рақамли дастур бошқарувчи, ЭҲМ ва маҳсус тизими компонентларига асосланган ўзгарувчан автоматлашган ишлаб чиқариш ва автоматлашган лойиҳалаш тизимлари жорий қилинаётir. Бу тизимларга жиҳозлар ишлаб чиқаришда Япония ва АҚШ

асосий роль ўйнайди, яқин ўтмишда машинасозлик заводлари учун ишлаб чиқариш жиҳозлари бўйича асосий ўринни эгаллаб келган Фарбий Европа мамлакатлари позицияси анча настроқдир. Ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошида саноат роботларининг 50-60% и Японияда ишлаб чиқарилди. Айни пайтда АҚШ автоматлаштирилган лойиҳа ва ишлаб чиқаришини бошқариш тизимларининг дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчиси ва таъминотчисига айланди. Унинг ҳиссасига бундай тизимларнинг 80% тўғри келади. Фарбий Европада микроэлектроника бозори учун курашда машхур «Филипс» (Голландия) ва «Симинс» (ГФР) фирмалари биргаликда ҳаракат қилмокдалар.

Умуман, дунё машинасозлигида маҳсулотнинг асосий қисмини илгаригидек ривожлаган мамлакатлар ишлаб чиқармоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи эса пастлигича қолаётир ва бу соҳада дунё машинасозлигида туб ўзгаришлар юз берәтири, деб бўлмайди. Машинасозликнинг мураккаблашиш даражаси тобора тез ошиб бораётир, ва бу мамлакатлар янги ишлаб чиқаришнинг ривожлапиши орқасидан етиб олишга улгурмаётирлар. Дунёдаги икки етакчи регион – Шимолий Америка ва Фарбий Европанинг жаҳон машинасозлигидаги роли пасайиши давом этмоқда, Япония ва «янги индустриал» мамлакатларнинг аҳамияти ошади. Лекин сўнгги гуруҳ мамлакатлари «ўзларининг бозорига эга бўлмаган ишлаб чиқарувчилар бўлиб, улар экспортенуз яшай олмайдилар. Шунинг учун Япония ва Жанубий Шарқий Осиёда маълум силжии бўлишини, лекин Япониянинг дунёдаги биринчи машинасозлик мамлакатига айланниш эҳтимоли камлигини башпорат қилиш мумкин.

6.6. Дунё кимё саноати

Кимё саноати машинасозлик билан бир қаторда замонавий индустриянинг етакчи ва энг тез ўзгарувчан тармоғидир.

Кимё саноатининг таркибида қуйидаги тармоқлар алоҳида ажралиб туради: 1) тоф-кимё (минерал хомашё қазиб олиш); 2) асосий кимё (туз, кислота, минерал ўғитлар тайёрлаш); 3) органик синтез кимёси (углеводород хомашёси, яримфабрикатлар ишлаб чиқариш); 4) полимерлар ашёси (пластика, каучук, турли толалар олиш); 5) полимер материалларни қайта ишлаш.

Бу тармоқ ғоят катта ва хилма-хил хомашё базаларига – тоф-кимё хомашёси, нефть ва табиий газ, металлургия ишлаб чиқариши чиқитлари, ёғоч, қиплок хўжалик хомашёлари ва бопқаларга эга. Кимё саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар (кислота, ўғит, лак, бўёвчи моддалар, заҳарли химикатлар, тола, каучук,

пластика в.б.) хўжаликнинг кўп тармоқлари технологик жарабайларида ишлатилади. Масалан, машинасозликка пластика, резина, кислота (деталлар ишлаш учун), тон-кон саноатига - портглатувчи моддалар, тўқимачиликка - тола ва бўёқлар, қишлоқ хўжалигига - ўғитлар, заҳарли химикатлар етказиб беради.

Кимё саноатининг жойлашиши мураккаб жараён бўлиб, у табиий, иқтисодий, тарихий ва бошқа кўп омилларга боғлиқдир. Унинг айрим тармоқлари у ёки бу даражада эркин жойлашиди (лак, бўёқ, химикатлар, дори-дармонлар, ўғитларнинг айрим турларини ишлаб чиқарадига кичик корхоналар). Бундай корхоналар кўшимча технологик мустақил «нукталар» бўлиб, ривожланган мамлакатларда уларни амалиётда ҳамма жойда ташкил этиш мумкин. Шу билан бир қаторда кимё саноати таркибида корхоналарнинг ўзаро узвий боғлиқлиги орқали бирлашган ишлаб чиқариш тармоқлари кенг ички ва тармоқлараро алоқаларга асосланади (масалан, йирик нефть-кимё комплекслари). Улар асосан хомашё ва энергетика базаларига яқин жойлаштирилади. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг бундай шакллари дунёning кўпчилик кимё районлари ва марказларига хосдир. Бунга АҚШда Техас, Питтербург, Россияда Волгабўйи, Украинада Донбасс, Германияда Рур ва Лейпциг-Галле, Руминияда Карпат олди ва бошқалар мисол бўлади.

Кимё саноати географияси умумий хусусиятлари машинасозликка географияси умумий хусусиятларига ўхшаб кетади: дунё кимё саноатининг 4 асосий региони шаклланган. Улардан энг йириги - Фарбий Европа дунё кимё саноати умумий маҳсулотининг 2/5 қисмини ишлаб чиқаради. Биринчи жаҳон урушигача дунёning асосий кимё давлати Германия эди. Иккинчи жаҳон урушигача регионнинг бошқа мамлакатларида ҳам кимё саноати тез ривожланди. Айниқса, урушдан кейинги даврда четдан келтириладиган хомашёга асосланиб, нефть-кимё саноати тез ривожланди ва биринчи ўринга чиқди. Оқибатда нефть-кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатлари денгиз портларига (Роттердам, Марсель в.б) ёки магистрал нефть кувурлари трасаси яқинига кўчди.

Иккинчи регион – АҚШ, унинг кимё саноати ҳажми бўйича хорижий Европадан кам фарқ қилиб, хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Айнан шу ерда ўтган асрнинг 40-йилларида биринчи нефть-кимё корхоналари вужудга келди ва улар дунё нефть-кимё саноати ривожланишининг янги босқичига асос бўлди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда АҚШ ушбу саноат маҳсулотининг ярмига яқинини ишлаб чиқарад эди. Корхоналар жойлашишининг асосий омили хомашё бўлиб, у кимё

саноатининг худудий түпланишига олиб келди. Масалан, Мексика қўлтифи қирғоқларидағи нефть-газ ҳавзаси базасида дунёнинг энг йирик нефть-кимё комплекси шаклланди.

Учинчи регион – Шарқий ва Жамуби-Шарқий Осиё бўлиб, унинг асосини Япония ташкил этади. Японияда четдан ташиб келинадиган нефть асосида деңгиз портларида қудратли иефть-кимё саноати вужудга келган. Регион таркибига асосий кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариши устун бўлган Хитой ҳамда синтетик маҳсулот ва яримфабрикатлар ишлаб чиқаришига ихтиослашган янги индустриял мамлакатлар ҳам киради. Сўнгти мамлакатларда ушбу тармоқлар тараққиётига уларниң энг мухим океани йўлларидағи кулагай иштисодий-географик ўрни имконият туғдирган.

Тўртинчи регион – МДҲ хилма-хил кимё саноатига эга. Бу ерда тармоқнинг жойлашишига ҳам хомашё, ҳам энергетика ва истеъмол омиллари таъсир кўрсатган.

Утган асрнинг 70-йиллари ўрталаридағи хомашё ва энергетика буҳрони кимё саноатига кучли таъсир кўрсатди. У ишлаб чиқаришнинг түпланиши жараёни янада кучайишига, кўплаб кичик корхоналарнинг ёпилиши ва йирик корхоналар қувватининг ошишига олиб келди. Янги кимё комплекслари, энг аввало, нефть ва газга бой бўлгани ривожланаётган мамлакатларда шаклланди. Бу, биринчи навоатда, Форс қўлтифи мамлакатларига таалукли бўлиб, бу ерда сўнгти ўн йилликда дунё аҳамиятига эга бўлган янги нефть кимё райони пайдо бўлди. Саудия Арабистони, Катар, Қувайтда органик синтез ва азот ўғитлари, Ироқ ва Эронда пластмасса ишлаб чиқарадиган комбинатлар курилди. Шу типдаги комплекслар Ливия, Жазоир, Бразилия, Венесуэла, Мексикада ҳам пайдо бўлди.

Бу ўзгаришлар 80-йилларда АҚШ, хорижий Европа, Япониянинг дунё кимё саноатидаги салмоғи аста-секин пасайишига, ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасининг ошишига сабаб бўлди. Лекин юксак фанталаб кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариши (энг янги фармацевтика препаратлари, электрон ва бошига энг янги саноат тармоқлари учун маҳсус химикатлар, юқори сифатли конструкцион пластмассалар) ривожланган мамлакатлар ихтиёридаги имтиёзли соҳа бўлиб қолмоқда. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ривожланаётган нефть қазиб олувчи мамлакатларда пайдо бўлган «ифлос» нефть-кимё ишлаб чиқариши маҳсулотлари (органик синтез, полимер материаллари) асосан Farb мамлакатларига экспорт қилишга мўлжалланган.

Ушбу тенденциялар айрим кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам ўз аксини топган. Буни сульфат кислота ва минерал ўғит ишлаб чиқаришида яққол куриш мумкин. (8-жадвал).

Дунёда олтингугурт кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш (ўтган асрнинг 90-йиллари бошида)

Дунёда «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Сульфат кислотаси, млн. т	Дунёда «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Минерал ўғитлар, млн. т (100% озиқ модда хисобида)
Дунё бўйича	150	Дунё бўйича	160
АҚШ	40	АҚШ	23
Хитой	12	Хитой	20
Россия	8,5	Канада	11
Япония	7	Россия	8,5
Украина	5	Ҳиндистон	8,5
Франция	4	Беларус	5
ГФР	4	Украина	4,3
Канада	3,5	Франция	3,5
Испания	3,5	ГФР	3,2
Бразилия	3	Индонезия	3,1

Сульфат кислота ишлаб чиқарувчи «биринчи ўнлик» мамлакатларга 8 ривожланган мамлакат ва Хитой, Бразилия киради. Уни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган олтингугурт икки хил йўл билан олинади. Тахминан унинг ярмиси табиий олтингугуртдан олинади ва бунда айниқса, АҚШ, Мексика, Польша, Ироқ, Туркманистон ажралиб туради. Лекин табиий олтингугуртнинг салмоги пасайиб, нефтдан (АҚШ, Япония), айниқса, табиий газдан (Канада, Франция) олинадиган олтингугуртнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Нефть ва табиий газни қайта ишлаш жараёнида олтингугуртни утилизация қилиш иқтисодий самарали, технологик жиҳатдан оддий бўлибгина қолмай, у табиат муҳофазасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи «биринчи ўнлик» мамлакатлар тарқибиغا ҳам асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар киради, лекин у Хитой ва Ҳиндистонда ҳам катта миқёсларга кўтарилган. Дунёда ишлаб чиқарилаётган ўғитнинг 1/2 қисмидан кўпроғини азот, 1/4 қисмини фосфорли, 1/5 қисмини калий ўғитлари ташкил этади. Азот ўғити ишлаб чиқаришда дунёда Хитой, АҚШ, МДҲ мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди, лекин кейинчалик, улар қаторига шунингдек, Ҳиндистон, Мексика, Форс қўлтиғи мамлакатлари ҳам кўшилди. Фосфат хомашёси захиралари ва уларни қазиб олиш 30 дан кўпроқ мамлакатда мавжуд. Улар ўртасида Россия, АҚШ, Марокаш, Иордания, Ироил, Тунис, Қозоғистон алоҳида ажралиб туради. Фосфор ўғитларини ишлаб чиқарувчи дунёнинг асосий мамлакатлари Россия, АҚШ, Хитой хисобланади. Калий тузлари дунё-

нинг 14 мамлакатида қазиб олинади. Сўнгги йилларгача асосий калий тузи қазиб олувчилар Россия, ГФР, Франция, АҚШ, Беларусь бўлган. Сўнгра уларга Канада қўшилди, бу мамлакатда дунёдаги энг йирик Саскечеван калий ҳавзаси очилди. Шунингдек, Канада калий хомашёсининг энг йирик экспортёрига ҳам айланди. Узбекистоннинг жанубида ҳам дунёнинг энг йирик конлари қаторига кирадиган калий хомашёси захираларини ўзлаштириш бошланди.

Дунёда пластмасса, кимёвий тола, синтетик каучук ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар 9-жадвалда берилган.

9-жадвал

Дунёда пластмасса, кимёвий тола, синтетик каучук ишлаб чиқариш (ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошида)

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Пластмасса, млн.т.	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Кимёвий тола, млн. т	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Синтетик каучук, млн.т
Дунё бўйича	100	Дунё бўйича	20	Дунё бўйича	10
АҚШ	30	АҚШ	3,8	АҚШ	2,3
Япония	13	Япония	1,9	Япония	1,3
ГФР	9	Тайвань	1,8	Франция	0,6
Франция	4,4	Хитой	1,8	ГФР	0,5
Нидерландия	3,8	Корея Респ.	1,4	Буюк Британия	0,3
Италия	3,4	ГФР	1	Бразилия	0,3
Россия	3	Италия	0,7	Италия	0,3
Бельгия	3	Хиндистан	0,6	Хитой	0,3
Канада	2,6	Россия	0,5	Нидерландия	0,2
Хитой	2,6	Буюк Британия	0,4	Канада	0,2

Дунёда пластмасса ишлаб чиқариш 1950 йилдаги 1,5 млн. тоннадан 90-йиллар бошида 100 млн. тоннагача кўнайди. У регионлар бўйича қуидагида тақсимланади: Хорижий Европа - 40 млн. т., Шимолий Америка - 30, Хорижий Осиё - 18, МДҲ - 4,5, Лотин Америкаси - 4, Африка ва Яқин Шарқ - 2, Австралия - 1 млн. т. «биринчи ўнлик» мамлакатлар асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар, Хитой ва Корея Республикаси хисобланади. Дунё бўйича аҳоли жон бошига ўртacha 19-20кг. пластмасса ишлаб чиқарилади. Унинг энг юқори дарајасига Бельгия (300 кг.), Нидерландия (255 кг.), ГФР (135 кг.), АҚШ (120 кг.) эришган. МДҲ мамлакатларида у дунёнинг ўртacha кўрсаткичидан паст (16 кг), ривожлаиётгай мамлакатларда эса яна ҳам камроқдир (2,5 кг).

Дунёда кимёвий тола ишлаб чиқариш 1950 йилдаги 2 млн. тоннадан 90-йиллар бошида 20 млн. тоннага кўнайди.

опринчи ўнликка ҳам иқтисодий ривожланган, ҳам ривожланған мамлакаттар, биринчі навбатда Шарқий ва Жаңуби-Шаркий Осиёning янги индустриал мамлакат киради. Сұнгги мамлакатларда кимёвий тола ишлаб чиқариш әнг мұхим халқаро ихтисослашган тармоқ бўлиб қолди. Дунё бўйича ахоли яон бошига 4 кг., Фарб мамлакатларида 10-15 кг, МДХ да 4 кг. Хитойда 1,6 кг кимёвий тола ишлаб чиқарилади.

Кимёвий тола табиий полимерлардан олинадиган сунгий (целлюлозали) ва углеводород хомашёси асосида ишлаб чиқаридиган синтетик толага бўлинади. Ўтган асрнинг 60-йилларгача тола ишлаб чиқариш синтетик толадан кўп бўлган, ҳозир эса улар ўртасидаги иисбат 18:82 га тенг. Барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар, Хитой, Хорижий Осиёning ЯИМ да синтетик толага барча ишлаб чиқаришнинг 4/5 қисми тўғри келади. Лекин МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган сунгий толанинг салмоғи жуда кам.

Синтетик каучук ишлаб чиқариш дунёда биринчи марта ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ СССР да ўсимликлардан олинадиган спиртни қайта ишлашига асосланниб амалга оширилган эди. Ҳозир у углеводород хомашёсига асосланади. Синтетик каучук ишлаб чиқариш табиий каучукка иисбатан икки марта кўпроқдир. «Биринчи ўнликка» иқтисодий ривожланган мамлакатлар, Бразилия, Хитой киради.

6.7. Дунёning ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати

Ўрмон саноати конструкцион материаллар ишлаб чиқаридиган тармоқлар орасида энг эски тармоқдир. У ёғоч тайёрловчи, ёғочни қайта ишлайдиган, целлюлоза-қофоз ва ўрмон-кимё корхоналарини бирлаштиради ва ёғоч, тахта, ёғоч буюмлари, қофоз ва ўрмон-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Дунёning ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати географияси күн жиҳатдан ўрмон ресурсларининг жойлашшиси билан белгиланади. Ер шарида иккита ўрмон минтақаси шаклланган: 1) Шимолий ўрмон минтақаси асосан Евросиё ва Шимолий Американинг игнабаргли ўрмон (тайга) районларини эгаллайди. Бу ерда игнабаргли дараҳтлардан ёғоч тайёрланади, уни қайта ишлаб, ёғоч плиталар, целлюлоза, қофоз, картон олинади. Айрим мамлакатлар учун (Россия, Канада, Швеция, Финляндия) ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати халқаро ихтисослашувининг мұхим тармоғи ҳисобланади; 2) Жаңубий ўрмон минтақаси, унда кенг баргли ўрмон дараҳтларидан ёғоч тайёрланади. Бу ерда ўрмон саноатининг учта асосий райони таркиб топ-

ган: Бразилия, Тропик Африка, Жануби-Шарқий Осиё. Ёғочнинг энг хилма-хил ва бой захиралари Жанубий Америкада жойлашган. Кўрсатилган районларда тайёрланадиган ёғоч асосан денгиз йўллари орқали Япония, Фарбий Европага жўнатилади, шунингдек, ўтинга сарфланади. Булардан ташқари Жанубий минтақа мамлакатлари ёғоч бўлмаган хомашёдан кўп фойдаланидилар, масалан, қоғоз тайёрлашда бамбук (Хиндистон), богасса (Перу), сизель (Бразилия, Танзания), жут (Бангладеш) ишлатилади.

Сўнгти ўн йилликларда шимолий ва жанубий ўрмон минтақалари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўрмон саноати географиясида катта ўзгаришлар содир бўлди. Дунёда ёғоч тайёрлаш ҳажми 1965 йилда 2 млрд. куб м, 90-йилларниг бошида 3,5 млрд., куб м га етди. Лекин XX асрнинг ўрталарида биринчи минтақа мамлакатлари иккинчи минтақа мамлакатларидан анча олдинда бўлган бўлса, ҳозирги пайтда бу фарқ сезиларли даражада қисқарди. Тармоқнинг асосий кўрсаткичлари 10-жадвалда берилган.

10-жадвал

Дунёда ёғоч тайёрлаш ва ўрмон, ёғочни қайта ишлаш саноатининг айрим маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўтган асрнинг 90-йиллари бошида)

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Ёғоч тайёрлаш, млн. м ³	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Тахта материяллари, ари, млн. м ³	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Целиноложия ишлаб чиқариш, млн. м ³	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Ёғоч ишлаб чиқариш, млн. т
Дунё бўйича	3350	Дунё бўйича	500	Дунё бўйича	160	Дунё бўйича	180
АҚШ	510	АҚШ	100	АҚШ	57	АҚШ	35
Россия	390	Россия	75	Канада	23	Япония	17
Хиндистон	280	Канада	60	Япония	11	Канада	14
Бразилия	260	Япония	30	Испания	10	Хитой	13
Канада	190	Бразилия	18	Финляндия	9	РФР	11
Индонезия	180	Индонезия	18	Хитой	9	Финляндия	7
Ингрия	115	ГФР	12	Россия	8	Франция	7
Украина	100	Франция	11	Бразилия	5	Швеция	6
Хитой	55	Швеция	11	Франция	2	Россия	5
Швеция	55	Финляндия	7	ГФР	2	Италия	5

Ёғоч тайёлашида «биринчи ўнлик»ка кирадиган мамлакатларнинг кўпі шимолий минтақада жойлашган. «Иккинчи ўнликда» шимолий минтақадан Франция, Финляндия, ГФР, Польша, Руминия, Испания, Япония, жанубий минтақадан Таиланд, Филиппин, Корея бор. Тайёрланадиган ёғочдан олинадиган ёғоч-тактанинг салмофи шимолий минтақада 80-100% га (Россия ва АҚШда 80%, Канада – 90%, Швеция – 90%), жанубий минтақада эса 10-20% га (Хиндистон – 10%, Бразилия – 25%) га тенг.

Ёғочни механик қайта ишлаш, энг аввало, ёғоч-тахта материалари тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда АҚШ, Россия, Канада, Япония, Бразилия, Хиндистон, ГФР, Франция, Швеция, Финляндия дунёнинг энг йирик ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади.

Ёғочни кимёвий қайта ишлашда (асосий маҳсулот целлюоза) дунёда АҚШ (ҳиссаси 1/3), Канада (1/4), Япония, Швеция, Финляндия (3/4) етакчи ўринни эгаллайди.

Жанубий миңтақадан Бразилия дунё целлюоза ишлаб чиқаришида сезиларли ўринга эга (4%).

«Маданият нони» деб аталадиган қофоз ишлаб чиқариш дунёда 1970 йилдаги 80 млн. т дан 90-йиллар бошига келиб 180 млн. т га етди. Уни ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлар АҚШ, Япония, Канада, сўнгра Хитой, ГФР, Финляндия, Россиядир. Барча ишлаб чиқарилаётган қофоз маҳсулотлари газета (умумий ишлаб чиқаришнинг 1/4), ёзув ва босма, ўраш ва ўраб жойланадиган (упаковка) ва бошқа турларга бўлинади. Газета қофози ишлаб чиқарипча рақобатсиз биринчи ўринни Канада, ундан кейинги ўринларни АҚШ, Япония, Швеция, Финляндия, Россия, ГФР, Норвегия, Буок Британия, Хитой эгаллайди. Дунё бўйича аҳоли жон бошига ўргача 45 кг қофоз ишлаб чиқарилади. Лекин мамлакатлар бу борада бирбиридан тубдан фарқ қиласди. Дунёда қофоз ишлаб чиқариши бўйича биринчи ўринни Финляндия (1400 кг) эгаллайди, ундан кейин Швеция (670 кг), Канада (530 кг), Норвегия (400 кг), АҚШ, Япония ва кўпчиллик Европа мамлакатлари (100-150 кг), Шарқий Европа мамлакатлари (30-60 кг), Россия (35" кг) туради.

Ривожланаётган давлатларда (Хиндистонда 1,7 кг) қофоз миқдори жуда кам.

Дунёда ўрмон ва ёғоч-қофоз маҳсулотларининг асосий экспорт ва импорт қиласидан давлатлар илгаригидек ҳозир ҳам иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Ёғоч маҳсулотини экспорт қиласувчи давлатлар - Канада, АҚШ, Россия, Скандинавия мамлакатлари, ёғоч маҳсулотини импорт қиласувчи давлатлар - Хорижий Европа, Япония, қисман АҚШ. Сўнгги йилларда жаҳон баозорига кўп миқдорда тропик ёғоч (ёғоч-тахта, фанера) материалларини ривожланаётган мамлакатлар (Малайзия, Бразилия, Индонезия, Филиппин, Папуа-Янги Гви-нея, Кот-дивуар, Габон, Камерун) сотишга чиқармоқда.

6.8. Дунё енгил саноати

Енгил саноат дунё саноатининг энг қадимги тармоқларидан бири. У 30 га яқин йирик тармоқларни қамраб олади. Уни ривожлантиришининг географик муаммолари енгил саноатининг қуидаги

хусусиятларига боғлиқ. Биринчидан, унинг маҳсулотлари кишилар япаш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Иккинчидан, у меҳнатни кўп талаб қиласиган тармоқ бўлиб, унда асосан аёллар ишлайди. Учинчидан, корхоналар кўпичча кичик ўлчамга эга. Енгил саноатда бошқа тармоқларга нисбатан худудий ихтиослашши намоён бўлади.

Енгил саноатининг жойлашишига кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уларниң энг муҳимлари қуйидагилар: 1) хомашё омили, асосан хомашёни бирламчи қайта ишлайдиган корхоналарни жойлашишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, пахта тозалаш заводлари пахта етиштириладиган районларда, зигирни қайта ишловчи фабрикалар - зигир ишлаб чиқарувчи районларда, жун тозалаш корхоналари - кўйчилик районларида, терига дастлабки ишлов берувчи корхоналар - йирик гўшит комбинатлари яқинида жойлашиди; 2) аҳоли, яъни истеъмол омили; 3) меҳнат ресурслари омили. Енгил саноат кўп микдорда ва малакали меҳнат ресурсларини талаб қиласи, унинг барча тармоқлари аёллар меҳнатидан кўп фойдаланади.

Тўқимачилик саноати. Енгил саноатда юз берәётган географик силжишлар унинг етакчи тармоғи ҳисобланган тўқимачилик саноатида яққол ўз аксини топди. У саноатнинг типик эски тармоғи бўлишига қарамай, ФТИ даврида тўқимачилик толаларини ишлаб чиқариш доимий ўсиб бориш тенденциясига эга. Лекин бир вактнинг ўзида толалар ишлаб чиқариш структурасида туб ўзгаришлар содир бўлиб, табиий (натурал) толанинг салмоғи на сайиб, кимёвий толанинг салмоғи ошиб бормоқда. Утган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, уларни ишлаб чиқариш ҳажми деярли тенглашди. Лекин табиий толалардан тайёрланадиган газлама ва тайёр буюмларга «қайтиш» тенденцияси хам юз бермоқда.

90-йилларнинг бошида дучёда табиий ва кимёвий толалардан тайёрланган 115 млрд. м² газламалар ишлаб чиқарилган. 1950 йилда «биринчи ўлтиқ» мамлакатларига АҚШ, Хинди斯顿, Хитой, СССР, Япония, Буюк Британия, Франция, ГФР, Италия, Польша кирган. 90-йилларнинг бошида унинг таркибида қуйидаги мамлакатлар бўлган: Россия (85 млрд. м²), АҚШ (24), Хитой (21), Хинди斯顿 (13), Япония (8), ГФР (4), Корея Республикаси (3), Италия (3), Франция (2), Бразилия (2). Бундан кўриниб турибдики, «биринчи ўнликдан» 2 та давлат — Бразилия, Корея Республикаси ўрин олган (Буюк Британия ва Польша ундан чиқиб кетган). Булар ривожланаётган мамлакатлар салмоғининг ошиб бориши тенденциясини акс эттиради. Уларда арzon ишчи кучларининг мавжудлиги тўқимачилик саноати тез ривожланишида муҳим омилларидан биридир. Бу тармоқ Хинди斯顿, Покистон, Бангладеш, Сурья, Туркия, Эрон, Миср, Марокаш, Мексика, Колумбия, Бразилия, Аргентинада иккигчи Жаҳон урушидан олдин шаклланган бўлиб, анъанавий тармоқ ҳисобла-

наци. «Янги индустриал мамлакатларда» у яқындағина пайдо бўлди, лекин янги замонавий техника асосида ривожланди.

Ҳозирги пайтда дунё тўқимачилик саноатининг бешта асосий региони шаклланган: Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Хорижий Европа, АҚШ. Уларниң ҳар бирида ип-газлама ва кимёвий толадан тайёрланган газлама ишлаб чиқариш устун туради, бошқа тармоқлар эса (жун, зигир тола, шойи газламалар) камроқ ахамиятта эга. Лекин улар ўргасидаги нисбат, юқорида қайд қилинганидек, сўнгти ўн йилларда ўзгармоқда. Масалан, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ғарб мамлакатларининг дунёда газлама ва кийимлар ишлаб чиқаришдаги салмоғи доимий равишда насайиб бормоқда. Уларда ўтмишда саноат инқилобининг кашпофлари (пиопери) бўлган кўпчилик эски саноат районлари инқирозга учради. Ривожланаётган мамлакатларда эса, аксинча, арzon ишчи кучи мавжудлигига боғлиқ ҳолда тўқимачилик саноатининг тез ривожланиши кузатилаётir.

Газламалар ишлаб чиқариш структурасида ип-газлама ишлаб чиқариш биринчи ўринни эгаллайди, илгари ҳам шундай бўлган ва уни ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1950 йилдаги 35 млрд. м² дан 90-йилларнинг бошида 65 млрд. м² га ошган. «Биринчи ўнликда» ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар ўрин олган, лекин ишлаб чиқариш миқёслари бўйича ривожланаётган мамлакатлар анча олдинда туради. Иккинчи ўринни кимёвий тола газламалари эгаллайди ва бунда ривожланган мамлакатлар устун туради. Учинчи ўринни - шойи газлама, тўртинчи ўринни - жун газлама ишлаб чиқариш эгаллайди ва ҳар иккала ҳолатда ривожланган мамлакатлар бириччиликни эгаллайди.

Дунё тўқимачилик маҳсулоти (газлама, кийим) бозорида ривожланаётган мамлакатларининг салмоғи катта (бутун экспортнинг 2/3, ҳатто 3/4 қисми). Шунинг учун ип-газлама экспортида Гонконг, Покистон, Хиндистон, Хитой, Миср, Тайвань, Корея Республикаси, Бразилия мамлакатлари, ҳозирги пайтда ГФР, Франция, Бельгия, Японияни, кимёвий тола газламалари экспортида эса Корея Республикаси, Тайвань, Гонконг мамлакатлари Япония, Италия, ГФР, Франция, Нидерландия, АҚШни кучли даражада сиқиб чиқардилар.

Дунё тикувчилик саноатида ўз «модаларини расм қилувчи» марказлари - Нью Йорк, Париж, Рим ва айрим бошқа марказлар шаклланди. Бу тармоқда ҳам оғир ва енгил саноатининг кўпчилик тармоқларидағи қаби ривожланган мамлакатларда энг йирик компанияларнинг филиаллари барпо этилаётir. Бунга сабаб — иш кучларининг кўплиги ва арzonлигидир. Тайёр кийимларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлардан ғарб мамлакатларига экспорт қилинади.

Қисқача хulosалар

Саноат жаҳон моддий ишлаб чиқаришининг асосий тармоғи бўлиб, унда 350 млн. дан кўпроқ аҳоли банд. Саноатга хос бўлган хусусият машинасозликниң пешқадамлигидир. Машинасозлик, айниқса, ривожланган давлатларда юксак даражада ривожланган.

Жаҳон ёқилғи-энергия саноати ёқилғини қазиб олиш, энергия ишлаб чиқариш ва уни узатишдан, ёқилғи саноати кўмир, нефть, газ қазиб олишдан, энергетика саноати эса, ИЭС, ГЭС ва АЭСларда электроэнергия ишлаб чиқариш ва уни узатишдан иборат. Дунёда нефть қазиб олиш бўйича Саудия Арабистони (388 млн. т) биринчи ўринда туради. Газ қазиб олувчи «биринчи ўнлик» мамлакатларига Россия, АҚШ, Канада, Нидерландия, ва бошқалар киради. Газни экспорт қиливи давлатлар Россия, Туркманистон, Ўзбекистон, Канада, Нидерландия, Жазоир ва бошқалар. Кўмирниң фақат 8%и сотувга чиқарилади. Кўмирни Австралия, ЖАР, Россия ва бошқа давлатлар сотади, Япония, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар сотиб олади. Дунёда электрэнергия ИЭСларда (63%), ГЭСларда (20%) ва АЭСларда (17%) ишлаб чиқарилади.

Металлургия саноати илгари фақат ривожланган давлатларда мавжуд эди, ҳозир эса ривожланаётган давлатларда ҳам ривожланмоқда. Пўлат ишлаб чиқариш бўйича Япония дунёда биринчи ўринда туради. Рангли металлургия ишлаб чиқариши саноати ҳозирги пайтда кўпроқ ривожланаётган мамлакатларга кўчирилмоқда.

Машинасозлик асосан ривожланган мамлакатларда юксак даражага кўтарилиган. Қимё саноати ҳам асосан ривожланган мамлакатларда мавжуд. Ривожланаётган мамлакатларда эса унинг айрим тармоқларигина ривожланган. Масалан, нефть қазиб олувчи давлатларда нефть-кимё, ўрмонга бой давлатларда ўрмон-кимё саноати тараққий этган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Дунёда саноати ривожланиши бўйича қандай гурӯхларга бўлинади?
2. Дунё саноати қандай тармоқлардан иборат?
3. Авиа-ракета ва самолётсозлик қайси давлатларда ривожланган?
4. Қайси давлатларда автомобилсозлик яхши ривожланган?
5. Дунёда енгил саноат яхши ривожланган мамлакатларни айтинг.
6. Саноати энг кам тараққий этган мамлакатларни санаб беринг ва унинг сабабларини кўрсатинг.
7. Қайси давлатларда тоғ-кон саноати ривожланган.
8. Ёқилғи саноати ривожланган мамлакатларни сананг.

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на-Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ЖАХОН ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ГЕОГРАФИЯСИ

7. 1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг умумий таърифи

Қишлоқ хўжалиги жаҳон аҳолисига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан биргаликда енгил саноат учун маълум миқдорда хомашё ҳам етказиб беради. Бироқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсаётган бўлсада, аҳолининг маълум қисми ҳатто ўнлаб, айрим ҳолларда юз миллионлаб аҳоли тўйиб овқат емайди.

Буларга ривожланастган мамлакатлар ва иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган мамлакатларнинг аҳолиси киради. Шунга боғлиқ ҳолда озиқ-овқат билан таъминланишининг ўсиш даражасини аҳоли ўсиш даражасига нисбатан (2 %) эмас, балки 3,5–4 %га етказиш зарур.

Ер шари иқтисодий фаол аҳолисининг 60 %дан ортиғи қишлоқ хўжалигига банд, агар қишлоқ хўжалигига ёрдам берувчи ёш ва кексаларни хисобга олсан, унда жаҳон аҳолисининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалигига машғул. Ҳозирги вақтда ҳам Африка ва Осиёнинг кўпгина давлатларида аҳолининг 70 %дан ортиғи қишлоқ хўжалигига банд. Айрим давлатларда, масалан, Буркина-Фасода (Фарбий Африка) бу кўрсаткич 95 %ни ташкил этади.

Саноатлашган ва иқтисодий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига банд аҳоли камайиб бормоқда.

АҚШда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигига 5 % аҳоли банд, Буюк Британияда эса 2 %дан камроқ аҳоли қишлоқ хўжалигига ишлайди.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқларига хомашё етказиб беради. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги турли хил қишлоқ хўжалик машиналарини ва минерал ўйтларни истеъмол қилиш бозори ҳамдир.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик географияси кўпгина омиллар таъсирига боғлиқ: иқтисодий, табиий ва сиёсий.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг географик жойлашишига асосий таъсири кўрсатувчи у ёки бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари хисобланади. АҚШ, Канада, Англия, Фарбий Европа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги охирги ўн йилликда капиталистик ривожланиш умумий оқимининг ва ҳозирги замон саноат иқтисодиётининг ажralмас қисми бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигининг жойлашишига табиий шароит катта

нисбет кўрсатади. Унинг ривожланинни учун ёруғлик, иссиқлик, ишмик ва тупроқда озуқа моддалари бўлиши зарур. Қулай агроиқим, сув, тупроқ ресурслари куруқликнинг ҳамма жойида ҳам учрамайди. Тупроқ, масалан, бир турдаги қишлоқ хўжалик экини учун тукий бўлса, бошқаси учун эса ноқулай бўлиши мумкин.

Кутбий минтақалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун унчалик қулай эмас. Субтропик ва тропикларда эса иссиқлик ва ёруғлик кўп бўлсада намлик, денгиз иқлимига хос мамлакатлар, яъни мўътадил минтақалар жойлашган мамлакатларга намлик етарли, аммо иссиқлик етишимайди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига ҳали ҳам иқлим шароити етарли таъсир кўрсатиб келмоқда. Табиат инжиқликлари юхончиликка катта зарар етказмоқда. Ер шарининг айрим кисмларида ноқулай қиши, совуқ урушлар, об-хавонинг кескин ўзгариши, куроқчилик, дўл, сел, кучли шамоллар ва бошқалар дунё ҳалқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатади.

Микроиқлим хусусиятлари ҳам фарқланади. Ҳатто районларининг об-хаво хусусиятлари фарқланганлиги учун ҳам, буни экипиларни танлашда инобатга олиш ва агротехника қоидаларига риоя қилиш керак. Қишлоқ хўжалиги жойлашишига унинг гармоқлари ихтисослашини ҳам таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, булар ўз навбатида, мамлакат ишлаб чиқарип кучларининг ривожланишини ҳам аниқлаб беради.

Баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турли районларда етиштириш уларнинг транспорт-географик ҳолатига, истеъмолчиға яқинлигига ҳам боғлиқ.

Жўмладаң, кофе, какао плантациялари, одатда, денгиз соҳилларига, дарё ва темир йўл яқинларида жойлаштирилади. Ваҳоланки бу маҳсулотлар экспортга мўлжалланган. Техника тараққиётига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам бир хилда эмас. Ривожланаётган мамлакатларда эса қониқарсиз ҳолатда. Бу ҳосилкам бўлган йилларда ёмон оқибатларга олиб келади (пархларни ўсиши, захираларни камайиши ва бошқалар). Буларни бартараф қилиш эса кўн вақтни талаб қиласди.

Ривожланаётган мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқариш суръати ахолининг ўсиши суръати билан баробар, жўмладаң, бу мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириши ўз ишлаб чиқаришлари ҳисобига қўнайтирилмаяпди. Шунинг учун ҳам уларда очлик ва тўйиб овқат емаслик даражаси настлигича қолмоқда. Аҳоли зич жойлашган районларда бўш ерлар танқислиги туфайли кам капитал маблағлар сарф қилиш ҳисобига экстенсив дунё қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариппичи ривожлантириш чекланган,

айрим ҳолларда эса йирик ер әгалари томонидан ерларни ўзлаштириш сунгый равишда ер ресурслари танқислигини юзага келтириш мақсадида тұхтатилади, ижара ҳақини оширади.

Лотин Америкаси, тропик Африка мамлакатларыда ва бозық районларда мавжуд бўлган йирик бўш ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун кўплаб маблағлар талаб қилинади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва унга яқин ҳисобланган – транспорт, аҳолини жойлаштириш, сув таъминоти, мелиорация ва ҳ.к.ларни хам инобатта олиш зарур. Бундай кенг миқиёсдаги ишларни амалга оширишга факат ривожланаётган мамлакатларнинг биргалиқдаги саъй ҳаракати туфайлигина эришиш, шунингдек, анъанавий йўл – ўзлаштирилган районларда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳисобига муваффақ бўлиш мумкин. Афусси, кўпгина давлатларда, жумладаи иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган давлатларда бу йўналишдаги ишлар ўта суст, агарар муносабатлар эскиласига давом эттирилмоқда, ишлаб чиқариши воситаларини жалб қилиш қийин кечмоқда, ҳақ тўлаш оғирлигича қолмоқда.

Ривожланаётган давлатлар хукуматлари йирик хўжаликларга иқтисодий кўмак бериш (имтиёзли банк кредитлари бериш, техникикани такомиллаштириш, давлат ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳ.к.) мақсадида қишлоқ хўжалик ерларини йириклаштириши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини марказлаштириш билан бирга майда хўжаликларнинг хуқуқ ва имкониятларини чекламоқдалар. Бундай хўжалик юритилиш тадбирлари (кичик ва ўрга дехқонларни синдириш). Йирик хўжаликларни барпо қилиш, техникавий жиҳозланган хўжаликлар ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақмини кўчайтиришга йўналтирилган.

Европа мамлакатларыда агарар саноат комилексларининг барпо бўлиши қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро миллий сиёсат кучайтишига олиб келди. Масалан, ЕИХ (“умумий бозори”) нархлари шаклланиши ва бошқа иқтисодий механизmlарга таянган ҳолда ЕИХлиги чегарасида фалла етиштириш бўйича Франциянинг салмоғини кўтарди.

Ривожланаётган кўнгина мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва мавжуд агарар муносабатларни қайта ўзgartириш бўйича турлича ҳолатларни, хусусан, бошқариш қийин кечаетган ҳолатларни кўриш мумкин. Бу, шунингдек, агарар муносабатларнинг мураккаблиги, маблағларнинг етишмаслиги, мавжуд маблағларни соҳага киритмаслик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланишини сустлаштирмоқда.

Бу ўринда шуни эслатиб ўтиш керакки, шу гурухга кирувчи айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлган (масалан, Аргентина) йирик ер әгалиги

хисобига (маҳаллий маҳсулотлар ва чет эл капитали ҳисобига) топтири махсулоти ишлаб чиқариш шаклланади.

Саноати ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги фан-
нишика ютуқларига таянмоқда. Шу боис улар қишлоқ хўжалиги
маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга, импортни қисқар-
тириш ёки батамом тўхтатишга эришибгина қолмай, ўзлари экспорти-
тириши бошладилар. Масалан, АҚШ—соя; Франция—буғдой ва
чишни; ГФР, Франция — куруқ сут; Япония — шоли ва ҳ.к.ларни
чотта сотмоқда. Натижада охирги 15-20 йил ичидаги ривожланган
мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари экспортидаги улуши
чечни, ривожланаётган малакатларни эса, аксингча, қисқарди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятига хос бўлган
хусусиятлардан бири бу — тўйиб овқат смаслик ва очарчиликни
кенг тарқалганинигидир. Бунга сабаб фақат табиий шароитнинг
ноқулайлиги ёки янги маълтусчилик тушунчаси, аҳолини “юқори”
табиий ўсишигина эмас, балки уларнинг умумий иқтисоди қолок-
ни даражаси, маҳаллий ноқулай табиий шароитларни яхшилаш
имкониятларининг чегараланганинига ва ҳ.к.лардир.

Қолоқликнинг асосий илдизи ўтмишда бу мамлакатларнинг
ривожланган мамлакатларга қарам бўлганлигига тақалади.

II-жадвал

Дунёning ер фонди тузилмаси (таркиби)

Миллакалар	Умумий майдон		Кишилоқ хўжалиги срҳари		Ер фондининг таркиби		% ларда
	млн. км ²	жон- бони- га (га)	иншо- берисл- гани	Табиий ўтлоқ ва яйловлар	ўрмон ли срҳар	аҳоли шунчлагани саноати ва транспорт срҳар	
МДХ	22,5	8,1	10	17	36	1	36
Европа	5,1	1,0	29	18	32	5	16
Хорижий Осиё	27,7	1,1	17	20	20	2	39
Африка	30,3	6,4	11	26	23	1	39
Шимолий Америка	22,5	6,1	12	16	31	3	38
Жанубий Америка	17,8	7,3	7	20	52	1	20
Австралия ва Океания	8,5	7,0	5	54	18	1	22
Бугун дунё	134	3,0	11	23	30	2	34

Дунё ер фондининг умумий майдони – 134 млн.км² (13,4
млр.га) бўлиб унинг асосий қисми Африка, МДХ, Хорижий Осиё,
Шимолий ва Жанубий Америкада жойлашган. Жон бошига
оладиган бўлсақ, аҳолиси нисбатан кам бўлган Австралия би-

ринчи, ахолиси энг күп бўлган Хорижий Осиё эса охирги ўринни эгаллаган.

Ишлов берилган ерлар майдони бўйича АҚШ (190 млн.га), Хиндистон (160 млн.га), Россия (134 млн.га), Хитой (95 млн.га), Канада (46 млн.га), Қозоғистон (36 млн.га), Украина (34 млн.га) ажralиб туради. Европадан ташқари жаҳоннинг барча минтақаларида табиий ўтлоқ ва яйловлар ишлов берилган ерларга нисбатан кўпроқ. Бу борада Австралия ўн маротабадан юкорироқ. Ўз навбатида, МДҲ, Хорижий Европа, Шимолий Америкада ўрмонлар майдонининг салмоғи ўтлоқ ва яйловлар майдонига нисбатан анча салмоғли, Жанубий Америкада эса уларнинг умумий майдоннинг ярмидан кўпини эгаллади. Дунё бўйича хам ва аксарият минтақалар бўйича ахоли пунктлари, саноати ва транспорт тизимлари жойлашган ерлар улуши 1-2% ни ташкил қиласди, фақат Хорижий Европа ва Шимолий Америкада бундан бироз юкорироқ. Кам ҳосилдор ерлар бўйича ўртача кўрсаткич асосан МДҲ, Хорижий Осиё, Африка, Шимолий Америкага тўғри келади.

Дунё ер фондининг асосий муаммоларидан бири тупроқ ҳосилдорлигининг камайиши, тунроқ эрозияси, унинг ифлосланиши, табиий ўтлоқлар биологик ҳосилдорлигининг йўқолини, сугориладиган майдонларнинг шўрланиши ва ботқоқланиши, ерларнинг, турар жой, саноат корхоналари ва транспорт тизимлари қуришга берилиши ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда инсоният ҳозиргача 2 млрд. гектар ҳосилдор ерларни йўқотиб бўлди. Биргина эрозия натижасида дунё бўйича ҳар йили қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлардан 6-7 млн. гектари оборотдан чиқиб кетади. Шўрланиш ва ботқоқланиш натижасида 1,5 млн. гектар ер ишдан чиқади. Бу похуш қўринишларнинг яққол натижаси ахоли жон бошига тўғри келадиган, ишлов бериладиган ерлар кескин камайиб кетаётганлигидир.

12-жадвал

Дунё минтақалари бўйича ҳайдалган ер билан таъминланганлик даражаси (ахоли жон бошига)

Минтақалар	Таъминланганлиги (га)
МДҲ	0,81
Европа	0,28
Хорижий Осиё	0,15
Африка	0,30
Шимолий Америка	0,65
Жанубий Америка	0,49
Австралия ва Оксания	1,87

Кўнгина мамлакатларда ер фондини сақлаб қолишга ва тизимини яхшилашга ҳаракат қилингани. Бу масала министрий ва дунё миқёсида БМТнинг маҳсус ташкилотлари. ЮНЕСКО (БМТнинг маориф, фан ва маданият ишлари бўйича ташкилоти), ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари бўйича ташкилоти) томонидан назоратта олинган. Ўнбў тупроқ ҳаритасининг яратилиши, яъни тупроқ агротабиий кувиатини аниқлаш бу жараёндаги тадбиркорлар натижасидир.

7.2. Ўсимлиқшунослик

Ўсимлиқшунослик—қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб, у ўз ичига дехқончилик — дон, техника экинлари, полиз маҳсулотлари етиштириш ва бошқа қатор тармоқларни олади.

Донли экинлар кишилик маданияти тарихининг барча даврида бўлган. Археологик изланишлар гувоҳлик берадики, оудой Одд Осиёда эрамиздан 5-6 минг йил, Мисерда 4 минг йил, Хитойда 3 минг йил, Болқонда 2-3 минг йил аввал экилган. Қадимги дунёда Скифия ўз буғдойи билан машҳур бўлган. Буюк географик кашфиётлардан сўнг буғдой янги очилган ҳудудларда хам экила бошлади, хусусан, Жанубий Америкага 1528 йил, АҚШга 1602 йил, Австралияга 1788 йилда кириб борди.

Шоли-қадимги экинлардан бири бўлиб, Хитойда эрамиздан 5 минг йил аввал экилган. Ҳиндистон ва Шимолий Африкада эрамиздан 2 минг йил аввал, Европада эса эрамизнинг VIII-асрида экила бошлаган. Америкага географик кашфиётлар даврида кириб келган. Маккажўхори эса аксинча бу даврда Америкадан Европага олиб келинган. Бутун Россия ўсимлиқшунослик институтида буғдойнинг 60 минг нави коллекцияси (тўплами) аниқланган. Филиппиндаги халқаро шуличилик институтида шолининг таҳминан шунча тўпланди.

Хозирги вақтда донли экинлар уч кўрсаткичи бўйича таҳлил килиши лозим: 1) экин майдони; 2) ялпи ҳосили; 3) халқаро савдоси бўйича.

Дунё бўйича 720 млн. гектар ерга донли экинлар экиломқда. Улар жами экин майдонининг Буюк Британия, Франция, Италияда 50-60%ини, Россия, Польша, Венгрия, Руминия, Японияда 60-65, ГФРда – 70, Вьетнам ва Монголияда – 80 фоизини эгаллаган.

Жаҳонда жами экин майдонининг асосий қисмини 3 та экин—буғдой (230 млн.га), шоли (140 млн.га), маккажўхори (180 млн.га) эгаллайди.

Дунёда кең тарқалиши бўйича буғдойга етадигани йўқ. У

Шимолий Америка, Хорижий Европа, Россия, Украина, Жануби Фарбий, Жанубий ва Шарқий Осиёда энг қўй экилади. Жанубий минтақа – Аргентина, Жанубий Африка ва Австралия. Жаҳондаги буғдой экин майдонларидан йил 12 ой давомида ҳосил йифилади. Дунё бўйича шолининг тарқалишини муҳим хусусияти шундан иборатки, у асосан муссон иқлим шароити мавжуд минтақаларга ҳосдир. Шоличилик Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиёда ўта кенг тарқалган. Шолизорлар жуда кўн бўлган Ҳиндистон, Хитой, Индонезияда иккинчи ҳосил қуруқ мавсумда сунъий суғориш усули қўлланиб олинади.

Маккажўхори ҳам деярли буғдой экиладиган худудларда етиштирилади.

Донли экинларнинг ялпи ҳосили дунё бўйича узоқ вақт давомида жуда секин суръатлар билан ўди. Масалан, 1900 йилда 500 млн.т, 1920 йил – 600млн.т, 1940 йил – 700млн.т дон етиштирилди. XX асрнинг иккинчи ярмида ФТИ таъсирида донли экинлар ҳосил ўсиш суръати сезиларли даражада ошди. Бу турдаги экинлардан олинаётган ялпи ҳосил бўйича дунё мамлакатларини қуидаги гурухга бўлиш мумкин (13-жадвал).

13-жадвал

2000 йиллар бошида донли экинларнинг ялпи ҳосили

Мамлакатлар	Млн. тонна	Ацоли жон бошига дон етиштириш, кг
Жаҳон бўйинча	1987	367
Хитой	361	375
А+Ш	323	1283
Россия	117	790
Франция	60	1050
Канада	57	2125
Украина	52	980
Индонезия	54	240
Бразилия	40	320
Туркия	32	340
Польша	28	730
+тоҷикистон	27	1650
ГРР	29	480
Мамлакатлар	Млн. тонна	Ацоли жон бошига дон етиштириш, кг
Австралия	26	1320
Тайланд	24	240
Мексика	29	275
Буюк Британия	25	400
Аргентина	21	640
Покистон	23	200
Вьетнам	20	330
Испания	20	543
Япония	19	126

Донли экинлар тизимида ялпи ҳосили ва экин майдони бўйича ҳам буғдой, шоли, маккажўхори етакчилик қиласди. Уларнинг маҳсулотлари аҳолининг озиқ-овқат рационининг 95%ни ташкил этади. Жумладан, бу рационнинг 21% шоли, 20% буғдой. Маккажўхори иқтисодий ривожланган мамлакатларда асосан чорва молшрига омикта ем сифатида бериш учун етишириллади.

Фалла ялпи ҳосили бўйича дунё мамлакатлари куйидаги групкаларга бўлинади:

1. Энг кўп дон етиширувчилар (Хитой, АҚШ, Хиндистон ва Россия);

2. Жуда кўп дон етиширувчилар (Франция, Канада, Украина, Индонезия, Бразилия);

3. Қолган мамлакатлар—кўп дон етиширувчилар.

Биринчи груп мамлакатлари дунёда етиширилган доннинг ярмини беради.

Аҳоли жон бошига дон етишириш бўйича мамлакатлар бир-бирларидан кескин фарқланадилар. Дунё бўйича бу борадаги ўртacha кўрсаткич (350 кг) жуда паст. Бунга асосан Хитой, Хиндистон, Индонезия, Бразилия ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар таъсир қиласди. Нисбатан юқори бўлмаган кўрсаткичларга эга мамлакатлар қаторига Италия, Буюк Британия, ГФР ва айниқса, Япония киради. Аҳолининг ўсими жон бошига дон етишириш кўрсаткичларининг насайишига олиб келади. Дунё бўйича ўртacha кўрсаткичдан анча кўн дон етиширувчи мамлакатларга Россия, Руминия, Польша киради. Венгрия, Қозоғистон, Австралия, Канада, АҚШ ва Францияда бу борадаги кўрсаткич жуда юқори (1000 кг дан ортиқ).

Умуман, дунёда донли экинлар 55 фоизи аҳоли учун озиқ-овқат, 45 фоизи эса чорва озуқаси сифатида ишлатилади. Жаҳон бозорига ҳар йили тахминан 200 млн.т дон, жумладан, 90-100 млн.т буғдой ва 60-70 млн.т маккажўхори чиқарилади.

Шоли охирги йилларда дунё бўйича 10-15 млн.т атрофидан сотилаяцди. Уни асосий экспорт қилувчилар Тайланд, АҚШ хисобланади.

Дон импорт қилувчи мамлакатларнинг ярмига яқини ривожланаётган мамлакатлардир. Улар озиқ-овқат учун донли маҳсулотларни асосан четдан оладилар. Миср (10 млн.т), Бразилия (5 млн.т) ҳам шундай мамлакатлар сирасига киради. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар орасида Япония (30 млн.т.га яқин) йирик импортёр хисобланади.

Бошқа турдаги озиқа экинлари. Бу турдаги экинларга мойли, илдиз-мевалилар, қандли, хушбўй сабзовот ва боғдорчилик ўсимликлари киради.

Дунё бўйича мойли уруғлар ишлаб чиқарип йилга уртacha 220млн.т.га етди. Жўмладан, соя—100 млн.т, пахта чигити—35 млн.т, рапс—25млн.т, кунгабоқар—20 млн.т, ер ёнғоқ—20 млн.т. етиштирилади.

Мойли экинлар дунё бўйича турларига қараб ўзига хос тарзда жойлаштирилган. Соянинг ватани Шарқий Осиё (Хитой, Корея) бўлсада, ҳозирги кунда асосан: АҚШ (55млн.т.), Бразилия (20 млн.т.) ва Аргентинада (10 млн.т) етиштириллади. Хитойда соя (йилига 10-15 млн.т) етиштириллади, ҳам озуқа, ҳам озиқ-овқат (соја ёғи) мақсадида ишлатилади.

Кунгабоқарнинг ватани Йшимолий Американинг жанубий қисми бўлиб, у Европага XVI асрда олиб келинди. Кунгабоқар асосан — Россия, Украина, Жанубий Европа, АҚШ, Аргентина, Хитойда, ғўза уруғи (чигит), асосан Хиндистон, Покистон, Хитой, АҚШ, Узбекистонда олинади. Раис Европа, Хитой, Канадада кўп тарқалган.

Ер ёнғоқнинг ватани Бразилиядир. У ердан дастлаб Хиндистон, Хитой, Филлипинга, кейинроқ Европага тарқалиб, “Хитой ёнғоғи” номини олган. Африкага у XV асрда Европадан келтирилган. Ҳозирги вақтда ер ёнғоқ тропик ва субтропик минтақаларда (Жанубий ва Шарқий Осиё, Фарбий Африка, АҚШ, Бразилия, Аргентина) катта майдонларни әгаллаган.

Зифир асосан мўътадил иқлим минтақаларида кўп экилади.

Зайтун дарахти Ўрта ер денгизи атрофи, нальма эса фарбий Африка ва Малайзияда кўп тарқалган. Корну (кокос ёнғоининг қуритилгани) асосан Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Океанияда етиштирилади.

Картошка—озиқ-овқат, озуқа ва техник жиҳатдан қайта ишланиб турли мақсадларда фойдаланилади. Ватани — Жанубий Америка-Перу-Эквадор, Боливия. Европага 1536 йилда дастлаб Испания ва Португалияга олиб келинган. У ердан Италия, Голландия, Ирландия, Англия ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Италияда “тартуфоль” номини олди ва кейин “картофель”-га айланди. XVIII асрда Петр I Россияга 1 қопини Голландиядан олиб келиб, мамлакатнинг турли вилоятларига тарқатган. Ҳозирги вақтда картошка дунёда 18 млн.га ерга экилмоқда. 2000 йилда дунё бўйича картошкадан 280 млн.т.дан ортиқ ҳосил олинди. Картошка Европадан ташқари Хитой ва Йшимолий Америкада кўп тарқалган. Жон бошига картошка етиштиришида Белоруссия ва Польша олдинда. Кўнгина ривожланаётган мамлакатларда ширин картошка (батат) етиштирилади.

Дунёning айрим мамлакатларида картопика етиштириш

Дунё ва айрим мамлакатлар	Йили хосилт, млн.т	Ахоли жон боинига, кг	Хосилдорлик, ц/га
Түнбода	280	55	150
Поліана	36	910	200
Россия	35	230	100
Хитой	27	25	100
Украина	12	330	120
ГФР	17	230	300
АКШ	17	65	320
Хиндустон	15	18	160
Белоруссия	9	870	135
Нидерландия	7	470	435
Буюк Британия	6,5	110	350
Франция	4,7	110	280
Испания	4,5	115	200
Туркия	4,1	70	220
Япония	3,1	30	300
Руминия	3,4	140	120
Канада	2,8	100	245
Италия	2,5	40	200

Шакарқамиш – қадимий қандли экинjlардан бири. Ватани – Бенгалия. Урга денгиз мамлакатларига уни VIII-IX асрларда араблар көлтирган. Буюк географик қашфиётлардан сўнг у янги дунёга тарқалиб, “иккинчи ватани”га эга бўлди. Аммо, XVIII асрнинг охири-ларидағина қанд лавлаги қанд хомашёсига айланди. Лавлагидан шакар олувчи дастлабки завод Германиядага буниёд этилган. Шу вақтдан бошлаб бу икки қандли экин муайян маънода ўзаро рақобатлаша бошиладилар. XX аср бошларида лавлаги қанди ҳалқаро талабнинг 2/3 қисмини қондирди, лекин унинг салмоғи насайиб борди. Бутунги қунда ҳам мазкур экинjlар ўртасидаги мутаносиблик 40:60 бўлиб, бунда шакарқамиш устувор аҳамиятга эга.

Шакарқамиш – иссиқсевар, кўп йиллик экин бўлиб, 7-8 ой давомида ўртача ҳарорат 15°C дан наслаймайдиган, вегетация давридаги йиллик ижобий ҳарорат йифиндиси $5000\text{-}6000^{\circ}\text{Ста}$ тенг келувчи шароитда ўсади. Айни шайтда у сезиларли намлини ҳам талаб этади. Шу туфайли ҳам шакарқамиш фақатгина тропик, субтропик ҳамда муссон иқлими мамлакатларда иқлимлаштирилади. Унинг деярли барча ҳосили (1 млрд.т атрофида) ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Қанд лавлаги – типик бир йиллик мўътадил минтақа ўсимлиги, шу билан бир қаторда агроклимат шароитларига юқори даражада талабчан қўювчи экинидир. У асосан ахоли зич жой-

лашган интенсив қишлоқ хұжалигига әга бўлған районларда экилади. Унинг ялпи ҳосили дунё бўйича 300 млн.т.ни ташкил этиб, асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу икки әкин тури фақатгина АҚШ ҳамда Хитойда сезиларли миқдорда етиширилади.

Жаҳонда қанд ишлаб чиқариш йилига ўртача 110 млн.т.га етди. Жаҳон бозорига ҳар йили тахминан 30 млн.т қанд етказиб берилади. Бу асосан шакарқамиш қанди бўлиб, Бразилия, Куба, Австралия, Маврикий қаби давлатлардан хорижий Европага, АҚШ, МДҲ давлатларига, Хитойга, Японияга, Осиёning “янги индустрисал” мамлакатларига, яъни унинг қадоқланишини амалга оширувчи мамлакатларга жўнатилади. Йавлаги қанди халқаро савдода жуда оз миқдорда иштирок этади.

15-жадвал

Жаҳонда ва «биринчи ўнлик» мамлакатларида қанд ишлаб чиқариш

Шакаркаминиң қанди		Қанд лавзаги	
бутун жаҳон ва мамлакатлар	млн. т.	бутун жаҳон ва мамлакатлар	млн.т.
бутун жаҳон	70,0	бутун жаҳон	40,0
Хиндистан	9,9	Украини	7,0
Куба	7,6	Франция	4,1
Бразилия	7,3	Россия	4,0
Тайланд	4,3	АҚШ	3,6
Хитой	3,7	ГФР	3,1
Мексика	3,6	Полыши	1,8
Австралия	3,5	Туркия	1,8
Индонезия	2,3	Италия	1,7
АҚШ	2,2	Буюк Британия	1,3
ЖАР	2,2	Индерландия	1,1

Кувват берувчи әкинларга чой, кофе ҳамда какао киради. Чойнинг ватани – Хитой. Бу мамлакатда чой VII-X асрларда ёқ кенг тарқалган эди. Тахминан шу даврларда чой Хитойдан Японияга ўтди. Европада, аввало, Англияда чой асосан Осиё мамлакатлари, лекин Ост-Хинд савдо алоқалари компанияси бошланганидан сўнг XVII асрдагина маълум бўлди. Россияда ҳам чой XVII асрда истеъмол қилина бошланди. Узоқ вақт уни “мустамлака маҳсулоти” деб аталди. Европага келибоқ мазкур ичимлик оммавийлашиб кетди, бу эса XIX асрда чой плантацияларининг, аввало, Хиндистанда, сўнгра Цейлонда (Шри-Ланка) ҳамда Кенияда пайдо бўлишига олиб келди.

Кофенинг ватани Эфиопия тоғликлари бўлиб, бу ерларда мазкур әкин тури тахминан минг йиллар илгари етиширира бош-

шапта. Унинг номланиши ҳам Эфиопия провинцияси ҳисобланади Каффа номидан олинган. XI асрда кофе Йаманга келтирилди, ундан Мюхамед порти орқали Европага олиб кетилган. Уриндай аср охирларига келиб кофени Италияда, Францияда, Англияда Голландиясида, шунингдек, Европанинг бошқа мамлакатларида истеъмол қила бошлаганлар. Ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида уни махсус плантацияларда етиширига бошладилар. Шундай плантациялардан дастлабкисига Ява орошида XVII асрда голландияликлар томонидан асос солинган. XVIII аср бошларида бир қанча кофе дони Француз Гвианасига ва у ердан Бразилияга келтирилди. Бу ерда мазкур экин тури иккинчи ватанини топади.

Н. И. Вавилов какао ватани деб Мексика тоғларини ҳисоблайди. XIX аср бошларида ушбу экин ва ундан олинадиган шоколад, аввало, Испанияда, сўнгра эса Европанинг бошқа мамлакатларида маълум бўлди. Какао плантациялари Гвинея бўғалининг қирғоқларида ташкил этилди.

Жаҳонда кофе ҳозирги даврда йилига ишлаб чиқарилади. Чой ҳамда какао ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,5 млн.т.ни ташкил этади. Шуниси қизиқки, ўнта ўта "чойли" мамлакатнинг саккизтаси Осиёда, ўнта ўта "кофсли" мамлакатнинг бештаси Америкада, учтаси Африкада ва иккитаси Осиёда, ўнта асосий какао ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг тўрттаси Африкада, тўртаси Америкада ва иккитаси Осиёда жойлашган. Харитада кувват берувчи экинларнинг асосий халқаро юқ оқимлари кўрсатилиган. Айни пайтда чойни энг кўп Хиндистон, кофени Бразилия, какаони Кот-д’Ивуар экспорт қиласиди. Лекин уларнинг асосий истеъмолчилари АҚШ, Европа мамлакатлари ва Япония ҳисобланади. АҚШ кофе ва какао импорти бўйича биринчи ўринда туроди, МДҲ мамлакатлари ҳам ўзининг кофе ва какаога бўлган эҳтиёжини ривожланаётган мамлакатлар импорти ҳисобига, чойга бўлган эҳтиёжининг 2/3 қисмини Грузия ва 1/3 қисмини ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига қондиради.

Техника экинлари

Техника экинларига пахта, табиий каучук ҳамда тамаки киради. Пахта майдонлари 35 млн.га ни ташкил этади. Улар асосан шимолий ярим шарнинг 20° ва 40° шимолий кенгликлари оралиғида мужассамлашган. Пахта толаси ишлаб чиқариш жаҳонда аста-секин ўсиб бориб, 18млн. т.га етди. Ўз навбатда халқаро нахтачилийни районлаштириш қўйидаги ўта йирик районни ажратини имкониятини берди:

Биринчидан, Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё бўлиб, бунда Хитой (4,5млн.т) Ҳиндистон ҳамда Покистон (1,5млн.т.дан), Таиланд асосий ишлаб чиқарувчилар сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, МДҲ доирасида Ўрта Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари. Бу ерда йирик ишлаб чиқарувчи—Ўзбекистон (1,5млн.т) ҳисобланади. Учинчидан, Жануби-Фарбий Осиё, бунда Туркия (0,7млн.т), Эрон, Ироқ, Сурія, Афғонистон алоҳида ўрин тутади. Тўртинчидан, бу Шимолий ва Шарқий Африка, Миср, Сурія, Эфиопия, Уганда, Танзания. Бешинчидан, Фарбий ва Марказий Африка—Нигерия, Камерун, Заир. Олтинчидан, Жанубий Африка, Мазамбик, Мадагаскар. Етгинчидан, Шимолий ва Марказий Америка, аввало АҚШ (3,4млн.т) ҳамда Мексика. Саккизинчидан, Жанубий Америка—Бразилия (0,7млн.т), Аргентина, Венесуэла, Перу. Тўққизинчидан, Австралия.

Жаҳон савдо бозорига ҳар йили 5-6 млн.т, асосан ўрта толали пахта толаси чиқарилади. Асосий экспортчилар—АҚШ (1,7млн.т), сўнгра Ўзбекистон, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Африка мамлакатлари, Парагвай, Австралия. Импорт географиясини асосан иккى регион белгилаб беради:

1. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё (Япония, Тайван, Корея Республикаси, Гонгконг, Таиланд, Индонезия).
2. Европа (Италия, ФРГ, Франция, Польша, Чехия, Словакия ва бошқалар).

1991 йилда жаҳонда табиий каучук стишириш 5,5 млн.т.га етган бўлса, унинг 90 фоизи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари: Малайзия (1,3млн.), Индонезия ва Таиланд (1,2 млн.т.дан), шунингдек, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Филиппин ҳиссасига тўғри келади. Гевеянинг йирик плантациялари, шунингдек, Либерияда ҳам мавжуд. Мазкур мамлакатлар айни пайтда каучук экспорт қилувчи асосий мамлакатлар ҳам ҳисобланади.

Тамаки етиштириш билан дунёда 30-35 млн. киши шуғулланади. Уни тарқатишдан келадиган даромаддан эса 100 млн. киши тирикчилик қилади. Жаҳонда тамаки етиштириш йилига 7 млн.т.га етди. Уни энг кўп етиштирувчи мамлакатларга Хитой (2,7млн.т.), АҚШ, Ҳиндистон, Бразилия ва МДҲ мамлакатлари киради. Италия, Грекия, Болгария, Туркия, Индонезия, Япония ва Кубада тамаки оз миқдорда етиштирилади. Сигарета ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШ биринчи (700 млрд.дан), МДҲ мамлакатлари иккинчи ўринда туради. АҚШ тамаки саноати асосан ўз хомашёси ҳисобига, Европа тамаки саноати эса Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, шунингдек, ривожланаётган бошқа мамлакатлардан келтириладиган хомашё ҳисобига фаолият кўрсатади. Тамаки маҳсулоти ишлаб чиқариш ва истеъ-

мөт қилиш каби чекишга қарши оммавий ҳаракат кенгайиб берілген Европа ва Шимолий Америка мамлакатларынан нис-
беттің ривожланып жаткан давлатларда тезрок ўсмокда.

Кейинги давларда наркотик моддалар ишлаб чиқариш сезиларлы даражада ортды. Уларни ишлаб чиқарувчи мамлакаттар таркибида “олтін ярим ой” (Покистон, Афғонистон, Эрон) хумда “олтін учбұрчак” (Тайланд, Лаос, Мьянма) мамлакатлары, шунингдек, Лотин Америкасыннан айрым давлатлари, асосан Колумбия алоқида ўрин тутади.

1.3. Жаҳон чорвачилиги географиясы

Жаҳондаги сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик кўнинча аҳоли зич жойлашган Европа, Шимолий Америка районлари учун хосдир. Гўшт-сут йўналишидаги қорамолчилик интенсив қишлоқ хўжалигига эга бўлган мўътадил минтақа районларидан, шунингдек, қурғоқчил ва меҳнат ресурслари билан ёмон таъминланган районларда тарқалган. Гўшт чорвачилиги экстенсив (Аргентина, Австралиянынг катта қисми) ва интенсив (АҚШ бўлиши мумкин. Аммо айни пайтда у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам тоқори даражада товар хусусиятига эга бўлинади.

Чўқачилик билан турли табиий шароитлардаги интенсив ва экстенсив қишлоқ хўжалигига эга бўлган мамлакатлар шуғулланади. Одатда, бу тармоқ аҳоли зич жойлашган картошқа, лавлаги етишириладиган районларда кенг ривожланади. Кўйчилик кенг ялов майдонларига эга бўлган мамлакат ва районларда устунлик қиласи. Айни пайтда майин жунли қўйчилик куруқ иқлимли районларда кўпроқ тарқалган бўлиб, дашт ҳамда дала чўл яловлари шароитида олиб борилади. Сернам ва юмшоқ иқлимли ҳудудларда ярим майин жунли, гўшт-жун йўналишидаги қўйчилик ривожланади.

16-жадвал

Дунё ва унинг алоҳида минтақаларида чорва моллари сони
(млн. бош ҳисобида)

Қорамол тури	Жаҳонда ги сони	Шу жумладан						
		МДХ	Европа	Хорижий Осиё	Африка	Шимолий Америка	Лотин Америкаси	Австралия ва Океания
Йирик шохли корамол	1300	120	150	400	190	115	290	35
Чўқалар	850	80	200	400	10	65	90	5
Кўйлар	1200	140	140	380	240	10	125	105
Нилкилар	65	6	5	17	4	14	18	1

М.Б.Вольф ва Ю.Д.Дмитриевскийлар тўрт турдаги чорвачилик районларини ажратганлар. Улар интенсивлик дараҷасига кўра, қўйидагича тақсимланиши мумкин:

Биринчи турга аҳолиси жуда зич жойлашган ва қорамол юқори дараҷада зич бўлган (100 га қишлоқ хўжалиги майдонига 100-200 бош ва ундан кўп) районлар киради. Бу турга мансуб районларда мазкур тармоқ юқори маҳсулдорликка эга бўлиб, интенсив сут чорвачилиги, чўчқачилик, наррандачиликка ихтинослашгандир. Европада биринчи турдаги район Дания, Нидерландия, Буюк Британия, Швейцария қаби мамлакатларни, Шимолий Америкада –АҚШнинг шимоли-шарқини камраб олади. Бу мамлакатлардаги чорвачилик ялпи қишлоқ хўжалик товар маҳсулотининг 60-80%ини етказиб беради.

Иккинчи турга интенсивлик ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулдорлиги ўртacha дараҷада бўлган районлар мансубдир. Унга чорванинг ўртacha зичлиги ҳам (30-60 бош) тааллуқли. Бу турга мисол тариқасида Жанубий ва Шарқий Европа, АҚШнинг жанубий ва марказий штатлари, Лотин Америкасининг айрим районлари киради.

Учинчи турга аҳоли зичлиги ҳамда чорва боши зичлиги (5-10 бош) паст бўлган, кам интенсивлашган чорвачилик тармоқлари ва йўналишлари, кенг табиий яйловларда қорамоллар экстенсив ҳолатда сақланувчи ва маҳсулдорлиги нисбатан паст бўлган районлар киради. Бундай районларга мисол тариқасида Австралияning катта қисмини, Аргентинадаги Патагонияни, Ангола, Фарбий ва Шимолий Африканинг айрим мамлакатларни (Мавритания, Чад, Алжир) келтириш мумкин. Одатда, мазкур мамлакатларда чорвачилик дехқончилиқдан устун бўлиб, хўжаликнинг асосий тармоғи ҳисобланади.

Тўртинчи турга аҳолиси жуда зич жойлашган, чорва моллари зич (60-200 бош), аммо маҳсулдорлиги паст ва кам интенсив тармоқقا эга ҳамда муайян йўналишлар устун бўлган районлар киради. Чорвачилик ёрдамчи аҳамият касб этувчи бундай районлар оз миқдорда товар маҳсулоти етказиб беради. Бундай районларга мисол тариқасида Ҳиндистон, Шри-Ланка, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини кўрсатиш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда кам маҳсулдор чорвачилик марказлари аксарият ҳолларда истеъмол ва товар дехқончилигидан худудий жиҳатдан ажralган ҳолда олиб борилади.

**Дунё мамлакатларида чорвачилик маҳсулотларини
етиштириши (бир йилда ўртacha)**

Бутун жаҳон, алоҳида мамлакатлар	Гўнит етиштириши				
	Жами, мили.т	Аҳоли жон бонига, кг	Бутун жаҳон, алоҳида мамлакатлар	Жами, мили.т	Аҳоли жон бонига, кг
Бутун жаҳон	170	35	Буюк Британия	3,8	65
АҚШ	31	125	Япония	3,8	30
Хитой	28	25	Италия	3,7	65
Россия	10	60	Австралия	3,6	180
ГФР	8	110	Мексика	3,5	30
Франция	6	110	Испания	3,4	70
Бразилия	6	45	Польша	3,1	80
Аргентина	4	125	Нидерландия	3,0	200
Украина	4	75			

**Дунё мамлакатларида сут етиштириши
(бир йилда ўртacha)**

Бутун дунё, алоҳида давлатлар	Жами мили.т	Аҳоли жон бонига, кг	Бутун дунё, алоҳида давлатлар	Жами, мили.т	Аҳоли жон бонига, кг
Бутун ДУНЕ	550	110	Буюк Британия	15	265
АҚШ	67	270	Нидерландия	13	900
Хиндистон	55	65	Бразилия	13	90
Россия	52	350	Италия	11	195
ГФР	32	450	Канада	8	315
Франция	28	490	Янги Зеландия	8	2400
Украина	24	460	Япония	8	65
Польша	16	430	Беларусь	7	700
Аргентина	6	200	Мексика		70
Австралия	6	370			

Осиё, Африка, Лотин Америкаси давлатларида чорвачилик маҳсулдорлиги пастлиги туфайли жаҳонда етиштирилган гўштинг 25, сутнинг 14 фоизи тайёрланади.

Аҳоли жон бонига чорвачилик маҳсулотлари иқтисодий ривожланган мамлакатларда юқори. Бу борада айниқса, чорвачилик интенсив ривожланган Янги Зеландия, Нидерландияга ўхшаш мамлакатлар устунлик қиласди.

Гўшт ишлаб чиқариш тизимида мол ва бузоқ гўшти етиштириши салмоғи 32%, чўчқа гўнти етиштириши--39, парранда гўш-

ти—20%, от ва қўй гўшти салмоғи 9%га тўғри келади.

Жаҳон бўйича унинг сони 10 млрддан ошиб кетди. Айниқса, қизиқарли ҳар бир бош сигирдан сут соғиб олиш, иқтисодий ривожланган давлатларда Фарбда 3-5 минг кг, бироқ Дания, Нидерландия 5,8 минг кг, Швецияда бминг кг, АҚШда 6,5 минг кг.

Охирги йилларда бройлер хўжалигининг Шимолий Америка, Европада интенсив ривожланиши парранда гўшти етишириш кўпайишига олиб келди.

Халқаро чорвачилик маҳсулотлари билан савдо қилишда етакчи ўринни иқтисодий ривожланган давлатлар эгаллаб турибди. Булар гўшт маҳсулотлари ва жун экспорт ҳамда импортида етакчи. Фақатгина тирик моллар савдосида ривожланаётган давлатлар юқори ўринни эгаллайди.

19-жадвал

Чорвачилик маҳсулотлари ва тирик мол экспорт қилувчи асосий давлатлар

Чорвачилик маҳсулотлари ва тирик мол	Экспорт қилувчи етакчи давлатлар
Мол ва бўзоқ	Австралия, ГФР, Франция, Йиги Зеландия, Ирландия, Нидерландия, АҚШ, Венгрия
Чўнка, қўй ва қўзи, парранда гўйити, жуни	Нидерландия, Бельгия, Дания, Канада, Венгрия, Йиги Зеландия, Австралия, Буюқ Британия, Франция, АҚШ, Бразилия, Австралия, Аргентина, Уругвай, ЮАР
Инрик шохли қорамол, чўнқалар, қўй ва очкилар	Бразилия, Аргентина, Мексика, Эфиопия, Хитой, Нидерландия, Канада, Австралия, Туркия, Сомали, Эфиопия

7.4. Дунёда балиқ овлаш ва балиқчилик

Бу тармоқнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, балиқ ва унинг маҳсулотлари қимматли оқсил манбаи, тўлақонли овқатланишнинг энг муҳим элементидир. Шу сабабдан дунёда овланадиган балиқнинг 75—80 фоизи одамлар овқатланиши учун сарфланади, қолган 20—25 фоизи эса қайта ишланиб, балиқ уни, қўшимча озукага, балиқ мойига айлантирилади ва чорва озуқаси ёки фармацевтика саноатида ишлатилиади. Ҳозир йиллик овланадиган балиқ 100 млн. т га етади. Дунёда аҳоли жон бошига 17—18 кг балиқ тўғри келади. Японияда бу кўрсаткич 60—70 кг, Россия ва АҚШ да 17—18 кг, Непалда 0,2 кг.

Денгиздан овланган маҳсулотнинг 87—88 фоизи балиқ; 7—8 фоизи моллюска, 4—5 фоизи раксимонлар, 0,5 фоизи бошқа турлар. Овланган балиқ структурасида сўнгти ўн йилликларда

и нари кўп овланган селд ва треска, ангоус балиқлари салмоғи наслайди, камроқ, қимматта эга бўлган мойва, минтай, хек қабиларнинг салмоғи ошди. Бундай ҳол қимматли балиқларни кўп овлаш оқибатида содир бўлди. Уларга боғлиқ ҳолда денгиз балиқларини олдани географиясида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди.

Чунончи 1) континенталь шельф ва Дунё океани чукур сувли районларида балиқ овлаши нисбатлари ўзгарди. Сўнгги районларнинг салмоғи ошди, лекин улар уччалик катта салмоқда эга эмас (10%). Континенталь шельфда 90% балиқ ва денгиз маҳсулотлари овланади;

2) доимий равишда Дунё океанининг учта асосий зонаси шимолий (30° ш.к.дан шимолда), троцик ва жанубий мингакалар (30° ж.к.дан жанубда) ўртасидаги нисбат ўзгариб турибди. 1948 йилда уларнинг биринчиси 85%, иккинчиси – 13%, уччинчиси – 2% овланган балиқни берган бўлса, ҳозирча улар ўртасидаги нисбат 52:30:18 га тенг. Ҷемак, балиқ овлани шимол-жануб йўналишида ўзгарган;

3) океанлар ўртасидаги нисбат ҳам ўзгаришга учрамоқда. 1950 йилда Атлантика океани ҳиссасига 54%, Тинч океанига 40%, Хинд океанига 6% овланган балиқ - денгиз маҳсулотлари тўғри келган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткичлар 27:67:6 нисбатда бўлган. Атлантика океани кўп асрлар мобайнида дунё денгиз балиқчилигининг асосий акваторияси бўлган эди. У ҳозир иккинчи ўринга тушиб, Тинч океани биринчи ўринга кўтарилиди;

4) океанларнинг асосий балиқ овланадиган районлари ўртасидаги нисбат ҳам ўзгаришга учрамоқда. Атлантика океанида иккита ана шундай район – Европа қирғоқларидағи Шимоли-Шарқий ва Америка қирғоқларидағи Шимоли-Ғарбий район қадимдан машхур. Биринчиси ўтган асрнинг 50-йилларида овланадиган балиқнинг ярмини берар эди. Лекин кейинчалик кўп овлаш, нефть саноати «рақобати» туфайли овлаш кескин қисқарди. Масалан, илгари балиққа бой шимолий денгиз эндиликда дунёning атиги 2,5% балиғини беради.

Шимоли-Ғарбда (Канада ва АҚШ) ҳам балиқ овлани сезиларли камайди. Тинч океанида учта асосий овлаш райони бор: а) Осиё қирғоқларидағи Шимоли-Ғарбий район. Бу ерда Россия, Япония, Хитой, Корея Республикаси балиқ овлайди. У балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотларини овлаш бўйича дунёда биринчи ўринда; б) Шимолий-Америка қирғоқларидағи Шимоли-Шарқий район. У иккинчи ўринда; в) Перу ва Чили қирғоқларидағи Тинч океанининг Жануби-Шарқий қисми райони. Бу ерда асосан Перу анчоус балиғи овланади. Бу бешта дунёning асосий балиқ овлаш районларида кўп овлани таъсирида балиқ

захиралари камайиб бораётганлиги сабабли уларни тиклаш бүй-ича катта тадбирлар ўтказилмоқда (АҚШ, Япония, Россия, Норвегия в.б.);

5) Сүнгги йилларда овлашда «биринчи ўнликка» киравчы мамлакатлар таркибиде ўзгаришлар юз берди. Ўтган асрнинг 50-йилларда «ўнликка» Япония, АҚШ, СССР, Хитой, Норвегия, Буюк Британия, Хиндистон, Канада, ГФР кирган бўлса, ҳозирги пайтда унинг таркибига «янги» аъзолар — Чили, Перу, Корея Республикаси, Таиланд кўшилди, ундан Буюк Британия, Канада, ГФР, Дания чиқиб кетди. «Биринчи ўнлик»дан кейинги ўринларда ривожланәтган мамлакатлар — Филиппин, Мексика, Бразилия туради. Хитойда ҳам балиқ овлаш тез ривожланмоқда. Шу билан бир қаторда анъанавий балиқ овловчи мамлакатлар — Норвегия, Дания, Исландия ҳозирга қадар Европанинг кўп мамлакатларига балиқ ва балиқ маҳсулотлари етказиб берувчи асосий мамлакат бўлиб қолаётир.

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар кўрсаткичлари 20-жадвалда берилган.

20-жадвал

Дунё ва айрим мамлакатларда балиқ овлаш ва денгиз маҳсулотлари (90-йиллар бошида)

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Овлаш, млн. т	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Овлаш, млн. т
Дунё бўйича	100,0	Россия	4,2
Япония	11,9	Хиндистон	3,0
Хитой	11,3	Корея Республикаси	2,5
АҚШ	6,0	Норвегия	2,5
Чили	5,5	Таиланд	2,5
Перу	5,5		2,0

Кейинги йилларда сув организмларини табиий қайта тиклаш жараёнларини тартибга солишда кўзда тутилган тадбирлар тизими — аква культура (лотинча аква — сув, cultura — этишириш) балиқ овлаш ва балиқчиликда тобора катта рөль ўйнамоқда. У сув ҳавзаларида балиқ, маллюскалар, қисқичбақасимонлар ва сув ўтлари этишириши, балиқларни акклиматизациялаш, сувости «фермаларини» ташкил этиш ва бошқа тадбирлар ўтказишни ўз ичига олади.

Денгиз мұхитида тирик организмларни кўпайтириш ма-рикультура деб аталади. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида

тунда аквакультура маҳсулоти 15 млн. т. га етди. Унинг 85%ини
бепе мамлакатлари — Хитой (5,5 млн. т), Япония, Корея
Республикаси, Хиндистон, Филиппин, Индонезия, Въетнам бер-
лини. Бу ерда чучук сувли ҳавзаларда асосан карп балиғи, денгиз
фермалари ва «плантацияларида» эса балиқ, моллюска, кре-
петка, кискичбака, мидий, сув ўтлари етиштирилади. Аквакультура
Европа ва Шимолий-Америкада камроқ ривожланган. Денгиз
фермалари Италия, Франция, Испания, Португалия, Нидер-
ландия, Дания, Буюк Британия, АҚШда бор. Дунё марикульту-
ра маҳсулоти 9 млн. тоннага етиб қолди. Башоратларга кўра, у
анича қўпаяди, аквакультуранинг умумий маҳсулоти ҳажми 20
млн. тоннадан ошиб кетди.

Кит овлашнинг ривожланиш тарихи Дунё океани биоло-
гин ресурсларига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашиш за-
рургигини исботлайди.

Кит овлаш Норвегияда 1868 йилда вужудга келди, Шимолий Атлантикада бошланган. Бу район XX асрнинг бошларигача
ягона кит овлаш райони бўлган, сўнгра у Антарктида атрофидаги
сувларига кўчгац ва тез орада Антарктида атрофи қўп мамлакатлар
кит овлаш флотилиясининг асосий районига айланди. Кейинчилик Тинч океанинг шимолий қисмида, Жанубий Америка,
Африка, Австралия кирғозларидан кит овлаша бошланган. Оқибатда
XX асрнинг 60-йилида дунё кит овлаш қасб-кори доимий ра-
вицида ривожланиб, ўсиб борди. Масалан, кит овлаш 1920 йилда
11 минг бош, 1939 йилда — 46 минг, 1962 йилда рекорд даража —
66 минг бошга етган. Лекин кейинчилик кит овлаш суръатлари
тез қамайди, 1975 йилга келиб 27 минг бошни ташкил этди. 1903
йилдан 70-йилларгача фақат Дунё океанинг жанубий қисмида
1,5 млн. бош кит овланган. Оқибатда баъзи кит турларининг 90
фоизи, энг йирик китлар эса деярли бутунлай қириб юборилди.
Шу сабабдан кит овлашни тартибга соловчи халқаро ташкилот
— Халқаро Кит Овлаш Комиссияси (ХКОК) тузилди (1946 й).
У дастлаб Антарктидада катъий кит овлаш квотасини белгилади,
сўнгра бу тадбир Тинч ва Атлантика океанида ҳам қўлланилди.
1982 йилда ХКОК қарорига асосан 10 йиллик мараторийӣ эълон
қилинди, кит овлашга лицензия бериш қатъий тартибга солинди.
80-йилларда китлар фақат илмий мақсадлар учун овланди (так-
минан йилига 1,5 минг бош). Ҳозирги пайтда китлар сони қўпай-
моқда, лекин бу жараён секин бормоқда ва китлар сони йилига
бир неча фоизгагина ўсмоқда. 1993 йилда ХКОК мараторийини
давом эттириш тўғрисида қарор қабул қиласди. 1994 йилда Дунё
океанининг жанубий қисмида узоқ муддатли китлар қўриқхонаси
(40° ж.к. дан жанубода) ташкил этилди.

Қисқача хуросалар

Ер шари иқтисодий фаол аҳолисининг 60%дан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд. Ҳозирги пайтда Осиё ва Африканинг қўпгина давлатларида аҳолининг 70%дан ортиғи қишлоқ хўжалигида машғул. Ривожланган давлатларда эса қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг салмоғи камайиб бормоқда. Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалигида 5% аҳоли банд.

Қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва жойланиши табиий омилларга боғлиқ. Дунё ер фондининг асосий қисми Африка, Осиё ва Жанубий Америкада жойлашган. Жаҳон қишлоқ хўжалигида дон ва гўшт этиштириш асосий ўринни эгаллади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва жойлашишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
2. Жаҳон ер фонди қандай қисмлардан иборат?
3. Жаҳон қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқларининг жойлашиш хусусиятларини таърифланг?
4. Доңли экинлар жойлашишини тушунтириб беринг.
5. Техника экинларининг жойлашиш хусусиятларини нималардан иборат?
6. Дунё чоррвачилик тармоқларининг жойлашишини тушунтириб беринг?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на-Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М, 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ДҮНЁ ТРАНСПОРТИ ГЕОГРАФИЯСИ

8.1. Қуруқлик трансорт

Жаҳон транспорт қуруқлик, сув ва ҳаво транспортига бўлинади.

Қуруқлик транспортига темир, автомобиль ва от-улов, қувур транспорт киради.

Темир йўл транспортни. Юк ва йўловчиларни паравоз, тепловоз ва электравозлар билан темир йўлда ташувчи транспорт тури.

Биринчи темир йўл транспортни (паравоз) Буюк Британияда 1825 йилда қурилган. Россияда паравозли темир йўл транспорти 1837-38 йилларда (Петербург-Павлоск) ишга тушурилди. Узбекистон темир йўл қурилиши 1890 йилдан бошланди, 1899 йили Самарқанд-Андижон, 1906 йилда Оренбург-Тошкент темир йўли қуриб битказилди.

Темир йўл транспортининг таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат: тепловозлар, электравозлар ва вагонлар депоси; вокзаллар, темир йўллар.

Темир йўл транспортининг иқлимий шароитлар ва йил фасллари қандай келишига қарамай ҳамма вақт фаолият қўрсатаверади. Унинг тезлиги катта, юк ташиш таниархи паст.

Илмий техник тараққиёт темир йўл транспортига жуда катта таъсир кўрсатди. Масалан, Францияда поездлар тезлиги бўйича рекордлар ўрнатилган. Бу ерда поезд тезлигини 1955 йилда 331 км/соатга, 1991 йилда 380 км/соатга, 80-йилларнинг охирида эса 515 км/соатга етказилган. Оддий тезюорар поездларнинг тезлиги соатига 200-300 км/соат.

Париж-Бардо темир йўлида қатнайдиган энг тезюорар поезднинг тезлиги 350 км/соат. Жаҳонда темир йўлларнинг умумий узунлиги тахминан 1,2 млн. км, аммо унинг 50%и олтига катта давлатга (АҚШ, Россия, Канада, Хиндистон, Хитой, Австралия) тўғри келади. АҚШ темир йўлларнинг умумий узунлиги бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради.

Темир йўлларнинг зичлиги бўйича Фарбий Европа давлатлари ва АҚШ етакчи. Темир йўлларни зичлиги деганда 100 км^2 майдонига тўғри келувчи темир йўл узунлиги тушунилади. Бу кўрсаткич Фарбий Европада 10 км^2 га тенг. Ривожланган давлатлар темир йўлларининг деярли ҳаммаси электрланитирилган ва улар икки йўли хисобланади.

Автомобиль транспорти.

Автомобиль (грекча *autos*-ўзи, лотинча *mobilis*-ҳаракатлашадиган, юрадиган) транспорти юк ва йўловчи ташишда муҳим олумиятга эга. Автомобиль транспорти куйидагиларни ўз ичига олади: ҳаракатдаги автомобиллар, автомобиль йўллари, ёқилғи онлар таъминлаш корхоналари, таъмирлаш корхоналари, автомобилзиллар ва ҳ.к.лар.

Хозирги пайтда автомобилларнинг турли хиллари моддий ва немоддий ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ва турмушда ишлатилади. Моддий ишлаб чиқаришда оғир юк кўтарадиган автомобиллар, автопоездлар, йўловчи ташишда эса автобуслар, енгил машниалар ишлатилмоқда. Бундан ташқари маҳсус автомобиль транспорти ҳам бор (тиббиёт, озиқ-овқат, ҳарбий, ишмий ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган). Йўллар автомобиль транспортининг асосий таркибий қисмидир. Йўллар қаттиқ қопламли ва грунтли бўлади. Иккى томонлама автомобиль ҳаракати учун яроқли бўлган кенг йўлга автострада деб аталади. Бу йўлларнинг муайян бир жойларда ён кўчалардан кўшилладиган кириш ва чиқиш жойлари бўлади. Кўндаланг ўтиш жойлари виадукларда ёки тунелларда бўлади ва автострада билан кесишмайди. Жуда қатта масофаға чўзилган автострада тракт деб аталади. Масалан, Ўзбекистон тракти Тошкентни Термиз билан боғлайди. Қаттиқ қопламли йўлларни шоссе деб аталади, тор техник маънода шоссе тош йўлни англатади. Қаттиқ қопламли бўлмаган, автомобиль ва от-арафа юриши учун яроқли бўлган йўллар грунт йўллари деб аталади. Иқлим шароитига қараб улар мавсумий бўлиши мумкин. Улар табиий (қишлоқ, ўрмон йўллари, карвон йўллари ва тоф йўллари) ва яхшиланган йўлларга бўлинади.

Автомобиль транспорти юк айланмасининг деярли ярми саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Автомобиль транспортининг юк айланмаси бўйича АҚШ биринчи, Россия иккинчи ўринда туради.

Автомобиль транспортининг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- а) саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини магистраль транспорт йўллари ва воситалари билан боғлайди;
- б) шаҳарлардаги ва шаҳар атрофидағи юкларнинг асосий қисмини ташийди;
- в) қисқа (100 км) ва узоқ масофаларга юк ташишда кулай;
- г) юкларни йўлларда тушириб-ортмай, бевосита истеъмолчига етказиб берга олади.

8.2. Сув транспорти

Сув транспорти денгиз ва дарё транспортидан иборат.

Денгиз транспорти — дунё транспорт тизимининг жуда муҳим таркибий қисми бўлиб, усиз дунё хўжалиги нормал ривожлана олмаган бўлур эди. Унинг ҳиссасига дунё юк айланмасининг 62 фоизи тўғри келади ва у халқаро савдонинг 4/5 қисмига хизмат кўрсатади. Айни денгиз транспортиning ривожланиши туфайли океанлар илгаригидек континентлар ва қўшни мамлакатларни ажратмайди, балки бирлаштиради. Денгиз транспортиning умумий узунлиги милионлаб км ни ташкил этади. Денгиз кемалари асосан оммавий юкларни — қуйиб ташиладиган, суюқ (нефть ва нефть маҳсулотлари), ўйиб (қопламасдан) ва тўкиб ортиладиган (кўмир, руда, дон, фосфорит в.б.) юкларни ташиыйди. Одатда, бу юклар 8—10 минг км мософага ташилади. Денгиз транспортида «контейнер инқилоби» асосий юклар — тайёр буюмлар, яримфабрикат, озиқ-овқатларни ташишинг тез кўпайишига олиб келди.

Ўз навбатида дунё хўжалиги денгиз транспорти ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Буни қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди: дунё денгиз кема транспортида юк ташиш ҳажми 1960 йилда — 1110 млн. т, 1970 йилда — 2600 ми. т, 1980 йилда — 3600 млн. т, 1985 йилда 3330 млн. т, 1990 йилда — 3700 млн. т, 90-йиллар бошида эса 3,8 млрд. т атрофида эди. Шу билан бир қаторда юк ташиш структурасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. 1950—1970 йилларда, яъни энергетика бўхронидан олдинги даврда қуйиб ташиладиган (суюқ) юклар салмоғи 41% дан 55%га кўпайди. Бўхрондан кейин унинг салмоғи пасайиб, қуруқ ва асосий юклар салмоғи ошди. 90-йилларнинг бошида денгиз транспорти юк айланмаси структураси қуйидагича бўлган: қуйиб ташиладиган (суюқ) юклар — 37%, асосий юклар — 25%, қуруқ юклар — 24%, бошқа юклар — 14%. Бу юк айланмасида қуруқ юклар салмоғининг ошишидан далолат беради. Денгиз транспорти юк айланмасида бир неча ўн йил мобайнида Япония дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмокда, ундан кейинги ўринларни Фарбий Европа, Хитой, Россия эгаллаган.

Географик нуқтаи назардан дунё денгиз трассаси қуруқлик транспортидан тубдан фарқ қилиб, унда асосий ўринни йўл тури ва узунлиги эмас, балки денгиз кемалари бориб ва чиқиб кета оладиган иортлар, денгиз каналлари, бўғизлар турлари, тармоқларининг мавжудлиги, йирик дарёлар қуий оқимларининг (эстуарий) қулайлиги қаби шарт-шароитлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Булар денгиз йўли трассаси географиясининг асосий

хусусиятларини белгилаб беради. Шу сабабдан географик мөхит тақсимоти таъсирида кўпчилик йирик денгиз портлари узоқликлар мобайнида ўз мавқеини сақлаб келмоқдалар.

Хозирги денгиз кемачилигига юқ ташишни ташкил этишининг трамп ва мунтазам (линияли) шакллари мавжуд. Трамп (инглизча tramp — дайди) кемачилигига кемалар юқ борлигини қараб турилганда ишлайди ва юқ ташиш баҳоси фрахт ставкаси кўринишидан бўлади. Мунтазам (линияли) кемачиликда эса кемалар маълум доимий линияларда жадвал бўйича портларга боради ва кетади, юкларни ортади-туширади. Бунда юқ ташиш баҳоси тариф билан белгиланади. Трамп кемаларида асосан оммавий, рейсли (мунтазам) кемаларда эса асосий юклар ташилади. Шу сабабдан трамп кемасозлигига юқ ташишни ҳажми мунтазам юқ ташиш шаклидагидан анча кўпdir.

Дунёning мунтазам трамп кемачилигига беш аср мобайнида (Буюк географик кашифётлар бошланишидан бўён) биринчи ўринни ($2/3$) Атлантика океани эгаллаб келмоқда. Бунинг асосий сабаблари кўплаб табиий, тарихий, иқтисодий омилларга боғлиқdir. Булар қаторига қуйидагилар киради:

1) денгиз қирғоқлари морфологияси, уларнинг парчаланганлиги (эгри-бугри, кинғир-қийшиқлиги) ва кемачилик учун ғоят қулайлиги;

2) денгиз бўйи районларининг кўпчилигига юқори аҳоли зичлиги ва урбанизация даражасининг юқорилигига ва уларнинг эса бу ердаги ўнлаб мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси юқорилигига билан узвий боғлиқлиги;

3) Атлантика океани сувларидан эски ва янги дунёни боғлаб турувчи энг қисқа йўлнинг ўтганлиги ва буюк океан қирғоқларида дунёning кўпчилик портлари пайдо бўлганлиги.

Атлантика океанида денгиз кемачилигининг бир неча ўналишлари шаклланган:

1) Шимолий Атлантика асосий йўналиш бўлиб, Европани Шимолий Америка билан боғлайди ва 40° ва 50° ш.к. ўртасидан ўтади. Бу ерда мунтазам кемачилик устун туради. Яқин ўтмишларгача у дунёда энг катта денгиз йўловчилари йўналиши бўлган. Мамлакатлар юз йил мобайнида кемалар тезлигини ошириш ва йўлга сарфланадиган вақтни қисқартириш учун тинмай курашдилар. XIX асрнинг биринчи ярмида елканли кемалар Атлантиканни фарбий йўналишида энг камидан 30 суткада ва шарқий йўналишда эса 20 суткада кесиб ўтганлар. Параводлар аста-секин сузиш вақтини 15, 10, 5 суткагача, лайнер-рекордчилар эса 3,5-4 суткагача қисқартиридилар.

Аммо кемалар ҳаво транспорти билан рақобатда ютиб

чиқолмадилар. 1958 йилда дөнгиз ва ҳаво транспорти бириңчи марта йүловчилар ташишда тенглапиди. Лекин ҳозирги пайтада Европа билан Шимолий Америка ўргасидаги йүловчилар оқимиги ҳаво транспорти деярли тұлиқ хизмат күрсатмоқда;

2) Жанубий Атлантика (Европа-Жанубий Америка) йүналиши;

3) Еарбий-Атлантика (Африка-Европа) йүналиши. Шулар билан бир қаторда Атлантика орқали Осиёдан Европага ва АҚШга нефть ва бошқа оммавий юклар ташиладиган юк оқимлари ўтади. Лекин кейинги ун йилликларда дунё кемачилигіда Атлантика океанининг роли пасайды.

Тинч океани дөнгиз юкларини ташиш бүйича иккинчи ўринни ($1/4$) эгаллады, лекин Атлантика океанидан күп дара жада орқада туради. Аммо бу океанинг потенциали жуда катта ва унинг қирғоқларига 2,5 млрд. дан ортиқ ахоли яшайдиган 50 мамлакат чикади. Бу ерда дунёнинг энг йирик портлари бор ва күплаб оммавий, сүнгги йилларда эса асосий юклар оқимлари шаклланмоқда. Уларниң энг муҳимлари Осиё ва Америка қирғоқлари бүйлаб ўтади ва янги трансокеан оқимлари ҳам бор. Осиё-Тинч океани региони мамлакатларининг, биринчи навбатда, ЯИМларниң тез ривожланаётгандылыгы, уларниң жаҳон савдоси билан интеграцияси муҳим юк оқимларининг Атлантикадан секин-аста Тинч океанига ўтишига олиб келмоқда.

Хиңд океани дөнгиз юкларини ташин ҳажми бүйича учинчи ўринни ($1/10$ дан күпроқ) эгаллады. Унинг қирғоқларига ахолиси 1 млрд. дан күн бўлган 30 мамлакат чиқади. Бу океанда қудратли юк оқимлари Форс қўлтифида шаклланади.

Дөнгиз юклари дунё дөнгиз флоти орқали ташилади. Унинг таркибида 80минг кема, шу жумладан, Японияда 10 минг, МДҲ да — 7,4 минг, АҚШ да — 6,4 минг кема бор. Дунё дөнгиз флотининг умумий ҳажми (тоннажи) 420 млн. т. дан ортиқроқдир. 70-йилларниң ўрталаригача унинг катта қисми танкерга тўғри келган, ҳозир эса уларниң салмоғи пасайди. 90-йилларниң бопида умумий тоннажи 30% танкерларга (нефть ташувчи), 27% балкерга (ихтисослашган руда, кўмир, ёғоч, банин, автомобиль ташувчи кемалар), 12% асосий юкларни, 7% контейнер ташувчи кемаларга тўғри келади. Дунё дөнгиз флоти таркибида аралаш юк ташувчи комбинациялашган кемалар (танкер-руда ташувчи, танкер-дон ташувчи, дон-автомобиль ташувчи в.б.), — сиқилган табии газни — 161° С ҳароратда ташыйдиган танкер-метан ташувчи кемалар бор.

**Асосий байроқлар бүйінча дунё деңгиз флоти тоннажининг
тақсимланиши (90-йиллар бошида)**

Мамлакат байроғы ёки худуддар	Язни сиғими, млн.бр.рег.т.	Дедвейт, млн.т.	Мамлакат байроғы ёки худуддар	Язни сиғими, млн.бр.рег.т.	Дедвейт, млн.т.
Англия	54,7	99,2	Руминия	4,0	6,1
Панама	39,3	62,2	Франция	3,8	5,6
Испания	27,1	40,8	Югославия	3,8	6,0
Норвегия	23,4	41,2	Испания	3,8	6,2
АКШ	21,3	31,2	Нидерландия	3,8	4,7
Греция	20,5	37,2	Түркія	3,7	6,3
Кипр	18,3	33,0	Нельзія	3,4	4,4
Россия	14,9		Швеция	2,8	2,9
Хітой	13,9	20,8	Канада	2,7	3,0
Богема	13,6	22,4	Австралия	2,5	3,7
Філіппіни	8,5	14,2	Індонезія	2,2	2,9
Італія	8,0	11,8	Ванауту	2,2	3,3
Сингапур	7,9	13,0	Гібралтар	2,0	3,3
Корея	7,8	12,5	Бельгія	1,9	3,1
Україна	6,9		СентВінсент	1,9	3,0
Булоқ	6,7	8,6	Аргентина	1,9	2,9
Гонконг	6,6	11,2	Кувайт	1,9	2,9
Хіндустан	4,3	10,5	Малайзія	1,7	2,5
Тайвань	6,5	8,7	Саудія	1,7	2,7
Бразилия	5,8	10,0	Болгарія	1,4	2,0
ГДР	6,0	7,0	Мексика	1,3	1,8
Дания	5,7	7,2	Мінер	1,3	1,8
Ерон	5,2	8,7	Фінляндія	1,1	1,0
Мальта	4,7	7,8	Ірек	1,0	1,8
Бермуд	4,5	7,0			

Э слат. ма : 1) Язни сиғим — кемаларниң юқ күтәрни сиғими бирлігі. Язни (тұла) сиғими бруто-регистр тоннада үлчанади. 1 бр. -регистр. т. қ. куб фут ёки $2,83 \text{ м}^3$. 2) Дедвейт - юқ күтәрни тоннаси; кема белгіліштік калғасында сувға тунирилғанда соғ юқ ва захирадаги юқни күтәрни оғырлғы. Улар тонна дед-вейтде үлчанади.

Жадвалда дунёда деңгиз флотига эга бўлган ҳамма мамлакатлар (улар 49 та) бўйича маълумотлар берилган. Уларнинг умумий деңгиз флоти сиғими 1 млн. бр. -регистр. т. дан ортиқроқдир. Бу соҳада ривожланыётган мамлакатлар дунё хўжалигининг бошқа тармоқла-рига хос бўлган одатдаги «охирги» ўринларини эмас, балки биринчи ва иккинчи ўринларни эслайди, шунингдек, «биринчи-бешинчи ўчиқда» ҳам ривожланган мамлакатлар билан деярли бир хил мавзега эгадир. Шу билан бир қаторда ривожланиши жараённи динамикаси шундайки,

Үндә ривожланган мамлакатларининг дөнгиз флот-тоннажи (айниңса, Греция, Япония, Буюк Британия, ГФР, Франция, Дания, Швеция) сүнгти йилларда тез қисқармоқда, айни пайтда ривожланнаётган мамлакатлар флоти тез ривожланмоқда. Бундай ўсиши Хитой, Хиндистон, Бразилия ва бошқа балызы Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида улар иқтисодиётининг ривожланишини акс эттиради ҳамда уларнинг халқаро географик мөхнат тақсимоти, дунё трамп ва мунтазам кемачилигига қўшилиб кетаётганлигини билдиради. Лекин кўн ҳолларда бу ҳолат ривожланнаёттан мамлакатлар томонидан «арzon» (ёки «қалбаки») байроқ берилиши ёки «очиқ рўйхатта олиш (регистрация)» деб аталадиган жараён билан боғлиқ.

Дунёда Либерия ва Панама энг катта флотга эга, улар ҳиссасига дунё тоннажининг қарийб 1/4 қисми тўғри келади. Улар биринчи бўлиб «очиқ рўйхатта олиш»га ўтган эдилар. Либериянинг ҳозирги флоти Греция, Буюк Британия, Дания, ГФР, Нидерландия ва Швеция каби анъанавий дөнгиз давлатларининг биргаликдаги флотига таҳминан тенгdir. Кейинчалик Кипр, Бермуд, Бегам ороллари, Мальта, энг сүнгти йилларда Ванауту, Сант-Винсент, Гибралтар ҳам шу йўлга ўтдилар. Ҳозир «арzon байроқ» остида сузаттган кемалар сони 10 мингдан ошиб кетди. Лекин амалда уларнинг қўлчилиги АҚШ, Греция, Буюк Британия, ГФР, Япония ва бошқа Farb мамлакатларининг кема эгалари ва кемачилик компанияларига қарашлидир. Масалан, АҚШ «арzon байроқ» да сузаттган дунё дөнгиз флотининг 1/4 қисмига эгалик қиласди (айниңса, Либерияда). Farbдан ривожланнаётган мамлакатларга дөнгиз флоти тоннажининг бундай «қочиши» сабаблари «очиқ рўйхатта олиш» мамлакатларида мөхнат қонунчилиги арzon ишчи кучидан фойдаланишига ва дөнгизчилар иш ҳақи ва кемалар хавфсизлиги харажатларини анча тежашга, юқори солиқ тўлашдан қочишга имкон беради.

Дунёда 3 мингга яқин порт бор, йиллик юқ айланмаси 50 млн. т. дан ортиқ гигант-портларнинг («дунё портлари») сони эса 30 тага яқин. Маҳаллий ва халқаро каботажда иштирок этадиган катта портлар 2,2 мингга, шулардан 900 таси Европада, 500 дан кўпроғи Америкада, 400 га яқини Осиёда, қолганлари бошқа қитъаларда типларга бўлинади.

Универсал портлар ҳар хил юкларни қабул қиласди ва жўнатади. Шу сабабдан портнинг айрим участкалари контейнер, нефть, кўмир, руда, дои, ёғоч-тахта ва бошқаларни юклаш ва юкни туширишга мослаштирилган. Бундай портлар кўн тармоқли иқтисодиётга эга бўлган ривожланган мамлакатларда кўпчиликни ташкил этади.

Дунёнинг энг йирик универсал портлари юқ айланмаси 22-жадвалда берилган.

Дунёning юк айланмаси 50 млн. т.дан ортиқ бўлган универсал портлари

Порт	Мамлакат	Юк айланмаси	Порт	Мамлакат	Юк айланмаси
Роттердам	Нидерландия	290	Токио	Япония	80
Сингапур	Сингапур	190	Кура	Япония	80
Янги Орлеан	АҚШ	175	Гонконг	Сингапур(Хитой)	80
Кобе	Япония	170	Багтон Руж	АҚШ	80
Нью-Йорк	АҚШ	155	Гамбург	ГФР	65
Тиба	Япония	135	Лондон	Буюк Британия	60
Нагоя	Япония	130	Корине-Кристи	АҚШ	60
Хьюстон	АҚШ	125	Генуя	Италия	55
Нокагама	Япония	125	Филадельфия	АҚШ	55
Шанхай	Хитой	115	Ванкувер	Канада	55
Марсель	Франция	95	Гаскоин	Тайвань	55
Осака	Япония	95	Тамиа	АҚШ	50
Кавасаки	Япония	90			
Гавр	Франция	85			
Антверпен	Бельгия	85			

«Биринчи ўнлик» портлар хиссасига дунёдаги барча портлар юк айланмасининг 1/1 қисми тўғри келади. Уларнинг 6 таси Осиёда, 3 таси Ёвропада 1 таси Америкада жойлашган. Бу эса Осиё Тинч океани регионининг аҳамияти ошиб бораётганлигини кўрсатади. Щундай портларнинг 8 таси Японияда, 7 таси АҚШ да, 2 таси Францияда, 1 тадан бошқа мамлакатларда жойлашган.

Юк обороти 20 дан 50 млн. т. гача бўлган портлар 50 тага яқин бўлиб, уларнинг энг кўпи АҚШ (6) ва Италиядан (6), сўнгра Буюк Британия (3), Франция (3), Японияда (3) жойлашган. Бу тоифадаги портларга, шунингдек, Ёвропада Амстердам, Гданьск — Гдиня, Бремен, Гетеборг, Осиёда — Бомбей, Бангкок, Далянь, Циндао, Африкада — Александрия, Америкадаги Монреаль, Буэнос-Айрес, Рио-де-Жанейро, Австралияда — Сидней, Россияда — Новороссийск (45 млн. т) киради.

Ихтисослашган портлар айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун характерлидир. Уларнинг энг йириклари нефть экспортига боғлиқ ҳолда пайдо бўлди ва Форс кўлтирида жойлашган. Булар Рос — Тоннера (Саудия Арабистони), Мин-Эль-Ахмади (Кувайт), Харк (Эрон) бўлиб, энг йирик супертанкерларни қабул қиласи ва уларнинг юк айланмаси нефть қазиб олиши ва экспорти максимал даражага етганда Роттердамдан кўпроқ бўлади. Энг йирик нефть экспорти портлари қаторига,

шунингдек, Нигериядаги Бонни, Мексикадаги Тампиго, Ливиядаги Эс-Сидер, Индонезиядаги Думай, Алискадаги (АҚШ) Валдиз киради. Сўнгги йилларда эга бўлган, руда ташувчи кемаларни кабул қила оладиган Бразилияning Тубаран порти дунёнинг энг йирик портига айланди.

Дунё дengiz транспорти географиясига халқаро dengiz kanallari va dengiz bўғизлари катта таъсир кўрсатади. Дунёning энг йирик кемалари қатнайдиган dengiz kanallari Сувайш, Панама, Киль (ГФР), Буюк (Хитой), Кирғоқ (АҚШ), Окденгиз — Балтики va Волга Дон (Rossия). Сувайш канали (Миср) 1858—1869 йилларда курилган. У шимолдан жанубга — Порт Саиддан Қизил dengizdagi Сувайшгача давом этади. Узунлиги 161 км, чуқулиги 12,5—13 м, эни 120—130 м, шлюзлареиз ишлайди. Кемалар шимолдан ва жанубдан карвон-карвон бўлиб сузади ва бу карвонларни бир-бирларидан ажратиб туриш учун катта Тузли кўлдан фойдаланилади. 1896 йилда канал кеманинг ботиши (кеманинг сувга ботиб туриш даражаси) жами 8 м гача бўлган dengiz кемаларини ўтказган, лекин сўнгра бир неча марта чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган. Булар юк ва кема айланмасининг доимий ўсиб боришига мос бўлган. XX асрнинг бошида каналдан ҳар йили 4 минг кема ўтган ва юк ҳажми 20—30 млн. т бўлган бўлса, 60-йилларнинг бошига келиб кема айланмаси 20 мингдан ошган, юк ҳажми эса 250 млн. т.га етган. Осиёни боғлаб турадиган асосий dengiz йўли 23-жадвал маълумотларида акс эттирилган.

23-жадвал

Сувайш каналидан фойдалангаида йўлнииг қисқариши

Жўнатувчи ва қабул қилувчи портлар	Узунлиги dengiz миллисида		Йўлнииг кисқарини	
	канал оркали	Африкадан айланниб ўтганди	Dengiz Милиси	%
Одесса — Бомбей	4198	11878	7980	65
Генуя — Бомбей	4478	10576	6098	53
Марсель — Бомбей	4573	9824	5251	54
Лондон — Бомбей	6260	10721	4461	41
Гамбург — Бомбей	6567	11038	4461	40
Лондон — Калькутта	7945	11597	3652	33
Ливерпуль — Покатама	11113	14436	3323	24

Каналдан асосан форс қўлтиғидан Европага нефть ташилади. Шу сабабдан каналда жанубдан шимолга ташиладиган юк тескари йўналишдагидан тўрт марта кўн. Лекин 50 — 70-йилларда каналда юк ташини икки марта тўхтаб қолди. Бирин-

чи марта бу 1956 — 1957 йилларда Миср қаналини национализация қылганда (канал Франция ва Англияга қараашлы бўлган), унга қарни бу мамлакатлар агрессия (уруш) қылганда, канал иштимча ишламаган. 1967 — 1975 йилларда араб-исроил уруш түфайли Сувайш канали иккинчи марта узоқ вақт ишламади. 1975 йил 5 июня канал очилгач, унда юк ва кема айланмаси ишлайдан тез ривожланди. 90-йилларнинг бошида каналдан 20 минг кема ўтган ва 350 млн. т. юк тасилилган. Канал кептагайтирилди ва 20 м гача чуқурлашибтирилди. Ҳозир каналдан ишларигига нисбатан каттароқ кемалар ўтишига имконият яратилган. Шунга қарамасдан яқин шарқдан Европага нефть ташийдиган супертанкерларнинг кўччилиги Сувайш каналидан олес, балки Африкани айланиб ўтмоқдалар. Шунинг учун каналда нефть ташиш салмоғи кўп миқдорда қисқарди, шимолдан ва жанубдан ташиладиган юк оқимлари хажми деярли тенгзапиди. Бунда 1979 йилда қурилган икки қаторли Сувайш-Александрия нефть кувурининг (115 млн. т нефть ҳайдайди) тасири ҳам катта бўлган. Умуман, ҳозир ҳам Сувайш канали дунё дениз кемачилигининг энг асосий участкаси бўлиб қолмоқда ва унинг хиссасига дунё дениз транспортида ташиладиган юкларнинг 14 фоизи тўғри келади (350 млн. т).

Панама канали Панама бўйинининг энг паст жойидан Панама мамлакати худудида қурилган. У Бальбао шахри яқинида Тинч океанини Атлантика океани билан Кристоболь шахри яқинида боғлади. XIX асрнинг ўрталарида Буюк Британия ва АҚШ канал қуриш ҳақ-хуқуқи учун курашиди. Зиддиятдан Франция фойдаланиб, канал қурилишини 1879 йилда бошлаб юборди, лекин француз компанияси инқизозга учради ва канал қуриш хуқуқи 1901 йилда АҚШ га ўтди (инглиз-америка шартномасига биноан). 1904—1914 йилларда АҚШ канални қуриб битказди. Каналнинг узунлиги 82 км, эни 150—305 м, чуқурлиги — 12,5 м, шиозлар сони — 12, ўтадиган кемалар тоннажи — 65—70 минг т, йиллик юк айланмаси — 170 млн. т, кемалар айланмаси — 1 сўткада 40 кема, кемаларнинг сузиг ўтадиган вақти — 8 соат. Канал трассасининг ярми Гатун кўли орқали ўтади. Асосан каналда нефть, руда, кўмир, фосфорит ва босиқа оммавий юклар ташилади.

1903 йилда АҚШ ва Панама ўртасида тузилган шартномага мувофиқ майдони 1,4 минг кв. км бўлган Панама канали зонаси тўлиқ АҚШ юрисдиқиясига ўтгаи. Панамаликлар узоқ вақт мобайнида канал зонасини қайтариб олиш учун курашилар. 1977 йилда 1903 йилдаги шартномани Панамага бериш тўғрисида янги шартнома туздијлар.

Панама канали халқаро аҳамиятта эга, лекин у биринчи навбатда АҚШ учун энг катта транспорт аҳамияттага молик. (24-жадвал).

24-жадвал

Панама каналидан фойдаланганда йўлнинг қисқариши

Йўнатувчи ва кабул қилувчи портлар	Масофа, милида		Йўлнинг қисқариши	
	Панама канали орқали	Бонка йўл билан	Мили	%
Нью-Йорк — Сан-Франциско	5263	13107 Магел.	7844	60
Нью-Йорк — Ванкувер	6050	13907 Магел.	7857	56
Нью-Йорк — Вальпараисо	4627	8337 Магел.	3710	45
Ливерпуль — Сан-Франциско	7930	13507 Магел.	5577	41
Ливерпуль — Ванкувер	8717	14317 Магел.	5600	39
Нью-Йорк — Покатама	9700	13042 Магел.	3342	26
Нью-Йорк — Сидней	9692	13051 Афр.	3359	26
Нью-Йорк — Шанхай	10584	12324 Сувайни.	1740	14
Нью-Йорк — Сингапур	8885	10141 Сувайни.	1256	12

Панама канали АҚШнинг шарқий ва гарбий қирғоқлари ва АҚШ нинг шарқий қирғоқлари билан Лотин Америкаси-нинг Тинч океани қирғоқлари ўртасидаги масофани кўпроқ, шунингдек, Осиё ва Австралия портларига борадиган йўлини нисбатан камроқ қисқартиради. Шу сабабдан АҚШ Панама каналининг асосий фойдаланувчиси бўлиб, каналдан Атлантика ва Тинч океанига ташиладиган юкнинг 70 фоизи АҚШ ҳисса-сига тўғри келади.

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, Марказий Америкада бошқа трансокеан қаналларини қуриш лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Улардан бирининг тахмин қилинаётган трассаси Мексикадаги Теуантепек бўйнидан, иккинчисини — Колумбияядаги Отрето чўймаси орқали, учинчиси — Никарагуа кўли акваториясидан фойдаланиб, Никарагуа худудидан ўтадиган кемалар лойиҳалари тузилган.

ГФРдаги Киль канали учинчи халқаро канал бўлиб, Болтиқ дengизидаги Киль қўлтигини Эльба дарёси қўйи оқими, биринчи навбатда Киль ва Гамбург портлари билан боғлайди. У XIX асрнинг охирида (1895 й.) қурилган бўлиб, кўпчилик Европа мамлакатлари учун катта аҳамияттага эга. Асосий юк оқимлари Болтиқ дengизидан Шимолий дengизга ва орқага, шу канал орқали Голландия ярим оролини четлаб ўтади. Узунлиги 98,7 км, чукурлиги 11,3 м, эни 104 м, икки жуфт бош шлюзлари бор.

Хозирги замон дengиз кемачилигининг миқёси жуда катта бўлиб, у кўп дengизларни қамраб олади. Масалан, Ўрта ер ден-

шароитда бир вақтнинг ўзида 2,5 минг савдо кемалари (кобатаж кемалари бу ҳисобга кирмайди), Болтиқ дengизида — 800, Жанубий-Хитой дengизида — 700 дан кўпроқ кемалар юради. Айниқса, кемалар ҳаракати интенсивлиги дengиз каналлари, бўғизлари, портлари борадиган жойларда ғоят катта бўлади. Бу шароитда улар кемачиликни чекловчи омилга айланади. Баъзи бўғизлар супертанкерлар кириши учун яроқсизdir. Масалан, 100 минг т. дедвейтга эга бўлган супертанкер сувга 14 м, 200 минг тонналиги — 17,8 м, 300 минг тонналиги — 22 м, 500 минг тонналиги — 30 м ботиб туради. Буни таққослаш учун қўйидаги маълумотларни бериш мумкин: Кичик Бельт бўғозининг кафолатланган чуқурлиги — 70 м, катта Бельт бўғозиники — 14 м, Зунд бўғозиники — 8 м, Каттегатники — 26 м, Ла-Манши — 35 м, Малакканики — 25, Зонд ва макассар бўғозлариники — 50 м. Шундай қилиб, энг катта супертанкерлар Европа қирғоқларига Ла-Манш орқали ёки Японияга энг қисқа йўл Малакка бўғози орқали ўта олмайдилар. Биринчи ҳолатда улар чуқур сувли портларга (масалан, Буюк Британиянинг фарбий қирғоқлари) ёки маҳсус аванпортларда (масалан, Гавр) юқ туширишга маъжбур бўладилар, иккинчи ҳолатда эса катта айланма йўл — Макассар ёки Зонд бўғозлари орқали ўтадилар.

Океан трассаларининг энг «қуюқ» тугунлари қаторига каналлардан ташқари яна бўғизлар ҳам киради. Масалан, Ла-Манш орқали (уни инглизлар Канал деб аташади) суткасига 500 кема, Зундан — 175, Гибралтар бўғизларидан 140 кема ўтади.

ФТИ шароитида дунё транспортига, юқорида қайд этилганидек, контейнерлаштириш ва у билан боғлиқ бўлган «контейнер инқизиби» катта таъсир кўрсатди. Улардан фойдаланиш юқ ташишнинг эски усулларига нисбатан меҳнат унумдорлигини бир неча марта оширишга, юкларни яхши сақлашга имкон беради.

Дengизда контейнерлардан фойдаланиш биринчи марта 1956 йилда АҚШда кўлланилган. Сўнгра 60-йилларнинг ўрталарига келиб Шимолий Атлантика линиясида контейнер ташувчи кемалар флоти юзага келди. 80-йилларнинг охирида эса 5—6 млн. контейнерни ташувчи бир мингдан кўпроқ ана шундай кемалар қатнай бошлади. АҚШ, Буюк Британия, Япония, ГФРда энг катта контейнер ташувчи кемалар флоти пайдо бўлди. Дунёнинг 200 портида контейнер терминаллар қурилди. Бундан бир неча йил аввал улар ўртасида биринчи ўринни Роттердам эгаллаган бўлса, сўнгра ундан Сингапур (йилига 4 млн. контейнер) ва Гонконг ўтиб кетди. Бу «катта учликдан» кейин

Кобе, Пусан, Гаосан, Лос-Анжелес, Нью-Йорк, Гамбург, Антверпен, Иокагама, Токио туради. Бундан күриниб турибиди, дөнгиз транспортини контейнерлаштириш өйт катта капитал маблалар талаб қилишига қарамай, у АҚШ, Фарбий Европа, Япониядан ташқари Осиёнинг ишлаб берувчи саноати маҳсулотини экспорт қилишига йўналтирилган «янги индустрисал мамлакатларда» ҳам кенг қулоч очган.

Шунга мос ҳолда дөнгиз контейнерлар линиялари тармоғи ҳам ривожланиб борди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб дөнгиз контейнер юқ ташишида янги босқич бошланди: «Юнайтед Стейтс Лайнз» (АҚШ) ва «Эвергрин Лайн» (Тайвань) кема компаниялари Фарбий Европа, АҚШ, Шарқий Осиё база портларига 7-8 кун оралиғида (интервалида) кирадиган дунё бўйича контейнер линияларини эксплуатация қилишни бошладилар. Бу линияларда энг янги катта тоннажли тезюарар контейнер ташувчи кемалар ишлай бошлади. Улардан кейин бошқа кема компаниялари ҳам ана шундай дунё бўйича сервисни таклиф эта бошладилар.

Турли транспорт турларини контейнерлаштириш ва улардан юқ ташишда аралаш фойдаланишни кенгайтириш географик нуқтаи назардан яна бир қизиқ ҳодиса — «транспор кўприги» деб аталадиган жараённинг шаклланишига олиб келди. Уни кўпинча яна «куруқлик кўприги» («ленд бридж») деб ҳам атасади. Уларни эксплуатация қилишида контейнер ташувчи кемалар (баъзан балкер-кемалар), маршрутли тезюарар темир йўл состави ва автопоездлар билан бирга қўшиб қўлланилади. Ҳозирги шайтада Фарбий Европа ва Япония ўртасидаги ҳамда Япония ва АҚШ нинг шарқий қирғоқлари ўртасидаги иккита «кўприк» дунёда машҳур хисобланади.

Биринчиси — Транссибир «транспорт кўприги» 1970 йилдан ишлай бошлади. Унинг энг чекка нуқталари Роттердам ва Иокогама бўлиб, улар ўртасидаги масофа (Россия ва Украина темир йўлларидан фойдаланганда) 13770 км га тенг. Бу йўл уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида Фарбий Европа юклари куруқлик транспорти орқали чегара бўйи тутунлари ёки МДХдаги Қора дөнгиз ва Болтиқ дөнгизлари портларига олиб келинади. Иккинчи қисмида улар экспресс поездлар ёки олий составда МДХ Европа қисми темир йўллари ва Транссибир магистрали орқали Тинч океани қирғоқларидағи портларга (Находка, Шарқий) жўнатилади. Учинчи қисмида улар яна дөнгиз орқали Япониянинг Иокагама ёки бошқа портлари, шунингдек, Гонконг ва Манилага етказиб берилади. Япониядан Фарбий Европага жўнатиладиган юклар тескари йўналишда шу йўллар орқали та-

шилади. Юк ташишга тахминан 35 сутка вақт сарфланади. Унбу «Транспорт күппригидан» фойдаланиш денгизда шу йўналинида юк ташишга нисбатан тахминан 20% га арzon тушади ши бунда юкларни Сувайш канали орқали ташиш масофани 20,1 минг км га узайтиради. 90-йилларинг бошида бу «транспорт күпприги» орқали ҳар йили 100-120 минг контейнер ташилган.

Иккинчи ана шундай «кўпприк» Япония ва АҚШнинг шарқий қирғоқлари ўртасида «курилган» ва у Япониядан денгиз орқали АҚШнинг Тинч океани қирғоқларидағи портларга, сўнгра ундан куруқлик йўллари орқали бутун АҚШ худудини кесиб ўтиб, Атлантика қирғоқларидағи давом этади. Бу аралаш транспорт йўлларидан Панама каналидан ўтадиган денгиз йўлига баробар кепадиган контейнер ташиши мумкин ва бунда баҳо тахминан бир хил бўлади. Лекин Сиэтл орқали Иокагамадан Нью-Йоркка борадиган йўл масофани 3,5 минг км га қисқартиради.

Дунёning бошқа қисмларида, масалан, АҚШ худудидан транзит орқали Фарбий Европа ва Япония ўртасида, шунингдек, Осиё, Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида «транспорт кўпприклари» нинг шакланиши турли босқичда турибди.

Дарё транспорти. Ички сув йўллари транспорти кемалар қатнайдиган дарёлар, каналлар, ва ички сув ҳавзаларидан фойдаланиди ва у шубу обьектларнинг табиий хусусиятларига кўн даражада боғлиқдир. Масалан, Амазонка, Панама, Миссисипи, Объ, Енисей, Янцзи, Конго дарёлари дунёning энг кудратли темир йўл магистралларига нисбатан ҳам анча катта ўтказиши қобилиятига эга. Лекин бу имкониятлардан фойдаланпish умумий иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабдан дунёда сув транспорга юк айланмаси бўйича АҚШ, Россия, ГФР, Нидерландия, Бельгия, шунингдек, Хитой ажralиб туради. Баъзи мамлакатларда сунъий сув йўллари ва кўл кемачилиги ривожланган. Умуман, ички сув транспорти айрим мамлакатларнинг ички эҳтиёжларига хизмат қиласи, лекин у халқаро юк ташишда ҳам иштирок этади. Айрим мамлакатларда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда, масалан, Амазонка, Панама, Конго каби буюк дарёлар имкониятларидан фойдаланиши жуда паст даражада.

Дунё сув йўлларининг умумий узунлиги 550 минг км бўлиб, унда асосий ўринни МДХ (123 минг км), Хитой (110), АҚШ (41), Бразилия (31), кейинги ўринларни Венесуэла, Хиндустон, Покистон, Бангладеш, Зоир, Франция, ГФР, Нигерия, Финляндия эгаллайди. Лекин ички сув транспортининг ривожланиш даражасини юк айланмаси ҳажми ва ушбу транспорт турининг умумий транспорт юк айланмасидаги салмоғи белгилаб беради. Юк айланмаси бўйича ўринлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

ди: АҚШ, Хитой, Россия, Канада, Нидерландия, Франция, Бельгия. Күриниб турибиди, бу рўйхат ундан олдин берилган рўйхатдан фарқ қилиб, унинг таркибида иктиносидий ривожланган мамлакатлар бор, холос. Бошқа кўрсаткич — ички сув транспортининг умумий транспорт юк айланмасидаги салмоғи бўйича кўрсаткичлар жуда юқори (52%). Бу кўрсаткичлар ГФРда 25, Бельгияда 17, АҚШда 10, Россияда 5,5 фоизни ташкил этади. Шу билан бир қаторда бу транспорт тури амалий жиҳатдан ривожланмаган (Япония, Монголия, Куба, Ўрта Осиё мамлакатлари) ёки кам ривожланган (Буюк Британия, Италия).

Ички сув тринспортининг ривожланишига ички сув йўлларининг аҳволи ва флотининг катта-кичиликлиги катта таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШдаги 41 минг км сув йўлидан 31 минг км каналлар ва шлюзланган дарё участкаларига тўғри келади. Бу мамлакат 20 млн. т. дан кўпроқ тоннажга эга бўлган дунёдаги энг катта дарё ва кўл флотига эга. МДХ, Хитой, ГФР, Францияда ҳам катта каналлар ва сув йўллари барни этилган. (25-жадвал).

25-жадвал

Дунёнинг кемалар қатнайдига энг муҳим каналлари ва сув йўллари¹

Номи	Мамлакатлар	Узунлиги, км	Кенглиги	Шлюзлар сони
1. Қирғоз канални шу жумладан, сунгийи участкалар	АҚШ	5580	40-60	
		1800		
2. Буюк канал	Хитой	1782	40-350	
3. Волга-Болтиқ сув йўли	Россия	1100	25-120	
шу жумладан, Волга-Болтиқ канални		372		
4. Рейн-Майн-Дунай сув йўли	ГФР	677	52	18
шу жумладан, сунгийи участкалар		171		
5. Эри-канал	АҚШ	540	50	35
6. Гета-канал	Швеция	420	24-60	95
шу жумладан, сунгийи участкалар		190		
7. Урта Герман канални	ГФР	325	30-40	3
8. Рена-реин сув йўли	Франция	320	25-100	150
9. Оқ-дениз-Болтиқ сув йўли		227		19
шу жумладан, сунгийи участкалар	Россия	37		
10. Москва номидаги канал	Россия	128	86	114
шу жумладан, сунгийи участкалар	+	109		
11. Волга-Дон канални	Россия	101	60-80	13
шу жумладан, сунгийи участкалар		56		

¹ Географический энциклопедический словарь. Понятия и термины. -М.: Сов. энцикл., 1988, с.409.

Дунёда халқаро дарёлар ёки халқаро дарё ҳавзалари (ХДХ) сони 2140 та бўлиб, улар энг йирик дарёларнинг ярмини ташкил этади. Масалан, Рейн, Амазонка, Замбези ҳавзаларида 7 мамлакат, Нил, Конго, Нигер ҳавзаларида 9 мамлакат, Дунай ҳавзасида эса 12 мамлакат жойлашган. Дунёнинг дарё ҳавзалари майдони 1 млн. кв. км дан ортиқ бўлган 13 та энг йирик дарёдан фақатгина 4 таси — Волга, Лена, Янцзи, Маккензи бир мамлакат ҳудудида жойлашган, ҳолос. Тажрибалар шундан далолат берадики, иқтисодий ривожланган мамлакатларда дарёларнинг халқаро характеристики бўлиш ўрнига, маълум даражада уни рафбатлантирган. Лекин булар ривожланаган мамлакатларга таалуқди эмас.

Европада Рейн, Дунай, Одер, Эльба энг йирик дарё артериялари хисобланади. АҚШда асосий дарё транспорти юклари Миссисипи — Буюк кўллар тизимида ташилади. Американинг Буюк кўллар тизими ва Авлиё Лаврентий дарёсининг чуқур сув йўлидан деңгиз кемалари ҳам фойдаланади.

Ички сув транспортида кемалар қуввати ва юк кўтариш имкониятини кўпайтириш, шатакка олиш усуулларини такомиллаштириш, сувости қанотли кемаларни кенг қўллашини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидир.

8.3. Ҳаво транспорти

Ҳаво транспорти — энг тез, лекин етарли даражада қимматга тушадиган транспорт тури бўлиб, халқаро йўловчилар ташишида муҳим роль ўйнайди. Авиация — транспортнинг энг ёш ва тез ривожланаётган туридир. Унинг афзаллиги тезликдан ташқари, ташиш сифати, трассани осон кенгайтириш ва ўзгартиришга имкон берадиган географик характеристиччиликларидир. Мунтазам авиалининг тармоғи 8 млн. км бўлиб, у ер шарининг ҳамма қисмини қамраб олган, йилига 1,2 млрд. йўловчини ташийди.

Дунёнинг энг йирик ҳаво транспорти АҚШ бўлиб, унинг ҳиссасига хорижда ташиладиган (МДХдан ташқари) йўловчиларнинг ярми тўғри келади. «Биринчи ўйлиқка» яна Россия, Япония, Буюк Британия, Канада, Франция, ГФР, Австралия, Нидерландия, Испания киради. Авиаташишнинг таҳминан 45% ички ва 55% и халқаро линияга тўғри келади. Унинг таяич нуқталари — 5 минг аэропорт бўлиб, 1 мингдан қўпроғи халқаро тоифага киради. Йилига 15 млн. йўловчи ташиш имкониятига эга бўлган аэропортлар 26-жадвалда кўрсатилган.

Дунёning энг йирик аэропортлари

Аэропорт	Низлик йўловчи, млн. кини	Аэропорт	Низлик йўловчи, млн. кини
Чикаго	60	Лондон (Гатвик)	21
Даллас	58	Париж (Шарль де Голл)	21
Лос-Анжелес	45	Финикс	21
Ангтана	43	Сент-Луис	20
Лондон (Хитроу)	40	Сингапур	20
Токио (Хенеда)	37	Торонто	20
Нью-Йорк (Кенеди Номидаги)	30	Миннесаполис-Сент-Пол	19
		Токио (Нарито)	17
Сан-Франциско	30	Гонконг	17
Денвер	28	Питтсбург	17
Франкфурт-Майн	26	Орландо	17
Париж (Орли)	24	Лас-Вегас	17
Аэропорт	Низлик йўловчи, млн. кини	Аэропорт	Низлик йўловчи, млн. кини
Майами	23	Рим (Фьюмичини)	16
Нью-Йорк (Да-Гарда)	23	Амстердам (Пінхол)	16
Гонолулу	23	Хьюстон	16
Бостон	23	Вашингтон (Нацил)	15
Детройт	22	Стокгольм	15
Осака	22		

Кўриниб турибдики, дунёдаги энг йирик 34 аэропортнинг ярмига яқини АҚШда, 8 таси Европада, қолганлари Япония, Канада, Сингапур, Гонкогда жойлашган. Бунда бальзи энг йирик шахарларда, масалан, Москвада 5, Нью-Йоркда 3, Париж, Лондон, Токиода — 2 тадан аэропорт бор. Демак, Лондон ҳар йили 60 млн., Париж — 45 млн. йўловчи қабул қиласади. Дунё авиаташинчларининг асосий йўналишилари Европа ва Шимолий Америка, Европа ва Жанубий Америка, Европа ва Яқин Шарқ, Европа ва Жанубий, Жанубий Шарқий, Шарқий Осиё ва Австралия ўртасида Европа ва Африка, АҚШ ва Шарқий, Жанубий-Шарқий Осиё, АҚШ ва Жанубий Америка, АҚШ ва Австарлия ўртасида амалга оширилади. Европа ва Шимолий Америка ўртасида ҳар йили 30 — 35 млн. йўловчи ташилади.

Ҳаво транспортида эски поршенили самолётларни турбовинтли ва реактив самолётларга алмаштириш (ўтган асрнинг 50-йилларнинг охири ва 60-йиллари бошида) фуқаролик авиалинин ясида янги даврни бошлаб берди. Булар «ТУ-104» (1956 й.), «Боинг-707» (1957 й.), «Каравелла» (1959 й.). Шундан бўён

фуқаролик авиациясининг ривожланиши иккита асосий йўналиш — тезликни ошириш ва йўловчи (юк) жойларини кўнайтириш йўлидан бормоқда. Замонавий фуқаро самолётлари ўртача крейсер тезлиги соатига 800—900 км.га тенг. 70-йилларда товшудан тез учадиган самолётларнинг биринчи моделлари яратылди: «ТУ-144», (СССР), «Конкорд» (Буюк Британия ва Франция), «Джумбо-джет» (АҚШ). Масалан, «ТУ-144» самолётининг тезлиги 2500 км/соат, учиш узоқлиги 6400 км, учиши баландлиги 20 км, йўловчилар сони 121 киши. Лекин бу самолётларни қисқа муддатларда эксплуатация қилишнинг ўзиёқ уларниң рентабеллиги пастилигини кўрсатди ва бу моделлар ишлаб чиқаришпдан олиб ташланди. Кейинги йилларда биринчи кенг флюзеляжли 300—400 йўловчи ва 15—20 т. юк ташийдиган самолётлар — «Боинг-177» (АҚШ), «Аэробус» (Франция-ГФР-Буюк Британия), ИЛ-86 (Россия) ишлаб чиқарилди. Шунингдек, рекорд юк кўтаратидиган самолётлар — АН-124 «Руслан» (150 т) ва Ан-225 «Мария» («Орзу» 250 т) Россия ва Украина, 440 йўловчини бортга оладиган «Боинг-777» (АҚШ) самолётлари ишлаб чиқарилмоқда. 600—800 йўловчи ташийдиган янги аэробусларни ишлаб чиқаришга Европада («Эйрбос индастри» консорциуми, Франция, Нидерландия, Буюк Британия биргаликда) ва АҚШда («Боинг») тайёргарлик кўрилмоқда.

Шундай килиб, транспорт — иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у худудий меҳнат тақсимоти ва моддий боғланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Қисқача хуросалар

Жаҳон транспорт географияси қуруқлиқ, сув ва ҳаво транспортига бўлинади.

Куруқлиқ транспорти автомобиль ва темир йўл транспортидан иборат. Автомобиль транспорти юқ ва йўловчи ташишда мухим аҳамиятга эга. Автомобиль транспорти юқ айланмасининг деярли ярми саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Автомобиль транспортининг юқ айланмаси бўйича АҚШ биринчи, Россия иккинчи ўринда туради.

Биринчи темир йўл транспорти Буюк Британияда 1825 йилда қурилган. Узбекистонда темир йўл қурилиши 1890 йилдан бошланди. Жаҳонда темир йўлларнинг умумий узунлиги 1,2 млн. км атрофида, аммо унинг 50%и катта давлатларга тўғри келади (АҚШ, Россия, Канада, Хиндистон, Хитой, Австралия). Темир йўлларнинг узунлиги бўйича АҚШ дунёда биринчи ўринда туради.

Денгиз транспорти ҳиссасига дунё юқ айланмасининг 62%и тўғри келади. Денгиз кемачилигига трамп (вақтингчалик ва муитазам юқ ташиш) мавжуд. Денгиз транспортида портлар, бўғизлар ва каналлар мухим аҳамиятга эга.

Дунёning энг йирик ҳаво транспорти АҚШда бўлиб, унинг ҳиссасига хорижда ташиладиган йўловчиларнинг ярми тўғри келади (МДҲдан ташқари).

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Транспорт қандай қисмларга бўлиниди?
2. Кайси транспорт турида юк кўп ташилади?
3. Автомобиль транспортида юк ташини бўйича қайси давлат биринчи ўринда туради?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на-Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. -М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.

АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИНИҢ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

9.1. Географик жойланиши

Америка Құшма Штатлари Шимолий Америка қитъасида жойлашған бўлиб, майдонининг катталиги бўйича дунёда Россия, Канада ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. Унинг майдони 9,4 млн. км^2 га яқин бўлиб, худудий жиҳатдан 3 қисмдан иборат:

1. Асосий қисм. Бутун худуднинг 84%ини эгаллайди. Шарқдан Фарбга 4,5 минг, шимолдан жанубга салкам 3 минг км^2 га чўзилган. Шимолдан Канада, жанубдан Мексика, шарқдан Атлантика ва Фарбдан Тинч океани билан ўралган.

2. Аляска ҳамда Алеут ороллари (1,5 млн. км^2). Мамлакат худуднинг 16%ини ташкил этади. Аляска Канаданинг шимоли-ғарбий қисми билан чегарадош.

3. Гавайи ороллари (16,7 минг км^2). У Тинч океанида, қирғоқдан 3200 км узоқликда жойлашған 24 оролдан иборат архепелаг бўлиб, мамлакат худуднинг 0,2% ини ташкил этади.

АҚШ худуди беш соат минтақасида жойлашған бўлиб, улар Фарбдан шарққа Тинч океани, Марказий, Шарқий ва Атлантика номлари билан аталувчи соат минтақаларига ажратилади. Самолётнинг бутун мамлакат худуди бўйлаб Фарб-Шарқ йўналишида Тинч океанидан Атлантика океанингача учиб ўтиши учун 5-5,5 соат вақт кетади.

АҚШнинг географик ўрни тарихнинг барча босқичларида мамлакатининг ривожланишига қулайлик яратган. Бу, аввало, дениз чегараларида (12 минг км) ажойиб табиий бандаргоҳларнинг мавжудлиги, айниқса мамлакат худуднинг Атлантика ва Тинч океанлари орасида жойлашганлиги билан боғлиқ. Канада билан қуруқлик чегаралари ҳам табиий чегаралар, яъни дарё ва кўллар орқали ўтади ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига қулайликлар туғдиради.

9.2. Давлат тузуми

Давлат тузумига кўра, АҚШ 50 штат ҳамда алоҳида федерал округдан иборат федератив республикадир. Ҳар бир штат ўз конституциясига, қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимият органларига, сайлаб қўйиладиган губернаторига, шунинг-

лек, ўз рамзий белгисига эга. Колумбия федерал округи худуди-
та мамлакат пойтахти – Вашингтон шаҳри жойлашган бўлиб,
унда 600 минг аҳоли яшайди.

АҚШ Конституцияси бундан 2 аср олдин қабул килин-
гани. Ўтган давр мобайнидан унга атиги 26 қўшимча киритил-
гани, ҳолос.

Федерал ҳукумат З соҳага бўлинади:

1. Президент бошқаруви остидаги ижроя ҳокимияти. У 3
млн.дан ортиқ федерал хизматчиларга раҳбарлик қилади. Пре-
зидент ҳалқ томонидан 4 йилга сайланади ва икки муддат би-
лан чекланади. Мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият гарчи
парламент (конгресс) ихтиёрида бўлсада, у қабул қилган барча
қонунларни Президент тасдиқлайди ва вазирларни тайинлай-
ди. У куролли қучларнинг бош кўмандони хисобланади. Дав-
латнинг расмий тили - инглиз тили.

2. Қонун чиқарувчи орган - Конгресс икки палатадан ибо-
рат. Улардан биринчиси Сенат (сенаторлар 6 йиллик ваколат-
га эга) бўлиб, иккинчиси - Вакиллар палатаси (конгресменлар
2 йиллик ваколатга эга).

3. Олий суд бошчилигида адлия соҳаси. Олий суд Консти-
туцияга хилоф деб топилган федерал ва штат ҳокимиятлари
томонидан чиқарилган қонунларни бекор қилиш ҳукуқига эга.

АҚШ Конституцияси ҳукумат ваколатини атайн чек-
лаб, ҳеч бир соҳанинг устун кучайиб кетишига йўл қўймайди.
Масалан, фақат Вакиллар палатаси солиқлар борасида таклиф-
лар киритиш ҳукуқига эга. Олий суд аъзолигига Президент
таклиф этган номзодларни эса Сенат тасдиқланиш шарт. Прези-
дент эса Конгресс чиқарган қонунларни маълум даражада таъ-
қиқлаш ҳукуқига эга.

АҚШда икки асосий партия - Республика ва Демократик
партиялар билан бир қаторда яна бир неча иккинчи даражали
партиялар ҳам фаолият юритади.

АҚШ аҳолисининг сонига кўра (280 миллион киши) дунё-
да Хитой ва Хиндистондан кейинчи ўринни эгаллайди. У
аҳолисининг сони жиҳатидан ГФР, Франция, Буюк Британия ва
Италия аҳолисини кўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан олдиндадир.

Мамлакатда аҳоли сони узоқ вақт давомида кўпроқ им-
мигрантлар ҳисобига ўди. 1821-1921 йиллар давомида АҚШга
35 млн. иммигрант кўчиб келди. Ўтган асрнинг 70-йилларига-
ча кўчиб келганлар орасида инглизлар, шотландияларлар ва
ирландияларлар кўпчиликни ташкил этган. Шу сабабли АҚШ
давлат тили - инглиз тилидир. Кейинчалик Европанинг бошқа

мамлакатларидан кўчиб келувчилар сони орта борди. II жаҳон урушидан сўнг эса Лотин Америкаси мамлакатларидан (айниқса, мексикаликлар ва пуэрториколиклар) кўплаб кўчиб келди. XVIII аср давомида ва XIX аср бошларида жанубий штатларга Африкадан негр қуллар келтирилди.

Умуман, АҚШ аҳолиси сонининг ўсишида иммиграциянинг роли доимо катта бўлиб келган. Бир катор қаттиқ чеклашларга қарамай, ҳозирги пайтда ҳам йилига 1 мли.дан ортиқ киши шу мамлакатга кўчиб келмоқда.

АҚШда юздан ортиқ этник гурухлар яшасада, этнограф олимлар уларни уч асосий гурухга ажратадилар: 1) АҚШ американклари, улар турли миллатларга мансуб, турли даврларда кўчиб келган кишиларнинг авлодлари бўлиб, инглиз тилини ўз она тиллари деб биладилар; 2) оралиқ иммигрант гурухлар, бу гурух АҚШга нисбатан яқинда кўчиб келган кишилардан иборат; 3) туб жой халқлари (хиндулар, эскимослар ва б.). Улар мамлакат аҳолисининг 1%дан ҳам камроғини ташкил этади.

Аҳолининг ўртacha зичлиги 1 км²-да - 30 киши. Лекин худуд бўйлаб зичлик ниҳоятда нотекис. Аҳолининг деярли 70%и худуднинг 12% қисмини эгаллаган шимоли-шарқий штатларида яшайди. Агар Гавайи оролларида ўртacha зичлиги 1 км²да 46 кишини ташкил этса, Аляскада 1 кишига 5 км² тўғри келади.

АҚШ аҳолисининг жойлашуви аввало шаҳарлар географияси билан боғлиқ. Мамлакатда 9000 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд. Аҳолининг 77 %и шаҳарларда яшайди.

Кишилоқ аҳолиси кўпинча алоҳида жойлашган фермаларда яшайди. Бироқ турмуш тарзига кўра, қишилоқ аҳли шаҳарликлардан унча фарқ қилмайди. Бинобарин, бутун мамлакат бўйлаб бир хил шаҳар турмуш тарзи ҳукмрондир.

9.3. Хўжалигининг умумий тавсифи

Хўжалигининг умумий тавсифи. Америка Қушма Штатлари XIX асрнинг охиридаёқ саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича Буюк Британиядан ўтиб, дунёда 1-ўринни эгаллади. Ҳозирги пайтда, Фарбий дунё мамлакатлари авиаракета-космос техникасининг 3/4 қисми, ЭҲМнинг 2/3 қисми, кўмир қазиб чиқариш ҳажмининг ва АЭСлар қувватининг ярмидан ортиғи, фалла экинлари ялпи ҳосилининг 1/3 қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 8,8 трил. ташкил этиб, унинг йиллик ўсиши 4,1 % дан ортиқ.

АҚШНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Сонли кўрсаткичлар	Йиллар	Дунёда тутган ўрни
Худуди	минг км ²	9364	1995	4
Аҳолиси	млн. кинди	260	1995	3
ЯММ	млрд. \$	7100,7	1995	1
ЯММ жон бонига	минг,\$	27	1995	
<i>Ташки иктиносидӣ алоқалари</i>				
Экспорт	млрд. \$	583,9	1995	1
Импорт	млрд. \$	771,8	1995	1
Туристлар сони	млн. кинди	43,7	1994	4
<i>Халқаро молия</i>				
Олтин захираси	Млн. унция	261,7	1995	1
Япония валюта захираси	млрд. \$	163,6	1994	1
<i>Озиқ-овқат саноати</i>				
Чимлик ёғи	млн.тонна	8,61	1994	1
Маргарин	млн.тонна	3,88	1994	1
Сарпёт	млн.тонна	0,6	1994	3
Пинилок	млн.тонна	3,38	1994	1
Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Сонли кўрсаткичлар	Йиллар	Дунёда тутган ўрни
<i>Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари</i>				
Вино	млн.Глл.	16,6	1994	4
Пиво	млн.Глл.	2380	1994	1
Сигарета	млрд.дона	687,2	1994	2
<i>Енгил ва оғир саноати</i>				
Ин-газлама	млн.т.м.	2	1994	2
Енгил автомобилини	млн.дона	6,6	1994	2
Олтин	тонна	238,7	1994	2
<i>Ёкилти-энергетика саноати</i>				
Газ	млрд.м ³	5398	1995	2
Кўмир	млн.тонна	937,6	1994	2
Уран	млн.тонна	1,29	1994	9
Нефть	млн.тонна	389,2	1995	2
Электр энергия	кВт соат	3348,6	1994	1
<i>Курниш материаллари</i>				
Пўлат	млн.тонна	95,5	1995	2
Беоч материали	млн. м ³	95,4	1994	1
Цемент	млн.тонна	77,1	1994	3
Финит	млрд. дона	7,1	1995	4
<i>Кишлөк хўжалиги маҳсулотлари</i>				
Бүедой	млн.тонна	63,1	1995	2
Иоди	млн.тонна	9	1995	3
Маккакүхори	млн.тонна	256,6	1995	1
Ария	млн.тонна	8,2	1995	5
<i>Сабзавот ва полиз маҳсулотлари</i>				
Хумумий хисобда	млн.тонна	36,4	1995	3
Карам	млн.тонна	1,65	1995	7
Помидор	млн.тонна	12,08	1995	1

Саноати. Ишлаб чиқариш АҚШ хўжалигида энг катта сектор ҳисобланиб, у ялпи ички маҳсулотнинг чорак қисми, миллий фойданинг чорак қисмини ва ишчи кучининг бирдан беш қисмини эталлайди. АҚШнинг ишлаб чиқариш саноати дунёда энг катта бўлиб, у иккинчи ўринда турган Япониядан 3 марта йирик.

АҚШнинг ишлаб чиқариш саноати экспорти дунё бўйича шу соҳадаги экспортнинг бирдан беш қисмини эталлайди.

Кўшма Штатлар саноати юксак даражаси, ишлаб чиқариш ва ҳудудий концентрацияси билан ажралиб туради. У ҳам оммавий, серияли, ҳам ўрта мураккаб, уникал маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мамлакат саноатида ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларнинг барча тармоқлари, тармоқчалари ва турлари мавжуд. Шу билан бирга, шундай тармоқлар ҳам борки, улар мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини белгилайди. Булар жумласига автомобилсозлик, авиаракета-космик саноати, электроника, нефть кимёси саноати киради. Бу тармоқлар нафақат мамлакат иқтисодий қудратини белгилайди, шу билан бирга, унинг ҳарбий ва сиёсий ҳаётида ҳам етакчи роль ўйнайди.

АҚШда саноат корхоналари нотекис жойлашган. Саноатнинг энг ривожланган региони Марказий Шимол (айниқса Иллинойс, Огайо, Мичиган) бўлиб, у умумий ишлаб чиқаришнинг 25%ини беради. Ўрта Атлантика региони (Нью-Йорк, Пенсильвания, Нью-Джерси) иккинчи ўринни эталлаб, мамлакат ишлаб чиқаришининг 20% фоизини ташкил этади. Бир регион асосан кимё ва машинасозликка ихтисослашган. Тинч океани соҳил бўйи региони (Калифорния) умумий саноатнинг 15%ини ташкил этиб, 3-ўринда туради. Бу регион транспорт жиҳозлари, озиқовқат маҳсулотлари, электрик ва электроник жиҳозларга кўпроқ ихтисослашган. Жанубий Атлантика региони тўқимачилик, кимё ва тамаки маҳсулотларига ихтисослашган-умумий ишлаб чиқаришнинг 10%ини ташкил этиб, ишлаб чиқаришга 4-ўринни эталлайди. Фарбий-Жанубий-Марказий ва Шарқий-Жанубий-Марказий регионлар биргаликда бундай маҳсулотларнинг 15%ни етказиб беради ва буларга Техас ва Тенесси (асосан) штатлари киради. Қолган 15%ни Фарбий-Шимолий-Марказий регион, Нью-Ингланд ва тоғли штатлар чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги миллий фойданинг 2%ини бериб, унда ишчи кучининг 3%и банд бўлса ҳам мамлакатда муҳим тармоқлардан ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчилар орасида дунёда 1-ўринни эталлайди. Бунинг сабаби, фермер иш кучининг жуда юқори маҳсулдорлигидадир. АҚШдаги қишлоқ хўжалиги ишчи-

лари дунё қишлоқ хўжалиги ишчиларининг 0,5%ини ташкил этсада сут, гўшт, пахта, соя, тамаки ишлаб чиқаришида 1,2-ўринларни эгаллади.

Агробизнес шароитида босқичма-босқич ихтинослашув юкеак ривожланган. Бундай ихтинослашувга биноан бир бутун ишлаб чиқариш жараёни босқичларга бўлиб амалга оширилди. Масалан, помидор қўчатларини жануби-шарқий штатлар фермерлари етиширадилар. Сўнгра бу қўчатлар Калифорнияга келтирилиб, улардан серҳосил маҳсулот олинади. Техас штатида эса бу помидордан шарбат тайёрланади. Фермерларнинг бундай ихтинослашуви табиий шароитдан энг самарали фойдаланишга, маҳсулот сифатини оширишга ва унинг таннархини арzonлашувига имкон яратади. Текисликдаги штатлар буғдой; Ўрта-Фарбагилар дон ва соя; Канзас, Техас, Небраска ва Миссури сорга; Миннесота, Дакота, Айова ва Висконсин сули экшишга ихтинослашган. Техас, Калифорния, Миссисипи ва Аризона пахтага; Джорджия, Техас, Алабама ва Шимолий Каролина ер ёнгоққа; Шимолий Каролина ва Кентукки тамакига; Калифорния, Миннесота, Шимолий Дакота ва Лайдаҳо қанд лавлагига; Арканзас, Техас, Калифорния ва Луизиана шолига кўпроқ ихтинослашган. Калифорния мева ва сабзавотлар ва Флорида цитрус мевалари; Вашингтон ва Нью-Йорк олма етиширишга ихтинослашган. Йиلىк балиқ овлаш микдори бўйича АҚШ дунёда 5-ўринни эгаллади.

Транспорт. АҚШ барча транспорт турларининг ривожланганлик даражаси бўйича ҳам дунёning исталған мамлакатидан уступ туради. Автомобиль транспорти мамлакатда алоҳида мавқега эга. Ўтган асрнинг 90-йиллар бошига келиб, АҚШ автомобиль парки эга бўлган машинадан 200 млн.дан ошиди.

АҚШ транспорт тармоқларининг асосини кентлик ва меридионал ўюналишдаги трансконтинентал магистраллар ташкил этади. Улар фонида меридионал ўюналишда ўтган «Америка-Волгаси» хисобланмиш Миссисипи сув йўли катта аҳамиятта эга.

АҚШдаги энг йирик транспорт тутуни – Чикаго. Бу ерда ўнлаб темир ва автомобиль йўллари ўзаро туташган бўлиб, турили хил юклар бир йўлдан иккинчисига олиб ортилади. Чикагода дунёда энг катта О'Хэйр аэропорти бор. Мамлакатда юзга яқин порт мавжуд. Порт саноат мажмуаларининг энг йириклиари Атлантика бўйининг шимолий қисмида ва Мексика қўлтиғи соҳилида жойлашган.

Кўпима Штатларда номоддий ишлаб чиқарин ва хизмат кўрсатиш соҳаси жуда тараққий этган бўлиб, эндиликда ўзида банд аҳолининг 2/3 қисмини тўплаган. Ҳозирга қадар АҚШ

хўжалигининг ҳудудий структурасига табиий шароит ва ресурслар, транспорт, меҳнат ресурслари, концентрация каби омиллар катта таъсир кўрсатиб келди. Фан-техника инқилоби даврида фанталаб тармоқлар, иқтисодий-географик ўрин ва экологик омиллар катта аҳамият касб эта бошлади.

Хорижий Европадан фарқли улароқ, АҚШ хўжалигининг ҳозирги “қиёфаси” учун иқтисодий ҳаётнинг чекка океанбўйи ва кўлбўйи районларида тўпланганлиги хосдир. Бу хусусият шаҳар аҳолисининг ғуж тўпланганлиги билан бевосита боғлиқ. Учта мегаполисда мамлакат жами саноат маҳсулотининг 3/5 қисми ишлаб чиқарилади.

АҚШда ҳам иқтисодий тараққий этган бошқа мамлакатлардаги каби кескин ҳудудий номутаносибликлар мавжуд. Кўпинча юксак ривожланган ҳудудлар билан қолоқ районлар ёнмаён жойлашган. Бундай номутаносибликларни юмшатиш мақсадида олиб борилаётган минтақавий сиёsat муайян натижалар бермоқда. Чунончи, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш кучларини шимолий штатлардан жанубий ва ғарбий штатларга силжиши жараёни аниқ намоён бўлмоқда.

9.4. АҚШнинг ички тафовутлари

Яқин-яқинларгача АҚШни З асосий иқтисодий районга бўлишар эди. Ҳозирги ижтимоий-иктисодий ривожланишига кўра у бир-биридан фарқ килувчи қуидаги 4 микрорайонга – Шимолий-Шарқ, Ўрта-Фарб, Жануб ва Фарбга ажратилиади.

Шимоли-Шарқ миллатнинг устахонаси. Шимоли-Шарқ майдонига кўра, энг кичик микрорайон бўлиб, АҚШнинг саноат ҳудуди минтақаси шу ерда вужудга келди. Ў миллатнинг устахонасига айланди. Бу ердаги Шимолий-Шарқий мегаполисни мамлакатнинг «бош кўчаси» (Main Street) деб атайди-лар. Унда мамлакатнинг иқтисодий пойтахти Нью-Йорк ва сиёсий пойтахти Вашингтон жойлашган.

Ўрта-Фарб иирик саноат ва қишлоқ хўжалиги райони. Ўрта-Фарб минтақаси, ҳудуди тобора Фарбга сурилиб, баъзан «Америка Ўрта денгиз бўйи» деб аталадиган Кўл бўйини қамраб олди. Бу ерда ёқилғи ва хомашёнинг катта ресурслари ва районнинг қулай ИГУ базасида Чикаго, Детройт, Кливленд каби иирик саноат марказлари шаклланди, Кўл бўйи мегаполиси ташкил тоғди.

Чикагони Ўрта-Фарбнинг пойтахти дейишиади. У АҚШдаги энг катта транспорт тутунидир. Чикаго субурбанизацияга яққол мисолдир. Унинг агломерацияларига ўнлаб йўлдаги ша-

харлар, «туташи» шаҳарлар киради. У мамлакатнинг озиқ-овқат (ғалла) маконига айланган. У АҚШ худудининг 0,2 қисменинг өгаллагани ҳолда мамлакат қишилоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярим қисмига яқинини беради. Бу микрорайон сут, макка-жўхори минтақасида жойлашган.

Жануб катта ўзгаришлар микрорайони. Жануб узоқ вақт суст ривожланди. Бунга асосий сабаб қулдорликка асосланган плантация хўжалигининг кенг тарқалганлиги эди. Район нефть, табиий газ, кўмир, фосфоритлар қазиб олини, электростанциялари ва нефть заводларининг қуввати жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринни өгаллади. Бу ерда газмол ва тамаки маҳсулотларининг 9/10 қисми тўтилаган, пахта минтақасининг майдони қисқарган. Жануб микрорайонида дунёга машҳур Майами (Флорида штати) жойлашган, унга йилига 50 млн. турист келади.

Фарб АҚШнинг энг ёш ва ўсаётган макрорайони. Фарб буюк текисликлардаги прерияларни кенг яйловлари, йирик қора-мол ва қўйлар ўлкаси, ранчо, ковбойлар, мис, молибден, уран, олтини ва кўмир конлари, обикор дехқончилик, миллтий парклар ўлкасидир. Фарб таркибига шунингдек, АҚШ даги янги ўзлаштирилаётган бош ресурсе райони Аляска билан ананаслар ва туризм ороли- Гавайи ороллари ҳам киради.

9.5. Ташиби иқтисодий алоқалари

АҚШ иқтисодиётида ташиби иқтисодий алоқалар катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқариши соҳаси кўпроқ чет эл билан товар ва катта капитал алмашувига қаратилган, чет эл билан ишлаб чиқариши борасида кооперация ривожланган. Ташиби савдо айланмасининг 60 фоизи ривожланган мамлакатларга, 39 фоизи ривожданаётган мамлакатларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг ташиби сиёсатида АҚШ билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга кўйиш ва тобора чукурлаштириши алоҳида ўрин тутади. 1992 йил 15-16 февраль кунлари АҚШ давлат котиби Джеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат Ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда биринчи бор АҚШ элчихонаси очилди. Ўзбекистон президенти И.А.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1996 йил 23-28 июнь кунларида АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва Америка муносабатларини янги ноғонага кўтарди. И.А.Каримов АҚШ президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодий хавфсизлик масалалари соҳасида ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Қисқача хулюсалар

АҚШ - иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлат. Унинг худуди уч қисмдан иборат: материк, ярим орол, ва орол.

АҚШнинг географик жойланиши (уч океан сувлари билан ювилиб туриши, табиий шароити ва табиий бойликлари) унинг ривожланиши учун жуда қулай имконият яратган.

АҚШ саноати юксак даражада ривожланган. Саноатнинг энг янги тармоқлари тез суръатлар билан ривожланган ва ривожланмоқда.

АҚШ қишлоқ хўжалиги ҳам юқори даражада ривожланган. АҚШ аҳолисининг 3-5%и қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

Назорат ва мулоҳокама учун саволлар

1. АҚШ географик ўрнининг қулайлиги нимадан иборат?
2. АҚШ қандай табиий ресурсларга бой?
3. АҚШда давлат тузуми қандай?
4. АҚШ аҳолиси ўсиш ва жойлашишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. АҚШ саноатининг етакчи тармоқлари нималардан иборат?
6. АҚШ асосий қишлоқ хўжалиги тармоқлари географияси-чи?
7. АҚШ транспорт тармоқлари ривожланиши ва жойлашишига кўра қандай хусусиятларга эга?
8. АҚШ ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши бўйича қайси хусусиятлари билан ажralиб туради?

Лаосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишаиходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на -Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ЯПОНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

10.1. Ривожланиш хусусиятлари

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр Осиё-Тинч океани худудидаги мамлакатлар иқтисодиёти учун ўзига хос «сакраш» йиллари бўлди. Кўп йиллар ўртача ва қолоқ бўлиб қелган давлатлар тарихан қисқа вақт ичида улкан ютуқларга эришид Иккинчи жаҳон урушида қаттиқ сиёсий ва иқтисодий талофот кўрган, ҳатто таслим бўлишдек оғир мусибатни бошидан кечирган бу давлат бир авлод умри давомида саноат ҳамда илмий-техника ривожида дунёда энг тараққий этган мамлакат дарајасига кўтарила олдики, «Япония мўъжизаси» жаҳондаги барча олимлар, иқтисодчилар, социалогларни ҳайратга солди. Япониянинг ривожланиш “сир”лари ҳаммани, шу жумладан, бизни ҳам қизиқтириши табиий. Айниқса, саноатнинг ва хизмат, яъни сервис соҳаларининг ниҳоятда тез ўсиш суръатлари, жаҳонда бўлаётган ўзгаришларга тезлик билан мослашувчалик, хориждаги илфор тажрибаларни ниҳоятда усталик билан ижодий қабул қилиши ва янада ривожлантирищ борасидаги нодир қобилият японияликларга хос хусусиятдир. Айнан шу бонис у қисқа вақт ичида жаҳондаги (АҚШдан кейин) иккинчи давлатга айланди. Шу ўринда савол туғилиши табиий.

Япониядаги иқтисодий мўъжиза тасодифиёми ёки уни юзага чиқарган омиллар мавжудми? Агар шундай бўлса бу омиллар нимадан иборат?

Ушбу мамлакат иқтисодий тадқиқотлар институти ходимларининг маълумотларига кўра, эришилган барча ютуқлар хукumat томонидан олиб борилган туғри иқтисодий сиёсат натижасидир.

Япония иқтисодиёти қўйидаги босқичма-босқич усувлар асосида ривожланди:

1946-1949 йиллар мамлакатда аграр ислоҳот ўтказилиб, қинчюқ хўжалигидаги эски феодал қолдиқларнинг барчаси туғатилди, бозор муносабатлари тўла ўрнатилди

Иқтисодиётни қайта куришини кўп йиллар мобайнida давлат ўз назоратига олди, унинг илҳомчиси ва бошқарувчиси бўлди, натижада иқтисодиётда демилитаризация (ҳарбий йўлдан тинчлик йўлига ўтиш) йўлига ўтиш турли йўллар билан ишлаб чиқарип кучларини жонлантириш, таниқи савdonи либерализация (эркин) қилингига кенг имкон берилди.

Түликунликдаги (гинеринфляция, ишлаб чиқариншиниң настлиги) иқтисодиётни аввало, барқарорлык ҳолатига ўтказиш, иккингицидан, либераллаш, учинчидан, структуравий қайта куриш, түртингицидан, реал тараққиёттеги эришишдек мұхим вазифалар бош масала қилиб қўйилди.

Хўш, бу вазифалар амалда қандай рӯёбга чиқарилди? Урушдан кейин бутунлай издан чиққан иқтисодиётни турли йўллар билан тўғри изга солиш учун, юқорида айтганимиздек, давлат назорати сақланди. 1946 йилнинг февралида карточкалар тизими жорий этилди. Шу иили илгариги ниҳоятда йирик концернлар – дзайбацу (оизла асосига курилган корхоналар) ўрнига янги типдаги корхоналар («Мицубиси», «Мицуи», «Сумимото» ва бошқалар) юзага келди. Саноатни дицентрализациялаш учун антимонопол қонунлар чиқарилди. Шу тариқа Японияда ўзига хос уч ислоҳот амалга оширилди: трестлар тарқатилди, аграр ўзгаришлар рўй берди ва ишчи кучини ёллашнинг янги (бутун умрга ёллаш) усули жорий этилди. Шу даврда (1947 йил 3 майда) амалдаги Конституция қабул қилинди. 1949 йилдан бошлаб ишлаб чиқарини ривожлантириш бош вазифа қилиб қўйилди, баҳолар эркинлиги жорий этилиб, давлатнинг бутун иқтисодиётдаги назорати анча сусайди. Иқтисодиётда устувор ўйналиш тоғ-кон саноатига берилди. Орадан бир յил ўтгач, Японияда урушдан аввалги кўрсаткичнинг 70 фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Айни чорда иқтисодиётни рационализациялаш ва модернизациялашга ўтилди. Саноат корхоналари учун 5 йил муддатга имтиёзлар (кредит, солиқ сиёсати, инвестиция бўйича) берилди. Шу даврда анъанавий саноат тармоқлари билан бирга янги корхоналар юзага келди: соҳада структуравий ўзгаришлар рўй берди (синтетика ва электроника), айрим тармоқлар (кемасозлик) ривожи пасайди.

1960 йилдан эътиборан ҳалқаро савдода эркинликка қараб йўл олинди, (ваҳоланки мамлакатда ташқи савдо вазирлиги 1949 йилнинг майида тузилганди). Япония шу даврда жаҳондаги барча иқтисодий ташқилотларга атзо бўлди. 1967 йилдан эса мамлакатда товар ва капиталнинг эркин ҳолати бошланди. Натижада 1952-1990 йиллар давомида Япония иқтисодиёти ҳажми 65 марта ўеди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тўла бозорга аввалидан белгиланган режа ва муддатларда ўтилди. Бу жараёнда шошима-шошарликка йўл қўйилмади. 1949 йилдан бошлаб иш ҳақи устидан давлат назорати ўриатилди. Бозор иқтисодиётига ўтишда илғор давлат - АҚШ тажрибаси қўлланди, лекин бошқа давлатлар тажрибаси ҳам инкор этилмади.

И. А. Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли китобида: «Америкача андозада» эркин бозор муносабатлари айниқса, кучли роль ўйнайди, «Япон» ва «Француз» андозаларида эса хўжалик фаолиятини ташкил қилишида давлатнинг иштироки анҷагина каттадир», - дея бежиз таъкидлаганий йўқ. Айнан шу туфайли Япониянинг ялпи миллий маҳсулоти 4.4 трилионндан ортиқ бўлиб, бу борадаги йиллик ўртача ўсиши 1,4% га етади. Япония саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар бўйича фақат АҚШ дан ортда холос. Бу давлат ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасида капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотнинг 15%ни етказиб берди. Жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса АҚШдан ўзиб кетди ва жаҳонда (Швейцариядан кейин) иккинчи ўринга чиқиб олди. Киёс учун, бу кўрсаткич Буюк Британияда - 11.6 минг доллар, АҚШда - 18.2, ГФРда - 18.3 бўлса, Японияда - 19.5 минг долларни ташкил этади.

Япония ишлаб чиқариши экспортга ҳам йўналтирилган. Бу ердан четга тайёр, рақобатлаша оладиган, нисбатан арzon ва сифати юқори кўп турдаги маҳсулотлар чиқарилса, хориждан (импорт) энергиянинг 81%и, нефть 99,7%, темир рудаси, боксит, никель рангли металларнинг ҳаммаси олиб келинади. Озиқовқат билан ички таъминот 75% га teng. Мамлакат ички имкониятлари ҳисобига фақат гуруч билан тўла таъминланади, уни қисман экспорт қиласи. Демак бу давлат бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликка «махкум этилган».

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қулай (экспорт) ва четдан керакли ва арzon хомашёларни (импорт) олиб келиш туфайли тараққиёт бор фойда фаол савдо баланси ҳисобига юзага келди.

Японияда илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларига эътибор тобора ортиб бормоқда, фан-техника ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғлиқ, бу соҳага капитал сарфлапи (ЯМФ – 4%), энг самарали ҳисобланган экспортда технология кашфиётлари ҳиссаси тобора ўсиб бормоқда. Шу сабабли бу ерда олимлар алоҳида эътиборда.

10.2. Географик жойлашиши, табиий шароити ва бойликлари

Япония (японча Ниппон Нихон) Тинч океанидаги оролларда Шарқий Осиё соҳили яқинидаги жойлашган давлат. Худудида 4 мингга яқин оролни қамраб олган, шимоли-шарқдан жануби гарбга қарийб 3 минг км га чўзилган; яэни йирик ороллари: Хок-

кайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю. Мамлакатнинг асосий ороллари уз-кан мухандислик ишшоотлари (сув ости тунеллари, кўприклар) орқали ўзаро боғланган. Майдони – 370 минг км. Аҳолиси – 123 мин. нафар. Пойтахти – Токио. Япония маъмурӣ жиҳатдан 46 префектура ва Хоккайдо губернаторлигига бўлинган.

Япония мўътадил субтропик ва тропик иқлим минтақаизирида жойлашган. Қирғоқ чизифининг умумий узунлиги 30 минг км, чамасида. Хонсю оролининг жанубий соҳили, Сикаку ва Кюсю оролларининг қирғоқларида кўлтиқ кўп; бу ерда мураккаб қирғоқ чизифига эга бўлган Ички Япон денгизи жойлашган. Рюкюнинг жанубий ороллари маржон рифлари билан ўралган.

Рельефи. Япония худудининг 3/4 қисми қир ва тоғлардан иборат: наст текисликлар соҳил бўйлаб айрим-айрим жойлашган. Хоккайдо оролидаги тизмаларининг баъзи чўққилари баландлиги 2000 метрдан ошиди. (Асахи чўққиси - 2290 метр). Хонсю оролининг шимолий қисмидаги З та бўйлама тоғ тизмалари бўлиб, улар водий ва сойликлар билан бўлинган: оролният ўрта қисмидан ўтган Фосса-Магна синиқлар зонаси (узунлиги 250 км.) бўйлаб қатор вулқонлар, жумладан, Япониядаги энг катта вулқон – Фудзияма (баландлиги 3776 метр) қад кўтарган. Хонсю ороли марказий қисмидаги тизмаларининг чўққилари альи рельефи ва йилнинг кўп қисмидаги қор билан қопланниб туради. Японияда баландлиги 3000 метрдан юқори 16 та чўққи бор.

Сикоку оролининг энг баланд жойи 1981 метр (Исидзути чўққиси), Кюсю оролиники-1788 метр (Кудзю вулқони).

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари: Япон ороллари ёйи ғарбий Тинч океан геосинклиналь минтақаси таркиби-га киради. Фосса-Магна кундаланг синиқлар зонаси Япония худудини тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқ қилувчи икки бўлакка бўлиб туради. Хоккайдо ороли ва Хонсю оролининг шимолий қисми палеозой-мезозой қатламларидан тузилган.

Япония худуди кучли сейсмик зонада жойлашган (1855, 1891 1897 ва 1923 йилларда фалокатли зилзилалар бўлган). Япониядаги 150 та вулқондан 40 тачаси сўнмаган. Вулқонли районларда минерал ва термал булоқлар кўп. Фойдали қазилмалардан кўмир, темир рудаси, олтингутурт, марганец, кўрғошин, рух, мис рудалари, нефть, хромит, олтин, кумуш ва симоб қоплари бор.

Иқлими муссонли, шимолида мўътадил, жанубида субтропик, РЮКЮ оролларида асосан тропик. Хоккайдо оролида, Санпорода январнинг ўртacha ҳарорати – 5°C, июнники 22°C, Окинавада январнинг ўртacha ҳарорати 16°C, июнники 28°C. Материкдан эслан қишиқи муссон Япония худудига совук ҳаво ва кўп ёғин келтиради. Йилига 30 марта гача тайфун бўлади. Бу вақ-

тда күчли шамол эсіб, жала ёғади. Ўртача йиллик ёғын 1800 мм. Ҳоккайдо оролининг шарқыда йиллик ёғын 800-1200 мм, Сикоку ва Кюсю оролларида 3000 мм.гача.

Ічкі сувлари. Дарёлари қисқа, аммо серсув. Мамлакат гидроэнергия ресурслари 52,7 млн. квт. Шундан 21,8 млн. квт ўзлаштирилган (1975). Тайфун вактида дарёлар тоналади. Күпгина дарёларниң суви суғоришга сарғланади. Майда күллар күп. Япониядаги энг катта күл Бива (майдони 716 км²).

Тупроқлари. Шимолида ўтлоқи-ботқоқ, жанубда құнғир, ўрмон субтропик ва тропикларда сарық ва қызил, текисликларда аллювиаль тупроқлар тарқалған.

Үсимліклари. Япония худудининг 2/3 қисми ўрмон ва бутазоғлардан иборат: ўрмонарниң 1/3 қисми экіб ўстириш орқали яратылған. Еөоч захираси 1,9 млрд метр (1974). Японияда жами 700 тур дараҳт, бута ҳамда 3000 тур ўт үсимлиги ўсади. Япония флорасыда эндемик турлар күп. Ўрмонар асосан игна баргли ва кенг баргли дараҳтлардан иборат.

Хайвонот дүнәси. Японияда сут эмизувчиларниң 270, күшларниң таҳминан 800, судралиб юруғчиларниң 110 тури мавжуд. Япония қыроқларига туташ деңгиз сувларыда балиқларниң 600 дан зиёд, молюскаларниң 1000 дан ортиқ тури яшайди. Фаунасида эндемик ва реликт турлары күп.

Японияда 10 млн. гектар ерда (мамлакат худудининг 1/4 қисми) табиат күришленади. Шунинг ярмини 23 та миллий бөг ва давлатта қарашлы күришхоналар ташкил эттеги (1977 й.), 1970 йылдан деңгиз сув ости миллий бөгләри (1976 йылда 40 та) мавжуд бўлған. Япония қуийдаги табиий районларга бўлинган: Шимолий, Шимолий-шарқий, Марказий, Жанубий-ғарбий.

10.3. Аҳолиси ва унинг жойлашиши

Япония – бир миллатли мамлакат. Аҳолисининг 90%дан ортиғи японлардир.

Яқин вактгача Япония учун туғилишининг кўплиги ва аҳоли табиий ўсишининг катталиги хос эди. Эндиликда туғилиш кескин камайди ва Япония аҳолисининг кўнайини типи жиҳатидан бошқа ривожланган мамлакатларга яқинлашди. Бунга урбанизация суръатининг тезлашуви ва давлатнинг туғилишини назорат қилиш сиёсати сабаб бўлди.

Япония – аҳоли зич жойлашган мамлакат. Аҳолисининг Ўртача зичлиги 1 км га 300 нафардан ортади.

Урбанизациянинг юқори дарақадалиги фақат шаҳарликлар сони кўплигига эмас, балки уларниң асосий қисмини кенг

шаҳар агломерацияларида тўйиланганилигида ҳам акс этади. Токиодан Осака шаҳригача бўлган шаҳарлар минтақаси худди АҚШ-даги АТЛАНТИКА бўйи мегалаполисига ўхшаган япон мегалаполисига айланган. Аҳоли жойлашишининг шаҳар тини шаҳар таърифини ўзгартиришга сабаб бўлди. Японияда яқин вақтларгача аҳолиси 30 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли пунктлари шаҳарлар қаторига киритилар эди, эндиликда эса аҳолиси 50 минг кишидан ортиқ бўлган аҳоли зич яшайдиган ҳамда одамларниң кўпчилиги шаҳарларга хос меҳнатда банд бўлган аҳоли районлари шаҳарлар деб аталадиган бўлди. Япониянинг чекка тоғли районларида кичик-кичик тарқоқ шаҳарлар кўпчиликни ташкил этади. Қишлоқ аҳолиси кўпинча кичик посёлкаларда яшайди. Аҳолининг ихтисослашиш таркиби кейинги вақтларда жуда ўзгарди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш билан банд бўлган, эндиликда эса саноатда қишлоқ хўжалиги билан балиқ овлашдагига қараганда икки баробар кўп киши ишламоқда. Моддий бойлик ишлаб чиқармайдиган соҳаларда ишловчи ходимлар, хизматчилар, илмий ходимлар, меҳмонхона хизматчилиари ва бошқаларнинг сони тез кўнайиб бормоқда.

Аҳолининг синифий таркибида майдада ва ўрта буржуазиянинг салмоғи АҚШ дагига қарагандан бир оз катта, ишчи ва хизматчилярнинг салмоғи эса кичикроқdir. Бироқ, Япония хўжалигида монополистик буржуазиянинг роли АҚШ дагидан кам эмас.

Хоккайдо оролида мамлакатининг энг қадимги аҳолиси - айнлар (20 минг нафар чамасида) сақланиб қолган. Шунингдек, корейс (700 минг нафардан зиёд) ва хитойлар ҳам бор. Расмий тил - япон тили. Асосий динлари - синтоизм (1945 йилгача давлат дини бўлган) ва буддизм.

Япония аҳолиси сони жихатидан дунёда 6-уринда туради. Жами иқтисодий фаол иш билан банд аҳоли (52,2 млн. нафар) нинг 27 фоизи саноатда, 22 фоизи савдода, 12,6 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлайди (1975й.). Аҳолисининг ўрта зичлиги 1 км.га 298 нафар. (1975й.) тўғри келади. Жами аҳолисининг 75%и шаҳарларда яшайди. Энг йирик шаҳарлари: Токио, Иокоҳама, Осака, Нагоя.

10.4. Давлат тизими

Япония -- конституцион монархия давлатдир. Амалдаги конституцияси 1947 йил З майдада кучга кирган. Япониянинг меросий императари конституцияга кўра «Давлат ва халқ бирлиги рамзи» хисобланади. У парламент тавсиясига кўра, бош

вазирни хукумат тавсиясига кўра, Олий суд раиси ва аъзолари-ни тайинлайди, шунингдек, хукумат аъзоларини вазифаларига тайинлайди, истеъфоларини қабул қиласди, парламентни чиқарди ва ҳоказо. Конститутцияга кўра, императорнинг давлат ишларига алоқадор бўлган ҳар қандай фаолияти хукуматнинг маслаҳати ва маъқуллаши билан амалга ошиви лозим, чунки хукумат императорнинг фаолияти учун масъул ҳисобланади.

Олий ҳокимиият органи 2 палатали парламент (Вакиллар палатаси 4 йилга, Маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланади), 20 ёшига етганларга сайлов хуқуқи берилган. Конститутцияга кўра, парламент хукумат фаолиятини назорат қилиб туради, халқаро шартномаларни тасдиқлайди. Олий ижроия ҳокимиият органи - хукумат (Аизорлар маҳкамаси).

Префектураларда маҳаллий бошқарувни сайлаб қўйиладиган префектура мажлиси амалга оширади. Шахарлар посёлка ва қишлоқларда ҳам сайлаб қўйиладиган мажлислар бор. Маҳаллий бошқарув органларидағи бош мансабдорлар (префектураларда губернаторлар, шаҳарларда — мэрлар, посёлка ва қишлоқларда - оқсоқоллар) аҳоли томонидан 4 йилга сайланади.

Суд тизимини бош судья ва 14 судьядан иборат бўлган Олий суд бошқаради. Олий суд конституцион суд вазифасини ҳам бажаради. Апеляцион судлар, маҳаллий судлар, оила судлари, интизом (бошланғич) судлари бор. Судьяларни Олий суд тавсияси билан Вазирлар маҳкамаси тайинлайди.

Конститутциянинг маҳсус моддасида Япония урушдан абадий воз кечди ва армия тутмайди деб ёзиб қўйилган. Бироқ, хукумат реакцион кучлар тазийки остида “Узини мудофаа қилиши кучини” кўнайтириб, ҳарбий саноатнинг ривожланишини рағбатлантирмоқда.

10.5. Хўжалигининг умумий таърифи

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин Америка оккупацияси Япония хўжалигига оғир зарар етказди. Бироқ, ўтган асрнинг 50-йилларида мамлакат иқтисодиёти тезлик билан ривожлана бошлади ва Япония ўз саноатнинг юксалиш суръатлари жиҳатидан барча капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Мамлакатининг иқтисодий жиҳатдан бундай тез ўсиши кўп оминаларга боғлиқ. Биринчидан, уруш йилларида эскирган ва ишдан чиқсан завод жиҳозлари бутуслай янгилаанди, улар фан-техника инқилобининг энг янги ютуқлари асосида ишланган жиҳозлар билан алмаштирилди. Япон монополиялари чет эл патентларини сотиб олиб, саноатга жаҳон ихтиrolарини тад-

бік әтдилар, уларни муттасил тақомиғлаштириб бордилар. Шундай қылғы, ҳозир Япония саноати жиҳозларининг 2/3 қисми өнг янги техникага түғри келади.

Кейинги йилларда мамлакат фан-техника йұналишидаги тадқиқоттарни кенгайтирмокда. Япон ишчилари ўта заводлы бўлғанликлари туфайли ҳозирги замон ишлаб чиқариш техникинин тез үзлаштирилди. Учинчидан, давлат-монополистик капитализми Япония саноатини қайта қуришга ҳар томонлама ёрдам берди: давлат корхоналарини реконструкция қилиш ва янги қурилишлар учун сарфланадиган маблағнинг анчагина қисмини ўз зиммасига олди монополияларга солиқ тўлаш юзасидан енгизликлар ва катта қарз берди. Тўртингчидан, яқин вақтларгача мамлакатнииг ҳарбий харажатлари кўп бўлмади, бу ҳол хўжалик учун ажратиласидиган давлат маблағини кўпайтиришига имкон берди.

Ҳозирги вақтда Япония саноатининг ривожлапаш дараҗаси жиҳатидан жаҳон капиталистик мамлакатлари ўртасида иккинчи ўринда, баъзи ишлаб чиқариши соҳалари (кемасозлик, транзисторли радиоприёмниклар, целлюлоза толаси, автомобиллар ишлаб чиқариш) да эса биринчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодиётининг структураси жиҳатидан Япония АҚШдан бирмунча фарқ қиласи: Японияда саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида узилиш камроқ. Бу тармоқлар билан бир қаторда транспорт, савдо-сотиқ ва хизмат қўрсатиш соҳалари ҳам кең ривожланган, «Фанга талабчан тармоқлар» тобора ривожланмоқда.

Япония саноатида ишлаб чиқарининг марказлашуви юқори дарајага етди, бироқ, бошқа кўичилик ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, бу ерда англарина майда, кўпгина ярим кустаръ корхоналар сақланиб қўлган. Улар монополияларга қарашли йирик корхоналар билан шартнома асосида ишлайдигар. Масалан, автомобиллар учун керакли деталлар ва эҳтиёт қисмларининг кўпини кичик корхоналар ишлаб беради, қузов, моторлар ва машинани ўйини ишларини йирик заводлар бажаради.

Үтган асрининг 50-йиллари бошигача енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринда туради, эндиги оғир индустрия маҳсулоти жами саноат маҳсулоти қийматининг 3/4 қисмини ташкил этмоқда. Улдирувчи саноатнинг ҳиссаси тобора камайиб бормоқда. Мамлакат хомаше бўйича ҳам, тайёр молларини сотиш жиҳатидан ҳам жаҳон бозорига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётнинг яқин ўтмишдаги тезлик билан ривожланниши хўжаликнииг хотекис жойланғандигик муаммосини кес-

кинлаштириб юборди. Шарқий дengиз бўйи районларида аҳоли ва саноат тобора қўпроқ тўпланиб бормоқда, айни вақтда бир қанча худудлар (Хонсю оролининг шимолий қисми. Хоккайдо-нинг чекка районлари) суст ривожи сустлигича қолмоқда.

Саноати. Япониянинг ёқилғи хомашё базаси жуда чекланган. Кўмир ресурси мамлакат эҳтиёжининг ярмига яқинини таъминлайди, коксланувчи яхши кўмир жуда оз. Япония бир йилда қазиб оладиган нефть АҚШда ярим кунда қазиб чиқарилади, темир ва марганец рудалари кам, боксит ва кўпгина бошқа минерал хомашёлар бутунилай йўқ.

Энергиянинг 4/5 қисми четдан келтириладиган хомашёдан ишлаб чиқарилишига қарамай, мамлакатда юқори даражада ривожланган энергетика хўжалиги бор. Четдан келтириладиган нефть асосида нефтни қайта ишловчи ва нефть-кимёси саноати ўсиб чиқди. Бу саноат корхоналари Хонсю ва Кюсю оролларининг урбанизациялашган полосасидаги шаҳарларда жойлашган. Электр энергияси ишлаб чиқариш тез ўсмокда. Яқин вақтларгача электр энергиясининг асосий қисмини Хонсю оролидаги тоф дарёларига курилган кўпдан-кўп ГЭСлар берар эди. Кейинги вақтларда шарқий соҳицдаги шаҳарларда четдан келтириладиган ёқилғи билан ишлайдиган қудратли ИЭСлар курилди. Ҳозир ҳам бу станциялар Японияда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг деярли 4/5 қисмини бермоқда. АЭСлари тобора катта аҳамият қасб этмоқда.

Кейинги вақтларда металлургияда катта ўзгаришлар юз берди, у тўла реконструкция қилинди. Эскирган кўйдан-кўп заводлар ўрнига энг янги техника билан жиҳозланган жуда катта комбинатлар курилди. Японияда дунёдаги энг катта домна исчлари ишлаб турибди, пўлатнинг 3/4 қисмидан кўпроғи конвертерларда кислород ёрдамида эритилади. Қора металлургия йўналишида ишлаб чиқаришининг йириклишуви ва техникавий жиҳозлангашилик даражаси жиҳатидан Япония барча ривожланган мамлакатлардан ўзиб кетди. Бу тармоқнинг географияси ҳам ўзгарди. Иккинчи жаҳон урушига қадар энг катта корхоналар кўмир қазиб олинадиган районда, Кюсю оролининг шимолида эди. Янги комбинатлар Марказий Хонсюнинг четдан темир рудаси, темир-терсақлар ва коксланувчи кўмир келтириладиган порт шаҳарларида курилди. Четдан келтириладиган боксит ва бошқа хомашёларга мўлжалланган рангдор металлургия корхоналари ҳам шу ерда бунёд этилди.

Япония оғир саноатининг етакчи тармоғи машинасозлик. Транспорт машинасозлиги, станоксозлик, электротехника буюмлари, электрон машиналар, тиббиёт аппаратуралари ҳамда

тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари учун жиҳозлар ишлаб чиқариш, айниқса, кенг ривожланган. Япония кемасозлиги жуда хилма-хил: Иокогама, Осака, Кобе, Нагасаки ва бошқа кўп марказларининг кемасозлик корхоналарида дунёда энг йирик супертанкерлар, кит овлайдиган ҳар хил кемалар, юқ ташиш учун белгиланган кичик кемалар ишлаб чиқарилади. Иккинчи жаҳон урушига қадар мамлакатда автомобилсозлик бўлмаган, эндиликда Токио, Осака Нагоя, Кавасаки ва соҳил бўйидаги бошқа шаҳарларнинг заводлари туфайли Япония (АҚШ билан бир қаторда) автомобиль ишлаб чиқаришда биринчи ўринга чиқиб олди. Саноатнинг энг янги тармоғи бўлган электрон саноати ҳам тез ривожланди. Япониянинг транзисторли радио-приёмниклари, кинокамералари, фотоаппаратлари, телевизорлари жаҳон бозорида кенг танилган. Турли ихтисосдаги машинасозлик корхоналари Хонсю ва Шимолий Кюсю оролларидаги ахоли зич яшайдиган полоса шаҳарларида тўпланаётган.

Тез ривожланниб бораётган кимё саноати ҳам турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Соҳа саноати қисман ўз хомашёси - ёғоч, кокс чиқиндиси ва бошқаларга нисбатан четдан келтириладиган нефть ва суолтирилган газдан кўпроқ фойдаланади. Органик синтез кимёсининг кенг кўламда ривожланганлиги Японияга саноатни хомашё билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда ёрдам бермоқда. Металл деталлар аста-секин пластмасса деталлар билан алмаштирилмоқда, синтетик тола ҳозирги вақтда мамлакатда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик толасининг 9/10 қисмини ташкил этмоқда. Кимё заводлари ҳам машинасозлик корхоналари каби Хонсю оролининг шарқий соҳилидаги ва Шимолий Кюсюдаги порт шаҳарларда ва нефтни қайта ишлаш ҳамда металлургия марказлари яқинида жойлашган.

Енгил саноатнинг асосий тармоқлари бўлган иш-газлама саноати ва ишак газлама саноати ўсмаянти, маҳсулот ишлаб чиқаришда улар ҳамон урушдан аввалги даражага етгани йўқ. Пойабзal саноати жадал ривожланмоқда. Бунга японлар хаёт тарзининг европалашуви сабаб бўлмоқда. Шаҳарликлар оёғида эскидан расм бўлиб келаётган гэта (ёғоч ковуш) тобора камай-иб, чарм пойабзal эса кўнайиб бормоқда.

Шимолий Хонсю ва Хоккайдо оролларидаги анчагина ўрмон масивлари Япониянинг ёғочсозлик саноатини хомашё билан қисман таъминлайди, ўрмон хомашёсининг кўп қисми четдан келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги. Япониянинг табиий шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умуман қулай. Уртacha баландликдаги тоғларининг ён бағирлари яхши ривожланган подзол

тупроқлар ва ўрмон құнғыр тупроқлары билан қошланған. Етарлы даражада ўғитланса, бу тупроқлар жоқори ҳосил беради. Сохилдардаги аллювиал тупроқли текисликларни дәхқонлар азалдан ўзлаштирганлар. Құриқ ерлар фақат Хоккайдо оролида сақланып қолған: бошқа оролларда японлар ботқоқларнинг қырғоқца яқин сохиллари ва дарё десъталарини құритиб, күрфазлар ҳамда денгизнинг саёс жойларини тупроқ билан түлдириб, шулар ҳисобига шаҳарларни ва шаҳар атрофи хұжаликларини көнтгайтирумокдалар. Ороллар меридиан бүйлаб чүзилиб кетгандығыдан уларнинг иқлим шароити турлича. Хоккайдо оролида ва Хонсюнинг шимолида вегетация даври 120-140 кун давом этады: дәхқончилиқда баъзи бир экинларнинг маҳсус яратылған павлари (масалаң, совуққа чидамли шоли) етиштирилади. Хонсюнинг марказий қисміда қишининг илиқ келиши күзги экинлар экишга имкон беради, узоқ давом этадыган ёз шоли етиштириш учун жуда күлай. Хонсюнинг жапубыда ва Кюсю ҳамда Сикоку оролларида хилма-хил иссиқсевар ўсимликлар, шу жумладан, цитрус ўсимликларини етиштириш мүмкін.

Хозирги Япониянинг аграр тизими иккинчи жағон урушидан сўнг ўтказылған ислохот билан белгиланаади. Ислохот йириқ мулкдорларнинг ҳайдаладиган ерларини камайтируди: давлат помешчиклардан ортиқча ерларни сотиб олиб, дәхқонларга сотди. Ўрмон ва ўтлоқлар илгариги хусусий мулкдорлар күлида қолди. Ерни изкарага олувчилар сони камайды, хусусий ер эгаларининг сони күпайды. Бироқ ер эгаларининг деярли 2/3 қисмiga чек ери 1 гектардан кам. Шунга қарамай, ислохот помешчик ер эгалигини тутатди. Япония қишлоқ хұжалиғи типик капиталистик хұжаликка айланди.

Қишлоқ хұжалигининг ихтисослашуви жихатидан Япония бошқа ривожланған капиталистик мамлакатлардан анча фарқ қиласади. Бу мамлакат дәхқончилик мамлакаты: дәхқончилик маҳсулотининг қиймати чорвачилик маҳсулотининг қийматидан икки баробар ортиқ. Бироқ чорвачилик (айниқса, шаҳар атрофидан сут чорвачилиги тез ривожланмоқда).

Интенсив дәхқончилик жоқори ҳосил беради. Ҳар йили олинадиган ҳосил гарчи экин майдони ўзгартмаган бүлсада, кейинги йилларда анча ошиди. Қишлоқ хұжалиғи ишлаб чиқарини жоқори даражада механизацияланған. Шу билан бирга Япония саноати табиий шароитнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобға олиб, маҳсус кичик ҳажмли машиналар (“Кичик механизация”) ишлаб чиқармоқда.

Япониянинг асосий экини -- шоли. Шоли барча экин майдонининг ярмидан ортиғини банд қылған. Шоли ҳамма ерда

асосан сүфориладиган ерларда, бироқ товар маҳсулотининг катта қисми Хонсю оролининг марказий ҳамда жанубий районларида етиштирилади. Хонсюнинг шимолида ва Хоккайдода буғдой, жавдар ва арпа экилади, бироқ етиштириладиган дон мамлакат эҳтиёжини қондира олмайди. Шаҳарлар атрофида сабзавот ва мевалар етиштирилади. Техника әкинлари - қанд лавлаги, соя, тамаки, чой ҳам катта аҳамиятга эга.

Японлар азалдан гулчилик билан шуғулланиб келадилар. Кўп гуларнинг япон диний (синтоизм) маросимларида аҳамияти катта. Японларда гулдаста ясаш, гулларни ва дараҳт новдаларини вазаларга чиройли (икэбана) қилиб солиб қўйиш анъанавий санъат ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушига қадар Япония ўз ипакчилиги билан донг чиқарган эди. Эндиликда ипакчилик тушкунликка юз тутди, ипак курти бокиши билан кўпинча дехқонликда қўшимча тармоқ сифатида шуғулланилади.

Балиқ овлаш – Япония хўжалигининг муҳим тармоғи. Балиқ соҳил бўйидаги сувларда ҳам, узоқ денгизларда ҳам тутилади. Қирғоқ яқинида балиқ овлаш билан соҳилдаги қишлоқ аҳолиси, узоқ денгизларда (асосан Тинч океанининг ғарбий қисмида) эса, техника жиҳатидан мукаммал балиқ овлайдиган флоти бўлган йирик монополиялар шуғулланади. Ички денгиз соҳилларида балиқчилик хўжаликлари жойлашган. Балиқ овлаш жиҳатидан Япония дунёда биринчи ўринда туради. Японлар овқатида балиқ, бошқа денгиз ҳайвонлари маҳсулотлари катта ўрин тутади.

Транспорти. Японияда қуруқлиқдаги транспорт ҳам, денгиз транспорти ҳам бирдай ривожланган. Мамлакат ичкарисидаги юклар автомобилларда, темир йўл транспорти ва каботаж кемаларда ташилади. Темир йўлларининг катта қисми давлатга карайди. Бу йўлларнинг ярми электрлаштирилган. Энг муҳим темир йўллар соҳилдаги паст текисликлардан ўтади. Тинч океани қирғоги бўйлаб кетган йўл Хонсю оролидан Кюсю оролига Симоносёки қўлтиғи тагидаги туннель орқали ўтади. Цугару буғози остида дунёдаги энг узун (54 км) туннель қуриляпти. У Хоккайдо оролини Хонсю ороли билан боғлайди.

Денгиз флоти тоннажининг катталигига қарамай тез ўсиб бораётган ташқи савдо юкларини ташиб беришга улгура олмайди ва мамлакатга чет эл кемаларини кира қилишига тўғри келади. Бўш рейс бўлмаслиги учун Японияда турли юкларни ташишга мослаштирилган кемалар қурилган: уларнинг маҳсус жиҳозланган палубаларида Япониянинг четга чиқариладиган саноат моллари (масалан, автомобиллар), орқага қайтишда эса, трюмга кўмири, темир рудаси ёки бошқа моллар ортилади. Кабо-

таж флотида ҳозирги замон кемалари билан бир каторда ел-капли кемалар ҳам сақланиб қолған. Улар ичкі деңгизда ташидиган юкларнинг анчагина қисмими ташыйди.

10.6. Иқтисодий-географик тафовутлари

Ахолисининг зичлиги ва хўжалигининг ривожланиши даржаси жиҳатидан Япониянинг бошқа қисмлари орасида Хонсю оролининг марказий қисми алоҳида ажралиб туради. Япониядаги энг баланд (шу жумладан, японлар ифтихори – баландлиги 3776 м бўлган Фудзияма вулқони) ва мамлакатдаги энг йирик пасттекисликлар ҳам шу ердадир. Хонсю соҳилидаги пасттекисликлар бир замонларда Япония дехқончилик маданийтишининг қадимги маркази бўлган, кейинчалик бу ерда дастлабки шаҳарлар пайдо бўлган.

Урбанизациялашган соҳил бўйлари (Япония мегалаполиси) Япониянинг саноати энг ривожланган қисмидир. Шу билан бирга Марказий Хонсюда интенсив ва хилма-хил қишлоқ хўжалиги кенг ривожланган. Бу ерда шоли, тоғ ён бағирларида чой, тамаки етиширилади. Шаҳар атрофи хўжалиги яхши ривожланган. Қорамоллар ва чўчқаларнинг кўпчилиги ҳам шу ерда тўпланган.

Япония пойтахти – Токио дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири, энг муҳим саноат, транспорт, савдо ва маданият марказидир. Унинг саноат корхоналари орасида ҳар хил машинасозлик заводлари (айниқса, автомобиллар, саноат асбоб-ускуналари, электрон машиналар ва аппаратлар ишлаб чиқарадиган заводлар), нефть кимёси комбинатлари, шунингдек, полиграфия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари кўп. Токиода кўпгиша йирик илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, музейлар ва театрлар бор. Шаҳарнинг ташқи қиёфасида Европа ва Япония архитектурасининг кўшилиб кетган шакли ажэ этади. Марказий районлари Европадаги йирик марказларни эслатади, ишчи кварталлари қишлоқларга ўхшайди.

Токиодан Токио кўлтифи соҳили бўйлаб шаҳарлар бир-бирига туташиб кетган. Уларда металтургия, машинасозлик ва нефть кимёси корхоналари бор. Кўлтиқдан чиқаверишида бу саноатлашган худуднинг иккинчи энг йирик маркази миллионер шаҳар Токионинг аванпорти – Иокогама жойланган бўлиб, у деңгиз канали орқали пойтахт билан кўшилган. Бу шаҳарда мамлакатнинг энг йирик кемасозлик корхоналаридан бири, кўплиб нўлат эритадиган ва нефть кимёси комбинатлари, кўп металл ишларатидиган машинасозлик заводлари бор. Уруши йилларида шаҳар Америка авиациясининг хужумидан катта зарар кўрди, кейинчалик бутун-бутун кварталлар янгидан қурилди ва европача тус олди.

Токио агломерациясидан ғарбда Исе қўлтиғи соҳилида кўпдан-кўп йўлдош шаҳарлар ва кенг шаҳар атрофи билан бирга Нагоя шаҳри жойлашган. Бу йирик металлургия-машинасозлик ва кимё комплексида ҳар қайси йўлдош шаҳар ўзининг тор ихтисосига эга: баъзилари автомобиллар, бошқалари кимёвий толалар, айримилари мураккаб станоклар ишлаб чиқаради ва ҳоказо. Агломерациянинг маркази – Нагояда турли-туман саноат тармоқларига қарашли корхоналар бор.

Япония мегалополисининг жанубий-ғарбий чеккасида учта марказ: Осака, Кобе ва Япониянинг илгариги пойтахти Киото атрофида таркиб тоғган полицеентрик шаҳар агломерацияси жойлашган. Осака мамлакатнинг энг катта шаҳарларидан бири бўлиб, ўзининг ип-газламалар ва тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришдан иборат эски ихтисосини қисман сақлаб қолмоқда. Бироқ бу шаҳарда турли хил машинасозликнинг энг янги тармоқлари, хусусан электрон ва йирик кимё корхоналари катта аҳамият касб этади. Кобе - қора металлургия ва қемасозлик шаҳри. Унинг машинасозлик заводлари қемалар учун зарур бўлган ҳамма жихозларни ишлаб чиқаради. Киотода машинасозлик билан бир қаторда миллий ярим кустаръ корхоналари – чинни идишлар, ўйинчоқлар ва ёғоч буюмлар ясадиган корхоналар сакланиб қолган. Жанубий Хонсю билан Шимолий Кюсю хўжалигининг типи ва саноатнинг жойлашуви жиҳатидан Марказий Хонсюга-ўхшайди, бироқ иқтисодий тараққиёти даражаси настроқ. Райондаги энг йирик шаҳар агломерацияси Кюсю оролининг шимолида миллионер шаҳар Китакюсю (Шимолий Кюсю) атрофида жойлашган. Бу саноат узелидаги қора металлургия ва қўп металл ишлатадиган оғир машинасозлик етакчи ўрин тутади.

Жанубий Кюсю ва Сикоку ороллари Шимолий Хонсю билан Хоккайдо каби кам ривожланган ҳудудлардир. Уларда қишлоқ хўжалиги устун туради, саноат корхоналари айrim шаҳарлардагина бор. Ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, Хоккайдо оролида маҳаллий кўмир ва руда ресурслари ҳамда четдан келтириладиган хомашё асосида янги саноат райони барпо этилади. Хоккадоте (Хоккайдо ороли) ва Нагасаки (Кюсю ороли) мамлакатнинг энг йирик балиқ саноати марказларидир.

10.7. Япония ва Ўзбекистон ўргасидаги иқтисодий алоқаларининг ривожланиши

Муносабатлар узоқ йиллик тарихий иҷдизларга эга. Улар энг асосий карбон йўли Марказий Осиё давлатлари орқали узоқ Шарқдан Европага ўтган “Булок ипак йўли” даврига бориб тақалади.

Бугунги кунда Япония иқтисодий тараққиёти жиҳатида жаҳонда иккинчи ўринда турадиган мамлакатdir. Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 14%и унинг ҳиссасига тўғри келади. Ўтган асрнинг 80-йиллар ўрталаридан бошлаб бу мамлакат жаҳонда қарз берадиган энг йирик давлатга айланди.

Ислом Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга ташрифи амалий ҳамкорлик алоқалари тараққиётига янги туртки бўлди.

Ўтган бир йил ичидаги мамлакатларимиз ўртасида товар айрбошлиши ҳажми сезиларли даражада ўсиб, қиймати қарийб 29 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шуниси диккатга сазоворки Узбекистон Японияга экспорт қилаётган маҳсулотлар ҳажми 1994 йилдагига қараганда 2 баробар ўси.

Айни пайтда иккиси мамлакат мутахассислари савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги, шунингдек, иккى ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги битимларнинг лойиҳаларини тайёрламоқдалар. Бу хужжатлар Узбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши учун кенг истиқболлар очади.

Республикамиз мустақил бўлгач, Узбекистонга Япония хукумати ва ишбильармон доиралари вакилларидан иборат кўплиб делегациялар ташриф буюрди. Уларнинг асосий мақсади мамлакатимиздаги сармоявий иқлим ва юртимизнинг иқтисодий имкониятлари билан танишишдан иборат эди.

Ўзбекистон – Япония иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси ва Япония – Узбекистон иқтисодий қўмитаси ўзаро ҳамкорлик тараққиётига муносиб ҳисса қўшимоқда. Япония – Узбекистон иқтисодий қўмитасига “Мицуи ва Ко ЛТД” компанияси президенти жаноб Н. Кумагаи раҳбарлик қилмоқда. Иккиси томонпла-ма иқтисодий алоқалар тараққиётини мувофиқлаштиришга укката аҳамият беради.

Япония хукумати мамлакат экспорт-банки орқали Кўкду-малоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштириши учун 10,5 миллиард иен (қарийб 85 миллион доллар) ҳажмда маблағ ажра-тишга қарор қилди. Бу лойиҳа Япониянинг “М. Ю. Келлог” фирмаси томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари Япония билан Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик соҳасида Япониянинг “Гараққиётига расмий ёрдам” (ТРЁ) дастури муҳим ўрин тутади. Ана шу дас-тур асосида Япония ва Узбекистон мутахассислари Ороль худу-дидаги шаҳарларни ичимлик суви билан таъминлаш ва Шарқий Букантов (Қизилқум) вольфрам конини қазиш лойиҳалари учун

техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш устида ишламоқдалар. Айни пайтда Япония хукумати томонидан телеалоқа тармоқларини таъмирлаш лойиҳасини амалга ошириш учун 12,7 миллиард иен (140 миллион доллардан зиёд) ҳажмда имтиёзли кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари Тошкентда вагонларни таъмирлайдиган завод курилиши учун имтиёзли кредит ажратиш учун тадқиқотлар ўтказилмоқда. Япония Ўзбекистонга беғараз ёрдам сифатида Тошкент тибиёт-педиатрия институти ва Тошкент илмий-тадқиқот педиатрия институти клиникаларини тибий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадлари учун 650 миллион иен, шинингдек, хориждан келтирилаётган маҳсулотларни сотиб олиш учун 900 миллион иен миқдорда маблағ ажратди.

1994 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги билан мамлакатимиздаги Япония элтихонаси ўртасидаги Алишер Навоий номидаги театрни зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун 500 минг АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам ажратиш хусусида алмашув хужжатларини имзолаш маросими бўлуб ўтди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳалари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтган муддат ичida республикамизнинг 40 нафардан зиёд вакили Японияда малака ошириб ва япон мутахассисларининг энг сўнгги ютуқлари билан танишиб қайтди.

“Гараққиётга расмий ёрдам” дастуридан ташқари Япония хукумати Ўзбекистонга 5 миллион АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди.

Япониянинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда тўқимачилик, тоғ-кон саноати ва бошқа соҳалар бўйича қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Республикамизда дунёнинг йирик фирмаларига айланган “Мицуи ва Ко ЛТД”, “Мицубиси корпорейшин”, “Марубени корпорейшин”, “Суммимото корпорейшин”, “Томен корпорейшин”, “Тойота цуи корпорейшин”, “Чори” ва “Айти эс жапан ЛТД” каби компанияларнинг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ташқи алоқалар вазирлиги билан “Мицуи ва ко лтд”, “Мицубиси Корпорейшин”, “Марубени Корпорейшин”, “Ниссе Иваи Корпорейшин” ва “Суммимото Корпорейшин” компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жаҳонга машҳур “Банк оғ Токио” ва “Сақура Банк” билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистоннинг талай шаҳарларида “Сони” “Хитачи”, “Паносоник” ва бошқа япон фирмаларини савдо дўконлари очилган.

“Мицубиси Корпорейшн” компанияси директорлари кенгашининг раиси С. Морохасининг, Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамгармаси (хукумат агентлиги) Президенти А. Нишигакининг “Мицуи ва ко Лтд” компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси делегациясининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифлари Япониянинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интилаётганидан далолат беради.

Япония ҳам, Ўзбекистон ҳам Шарқ мамлакатлариридан: Ўзбекистоннинг Япония ва бошқа Осиё мамлакатлари қаторидан муносаб ўрин олишига шубҳа йўқ. Шарқ дарахтининг бир шохи бўлган Ўзбекистон танасида янги, жўшқин, келажакка ишонч уйғотувчи ҳаётбахш шарбат оқмоқда.

Қисқача хулюсалар

Япония жаҳондаги энг ривожланған давлатлардан бири бўлиб, жуда кўп оролларда жойлашига. Энг йирик ороллари: Хоккайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю.

Япониянинг географик жойлашиши жуда қулай, аммо табиий ресурсларга жуда камбағал. Хомашёнинг асосий қисмини, айниқса, нефть, газ ва темир рудаларини четдан олиб келади.

Япония маориф ва фанин ривожлантириш туфайли иқтисодини юксак дараҷага кўтарди. Япония жуда кўп соҳалар, айниқса, автомобилсозлик, кемасозлик, электроника саноати бўйича жаҳонда етакчи хисобланади.

Япония — бир миллатли давлат. Аҳолисининг 98% ини японлар ташкил этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Япониянинг географик ўрнига баҳо беринг.
2. Табиий шароитини таърифланг.
3. Қандай табиий ресурсларга бой?
4. Давлат тизими қандай?
5. Аҳолисининг ўсип ва жойлашиш хусусиятларини тушунириб беринг.
6. Мехнат ресурслари ҳамда улардан фойдаланиши муаммолари.
7. Япония жаҳонда қандай ўрини тутади?
8. Саноатининг етакчи тормоқлари, географияси қандай?
9. Асосий қишлоқ хўжалиги тормоқлари географияси?
10. Транспорт тармоқларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари қандай?
11. Ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш хусусиятларини тушунириб беринг.
12. Япониянинг ички тафовутларини ажратиб кўрсатинг.
13. Япония-Ўзбекистон иқтисодий алоқалари қандай ривожламоқда?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на-Дону, 2000.
4. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
5. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
6. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
7. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
8. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
9. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ГЕРМАНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

11.1. Иқтисодий-географик ўрни ва жаҳонда тутган ўрни

Германия Федератив Республикаси (ГФР), пойтахти – Берлин шаҳри.

Аҳолиси – 82,0 млн. нафар, майдони – 356 минг кв.км.

Германия Европанинг марказида жойлашган, уни шарқ томондан Польша ва Чехия, жанубдан Швейцария ва Австрия, жанубий-ғарбдан Франция, ғарбдан Бельгия ва Голландия, шимолда эса Дания давлатлари, Шимолий-шарқда Болтиқ дengизи ва шимолий-ғарбда Шимолий дengиз ўраб туради.

Германия – НАТО, Ғарбий Европа иттифоқи ва умумий бозорининг аъзосидир. НАТОнинг Марказий Европа куруқлиги-даги бирлашган куролли кучларишинг 45%ини Германия қўшинлари ташкил қилади. Германия ва Польша Болтиқ дengизидаги портлардан ва кема қатнайдиган Оздер дарёсидан биргаликда фойдаланади. Германия учун бевосита Шимолий дengизга чиққин алоҳида роль ўйнайди.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган ҳудудларидан оқиб ўтувчи Рейн дарёси ва унинг Рур ҳамда бошқа ирмоқлари жуда кўн юкларни дengизга ва дengиздан мамлакат ичкарисига ташинишга имкон яратади. Германиянинг сиёсий-географик мавқеи ўтган асрнинг 60-йилари охиригача кўп жиҳатдан хукмон доиралар мамлакатларига боғлиқ эди. Муайян кучлар бу сиёсатни ҳозир ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Щу сабабли Германиянинг шарқий қўшилари Польша, Чехия ва Россия билан иқтисодий ва бошқа алоқалари унча катта бўлмади.

Германия ҳукумати кейинги даврда бирмунича реалистик ташқи сиёсат юритмоқда, Россия, Польша, Чехия билан тузган шартномаларида мавжуд чегаралар бузилмас чегара экани қайд қилинди. Бу шартномалар Евронада ахволи кескинлашувига сабаб бўлади. Бироқ, Германиянинг реалистик кучлари бунга қарши чиқмоқдалар. Германияда АҚШнинг ракета ва ядро куроллари жойлашган. Германия аҳолиси сони жиҳатдан ғарбий Европада энг йирик давлат. Иккинчи жаҳон уруши вақтида анча талофат кўрганлигига ва табиий ўсиши настлигига қарамасдан, Ғарбий Германия аҳолиси сони тезда урупдан аввалигидан ошиб кетди. Шарқий Европа мамлакатларидан бу ерга 7,5 миллион

киши күчіб келди. Катта вайроналик ва иқтисодий қишинчиликтарға қарамай, ҳамма күчіб келгандар уй-жой ва иш билан таъминланғанда, деңқонларға ер берилді. Урушда Германия айниқса, Шарқий Германия жуда күп одам йүқтөнгилеги, урун оқибатлари Германия ахолиси таркиби ва күпайыш динамикасига салбий таъсир күрсатып келмоқда.

11.2. Германиянинг табиий шароити ва табиий ресурслари

Германиянинг қатта қисміда табиий шароит қишлоқ хұжалиги учун қулай. Мамлакат худудининг 33 фойзіга яқини Шимолий Германия пастлигіда, деярли ярми ер юзаси текис бүлган ўрта Германия паст тоғларидадыр. Тупроқлардың асосан ўртача унумдор. Аммо ишланадиган ерларининг тупроқларды доим үзілгіләнганидан табиий тупроқларға қараганда анча унумли.

Саноатининг ривожланишыға имкон беруви табиий шароит ва ресурслар күп жиҳатдан мамлакатдаги фойдалы қазилмалар билан бевосита боғлиқ. Болтиқ қалқони билан боғлиқ рудалардың фойдалы қазилмалар, герцин бурмаланиши билан боғлиқ ёқиғирили фойдалы қазилмалар бор. Германия тошкүмир қазиб чиқарында Европада олдинги ўринларда, күмир захиралари бүйича жаһоңда 5-6, күмир ишлаб чиқарыны ва ундан фойдаланиш бүйічіча эса 4-ўринде.

11.3. Ахолисининг жойлашуви, мемлекеттің бандлығы

Германия ахолисининг жойлашуви, мемлекеттің бандлық структурасы ва синфий таркиби жиҳатдан Европада, ҳатто, дүнёда олдинги ўринлардан биринчи әгаллайды.

Рур күмир ҳавзасыда эса ахоли зичлиги 1 км² га 1000-3000 нафар тұғри келады. Урбанизация жиҳатидан Германия дүнёда биринчи ўринде. Мамлакат ахолисининг 90 %га яқини шаҳарларда яшиайды. Ахолиси ўртача зичлиги юқоришлиғы ҳамда иқтисодиети юқори даражада ривожланғаны, қишлоқ хұжалиғы қулай табиий шароитта эга бүлган жаңубий округларда минерал хомашшёлари анча зичлиги учун ривожланишдан бирмунча орқада. Шимолий округларда эса ахоли сийракроқ жойлашған. Ахолининг табиий үсиши катта әмас, ўртача зичлиги 1 км² га 300 нафарни ташкил қылады. 28-жадвалда Германиянинг ассоций йирик шаҳарлары ахолиси сони күрсатылған.

Германияда энг йирик шаҳарлари аҳолиси

Берлин (пойтахт)	3438000
Гамбург	1661000
Мюнхен	1237000
Кёльн	1004000
Франкфурт Майн	647000
Десен	626000
Дортмунд	600000
Штутгарт	584000
Дюссельдорф	577000
Бремен	552000
Дуйсбург	537000
Ганновер	514000
Лейпциг	508000
Нордхерц	495000
Дрезден	488000

Кўриниб турибиди, мамлакат аҳолисининг катта қисми пойтахтда – Берлинда яшайди. Аҳоли зичлиги бўйича Гамбург ва Мюнхен шаҳарлари туратди. Берлин, Гамбург ва Мюнхен шаҳарларида аҳолининг жуда йирик қисми 46% яшайди. Германияда меҳнатда банд аҳолининг таркиби кўйидагича: иқтисодий фаол аҳолининг ярми ёки қишлоқ хўжалигидагига қараганда ўн ҳисса кўп қисми саноатда, хунармандчилик ва қурилишда бандлиги хосдир.

11.4. Хўжалигининг умумий таърифи

Германия Республикаси юкори даражада ривожланган индустрисал давлат. Саноат ишлаб чиқариш даражаси жиҳатдан Германия АҚШдан анча орқада, аммо Япония билан деярли бир қаторда, бошқа ривожланган мамлакатлардан оддинда туратди. Япония, Бутоқ Британия, Италия, Бельгия ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг умумий миқдоридан кўн маҳсулот ишлаб чиқаради.

Саноат – Германия иқтисодиёти қудратининг асоси. Саноатда энг йирик монополиялар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Урушдан кейин Германия саноати юкори суръат билан ривожланиши натижасида жаҳон хўжалигига тез орада жуда муҳим мавқени эгаллаб олди. Бунинг сабаблари кўн.

Германиянинг жаҳонда тутган ўрни

Кўрсаткичлар	Ҳичов бирлиги	Миндори	Оғалланган ўрни
ЯММ	Млрд. доллар.	2252,33	3
ЯММ ахоли жон бошига	Минг доллар	27,5	6
Электр энергия	Млрд. квт/с	483,3	6
Кўмпир	Млн. тонна	261,5	5
Мис	Млн. тонна	0,59	4
Рух	Млн. тонна	0,36	4
Пластмасса	Млн. тонна	16,5	3
Чечимлик ёзи	Млн. тонна	2,42	8
Маргарин	Млн. тонна	0,65	4
Сарбў	Млн. тонна	0,45	4
Нипилок	Млн. тонна	1,37	3
Вино	Млн. Гка	11,3	6
Пиво	Млн. Гка	113,4	3
Сигарет	Млрд. дона	222,8	4
Бүгдой	Млн. Тонна	16,7	8
Пўлат	Млн. тонна	42,0	5
Ёёғ материаллари	Млн. м	13,5	8
Ешишт	Млрд. дона		

Германия иқтисодиётидаги саноат етакчи роль ўйнайди. Саноат маҳсулоти қиймати жиҳатидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан баробар ортиқ. Шу билан бирга Германия қишлоқ хўжалиги юкори даражада интенсивлиги билан ажralиб туради ва бу жиҳатдан Европада олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, электрлаштириш жиҳатидан, у энг юкори даражададир. Германия энг мурракаб маҳсулотлар – машинасозлик ва сертармоқ кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктинослашган. Кўпгина ривоҷланган мамлакатлар импорт қилинадиган машиналарнинг 33 % га яқин қисмини Германия Республикасидан олади. Қишлоқ хўжалиги ўз маҳсулотларининг қиймати жиҳатидан саноатдан 15 марта паст кўрсаткичга эга.

Қишлоқ хўжалиги тобора саноат билан бирлашиб кетмоқда, умуман олганда, у юкори даражада ривоҷланган, аммо “умумий бозор”да ўзининг баъзи бир ракибларидан орқада қолмоқда ва зарар кўрмоқда. Германия ташқи савдо айланмаси ва олтин захираси жиҳатидан факат АҚШдан кейин, яъни иккинчи ўринда туради. Германия монополиялари капиталистик интеграциядан, масалан, “умумий бозор”га қатнанишидан ҳам фойда оладилар. Монополиялар ФТИ ютуқларидан кенг фойдаланадилар. Шунинг учун Германия саноати структурасида энг яхши тармоқлар кўпайиб бормоқда. Асосан жанубий Европа мамлакатларидан

келиб турадиган 2-3 миллион кипи анча арzon ишчи кучи захирасини ташкил этади. Бироқ Германия иқтисодиётининг тез ривожланишига кулаги түгдирган бир қанча омиллар ҳозир бутунлай йўқолди. Саноатнинг баъзи тармоқлари (айниқса, тошкўмир саноати) кризисни бошидан кечирмоқда, бошқалари (қора металлургия, енгил саноат) ўсишдан тўхтаб қолди.

11.5. Саноати ва унинг жойлашиши

Германиянинг табиий ресурслари (биринчи галда тошкўмир, калий тўзи ва тош туз конлари, озроқ темир рудаси захиралари), оғир саноат негизи бўлган энергетика, кимё, металлургия саноати баъзасида эса машинасозликнинг ривожланишига имкон беради. Германия энергетикаси ўтган асрнинг 60-йиллар ўртасида асосан тошкўмирга таяниб келган. Кўнғир кўмири бошқа ҳеч бир мамлакатга Германиядаги каби катта роль ўйнамайди. Қора металлургия учун зарур бўлган темир рудасининг 90 фоизи қисми марганец ва кремний четдан келтирилади. Рангли металлургия заводларида мис, қўрғошин, рух, алюминий эритилади. Германия саноатида ишловчилар сони, маҳсулотнинг қиймати ва экспортга хиссаси жиҳатдан машинасозлик биригчи ўринда туради.

Германия машинасозлик саноати ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Германия чет мамлакатлар орасида машиналар ишлаб чиқариш жиҳатдан фақат АҚШ дан кейинги ўринда, экспорт қилишда эса дунёда биринчи ўринда туради.

11.6. Транспорти

Германияда зич алоқа йўллари мавжуд. Германия темир йўлларида юқ ташиш ҳажми жиҳатидан Франциядан кейин туради, бироқ Буюк Британиядан уч баробар, Италиядан тўрт баробар олдинда. Автомобиль транспорти ҳозир юқ ва йўловчиларни темир йўлга қараганда қўпроқ ташимоқда. Дарё транспорти хорижий Европада Голландиядан бошқа бирорта мамлакатда Германиядек катта аҳамият касб этмайди. Мамлакат ичкарисидаги юкнинг 20 фоизи дарё ва каналлар тизими орқали ташилади. Курурликдаги йўллар қесицгандар жойларда энг муҳим транспорт тутунлари Гамбург, Мюнхен, Лейпциг ва бошқа шахарларда қад кўтарган. Германиянинг ташқи алоқаларида иккинчи жаҳон урушидан кейин янгидан қурилган денгиз флоти катта роль ўйнайди. Бундан ташқари жаҳонга доини кетган бир қанча автомобиль маркалари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан: bmw, mercedes-benz, opel, vw, audi шулар жумласидандир.

11.7. Ташиқи иқтисодий алоқалар

Германия жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари билан савдо қиласиди. Уч йирик ривожланган давлат билан молларни сотишда бозор ҳамда хомашё бўйича ривожланган ва айниқса, ривожланаётган мамлакатларда қаттиқ рақобат қураши олиб борада. Германия монополиялари бу мамлакатларга йирик капитал қўйган. Энг катта ташки савдо айланмаси «умумий бозор»га атъзо мамлакатларга, сўнгра АҚШ ва Канадага тўғри келади. Унинг ривожланаётган давлатлар билан олиб бораётган хилма-хил ташки иқтисодий алоқалари тобора кучайиб бормоқда. Шу жумладан, республикамиз билан бир қанча шартномалар тузилиб, иқтисодий алоқалар олиб борилмоқда.

Қисқача хуносалар

Германия Федератив Республикаси жағондаги иқтисодий жиҳатдан юқсак даражада ривожланған давлатлар қаторига киради, Европанинг марказида жойлашған.

Табиий шароити, табиий ресурслари ва географик жойлашиши иқтисодий ривожланиш учун жуда қулай. Ерлари унумдор, фойдалы қазилмалари сероб.

Саноатнинг ҳамма тармоқлари, айниқса, энг янги тармоқлари юқори даражада ривожланған. Саноатнинг ривожланиши даражаси жиҳатидан АҚШдан сүнг, Япония билан бир қаторда туради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. ГФР қачон ташкил тоған, жағои хұжалигіда қандай ўрин тутади?
2. Табиий шароити ва ресурсларининг хұжалиги ривожланишига қай даражада таъсир құrsатади?
3. Ахолиси табиий ва механик үсишининг үзига хос хусусиятлари нимада?
4. Ахоли ва мемлекеттік ресурслари
5. Асосий саноат тармоқлари қандай жойлашған?
6. Қишлоқ хұжалиги юқсак даражада ривожланғанligi-ning сабаблари нимада?
7. Ички тафовутлари таснифи.
8. Транспорти.
9. Таşқи иқтисидий алоқалари.
10. Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалари қандай ривожлапмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на -Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М, 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
10. Сергеев Г.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред..В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

РОССИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

ХХ-ХХІ асрлар бўсағасида жаҳон хўжалиги структураси ва субъектлари таҳдили асосида Россия Федерациясининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва ривожланиш истиқболини билдиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда хўжалиги интенсив ривожланиб бораётганлигини, «кучларни қайта гурухларга бўлиши»ни ҳисоба олиб, жаҳон иқтисодиётида аънанавий бўлиб қелган марказлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгариб бораётганлиги, янги мамлакатлар ва минтақавий гурухлар «қоронфиликдан» озодлик сари ажralиб чиқаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундай давлатлар ниҳоятда муҳим. Россиянинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўринини аниқлашимиз мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг, шунингдек, Россия ва жаҳон иқтисодиётининг ахволи иқтисодий хавфсизлик томонларига ҳам эътиборни қаратишимиш зарур.

Маълумки, 1995 йил бошларида Россия Федерацияси хавфсизлик комитети томонидан қабул қилинган “Россия Федерациясининг хавфсизлик стратегиясининг асосий низоми тўғрисида”ги қонунда унинг ташки иқтисодий стратегияси асосий йўналишлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва ташки бозорларида иқтисодий потенциалини сақлаш, ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича чет мамлакатларга ёки уларнинг уюшмаларига қарам бўлиб қолмаслик, техник-иктисодий мустақилликни таъминлашдир, деб кўрсатиб ўтилган эди. Ҳозирги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Россиянинг жаҳон иқтисодиётидаги ахволи мутлақо қарама-қаринликлардан иборат. Россия мавжуд бўлган халқаро социалистик хўжалик тизими тутатилгандан сўнг (ўтган асрнинг 90-йиллари бошида) ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши (СЭВ) давлатлари ва айниқса, иттилоқ хукуматининг жаҳон хўжалиги ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ҳозирги шароитда у полицеентрик мазмунга эга бўлиб, хўжаликнинг кўпгина соҳаларида АҚШнинг хукумронлиги сақланиб қолишига қарамасдан, бозор тизими (турли мамлакатларда бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиш даражаси ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда) бир томондан, «бой шимол» гурухига кирувчи етакчи саноати ривожланган давлатлар қаторига, иккинчи томондан эса, «камбағал жануб» гурухига кирувчи, эндигина ривожланиб бораётган давлатлар гурухига ўхшаб кетади. Айни пайдада Россия ана шундай оралиқда турибди.

СССРнинг тутатилиши, Россия Федерацияси учун жуда катта сиёсий хўқумрошликни йўқотиш бўлди ва унинг хўжалигида ўзаро алоқаларнинг қескин пасайишига олиб келди. Россия Шимоли-Шарқ томонига, яъни Евроосиё материгининг анча ички кисмларига суруб ташланди. Жаҳонда тўртта океандан учтаси (Атлантика, Шимолий муз ва Тинч океанлари) нинг океан сувлари ўраб туришига қарамасдан, Россия иқтисодий ривожланиш жиҳатидан куруқлик мамлакати бўлиб қолаверган эди. Шимолий муз океани сувлари ўзига хос совук табиий ицлимга эга бўлганилиги унда савдо кемаларининг доимий равишда қатновини қийиплаштиради. Россия Федерациясининг Сибирь ва Узоқ Шарқ худудларида эса транспорт инфратузилмаси ривожланимага, Тинч океани қирғозларидан унумли фойдаланиши имкониятини бермас эди. Болтиқ ва Қора денгиз портларига чиқиши йўли қисқариши, шуннингдек, ёпиқ Каспий денгизи Россия учун анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Россия айнаш шу сабабли 50%дан ортикроқ дengиз портларидан, айниқса, музламайдиган портларидан ажralиши, унинг иқтисодиётини анча қийин ахвога солиб қўйганди. Айниқса, Farbий ва Жанубий юксалишидаги темир ва автомагистраль йўллари, шуннингдек, қувур ва ҳаво транспорти асосан чет эл давлатлари худудлари бўйлаб ўтиши (ҳозирги Белоруссия ва шуннингдек, Болтиқ бўйи давлатлари) мамлакатининг иқтисодий ахволи қескин пасайишига, иқтисодиёти ёмонлашиб боришига сабаб бўлмоқда (шубҳасиз бу соҳада 1996 йилнинг май ойида Россия ва Белоруссия давлатларининг хукумат бошликлари томонидан чегарарадаги божхона тўсиқларини олиб ташлаш тўғрисидаги ўзаро шартномани имзоланиши мухим аҳамиятга эга бўлди).

Россия Федерациясининг иқтисодий ва географик жиҳати шундаки, худудининг 2/3 қисми чекка Шимол районлари ва иқлими совук бўлган оғир шароитли зоналарга тўғри келади. Шунинг учун ҳам Россия кинилоқ хўжалигининг фақат 35%ида ғалла ва бопқа маданий экипларидан ҳосил олинади, ҳолос. Россиянинг шимолий текисликларида аҳоли яшаши учун жуда катта энергетика харажати талаб қилинади. Россия жуда бой табиий ресурсларга эга бўлишига қарамасдан ҳозирги кунда нодир қимматбахо рангли ер ости металлари, кўйлаб маданий техник экиплар хомамёси ва тайёр маҳсулотлари билан, истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли равишда таъминланмайди.

Маълумки, Россия Федерацияси собиқ СССРнинг 60%га яқин иқтисодий потенциалига меросхўр бўлиб қолган эди. Бироқ, кейинги йилларда мамлакат иқтисодиёти мухим қисмларининг

асосий ишлаб чиқарин фондлари (маниналар, станокларни) молиявий жиҳатдан яхши таъминланмаганлиги, замонавий асбоб-ускуналар билан етарли жиҳозлашганлиги оқибатида тушкунликка тушиб бормоқда. 1994 йилдаётқ асосий фондларнинг 63 фоизи 21 йил ёки ундан ортиқроқ хизмат қилинганилиги сабабли амалда ишга яроқсиз бўлиб қолганлиги туфайли тезда қайта жиҳозлашни талаб қиласади. Шунинг учун ҳам Россия саноати ва транспортининг кўпгина соҳаларида турли қўринишдаги технологик ҳалокатлар келиб чиқа бошлиди.

Россия Федерацияси таҳминан СССР тақиқи иқтисодий алоқаларининг таҳминан 70 фоизи меросхўри бўлиб қолганди. Лекин, шуни қайд қўлмоқ керакки, Россия Федерацияси СССР таркибида бўлган 1986-1991 йиллардаётқ унинг ташки савдо айланмаси деярли икки баробарга қисқарган, бундай тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолган эди. Узоқ хориж мамлакатлари билан ташки иқтисодий алоқа 1993 йилдагина нисбатан ўзгарди. Чунончи, бу жараёндаги кўрсаткич 1993 йили 71,1, 1994 йили 76,2 млрд. долларликни ташкил этди. Мамлакатнинг узоқ хориж мамлакатларига экспортида ҳамон хомашё асосий ўринни эгаллаб қолмоқда. Бу соҳада, ўзи қиймати билан айниқса, ёқилғи-энергетика товарларнинг аҳамияти ортмоқда.

Россиянинг узоқ хориж мамлакатлари билан олиб бораётган умумий экспорт товарлар ҳажми 1994 йили 46,0% ни ташкил этди. (бу кўрсаткич 1992 йили 54,3, 1993 йили эса 45,0 эди.) 1994 йили четга чиқарилган қора ва рангли металлар, қимматбаҳо тошлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар хиссаси 29,9%га етди (1992 йили 16,3, 1993 йили эса 23,2). Ҳозирги кунда Россиянинг узоқ хориж мамлакатларига экспортида станоклар ва транспорт маҳсулотлари хиссаси камайиб бормоқда. Чунончи, бу борадаги кўрсаткич 1992 йили 9,3, 1993 йили 6,6 ва 1994 йили эса 5,1 эди.

Кейинги йилларда Россиянинг муҳим ҳалкаро минтақавий бозорлар ва товарлар бозорларидаги иштироқи кескин қисқармоқда, шунингдек, собиқ УИЁК (СЭВ) ва МДХда, шунингдек, ривожланаётган барча мамлакатларнинг бозорларида таъсирини тобора йўқотмоқда. Товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи чет эллиқ рақобатчиларини ўз ички бозорларидан сиқиб чиқармоқдалар.

Россия қурол-яроғ бозорларидан ҳам сиқиб чиқарилмоқда. Ўтган асрнинг 80-йиллари СССР бу йўналишдаги бозорларнинг 38 фоизини, АҚШ эса 20 фоизини эгаллаган эди. Эндиликда бунинг акси: АҚШ салмоғи ортиб бормоқда.

Қирқ йил давомида, яъни «совуқ уруш» даврида олиб бо-

рилган ҳарбий стратегия соҳадаги биринчилик учун олиб борилган АҚШ билан собиқ СССР ўртасидаги кураш (бу даврда АҚШ иқтисодиёти мутлақ кўрсаткичлар бўйича сабиқ СССР иқтисодиётига нисбатан 2-3 баробар устун эди) аслида ишлаб чиқаришининг самарали ўсишига халақит қилган, иқтисодиётининг барча тизимиға салбий таъсир кўрсатган, аҳоли истеъмол фондларининг қисқаришига сабаб бўлган эди.

30-жадвал

Россия Федерациясининг 1992-1994 йилларда жаҳон иқтисодиётида тутган ўринни тавсифлович асосий кўрсаткичлар		
Кўрсаткичлар	Миндор, (% доззар)	Жаҳон мамлакатлари орасида Россиянинг тутган ўри
Дунё бўйича ЯИМ даги хиссаси	2,5% (725 млрд.доллар)	10
Дунё бўйича умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарнидаги хиссаси	4% (310 млрд.доллар)	5
Йиљик ЯИМ бўйича, аҳоли жон бошига	4850 доллар	59
Йиљик аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларининг тўғри келни	2050 доллар	53
Ин билан банд бўлган бир кини хисобига соғ йиљик шартни ишлаб чиқарни (меҳнат унумдорлиги)	10 000 доллар	70

Россия кучли илмий-техник потенциалга, жуда катта, аммо хали ҳам фойдаланилмаётган интеллектуал ресурсларга бой. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми маъдумотли ва юқори маданий даражали. Щунга қарамасдан, Россиянинг хўжалик механизмини бутунлай бозор иқтисодиёт асосида қайта кўриш зарурдир. Бунинг учун эса бозорга ўтишининг муҳим омилларини аниқлаб олиш ва янги шароитга мослашибирлиш мақсадга мувофиқдир. Россияда бозор инфратузилмасининг такомиллашган томонлари — банк тизими, фонд бозорлари, суғурта институтлари ва бошқалар ташкил топмоқда. Аммо Россиянинг иқтисодий ҳаётида, ташкил алоқаларни ривожлантириш соҳаларида ниҳоятида мураккаб муаммолар ҳалигача ҳал қилинмаяди.

Қисқача хуосалар

Россия худудининг кенглиги жиҳатидан жаҳондаги энг катта давлат. Ў Европа ва Осиё қитъаларида жойлашган.

Россиянинг географик жойлашиши ҳам, табиий ресурслари ҳам иқтисодий ривожланиши учун жуда қулай. Россия жуда катта ўрмон бойлигига, кўплаб минерал ресурсларга эга. Хозирги пайтда Россия Шарқий Европани нефть билан таъминлайдиган асосий манбадир.

Россияда саноати юксак даражада ривожлашган. Табиий шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, айниқса, шимолий қисмларида нокулай. Кartoшка етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

Россия қўп миллатли давлат, аҳолисининг асосий қисмини руслар ташкил қиласди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Россия жаҳон хўжалигига қандай ўрин тутади?
2. Табиий шароити ва ресурслари мамлакат хўжалиги ривожланишига қай даражада таъсир этади?
3. Аҳолисининг табиий ва механик ўсими қандай хусусиятларга эга?
4. Асосий саноат тармоқларининг жойлашувини таърифланг.
5. Қишлоқ хўжалиги жойланишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Асосий адабиётлар

1. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
2. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
3. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на -Дону, 2000.
4. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
5. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
6. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
7. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
8. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. -М., 1995.
9. Региональная экономика. Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
10. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М.: Прогресс, 1998.
11. Социально-экономическая география зарубежного мира. / Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
12. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

XIII боб

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИ. МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ

13.1. Географик ўрни

Худудининг географик жойлашиши мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига кўп жиҳатдан таъсир қиласи.

Ўзбекистон Евросиё қитъасининг қоқ марказида, Марказий Осиёning марказида ўнашган. У шимол ва шимоли-ғарбда Қозогистон, шарқ ва шимоли-шарқда Ўзбекистон, шарқ ва жануби-шарқда Тоҷикистон, ғарб ва жануби-ғарбда Туркманистон, жанубда эса Афғонистон билан чегараланади.

Ўзбекистоннинг кенглик бўйича шимолдаги чекка нуқтаси Устюрт платоси ($45^{\circ} 36'$ шим. кенглик)да, энг жанубий нуқтаси Термиз шаҳри ёнида ($37^{\circ} 11'$ шим. кенгликда) жойлашган. Узоқлик бўйича эса чекка нуқталари $56^{\circ} 00'$ дан $73^{\circ} 10'$ шарқий узоқликкача боради. Ана шу географик нуқталар бўйича мамлакат худуди ғарбдан шарққа 1400 км, шимолдан жанубга 925 км масофага чўзилган. Умумий майдони 448,9 минг кв. км.

Одатда, алоҳида олинган худуд ёки мамлакатлар иқтисодий географик ўринин ўрганини, тадқиқ ва таҳлил қилини орқали уларниң бугунги ривожланини ҳолатига баҳо берини ва келаҗаги ҳақида фикр юритиш мумкин. Шу жиҳатдан Ўзбекистон худудининг каттагилиги ва яхлитлиги, қардош (яъни қадим Турон заминидаги) давлатларга нисбатан марказда эканлиги ва минақавий чўзилганлиги, ер усти тузилишининг бир-бирига мувафиқ ҳолатда ўрин алмашиниши (текисликнинг адир, ясси тоғлиқ ва баланд тоғликлар билан алмашиниши) худудда ижтимоий тараққиёт учун каттагина имкониятлар яратиб берган.

Ўзбекистон худудининг ўринин иқтисодий-географик жиҳатдан уч поғонага: микро, мезо ва макро дараҷага бўлини мумкин.

Ўзбекистон худудининг микродараҷадаги ҳолати, унинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан тутган ўрнидир. Ўзбекистон қадим Турон заминида ҳамина салоҳияти катта давлат бўлган. Бу, кўп жиҳатдан унинг географик марказлигидан келиб чиққац. Йқин ўтмиш (яъни шуролар ҳукмронлиги йиллари)да ҳам Ўрта Осиёдаги республикалар бир-бирлари билан иж-

тимоий тараққиётнинг кўп соҳаларида боғланганлар. Биргина транспорт коммуникациясини олайлик. Туркманистон фақат Узбекистон орқали Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозоғистон билан алоқа қилган. Айни шайтада бу республикаларнинг ҳар бири ҳам Туркманистон билан фақат Узбекистон орқали алоқа қилган. Уз навбатида, МОДда бунёд қилинган темир йўллар, автомагистрлар, қувурлар ҳам бир-бирларини боғлаган. Мустақил давлатчилик қарор топган ҳозирги даврда ушбу алоқалар тарихий омиллар (яъни, қадимий «Буюк ишқ йўли» анъаналарига мувофиқ) асосида ривожлантирилиши Узбекистоннинг микрogeографик имкониятлари истиқболини кўрсатиб турибди.

Узбекистоннинг мезогеографик ўрни унинг бирмунча кенгроқ миқёсдаги мавқеи билан белгиланади. Бугунги Узбекистон жаҳонга йўл очмоқда, жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда. Унинг бу куттуғ қадамида МОДдан ташқари Кавказ орти давлатларининг, Туркияning, Эроннинг, Афғонистоннинг улуси бор. Афғонистон орқали Покистон (ва сўнгра Хинд океани)га, Эрон ва Туркия орқали Европага чиқиш уфқлари очилмоқда. Бу, яқин қўшиниларимиз билан қадимий алоқаларни қайта тиклашга ва шу асосда мамлакатимиз мавқеини яна ҳам кўтаришга хизмат қиласди.

Узбекистоннинг макрogeографик ўрни жаҳондаги давлатлар билан олиб борилаётган алоқаларда белгиланади. Узбекистоннинг МДҲ давлатлари билан кўп қиррали алоқалари тарихий ҳақиқат бўлиб, унинг мамлакатимиз тараққиётидаги салоҳияти жуда катта. Узбекистон ушбу макродаражадаги алоқаларини МДҲнинг аксарият давлатлари билан ривожлантирмоқда. Узбекистоннинг ҳозирги ташқи иқтисодий алоқасининг 15,5 фоизи Россияга тўғри келяпти. Евросиёнинг буюк давлати Россия Федерацияси билан мунтазам алоқада бўлиши Узбекистоннинг маификаларига мос келади.

Узбекистон ўз географик ўрига кўра, Ўрта Осиё давлатлари транспорт коммуникациясида белгиловчидир. Бир сўз билан таъкидлаганда, МОДнинг асосий ишлаб чиқариш-иқтисодий ва маданий алоқалари фақат Узбекистон орқали кечади. Бу борада мамлакатнинг шимолий ва жанубий ҳудудларида «Навоий — Учқудук — Султон Увайс — Нукус» ва «Ғузор — Бойсун — Қумқурғон» темир йўлларининг қурилиши тарихий воқеа бўлиб, улар биринчидан, мамлакат ягопа темир йўл тизимини яратиб беради, иккинчидан, мазкур регионларда ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланишига хизмат қиласди ва учинчидан, Узбекистоннинг қўшини ва узоқ хорижий давлатлар билан ҳар жиҳатдан алоқалари кучайишига катта таъсири кўрсатади.

13.2. Ташил топини ва маъмурий худудий бўлиниши

Кўхна тарихга эга бўлган Ўзбекистон узоқ ва яқин ўтмишда бир неча марта қайта ташкил қилинди, турли номлар билан аталди. Қадимда у Турун, Туркистон, Мовароунинахр номлари билан дунёга маълум ва маҳсур эди. Айниқса, буюк соҳибқирион Амир Темур замонасида Ўзбекистоннинг, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларининг номи «етти иҷтим»га кетган эди.

1867 йилнинг ўрталарида Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнатылди, Тошкент шаҳрида Туркистон ҳарбий округи тузилди, Октябрь тўнташидан кейин у руслар томонидан иккичи марта босиб олинди. Шу йиллар ичida унинг кўхна тарихи оёқ ости қилинди, қадим урф-одатларига қарини кураш бошланди.

Қадимдан бир минтақада яшаб келаётган туркӣ халқлар аҳолисининг турмуш тарзи, келиб чиқини, айъаналари, хўжалиги, маданияти, муинтарақ мақсадлари бир бўлишига қарамасдан Октябрь тўнташидан кейин у 1920 йилларнинг ўрталарида бешга бўлиб юборилди.

Туркистонни миллий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РК (б)И Ўрта Осиё бюроси томонидан 1924 йилда катъий ишлаб чиқилган эди. Унга қарши барча урунишлар бехуда кетарди. 1924 йил 10 март куни бирлашган кенгашда маҳаллий миллат вакиллари Ўрта Осиё Федерациясини тузини, Туркистоннинг яхлитлигини бузиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаган эдилар. Хоразм раҳбарлари ҳам алоҳида фикр билдириб, Хоразмни чегараланишга қўшмаслик масаласини қўйган эдилар. Бироқ, ушбу истаклар ушалмаган орзулигича қолиб кетди.

Марказнинг кўрсатмаси билан 1929 йилгача Ўзбекистон таркибида бўлган Тоҷикистон Мухтор Республикаси собиқ ССР таркибидаги иттифоқдош республикага айлантирилди.

1918 йил 30 апрелда шўролар 5-Улка съездидан тасдиқланган «Россия Федерациясининг Туркистон Советлар Республикаси тўғрисида Низом»да Туркистон Республикасининг давлат тузими, унинг худудий чегаралари белгилаб берилган эди. 1924 йилга келиб Туркистон АССР б вилоят (Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий, Еттисув, Амударё)га ҳамда 30 уезд ва 473 волостга бўлиб ташланган эди.

1920 йилда Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси эълон қилинди. Мазкур республиканинг худуди 28 туманига бўлиниди. 1924 йилда эса уч вилоят (Қозоқ-Қорақалпоқ, Яиги Урганич, Тошхонуз) ва Хива туманинга бўлиниди.

1920 йилнинг 8 октябрида Бухоро амирлиги негизида Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси эълон қилинди. Мазкур республика худуди 15 вилоят, 58 туманга бўлинди.

1924 йилда Ўрта Осиёning миллӣ-худудий чегараланиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) тузилди. 1925 йилнинг 29 январидан республикада ягона маъмурий бўлинниш жорий қилинди. Пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган ЎзССР 7 вилоят (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм)га ва 22 уезд ҳамда 241 волостга бўлинди. 1926 йилда мамлакатни маъмурий-иқтисодий районлаштириш ишлари амалга оширилди. 1927 йилнинг боинида мамлакат таркибида 10 та округ, 87 туман, 1746 қишлоқ кенгаши ташкил қилинган эди. 1930 йил 17 августда мамлакатни округларга бўлиш бекор қилинди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, 1932 йил 27 июняда Хоразм округи, 1935 йил февралда эса Қашқадарё ва Сурхондарё округлари қайта тикланди.

1938 йил 14 февралядан боилаб мамлакатимиз худудидага ҳозирги вилоятлар қайта шаклана бошлади. Уша йили Бухоро, Самарқанд Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ташкил қилинди. 1941 йилнинг 6 марта Андижон, Наманган, Сурхондарё, 1943 йилнинг 20 январида эса Қашқадарё вилояти қайта ташкил қилинди.

1957—1961 йилларда Марказ регион истиқболини кўра олмаслиги оқибатида маъмурий-худудий бирликлар яна қатор ўзгаришларни бошидан кечирди. Йўнусқонев, Наманган вилоятининг худуди Фарғона ва Андижон вилоятларига кўшиб юборилди. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Сурхондарёга бирлаштирилди.

Мамлакатимиз худудида янги ерларни ўзлаштириш жараёни унинг янгидан маъмурий-худудий бўлиннишларига бирмунча асос яратиб берди. Масалан, Қарши чўлининг ўзлаштирилиши бу ерда 1964 йил 7 февралда Қашқадарё вилоятининг қайта тикланишига, Мирзачўлининг ўзлаштирилиши 1963 йил 16 февралда Сирдарё вилоятининг ташкил топишига, Фарғона водийсида ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривоҷлантирилиши 1967 йил 18 декабрда Наманган вилоятининг қайта тикланишига, Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши 1973 йил 29 декабрда Жиззах вилоятининг ташкил қилинишига олиб келди. 1982 йилнинг 20 апрелида мамлакатда кон-металлургия саноатини ривоҷлантириш мақсадида Навоий вилояти ташкил қилинди.

Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлинниши мустақиллик йилларида сифат жиҳатидан янги босқичига — бозор муносабатларига мувофиқ келадиган босқичига қадам кўйди. Мамлакат мустақиллиги туфайли ўзбек ҳалқининг асрий орзуни ушалди — Ўзбек

қистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конститутциявий қонуида республикадаги кўн миллатли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатнинг амалдаги (1992) Конститутциясида (68-модда) Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шушиңдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборатлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа маъмурий-худудий бўлинмалар бор.

31-жадвал

Ўзбекистон вилоятлари ҳақида маълумотлар (2002й.)

Вилоятлар	Аҳоли сони, мингчанин	Майдони минг кв. км.	Ишҳарлар сони	Туманлар сони	Шаҳарчалар сони	Кишилек овуллари
Қорақалпоғистон Республикаси	1,5	166,6	12	15	16	117
Андижон	2,2	4,2	11	14	5	95
Бухоро	1,4	40,3	11	11	2	120
Жиззах	0,9	21,2	7	11	8	97
Қашқадарё	2,1	28,6	12	14	7	145
Навоий	0,8	110,8	7	8	11	54
Наманган	0,9	7,4	8	11	12	99
Самарқанд	2,7	16,8	11	16	7	125
Сурхондарё	1,7	20,4	8	14	75	111
Сирдарё	0,7	5	5	59	18	76
Тошкент	2,4	15,3	16	15	10	146
Фарғона	2,6	6,8	9	15	7	161
Хоразм	1,3	6,1	3	10	1	100
Тошкент шаҳри	2,2				-	
Ўзбекистон Республикаси	25,5	448,9	120	163	113	1452

13.3. Мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириши жиҳатидан баҳолаш

Ўзбекистон ер ости ва ер усти табиий ресурсларига бой. Унинг табиат манбалари хилма-хил бўлиб, уларнинг асосий турлари мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ва ривожлантирища бевосита иштирок этади.

Мамлакат табиий ресурслари сабиқ СССР хукмроилиги йилларида беаёв ишлатилди, айниқса, унинг ёкилғи ресурслари,

ноёб ва иодир металл рудалари ўзга регионларга ташиб кетилди. Масалан, мамлакатнинг қимматбаҳо табиий ресурси ҳисобланган олтин рудалари иала-партиилик (ва бунинг устига қолоқ технология) билан қазиб олинди ва ишлатилди. Натижада руданинг маълум қисми чиқиндига ўтиб кетди.

Қазиб (ва саралаб) олинган олтиининг ҳаммаси эса Россияга ташиб кетилди. Ўзбекистон табиий гази ҳам шундай ёвузлик билан эксплуатация қилинди. Газли конидан ҳар йили шу қадар катта ҳажмда газ қазиб олиндики, оқибатда Газли шаҳрида бир неча марта зилзила юз берди. 1960 йиллардан бошлиб, «Газли – Свердловский» қувури орқали Уралга ҳар йили 21 млрд. кубометр «Урта Осиё – Марказ» қувури орқали эса Марказга йилига 30 млрд. кубометр газ юбориб турилди.

Эндилиқда, табиийки, вазият ўзгарди. Ўзбекистон ўз худудида жойлашган барча табиат манбаларишинг эгасига айланди. Мамлакат табиат манбаларидан оқилона фойдаланиши, аввало, фан-техника тараққиёти ютуқлари (яъни, илғор технология кўллаш) асосида, табиат муваzonатига нутур етказмасдан, узоқ келажакни кўзлаб тузилган режаларга таянган ҳолатда амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан эндилиқда мамлакатнинг бой табиат манбалари: маъдан(минерал) ва ёқилиғи-энергетика ресурслари, рудали ресурслари, жумладан, олтин ва уран, тоғ кимёси хомашёси ва табиий тош ва бошқа қурилиш материаллари ресурслари, ер фонди ва агротехник, тупроқ ва сув, ўсимлик ва ҳайвонот ресурсларидан фойдаланишида ибратли ишлар қилинмоқда.

Мамлакат ҳалқ ҳўжалигини ривожлантириш нуқтаи назаридан унинг табиий ресурсларидан энг муҳими, фойдали қазилмаларидир. Фойдали қазилмалар эса мамлакатнинг турли регионларида кенг тарқалган. «Ўзбекистон, - дейди Президент Ислом Каримов, – ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади - бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярди барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хомашё турларини ўз ичига олади. Уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал-хомашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтib ўтиш керак².

Мустақил тараққиётининг ҳозирги босқичидаёқ «ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқ-

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т., Ўзбекистон, 1997, 230-бет.

дорда фойдали қазилмалар олинмокда ва улар ёнига 6,0—7,0 миллиард долларлик янги захиралар кўшилмоқда».

Ўзбекистон худуди айниқса, рангли металл рудаларига бой. Жумладан, Ўзбекистон мис рудасининг захираси бўйича МДХда Россия ва Қозогистондан кейинги ўринда туради. Мамлакат мис конлари мис-порфир формациясига мансуб бўлиб, у Курама тоғларида кенг тарқалган. Унинг Олмалиқ атрофидаги Қалмоққир, Далний ва Саричек конлари энг йириклариdir. Қўргошин — рух конлари жануби-ғарбий Ҳисор тоғларида жойлашган. Курама тоғидаги Лашқарак полиметалл конидан қадимда кумуш, қўргошин қазиб олинган. Улар эндиликда саноат асосида Қўргошинкон конидан олинади ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қайта ишланади. Шимолий Нурота тизмаси ёнбағирларида маъдан конлари, Хонжиза (Сурхондарё)да йирик полиметалл конлари топилган.

Ўзбекистон олтин захирасига жуда бой. Қимматбаҳо олтиннинг бир неча эндоген ва экзоген конлари топилган. Унинг энг йирик конлари Марказий Қизилқум (Мурунтов ва Какпата-с)да жойлашган. Ислом Каримовнинг таъкидлашича: «Мурунтов кони дунёдаги гигант конлар жумласига киради. У Европиё қитъасидаги руда таркибида олтин юқори дараҷада бўлган энг йирик кондир. Мурунтов конининг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан XX асрнинг иккичи ярмида олтин соҳасида қилинган энг катта қашфиёт деб эътироф этилди». «Олтин захиралари бўйича республика дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда туради».

Олтиннинг Мурунтов ва Какпатас конлари токемброй ва куйи палеозой жинсларида, Олмалиқ гуруҳ конлари эса интрузияларда жойлашган. Таркибида олтин бўлган рудалар ғарбий Ўзбекистон ва Чотқол-Курама тоғларида ҳам кўп учрайди. Олтин Маржонбулоқ, Зармитақ, Чодак, Учбулоқ, Қорақўтон, Қаулди конларида катта захираларга эга. Умуман, мамлакатимиз худудида олтиннинг 30 дан ортиқ конлари топилган ва уларнинг захираси аниқланган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз худудида олтин конларининг мавжудлиги қадимда ҳам маълум бўлган. Археологик қазилма (топилма)ларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги VI-V асрларда ҳам Ўзбекистон олтиниң аҳоли томонидан ишлатилган.

Ўзбекистонда кумуш конлари ҳам кўп. Унинг асосий конлари Курама тоғларида жойлашган. Навоий вилоятидаги Високо-волтное, Укжетпес, Космоначи конлари ва Наманган вилоятидаги Оқтепа захиралари аниқланган кумуш конларидир. Мамлакатимиз худудида шунингдек, турли тузларнинг, фосфорит, олtingу-

гурт, алюминий хомашёси (боксит рудалари), пардозловчи ва курилини материалларининг катта захиралари мавжуд.

Нодир металлардан вольфрам (Лангар, Қоратепа, Кўйтош, Ингичка, Яхтон, Чоттеңа конлари), молибден (Хисор, Қурама ва Чотқол тизмаларида) кўп учрайди. Қалайнинг мамлакатимизда 100 дан ортиқ тўилами(конлари) бор. Шулардан Қарноб кони 1950 йилларда ишга туширилган. Висмут рудалари Чотқол-Қурама тоғларида топилган. Симоб ва сурма таркибли рудалар реснубликамизнинг кўп жойларида учрайди. Жумладан, Жанубий Фарғонада симобнинг 100 дан, сурманинг 10 дан ортиқ конлари истиқболли ҳисобланади.

Мамлакат қазилма бойликлари орасида рудали ресурслардан олтин, мис ва бошқалар қатори темир рудасининг ҳам улуши анча. Чўкинди жинсли темир руда конлари бур ва учламчи давр ётқизиқларида жойлашган бўлиб, бундай конлар Оролбуйи регионида, Қизилқумда ва Жиззах вилояти худудида учрайди. 1999 йилда геологлар томонидан захираси қайта аниқланган Жиззах вилояти Фориш туманидаги темир руда конининг саноат аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг таркибида 60 фоиз атрофида соф темир борлиги қайд қилинди. Бу, эндиликда мамлакат кора metallurgияси истиқболини белгиламоқда.

Ўзбекистонда марганец конлари ҳам кўп. Унинг Зарафшон тоғларида Зиёвуддин, Довтош, Қизилбайроқ, Тахтақорача, Терсақсој, Чўпонота конларидаги захираларининг таркиби тоза рудага анча бой (руда таркибида тоза марганец 8 фоиздан 28 фоизгача). Шунингдек, марганец конлари Коржонтоғ ва Моргузар тоғларида ҳам бор.

Мамлакатимизнинг айрим худудларида саноатнинг қимматбаҳо хомашёси бўлган уран ҳам бор. «Уран билан йўл-йўлакай рений, скандий, лантаноидлар ҳам қазиб олимоқда. Мазкур элементларнинг аксарияти маълум дараражада эритмага ўтади. Бинобарин, уларни ажратиб олиш технологиясини жорий этиш конларни ишлаш самарадорлигини анча ошириш имконини берган бўлур эди» (И.А.Каримов, 1997).

Ёқилги-энергетика ресурслари. Ўзбекистон энергетика саноатини ривожлантириш учун захиралари анча катта бўлган нефть, табиий газ ва қўмир конларига эга. Мазкур табиий бойликлар мамлакатимизнинг турли минтақалари бўйлаб тарқалган.

Нефть. У ўтган асримизнинг бошлари ва ўргаларида Фарғона водийсидан кўп қазиб олинган. Ўзбекистонда дастлаб нефть қазиб олиш 1904 йилда Фарғона водийсидаги Чимён конида бошланган. Кейинчалик шу регионда Хўжаобод, Жанубий Оламушук, Шимолий Оламушук, Полвонтош, Хўжа Усмон,

Хартум каби янги конлар топилган ва ишга туширилган. 1959 йилда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи на-вбати ишга тушган. Уша йилларда Жанубий Ўзбекистон — Сурхондарё ва Қашқадарёда янги-янги нефть конлари (Кокайти, Лалмикор, Ҳаудак, Учқизил) топилган. Мазкур конларнинг кўнида нефть билан бирга ўйлоди газ ҳам қазиб олинади. Айниқса, мамлакат нефть саноатини ривожлантиришга Мингбулоқ (Наманган вилояти) ва Кўкдумалоқ (Бухоро вилояти) конларининг очилиши ва ишга туширилиши кескин таъсир кўрсатди. Мазкур конларининг топилиши ва ишга туширилиши мамлакатимиз ёқилғи-энергетика ресурслари географиясини ва ёқилғи саноатининг марказини ўзгартириб юборди.

Табиий газ. Ҳудудимиз табиий газ захираларига ҳам бой. Унинг йирик конлари нефть билан ёнма-ён (кўпинча бирга) учрайди. XX асрнинг ўрталарида Фарбий Ўзбекистонда топилган ва захираси нихоят дараҷада катта бўлган Жарқоқ ва Газли конларининг захиралари тугаб бормоқда. Табиат Ўзбекистондан неъматларини аямаган экан, унинг янги-янги конлари топилмоқда. Учқир, Ўртабулоқ, Чакмоқли, Қоравулбозор, Сетлянтене газ конлари кетма-кет очилди. Ҳозирги даврда захира-си жуда катта бўлган газ кони Қашқадарё вилоятидаги Шўртан конидир. Шунингдек, Бухоронинг Кўкдумалоқ конидан ҳам нефть билан бирга кўп миқдорда газ табиий ажратиб олинади.

«Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида 150 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилган бўлиб, улардан 92 тасида иш олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда истиқболли Кўкдумалоқ конида бурғулаш, ободончилик ва тезда ишга тушириш бўйича фаол иш кетяпти. Буларнинг барчаси узоқ йилларга етадиган ишончли хомашё базасини барпо қиласди, республика иқтисодиётининг углеводород хомашёсини қайта ишловчи маҳсулотларга эҳтиёжини таъминлашга имкон беригина қолмай, республиканинг экспорт салоҳиятини ҳам анча оширади» (И. Каримов, «Ўзбекистон овози», 1997, 23 август).

Қўмир. Мамлакатимизда учта: Ангрен (Тошкент вилояти), Шарғун ва Бойсун (Сурхондарё вилояти) кўмир конлари ишга туширилган. Учала кўмир кони ҳам юра даври қатламларида жойлашган.

Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган Ангрен Кўниғир кўмир кони 1933—1934 йилларда топилган ва 40-йилларнинг бошида ишга туширилган. Унда кўмир кўпинча карьер (очик) усулида қазиб олинади. Унинг захираси 2 млрд. тоннага яқин. Агар мамлакатда йилига 10 млн. тоннадан кўмир қазиб олинган тақдирда ҳам, Ангрен кўмирининг захираси яна 200 йилга етади.

Шарғун кўмири кони Хисор тоғининг жанубий ёнбағри (денигиз сатҳидан 700—800 м. баландлик)да жойлашган. Геолог Е. А. Репман томонидан (1941й.) топилган унибу конниң ҳам захираси катта. Унинг сифат ва иссиқлик қуввати Донбасс, Кузбас ва Қарағанда ҳавзалари кўмиридан қолишмайди. У Ангрен кўмирига нисбатан икки марта кўп иссиқлик беради. 1963 йилда Шарғун кўмири асосида Марказий Осиёда биринчи марта брикет (ғишт шаклида искаижаланган) фабрикаси курилди. Бу фабрика кунига 160 минг тонна брикет тайёрлаб бериш қувватига эга. Шахтёрлар шахри Шарғундан конгача 18 километр осма сим йўли ўтган. Бу йўлга ўрнатилган ҳар бир вагонетка 1 тонна кўмирга мўлжалланган. Сутка мобайнида осма йўл орқали кўмир шахтасидан брикет фабрикасига 7 минг тоннагача кўмир ташилади.

Сурхондарёнига тоғли Бойсунда ҳам юқори қувватли Тўда кўмири кони, ишга туширилган. Унинг захираси чет эллик (ЛКШ) мутахассислар томонидан 160 млн. тонналиги аниқланган. Денигиз сатҳидан 1246 м. баландликда жойлашган Тўда кўмири конидан йилига 500 минг тонна кўмир қазиб олини йўлга қўйилмоқда.

Тоғ-кимё хомашё ресурслари. Мамлакатимиз худудида қалий, ош тузи ва фосфоритнинг катта захиралари аниқланган. Магний ва натрийнинг сульфат тузлари эса кам учрайди. Минерал тузлар денигиз ва қуруқлик шаклланиш гурухларига мансуб бўлиб, юқори юра, пастки бўр, неоген ва антропоген даврларда ҳосил бўлган. Хўжайон, Бойбичаён, Тубекатан, Йаъмиён, Оқбош ва бошқа, жами 8 та туз конлари катта аҳамиятта эга. Пастки бўр даврига мансуб тузлар кўл шароитида вужудга келган, қатлами қалинишли 120-200 метргача боради. Улар айниқса, Кўхитанг тоғида кўп тарқалган. Биргина Хўжайон туз кони захираси 140 млн. тонна бўлиб, ҳозирги даврдаги мамлакат эҳтиёжи бўйича яна 100 йилдан кўпроқ вақтга етар экан.

Фосфоритнинг катта конлари Қизилқумда топилган. Унинг Овминзатоғ, Букантоғ, Тошиқазган, Қулжиктоғ ва Бойсун тоғларидан топилган конлари айниқса, истиқболлидир.

Олтингугурт Шурсув кони (Фарфона водийси)дан қазиб олинади. Бироқ, унинг йирик кони Тубекатанда. У юра даври ётқизиқларида учрайди. Ҳозирги вақтда эса, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган олтингугуртнинг катта қисми Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида ажратиб олинмоқда.

Нометалл фойдали қазилмалар ҳам мамлакатнинг тоғли мінтақаларида кенг тарқалган. Даля шпатининг магматик ва чўқинди конлари (Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, Коржонтоғда) матълум. Графитнинг 30 дан ортиқ магматик ва чўқинди конлари бор. Асбестнинг кўк тусли хили Султон Увайс тоғида учрайди.

Талк ва талк тошнининг саноат аҳамиятидаги тўплланмалари фақат Султон Увайс тоғларидадир. Талкдан қишлоқ хўжалик заараркунандаларига қарши кўраш воситаси сифатида ҳамда тиббиётда дори-дармон тайёрлашда фойдаланилади.

Ўзбекистон курилиш саноати учун ишлатиладиган хомашё (кум, кумтош, оҳактош, гранит, мармар, тоғ биллури, яшма, мармарсимон оникс кабиларлар)га бой. Айниқса, Фозғон мармари (Навоий вилояти) мўъжизакор сифатининг довруғи «етти иклим»га кетган. Мамлакатимиздаги деярли барча дарё ўзан ва ёйилма ётқизиқларида шағал, кум, шағалтош кўп тарқалган. Қварц оқкуми ҳам юртимизда кўп тарқалган бўлиб, у ойна ва кулоғчилик саноатининг қимматли хомашёси ҳисобланади. Оқкум конлари Тошкент вилояти (Май ва Озодбоши қишлоқлари худуди)да, Навоий шаҳрининг яқинида, Фарғона водийсида кенг тарқалган.

Минерал сув ресурслари. Мамлакат ҳудудининг литологик жинслар мажмуида муйян микдорда ер ости сув захиралари мавжуд. Ер ости сувларининг (шифобахиш) 100 га яқин истиқболли конлари ўрганилган. Мутахассисларнинг аниқлашича, мамлакат ер ости сувларининг ўрни қайтадан тикланиб турувчи захираси секундига 1000 м³.

Ер ости сувларининг кимёвий таркиби жиҳатидан асосан гидрокарбонатли, гидрокарбонат-сулъфатли, қисман сулъфат-хлоридли ва хлоридлидир. Водород-сулъфатли сув Чимён, Польвонтош, Хўжаобод, Шўрсув, Учқизил, Кокайти, Жайронхона, Хўжапок, Омоихона ва бошқа жойларда топилган. Йодли сув Чортокда, родонли сув Арапонбулоқда, кам минераллашган иссиқ сувлар Тошкент ва Фарғона вилоятларида, сулъфат-хлоридли ва настрийли сув Ситорайи Моҳи хосса, Қоракўл, Газлидан чиқади.

Ер ресурси. Ўзбекистонда асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер давлат мулки ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фақат давлат ердан муддатсиз ёки вақтинча фойдаланиш учун уни қишлоқ хўжалик ташкилотларига, турли йўналишда фаолият кўрсатадиган хўжаликшларга, шунингдек, фуқароларга беради.

Давлат ер фонди: умумий ер фондини, шундан қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни, шудгор қилинадиган, дараҳт ёки мевазор, яйлов, пичаизор, ўрмонзор ҳамда қўриқ ва партов ерлардан ташкил топган.

Мамлакатимизнинг умумий ер фонди 444,0 минг кв. км, шундан қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ерлар 26,7 млн. гектарга яқин, яъни мамлакат умумий ер фондининг 63,8 фоизи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроқли бўлган ерлар-

дир. Шундан шудгор килиб (хайдалма) дехқончилик қилинадиган ерлар 4,3 млн. га дан ортиқ.

Мамлакат ер фонди худудлараро яхлит бўлиб, фойдаланиш турларига кўра, унинг айрим турларини қўпайтириб ёки унумдорлигини ошириб бориш мумкин. Мамлакатда 22 млн. гектардан ортиқ ер яйлов мавжуд. Унинг унумдорлигини ва маҳсулдорлигини артезиан кудуқлари қувватини ошириб бориш эвазига янада қўпайтириш мумкин. Ёки сугориладиган минтақада мавжуд сугориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи тизимлар самарадорлигини орттириш ва таъмирлаш асосида кўзланган маҳсулотни етиштиришга эришиш мумкин.

Агроиқлим ресурслари. Ўзбекистоннинг агроиқлим ресурслари ҳолати уни материкининг анча ичкарисида жойлашган географик ўрни ҳамда мураккаб ер юзаси рельефининг тузилишига боғлиқ. Шу жиҳатдан унинг иқлим шароити қишлоқ ҳўялагини барқарор ривожлантиришга қодир.

Ўзбекистоннинг агроиқлим кўрсаткичлари (жумладан, ёғин сочин ва унинг миқдори, тушиш муддати, ҳаво ҳароратининг йиллик ижобий ва фойдали кўрсаткичлари) ер сиртига қўёш нури тушиш бурчагининг катталиги зироатчиликни ривожлантириш учун кучли омил бўлиб майдонга чиқади.

Қўёш радиацияси. Мамлакатимизни «Серқуёш Ўзбекистон» деб аташларининг рамзий маъноси бор. Негаки, мамлакатимизда қўёш йил давомида уфқдан баландда бўлиб нур сочади. Қўёш ионь ойида уфқдан Тошкентда 72° , Термизда 76° гача кўтарилали. Ёзда кундуз куни 15 соат давом этади. Атмосфера ёғин сочинларини келтирадиган денгиз ва океан оқимларидан жуда узоқда бўлган бу ўлкада булутли кунлар табиий равишда кам бўлади. Бинобарин, унинг барча худудига қўёш узоқ вақтгача нур сочиб туради. Зироатчилик қилинадиган барча водий ва воҳаларда, кўнгиллик метеорологик кўзатишлирга қараганда, қўёш ёғуси давомийлиги йил давомида ўртacha $2500-3000$ соат (Фарғона водийси ва Қашқадарёнинг тоғ худудларида 2600 соат, Тошкентда 2890 соат, Термизда 3100 соат) гача боради.

Ёз ойларидаги мамлакатимиз худуди қўёш нуридан ниҳоят кўп энергия қабул қиласи. Ўртacha бир йилда унинг ҳар бир cm^2 ер юзасига $100-120$ минг калория қўёш нури тушади. Қўёшдан келаётган иссиқликнинг $70-80$ фоизи тупроқ ва ер юзаси ҳавосининг исишига сарф бўлади. Қўёшдан келаётган энергиядан халқ, ҳўялагидаги энергия манбаи сифатида фойдаланишга доир илмий-амалий изланишлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Қўёш» илмий-ишилаб чиқариши бирланимасида олиб борилмоқда.

Иссиқлик ресурслари. Серкүёш Ўзбекистон жанубий мамлакатларга хос бўлган қимматбаҳо зироатчилик, боғдорчилик ва узумчилик, шунингдек, ўсимликларнинг ўсиш узоқ бўлган (вегетация) муддати ҳамда қуёшли кунларни талаб қиласидан субтропик мевалар етиширишни табиий иссиқлик ёрдамида ривожлантиришнинг жуда катта имкониятларига эга. Айни бир пайтда яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, бундай имкониятлар мамлакатнинг барча географик минтақаларида бир хил эмас. Масалан, мамлакатнинг шимолий минтақаси (Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти) да иссиқлик кўрсаткичлари анча паст ва қишида ўта салбий, Фарғона водийсида бирмунча юмишоқ ва мўътадил, мамлакатнинг жанубий қисмida эса ўта баланд.

Энг совуқ ой – январнинг ўртача ҳаво ҳарорати Шимоли-Ғарбий Ўзбекистон (Урганч ва Нукус)да — $4,8^{\circ}\text{C}$ ва — $6-4^{\circ}\text{C}$; Шимоли-Шарқий Ўзбекистон (Тошкент ва Гулистон)да — $0,9^{\circ}\text{C}$ ва — $2,0^{\circ}\text{C}$; Шарқий Ўзбекистон (Фарғона ва Андижон)да — $3,5^{\circ}\text{C}$ ва — 3°C ; Марказий Ўзбекистон (Қоракўл ва Самарқанд)да — $0,2^{\circ}\text{C}$ ва $0,3^{\circ}\text{C}$ ва Жанубий Ўзбекистон (Ғузор ва Денов)да — $2,3^{\circ}\text{C}$ ва — $2,4^{\circ}\text{C}$ даражага тенг. Июль ойининг ўртача ҳаво ҳарорати Урганч ва Нукусда $27,5^{\circ}\text{C}$ ва $27,1^{\circ}\text{C}$; Тошкент ва Гулистонда $26,9^{\circ}\text{C}$ ва $26,8^{\circ}\text{C}$; Фарғона ва Андижонда $26,8^{\circ}\text{C}$ ва $27,3^{\circ}\text{C}$; Қоракўл ва Самарқандда $29,1^{\circ}\text{C}$ ва $26,0^{\circ}\text{C}$; Ғузор ва Деновда $29,9^{\circ}\text{C}$ ва $28,2^{\circ}\text{C}$ даражага тенг. Бироқ, ҳаво ҳароратидаги бу кўрсаткичлар асосан мамлакатнинг текислик минтақасига хос бўлиб, у тоғли ва баланд тоғли ҳудудларда бирмунча фарқ қиласиди.

Иссиқлик ресурслари турли хил зироатчиликни жойлаштириш, улардан юқори ҳосил олиш ва табақалаштириб ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан йиллик ҳаво ҳароратининг ижобий ва фойдали кўрсаткичлари, шунингдек, совуқ бўлмайдиган кунлар муддати амалий аҳамиятга моликдир (32-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларига таяниб, қайд қилиш жоизки, мамлакатнинг турли географик регионларида ўртача ҳаво ҳарорати ва ҳаво ҳароратининг ижобий ва фойдали кўрсаткичлари кескин фарқ қиласиди. Масалан, мамлакатнинг шимолий қисмida жойлашган Нукусда ҳаво ҳароратининг 5 даражадан юқори кўрсаткичлари йигиндиси 4301 даражага тенг бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич Термизда 5950 даражага стади, яъни 1649 даражага кўп. Ҳаво ҳароратининг ижобий кўрсаткичлари ҳам шу йўсинда фарқланади. Мамлакатнинг агроклиматик кўрсаткичларидаги ана шу фарқ қишлоқ хўжалиги айниқса, зироатчиликни юргизишда кучли омил бўлиб чиқади ва дехқончилик тузилмасига ёки уни такрорий экининг таъсир кўрсатади.

Мамлакат географик миңтақаларида агроиклим күрсаткичлари

Метеоган- ция жойланы- ған шаҳар	Кинки давр		Үсимлик вегетацияси даври				
	0 даражада ниаст бўйган кунзар	Хаво ҳарорати салбий кўрсаткичи йигинидин	ўртacha хаво ҳароратидан ўтган кунзар сони (югори)	+5 даражадан	+10 даражадан	+5 даражадан	+10 даражадан
ШИМОЛИЙ-ШАРКИЙ ЎЗБЕКИСТОН							
Гулистон	48	-72	259	218	4773	4460	
Тоникент	38	-29	263	214	4749	4391	
ШАРКИЙ ЎЗБЕКИСТОН							
Фарғона	60	-123	256	213	4757	4445	
Андижон	55	-123	262	218	4954	4617	
МАРКАЗИЙ ЎЗБЕКИСТОН							
Қоракўл	23	-11	271	222	5257	4905	
Самарқанд	0	-	269	212	4685	4275	
ЖААНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН							
Ғузор	0	-	304	239	5751	5269	
Термиз	0	-	306	251	5950	5630	
ШИМОЛИ-ФАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН							
Урганчи	88	-270	235	199	4544	4269	
Пукус	104	-439	228	191	4301	4035	

Ўзбекистонда ёз фасли узоқ давом этади, ҳаттоқи, унинг жанубий қисми (Сурхондарё)да, Л. Н. Баубушкиннинг таъкидлашича, бу фасл олти ойга чўзилади. Ёзда қуёш нурининг бевосита таъсирида бўлган ер юзаси 60 дараҷагача, унинг чўллари ва кум ҳудудларида эса 75 дараҷагача кўтарилади. Совуқ бўлмайдиган кунлар Шимолий Ўзбекистонда 190—210 ва Жанубий Ўзбекистонда 220—270 кунни ташкил қиласди.

Ёғин-сочин мамлакат ҳудуди бўйлаб бир хил тақсимланган эмас. Бинобарин, унинг зироатчиликнинг жойлашиши ва ривожланишидаги роли турлича. Масадан, ёғин-сочин кўпроқ тушадиган Чироқчи, Яккабоғ адирлари (Қашқадарё вилояти), Фаллаорол тумани ва Жиззах чўлида лалми галладан яхни ҳосис ѹйғиштириб олинади. Айни бир пайтда ёғин кам тушадиган Ҷеконобод ва Шеробод адирларида лалмикор дехқончиликнинг маҳсулдорлиги паст. Шунингдек, ёғин-сочиннинг фасллараро тақсимланиш муддати ҳам зироатчиликка бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизнинг мураккаб орографик (ер сирти) тузилиши ёғин-сочин тақсимотига кучли таъсир қиласди. Унинг текисликларига камроқ, тоғ этакларига кўпроқ ва тоғли ҳудуд-

ларининг фарбига энг кўп ёғин-сочин тушади. Бу фарқ мамлакатнинг тури географик минтақаларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Тошкент ва Гулистанда 367:295 мм, Фарғона ва Андижонда 174:226 мм, Коракўл ва Самарқандда — 114: 328 мм; Ўзор ва Термизда — 285:133 мм; Урганч ва Нукусда — 82:82 мм дан ёғин-сочин тушади. Текисликларда ўртача йиллик ёғин 100—200 мм (айрим худудларда, масалан, Тахиатошда 79 мм), тоғ ёнбафирларида 200—400 мм ва тоғларда 500-600 мм гача тушади. Шунингдек, ёғин-сочин фасллар бўйлаб нотекис тушади. Кўп йиллик метеорологик маънумотларга кўра, йиллик ёғиннинг кўп қисми баҳорда (30-50%) ва қишида (25-40%), оз қисми эса, ёзда (1-6 %) ва кўзда (10-20%) тушади.

Сув ресурслари. Мамлакатнинг асосий сув бойликлари — дарё сувлари. Дарёлари тоғлардаги кор ва музликлардан, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Бироқ, иқлимий шароити ўта қуруқ бўлганлиги учун дарёлар тоғдан текисликка оқиб чиқили билан ўрта ва қуий қисмларида сугориш ва буғланишга сарф бўлади. Текисликдаги кичик дарёлари жазирама ёз фаслида қуриб қолади.

Ўзбекистоннинг йирик дарёлари: Норин ва Қорадарё, Сўх ва Чирчиқ, Зарафшон ва Қашқадарё, Сурхондарё ва Шеробод дарёларидир. Мамлакатнинг йирик сув артериялари ҳисобланган Аму-дарё ва Сирдарё ҳамда уларнинг йирик ирмоқлари Ўзбекистон худудидан ташқарида бошланади. Шунинг учун ҳам Амударёнинг йиллик ўрта оқим сув ҳажми 79 km^3 бўлгани холда, унинг 8 фоизи; Сирдарёнинг йиллик ўрта оқим сув миқдори 38 km^3 бўлгани холда унинг фақат 10 фоизи Ўзбекистон худудида ҳосил бўлади.

Мамлакатнинг аксарият дарёлари баҳор фаслида тўлиботниб оқади. Ёзда борган сари дарёлар суви камайиб боради. Дарёлардаги бу хил режим зироатчилик эҳтиёжларига мувафиқ әмас. Шунинг учун дехқончилиги асосан суфориб экишга таянган мамлакатимизнинг барча географик минтақаларида ўнлаб йирик сув омборлари, юзлаб магистрал каналлар, минглаб насос станциялари барпо қилинган.

Тупроқ ресурслари. Тупроқнинг табиий ҳолати, яъни донашорлиги, чиринди миқдори, маданийлашиш даражаси дехқончиликнинг ҳосилдор (маҳсулдор) лигига таъсир кўрсатади. Мамлакатимизнинг текислик минтақаларида оддий бўз тупроқ, тоғ ёнбафирларида асосан бўз тупроқ, тоғларда тўқ тусли бўз тупроқ кенг тарқалган. Уларнинг чиринди миқдори қора ёки қаштап тупроқлариникига нисбатан 4—6 марта кам бўлса ҳам, она жинсининг донадорлигига ва қуёш нурини кўн қабул қилишига кўра, унумдорлиги анча юкори.

Мамлакатда суғориладиган ерларнинг ҳисоб-китоби алоҳида олиб борилади. Негаки, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган асосий маҳсулотларнинг улуши шу ерларга тўғри келади. Соғ тарздаги суғориладиган ерлар 4,2 млн. га атрофида. Шундан 1,6 млн. га чўл минтақасида, қолган қисми төғ, водийлардаги оч тусли ва асосий бўз тупроқли минтақада жойлашган. Автоморф тупроқли майдонлар йирик дарё водийлари ва ёйилмаларида, шунингдек, төғ этакларида бўлиб, бу ерда узлуксиз дехқончилик қилиш (суғориш) натижасида сизот сувлари анча кўтарилигани. Мамлакатдаги чўлларни ўзлаштириш жараёнинда жумладан, Қарши ва Шеробод, Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш билан ўнлаб, юзлаб йирик коллекторлар ва зовурлар қазилган, (очик ва ёник). Эндиликда (яъни, карийиб 30-40 йил мобайнида хизматда бўлган) ушбу суғориш ва мелиоратив тизимларнинг аксарияти эскирди ва қўплари издан чиққани табиий ҳол. Натижада, сугорма дехқончилик қилинадиган ерларнинг ярмидан ортиги шўрланиб бўлди. Шунинг учун ҳам уларнинг шўрини муентазам юваб туриш ҳамда мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва бу борада илмий асосланган тадбирлар ишлаб чиқиши мамлакат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг галдаги бош вазифасига айланган.

Ўсимлик ва ҳайвонот ресурслари ҳам мамлакат табиатининг таркибий қисми бўлиб, унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам уларни борлигича асрараш ва муҳофаза қилиш мамлакатда табиат музозанатини сақлаши билан тенг ишдир.

Мамлакат табиий ресурсларининг иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги ҳолатини ўрганиши ва уларни ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, мақсадида баҳолаш, айрим қисқача хулосалар чиқарини ва тавсиялар беришни тақозо қиласди.

Ўзбекистоннинг ўсимлик ресурслари чўл, адир, водий, төғ олди ва төғ минтақаларида жойлашган. Уларнинг 90 фоизга яқини чорва моллари учун озуқа ҳисобланади. Кургоқчил мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳам табиий ўтлоқзорларнинг ҳосилдорлиги наст. Масалан, қумли ва чўл яйловларида йилига ўртacha гектаридан 3—5, адир яйловларида эса 8—10 центнердан пичан олини мумкин. Төғ минтақасининг пичан захираси умуман адир минтақасиникидан кўпроқ бўлиб, тупроқ ҳолати, нам ва қалин ўрмонли бўлишига қараб ўзгаради.

Мамлакатимиз табиатининг кўрки унинг төғларидир. Төғлар ёввойи ва маданийлашган меваларга анча бой. Айниқса, Ўзбекистон төғларида төғ олчаси, төғ олмаси, төғ ёнғори, писта, дўлана, бодом, жийда, гилос ва бошқа мевалилар кенинг тарқалгани.

Шунингдек, тоғли ҳудудларда шифобахш ўсимликлардан зира, зирқ, наъматақ, кийик ўти, алкор, омонқора ва бошқалар кўп.

Хайвонот ресурслари турларга бой. Масалан, бизда биргина сут эмизувчиларнинг 97 тури учрайди. Түёқли сутэмизувчилардан жайрон, сайғоқ, бурама шох тоғ такаси, бухоро буғуси (хонгул) ва бошқалар «Қизил китоб»га киритилган.

Тери (мўйна)си учун овланадиган ҳайвонлардан тулки, чиябўри, бўрсиқлар ҳам кенг тарқалган. Ўз вақтида мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалган айиқ, қоплон, барс, қундуз, алкор (арҳар) ва бошқалар эндиликда «Қизил китоб»дан жой олган. Мамлакатимиз ҳудудида овланадиган 60 хил қуши бор. Бўлардан каклик, қирговул, бедана, ўрдак, фоз асосийлариридир. Мамлакатнинг чўл ҳамда тоғли ҳудудларидан йилига уч мингдан ортиқ заҳарли илонлар тутилади.

Умумай, мамлакат ўсимлик ва ҳайвонот олами ранг-баранг бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида муҳофазага ўта муҳтож.

Қисқача хулюсалар

Ўзбекистон Евроосиё материгининг ичкари қисмидаги жойлашган. Марказий Осиё миқёссида унинг географик жойлашиши жуда кулай, чунки у шу минтақада жойлашган ҳамма давлатлар билан чегара дош. Халқаро миқёсса унинг географик ўрни бир оз нокулай, чунки халқаро дентиз йўлларига бевосита чиқа олишга имкониятий йўқ.

Табиий шароити ва табиий ресурслари ҳўжаликни ривожлантириш учун кулай. Кўёш иссиқ-лиганинг мўллити бу ерда иссиқсевар техник ва бошқа экинларни етиштиришга имкон беради. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан кўмир, нефть ва газ мавжуд. Рангли металлар конлари мамлакатимизда сероб, унинг асосида рангли металлургия саноати вужудга келган. Курилиш хомашёсининг ҳам катта захиралари мавжуд. Охириги пайтда йирик темир рудаси конлари аниқланган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистонни халқаро миқёсдаги-иқтисодий географик ўрнига баҳо беринг.
2. Ўзбекистонда қандай металли фойдали қазилмаларнинг захираси кўп?
3. Ўзбекистонда қандай кўмир конлари бор ва уларнинг сифати қандай?
4. Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ нефть конлари қайси вилоятлар ҳудудида жойлашган?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.Л. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Акрамов З.М. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Ўқитувчи 1994.
5. Вахобов Х. Иқтисодий география асослари -Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: 2000.
7. Набиев Э., Каюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳијати.-Т., 2000.
8. Рўзиев А.Р., Абиркулов К.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
9. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т: Университет, 2003.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Аҳоли бирламчи ишлаб чиқарувчи куч хисобланади. Жамият тараққий этган сари унинг жамиятда туттган ўрни, салоҳијати ортиб ва такомиллашиб боради. Чунки ҳалиқ бутун моддий бойликларни яратувчи кучгина эмас, балки у маънавий бойликларниг ҳам бирдан-бир ва битмас-тутанмас маёнга ҳамдир. Шунинг учун жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган аҳолини ўрганинга иктисадий ва ижтимоий география курсерада доимо катта эътибор берилади. Чунки ҳар бир мамлакат, унинг ички иктисадий-географик районлари ҳалқ хўжалигини ҳудудий ташкил қилиш ва ривожлантиришида аҳолининг сони, зичлиги, табиий ўсищ, миграция ва урбанизация жараёни, миллӣ ва ижтимоий таркиби, жинси, меҳнат ресурслари ва аҳолининг бандлиги каби кўрсаткичлар катта аҳамият қасб этади.

14.1. Аҳоли динамикаси

Ўзбекистоннинг аҳолиси 25,5 миллион нафардан ортиб кетди. У аҳоли сонининг кўплиги бўйича МДҲда учинчи ўринда туради. Бу ерда МОД умумий аҳолисининг салқам 44 фоизи яшайди.

Аҳолининг ўсиши тарихий-анъянавий ва ижтимоий-иктисадий ҳусусиятларга эга. Узоқ ва яқин ўтмишда Ўзбекистон мураккаб тарихий йўлни босиб ўтдики, бу нарса мамлакат аҳолисининг динамикасига ҳамда демографик ва миграцион ҳолатларига бевосита таъсир кўрсатди.

Мамлакат аҳолиси ва унинг таркиби, айниқса, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб жиддий ўзгаришларни бошидан кечирди. Чор Россиянинг Туркистон ҳудудини истило қилиши натижасида аҳоли сони, унинг миллӣ ва жинсий таркиби, кўпайиш даражаси, жойлашув ҳусусиятлари ўзгарди.

Туркистон (ҳозирги МОД) ҳудудида аҳолининг биринчи марта рўйхати 1897 йилда ўтказилган. Бироқ, ушбу рўйхат ҳам тўлиқ эмас эди. Чунки бу рўйхат Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудларини четлаб ўтганди. Мустамлакачилик сиёсатининг натижаси туфайли ўлкамизга кўплаб ҳарбийларниг оиласлари кўчириб келтирилди, янги қишлоқлар, шаҳарчалар, шаҳарларимиз ёнида эса «янги шаҳарлар» пайдо бўлди.

XIX асрнинг сўнгиги 35 йили давомида Ўзбекистон ҳудудига Россиядан 70-75 минг киши, XX асрнинг дастлабки 18 йилида эса 229,2 минг киши кўчиб келди. 1926-1939 йилларда 650

минг киши күчиб келганилиги маълум. Бу жараён собиқ Иттифоқ парчаланиши араfasигача давом этган эди. Иккинчи жаҳон уруши ҳам мамлакатимиз аҳолиси сонига, унинг миллий ва жинсий таркибига ҳамда географик жойлашувига катта таъсир кўрсатди. Уруш йилларида мамлакатимиз ўзининг бир миллиондан ортиқ меҳнатга лаёқатли аҳолисини йўқотди.

Аҳоли сонида юз берган ўсиш эса фашистлар босиб олган худудлардан кўчириб келтирилган кишилар ҳисобига юз берди. 1940-1945 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 1,4 млн. кишига камайиб кетди.

Мамлакат аҳолиси уруشدан кейинги йилларда асосан табиий ўсиш ҳисобига кўпаймоқда. Мамлакат аҳолиси салкам 1945-1950 йилларда бир миллион кишига, 1950-1960 йилларда 2,2 млн. кишига, 1960-1970 йилларда 3,4 млн. кишига, 1970—1980 йилларда 3,7 млн. кишига, 1980-1990 йилларда 4,6 млн. кишига, 1990-1999 йилларда 3,7 млн. кишига кўпайди (34-жадвал). Аҳолининг йиллик ўртacha ўсиши 1865-1917 йиллар ўртасида 0,65 фоизни, 1917-1940 йилларда 2,7 фоизни ташкил этди. Уруш йиллари бу кўрсаткич 3,8 фоизга камайди. Урушидан кейинги йилларда ўртacha ўсишининг энг юқори бўлган даврлари 1960-1990 йиллар (3,3-3,8 фоиз)га тўғри келган. Ундан кейинги даврда (1999 йилгача) аҳолининг йиллик ўртacha ўсиш суръатлари 2,0 фоиздан юқори бўлган ва фақат кейинги йиллардагина бу кўрсаткич бироз (1,8 фоиз) пасайди.

1960-1990 йиллар ўртасида шаҳар аҳолисининг ўсиш суръатлари бирмунча юқори бўлди ва аксинча, 1990-1999 йиллар ўртасида бу кўрсаткич қишлоқ, аҳолиси ҳисобига ўзгарди. Аҳолининг табиий ўсишида айrim худудлар ўртасида маълум фарқ мавжуд. Жами аҳоли ўсишининг энг юқори суръатлари 1970-1995 йилларда Мирзачўл ва жанубий районларга тўғри келди. Қуйи Амударё ва Зарафшон ҳамда Фарғона водийларининг аҳолиси ўртacha суръатлар билан (1,7-1,8) кўпайди. Тошкент воҳасида аҳоли ўсишининг эпг наст суръати (1,5) хос бўлди. Натижада Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси аҳолисининг республика миқёсидаги улуши камайди (Тошкент воҳасида 24,2 фоиздан 19,3 фоизгача, Фарғона водийсида 27,4 фоиздан 27,3 фоизгача). Қуйи Амударё ва Зарафшон водийси аҳолиси улуши барқарорлашди. Мирзачўл ва Жиззах чўлининг аҳолиси тез суръатлар билан кўпайса ҳам уларнинг сони республикадан 5,8 дан атиги 6,7 фоизгача ўди, холос. Аҳоли ўсишининг энг катта суръатларига хос бўлган Жанубий Ўзбекистон аҳолиси салмоғи 12,4 фоиздан 15,3 гача ошиди.

ХХ асрдан бошлаб мамлакат аҳолисининг географик жойлашувида ҳам, объектив ва субъектив сабабларга кўра, жиддий

ўзгаришлар юз берди. Унгача мамлакат аҳолисининг асосий қиёми Фарғона ва Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воидиларида ҳамда Хоразм ва Тошкент воҳаларида яшаган эди. Мазкур ҳолат XX асрнинг 30-йилларигача сақлаб қолинди. Кейинчалик мамлакатда янги маъдан конларининг тошилиши ва ишга туширилиши, янги ерларниң ўзлаштирилиши ва йирик ирригация-мелиорация ишларининг амалга оширилиши аҳоли жойлашувига ўзгаришлар киритди.

33-жадвал.

Ўзбекистонда аҳолининг ўсими

Йилар	Жами аҳоли млн.	Шу жумладан (млн. кини)				Аҳолининг йиллик ўртacha қўнайини суръати, фоизда
		шаҳар аҳолиси		киншлук аҳолиси		
		сони	фоиз	жами	фоиз	жами аҳоли
1	2	3	4	5	6	7
1917	4,4	0,9	20,9	3,5	79,1	0,5
1940	6,5	1,60	24,5	4,9	75,1	2,7
1950	6,1	1,9	30,9	4,2	69,1	3,8
1960	8,3	2,8	33,8	5,5	66,2	3,3
1970	11,7	4,3	36,6	7,4	63,4	3,8
1980	15,7	6,4	40,9	9,3	59,1	2,5
1990	20,3	8,2	40,8	12,0	59,8	2,1
1995	22,5	8,7	38,7	13,8	61,3	1,6
2000	24,0	9,0	37,8	14,9	62,2	1,8
2002	25,5	9,4	37,8	16,08	62,2	1,7

Мирзачўл ва Қарши чўли, Жиззах ва Шеробод чўллари нинг ўзлаштирилиши, маъдан конларини ишга тушириш эвазига янги саноат марказларининг барпо қилиниши оқибатида ўнлаб янги шаҳар ва шаҳарчалар бунёд қолинди. Натижада аҳолининг мамлакат регионлариаро жойлашувида катта ўзгаришлар юз берди, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ҳамда аҳолининг худудий жойлашувида муҳим сиљишлар содир бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолининг ўртacha зичлиги (ҳар кв.км. га) 54,5 кишини ташкил этади, бу эса МОД давлатлари ўртacha кўрсаткичидан 3,9 марта юқоридир.

Аҳоли зичлиги мамлакатнинг географик районлариаро кескин фарқ қиласди. Масалан, Фарғона водийсида жойлашган Андижон вилоятида ҳар бир кв. км. га 511,8 киши тўғри келгани ҳолда Қорақалпогистон Республикасида 8,9, Навоий вилоятида 7,0 кишига тўғри келади. Вилоятлар ўртасида аҳоли зичлиги нисбати 73 мартаға фарқ қиласди. Худудий жойлашуви ва зичлиги республика иқтисодий районлари бўйича ҳам кескин фарқланади. Энг юқори

зичлик Фарғона иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келади. Унда ҳар 1 км²та ўртача 416 киши жойлашган. Аҳолининг ўртача зичлиги кўрсаткичига кўра, Фарғона водийси МОД мамлакатлари орасида энг юқори ўринда туради. Бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринни Тошкент иқтисодий райони эгаллайди (148 киши). Аҳоли зичлигининг юқорилиги кўп жиҳатдан воҳанинг қадимдан муҳим хўжалик минтақаларидан бири бўлиб келганлиги ҳамда Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри – Тошкентнинг шу ерда жойлашганлиги билан изоҳланади. Куйи Амударё иқтисодий районининг қадимий дехқончилик воҳаларидан бири бўлган Хоразм вилояти мамлакатнинг аҳолиси анча зич (219 киши) худудларидан ҳисобланади. Сурхондарё ва Қашқадарё минтақаларида аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 79 кишини ташкил қиласди. Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг аҳоли сийрак яшайдиган минтақаларидандир. Унда аҳоли ҳар 1 км² га 34,6 кишига тўғри келади. 1920 йиллардан бошлиб Мирзачўл, кейинчалик Жиззах чўлларининг ўзланитирилиши туфайли Мирзачўл иқтисодий райони аҳоли зичлиги тобора ортиб бормоқда. Бу ерда ўртача зичлик 93 кишини ташкил этади. Навоий вилояти ва Қорақалпоғистонда аҳоли зичлиги ихоятда паст. Навоий вилоятидаги Қизилкум ва Қорақалпоғистондаги Устюрт платосида аҳоли зичлиги 1 км² га 1 кишига ҳам етмайди.

34-жадвал.

Ўзбекистон аҳолисининг вилоятлар бўйича тақсимлашниши ва зичлиги (2002 йил 1 январь)

Вилоятлар	Йами аҳоли		Шундан				Аҳоли зичлиги 1 кв.км.	
	сони (мил. киши)	фоиз хис. киши	шахар аҳолиси		қалаҳоқ аҳолиси			
			мил. киши	фоиз хис. киши	мил. киши	фоиз хис. киши		
Қорақалпоғисто н Республикаси	15,5	6,1	0,7	48,2	0,7	51,8	8,9	
Андижон	2,3	8,9	0,6	29,9	1,4	70,1	510,3	
Бухоро	1,5	5,8	0,4	31,8	0,9	68,2	34,9	
Жиззах	1,1	3,9	0,2	31,2	0,6	68,8	46	
Қашқадарё	2,3	8,7	0,5	25,8	1,5	74,2	73,5	
Навоий	0,8	3,2	0,3	40,5	0,4	59,5	7,1	
Памонгац	2,0	7,8	0,7	37,7	1,1	62,3	254,8	
Самарқанд	2,8	10,9	0,7	27,7	1,8	72,3	156,1	
Сурхондарё	1,8	7,01	0,3	20,9	1,3	79,9	84,2	
Сирдарё	0,7	2,7	0,2	30,9	0,4	69,1	131,8	
Тонкент	2,4	9,7	0,9	40,8	1,3	59,2	153,3	
Фарғона	2,7	10,9	0,7	29,2	1,8	70,8	385,8	
Хоразм	1,4	5,4	0,3	24,2	0,9	75,8	218,3	
Тонкент шахри	2,1	8,9	0,2	100	–	100	–	
Республика бўйича	25,4	100	91,1	37,8	16,3	62,2	33,9	

«Нұкус-Султон Увайс-Учқудук» ҳамда «Ғузор-Құмқұрғон» темир йүлларининг қурилиши ва ишга түширилиши билан ва уларга ёнма-ён автомобиль йүлларининг барпо этилиши ушбу минтақаларда ер ости ва ер устки бойликларини тұла үзлаشتациини таъминлайды, янги-янги ахоли манзилгоҳлари, шаҳар ва шаҳарчаларининг вұжудға келишига олиб келади. Натижада ушбу минтақалар ахоли зичлигидән катта тафовутлар қисқа-риб боради.

14.2. Ахолининг жинсий ва ёш таркиби

Ахолининг жинсий ва ёш таркиби мухим демографик күр-саткич хисобланади. Бунда меңнат ресурсининг, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг, нафақаҳүрларнинг ҳозирги ва келажақдаги сони айниқса, ахамиятлидир. Ахолининг жинсий ва ёш таркиби истиқболни белгилаш, ахолини тақрор барпо қилиш учун ҳам зарур күрсаткич. Масалан, агар жинслар нисбатан тенг ёки яқин бўлса, ахолининг таркибида ёш авлод салмоғи катта бўлса, никоҳланиши ва туғилиш (ва бинобарин, табиий ўсиш) имконияти катта бўлади.

Мамлакатда ахолининг жинсий ва ёш таркиби ҳам ижти-моий таракқиётнинг түрли босқичларида объектив сабабларга кўра, ўзгариб турди. 1939 йилда ўтказилган ахоли рўйхати маъ-лумотлари бўйича Ўзбекистонда ахолининг 52 фоизини эркак-лар ва 48 фоизини аёллар ташкил қилган эди. Бироқ, бу нис-бат иккинчи жаҳон уруши йилларида бузилди, яъни эркаклар сони объектив сабабларга кўра аинча камайди.

Урушга эркакларни сафарбар қилиш натижасида ахолининг мутлақ миқдори бир миллион кишига камайди ва 1959 йилда ўтказилган ахоли рўйхати бўйича эркаклар сони 48 фоизга тушиб қолди, айни бир пайтда аёллар умумий ахолининг 52 фоизини ташкил қилди.

Урушдан кейинги тинч қурилиши йилларида ахоли жинсий таркибидаги катта фарқ барҳам топа борди. 2003 йилда мамла-кат ахолисининг 49,8 фоизини эркаклар ташкил қилди, яъни 1000 эркакка 1026 аёл тўғри келди.

Республика ахолиси нисбатида аёллар мутлақ сонининг камайиши 1990 йилларнинг охирида ҳам давом этди.

Мамлакатимизда табиий ўсишнинг юқорилиги ахолининг ёш таркибига катта таъсир кўрсатиб келмокда. Шунинг учун ҳам ахоли нисбатида ёш болалар ва ўсмирларнинг салмоғи катта. 1989 йилда ўтказилган ахоли рўйхати маълумотлари бўйича мамлакатимиз ахолисининг 40,8 фоизини 0-14 ёшдаги болалар

ва ўсмирлар, 28,3 фоизини 15-29 ёшдагилар, яъни умумий аҳолининг 69,1 фоизини болалар, ўсмирлар ва меҳнат қобилиятига эга бўлган ёшлилар ташкил этган. Бироқ, О. Отамирзаев ва А. Қаюмовларнинг маълумотларига қараганда, уруш ваундан кейинги дастлабки даврларда туғилиш нисбатан кам бўлган. Мамлакат аҳолисининг ҳозирги сони ва таркибида 1950 йиллардан кейин туғилилган кишиларнинг умумий сони 16,7 миллион киши (умумий аҳолининг 84,5 фоизи)га тенг. Шундан 44,6 фоизи эса, болалар ва ўсмирларга тўғри келади. Туғилиш ва табиий кўпайиш 1980—1990 йилларда бирмунча барқарорлашди. Бу шаҳар билан қишлоқ жойларда бир хил кечмаяпти, албатта. Масалан, қишлоқ жойларда республикадаги жами болалар ва ўсмирларнинг 80 фоизидан ортиғи яшамоқда.

Шундай қилиб, аҳоли ёш таркибидаги юқори кўрсаткичлар мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришининг истиқболларини белгилаб беради. Айни бир нийтда МДҲ таркибидаги давлатларда туғилишнинг тобора камайиб бориши ва, бинобарин, аҳолисининг «қаріб бориши», Ўзбекистонда эса, туғилиш кўрсаткичларининг юқорилиги натижасида аҳолининг «яшарив бориши» кузатилмоқда.

14.3. Аҳолининг миллий таркиби

Аҳолининг миллий таркиби ташки омиллар ҳамда давлат сиёсати ривожланишининг турли босқичларида ўзгариб туриши натижасида ҳам ўзгача тус олади. Ўзбекистоннинг мустамлака-чилик йилларидаги ҳолати унинг аҳолиси сонига ва энг муҳими, аҳоли миллий таркибига кўп ўзгарицлар киритди. СССРнинг тарқалиб кетиши муносабати билан Ўзбекистондаги бир қатор миллат вакилларининг ўз юртларига ёки хорижга кўчиб кетиш ҳолатлари рўй берди. Масалан, 1990-1995 йиллар мобайнида республикадаги славян халқарининг, татарлар ва қрим татарларининг, месхети туркларининг, яхудийларининг, немисларнинг, грекларининг ва европалик бошқа халқларининг мутлақ сони миграциян алоқалар натижасида деярли 0,6 млн. кишига қисқарди.

Ўзбекистоннинг туб аҳолиси ўзбеклардир. 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича мамлакатимиз худудида яшовчи ўзбекларнинг сони 14 миллиондан ошди. Ўзбеклар шунингдек мамлакатимиз билан яқин қўшни ва МДҲ давлатларида ҳамда узоқ хорижий мамлакатларда ҳам яшайди. Жумладан, Тоҷикистонда 1,3 миллион, Қирғизистонда 550 минг, Қозоғистонда 332 минг, Туркманистонда 320 мингга яқин, Россия Федерациясида салқам 130 мингдан ортиқ ўзбек истиқо-

мат қиласи. Хорижий мамлакатлардан Афғонистонда энг күп (3 миллиондан ортиқ) ўзбек яшайды. Шунингдек, ўзбеклар Украина ва Белорусса, Болтиқ буйи давлатларида, Саудия Арабистони ва Туркияда, Эрон ва Хитойда, Покистон ва АҚШда ва башка давлатларда ҳам бор. Ўзбекистонда қорақалпоқлар иккичи туб ахоли хисобланади ва шунинг учун ҳам мамлакат маъмурӣ-худудий бўлинишида Қорақалпоғистон Республикаси бор. Уларнинг умумий сони 420 минг атрофида бўлиб, мамлакат аҳолисининг 2,1 фоизини ташкил қиласи. Ўзбекистонда қадим Турон заминининг туб халқларидан тоҷиклар (умумий аҳолининг 4,7 фоизи), козоқлар (4,1 фоиз), кирғизлар (0,9 фоиз), туркманлар (0,6 фоиз) ҳам яшайди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда жами аҳоли сонидаги туб халқларнинг улуши 83,8 фоизни ташкил қиласи. Мамлакат қишлоқларида яшовчи туб ахоли эса 96,7 фоизга teng. Худудимизда татар, крим-татарлар, озарбайжон, бошқирлар ва ўйғулар ҳам яшайди.

Мустамлакачилик йилларида мамлакатимизга кўпигина славян халқларининг вакиллари кириб келди. Шулардан энг кўпи руслардир. Уларнинг умумий сони 3 мли. атрофида. Руслар билан бирга юртимизга украинлар, белоруслар, поляклар, чехлар, словаклар, болгарлар ҳам кириб келди. Шу тариқа, мамлакатимиз аҳолиси тобора кўп миллатли бўлиб борди.

14.4. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси

Табиийки, шаҳар аҳолисининг кўпайиш даражаси худуднинг индустралаштириш ҳолати билан боғлиқ ҳолда кечади. Ўзбекистонда XX асрда шаҳар аҳолисининг салмоғи қатор ривожланган мамлакатларнидан орқада қолиб кетди. Фақат мамлакатимизнинг айрим регионлари (ва айниқса, марказий шаҳарлари)да йирик-йирик саноат корхоналарининг барпо қилиниши, бир қатор географик районларда эса қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатининг ривожланиши шаҳар аҳолисининг бирмунча кўпайиб боришига олиб келди. 1865 йилда шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг 14 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1927 йилда 21 фоизга стди. 1940 йилда шаҳар аҳолиси 24,5 фоизни, 1959 йилда 33 фоизни, 1970 йилда 36,6 фоизни, 1979 йилда 41,2 фоизни, 1989 йилда 40,7 фоизни ва 2003 йилда эса 38,8 фоизни ташкил қилди.

Айни бир пайтда қишлоқ аҳолисининг нисбатида тескари жараён кечди. Яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашнинг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларга таяниши, сугоришда илғор усуллар (ва ав-

томатика) ни қўллаш меҳнат унумдорлиги ортиб боришига олиб келди. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчи кутидан саноатда, қурилишда ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фойдаланиш имкониятини яратиб берди.

Республикада шаҳар аҳолисининг кўпайиб бориши урбанизация жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Республикада шаҳар аҳолиси кейинги йиллар (1979-2003й.)да 2956 минг қишига кўпайди. Ўртacha йиллик ўсишнинг нисбий миқдори 7,2 фоизга teng бўлди. Республиканинг шаҳар аҳолиси ниҳоятда хотекис жойлашган, асосий қисми Тошкент воҳасига тўғри келади. Бироқ, Тошкент воҳаси (Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда) шаҳар аҳолисининг миқдори бўйича республикада Фарғона ва Зарафшон водийларидан кейинги ўринда туради. Кейинги йилларда Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида шаҳар аҳолисининг ўсиш суръатлари барқарорлашмоқда. Шаҳар аҳолиси ишлаб чиқарувчи қучлар нисбатан юқори суръатлар билан ривожланаётган регионларда тез ўсмокда.

14.5. Аҳолининг ижтимоий таркиби

Мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркиби ривожланган мамлакатларнидан кескин фарқ қиласди, яъни бу ерда хануз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан банд бўлган аҳоли сони юқори. Ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми асосан 1939 йилдан бошлиб сезиларли даражада ортиб борди. Масалан, 1939 йилда мамлакат меҳнат ресурсининг 32,2 фоизи юшчи ва хизматчилар ҳисобига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йилда 79,7 фоизга teng бўлди. Шу жумладан, ишчиларнинг улуши 19,3 фоиздан 55,7 фоизга, хизматчиларнинг улуши 12,9 фоиздан 24,0 фоизга етди.

Аҳоли ижтимоий таркибидаги туб ўзгаришлар мустақиллик йилларида юз берди. Кўп мулқчилик, иқтисодиётнинг қарор топиши ва бозор муносабатлари шаклланиши таъсирида аҳолининг ижтимоий таркиби ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Лйниқса, аҳоли онгли(ишчи) қатламишининг хусусий меҳнат фалияти ва кооператив секторда банд аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши аҳоли ижтимоий таркибига таъсир кўрсатмоқда.

Халқ таълими тизими ва маданияти. Мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркибida юз бераётган ўзгариш (ва ўсиш)лар унинг маданий қиёфасида ҳам кузатилмоқда. Халқ таълимини ривожлантириш, маориф, фан, санъат, адабиётни равнақ топтириш ва уларни умумхалқ мулкига айлантириш учун яқин ўтмишда кўп ишлар қилинди. Ўрта ва олий мактабни тубдан ис-

тох қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида янги-янги йўналиш-тар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш, жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган мамлакатимизда дунёвий билимлар осрадиган ўкув юртлари очиш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Эндиликда Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлигини ошириш, уларга касбий йўналиш бериш ва маданий даражасини кўтариши тизими ишлаб чиқилган. Халқ таълими тизимининг мактабки бўғини мактабгача тарбия муассасалари бўлиб, у ўз ичига етти ёшгача бўлган болалар билан иш олиб бораотган ясли, боғча, соғломлаштириш боғчалари, уй-боғча, мавсумий боғчаларни қамраб олади. Халқ таълимидағи павбатдаги тизим умумий таълимдир. Айни бир пайтда умумий таълим узлуксиз гавлим тизимидаги асосий бўғин бўлиб, тарбияланувчиларнинг маъниавий сифатларини шакллантириш, уларга бошланғич касбкор кўникмаларини сингдириш ва турли фан йўналишлари бўйича чукур билим эгаллашларини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ умумий таълим уч босқичдан иборат: бошланғич таълим (1-4-синфлар); таянч таълим (5-9-синфлар); ўрта таълим (10-11-синфлар). Мазкур қонунга кўра, мажбурий таълим муддати 9 йилга келтирилган ва у таянч таълим даврини қамраб олади. Мамлакат халқ таълими тизимида болалар ва ўсмирларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамланаш, қобилиятларини ривожлантириш ва уларда турли хил меҳнат кўникмаларини шакллантириш мақсадида мактабдан ташқари таълим ҳам амал қиласди. Мамлакатимизда мактабдан ташқи муассасаларининг сони бир мингдан ошади. Шу жумладан, халқ таълими тизимида 230 ўқувчилар саройи, 140 га яқин ёш техниклар, 120 табиатшунослар, 40 дан ортиқ; саёҳатчилар марказлари, 390 дан ошиқ болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва бошқа турдаги муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакат таълим тизимида хунар-техника таълими, ўрта маҳсус таълим ва олий таълимнинг хиссаси жуда катта. Республика хунар-техника таълими тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бу тизимда 260 касб бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Кўнгина хунар-техника билим юртлари босқичли хунар лицейларига айлантирилган. Ёшларга хунар-техника сирларини ўргатиш ва таълим-тарбия бериш билан 18 мингга яқин мутахассис шуғулланади. Улар Ўзбекистоннинг ўрта маҳсус таълим тизимини ривожлантиришга, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун маълум иқтисодий йўналишдаги малакали кадрлар тайёрлаб берипига хизмат қиласди. Эндиликда

мамлакатнинг замонавий 5 коллеж ва билим юртларида 200 га яқин ихтиослик бўйича кадрлар тайёрланмоқда, олий таълим ҳар жиҳатда ривожланиб ва кенг қамровли бўлиб бормоқда.

Хозирги вақтда республикада 62 олий ўқув юрти, шу жумладан, 15 та университет фаолият кўрсатмоқда. Бу олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш дастури асосида жаҳон андозаларига жавоб берадиган ихтиососликлар бўйича талабаларга фантехника тараққиётининг сўнгги ютуқлари асосида пухта билим берилмоқда. «Ўмид» жамғармаси орқали ривожланган мамлакатларниң нуфузли университетларида минглаб ёшлар таҳсил олиб, «Устоз» жамғармаси орқали эса юзлаб профессор-ўқитувчидар малакаларини ошириб келишишмоқда.

14.6. Мехнат ресурслари

Одатда, меҳнат ресурси меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилардан иборатdir. Меҳнат ресурсининг шаклланишига ахолининг ёши ва жинсий таркиби, табиий ўсиш дарожаси ва бошқа ижтимоий ҳолатлар таъсир кўрсатиб туради. Табиий ўсиш юқори бўлган мамлакатимиз аҳолиси таркибida ёш авлод салмоғининг кўп бўлиши меҳнат ресурси захираларининг истиқболли эканлигини билдиради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, меҳнат ёшидаги ахолининг барчаси ҳам ишлаб чиқаришда қатнашолмайди. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, харбий хизматни ўташ, соғлифи йўл бермаслиги ва бошқа сабабларга қўра ҳам батъилар ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмаслиги мумкин. Кўп болали оналарнинг ойлада бола тарбияси билан шуғулланиш шуғуллапиши, шунингдек, шахсий хўжалик юмушилари билан ҳам меҳнат ресурслари балансларини тузишида инобатга олинмоғи даркор.

Мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши билан бир қаторда уни фойдали меҳнатта жалб қилиш имкониятлари кенгайди. Ўзбекистон аҳолиси 1970-1998 йилларда 1,9 марта, меҳнат ресурслари эса 2,0 марта кўпайди. 2002 йилга келиб меҳнат ресурсларининг умумий миқдори 13181,0 минг кишидан ортди. Уларнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 210-220 минг кишидан иборат. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг қасбий маълумоти ҳам анча юқори, ҳар 1000 киши ҳисобига олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлганлар сони 143 кишини ташкил этади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганларнинг ҳар тўртасидан бири олий ёки ўрта маҳсус маълумотга эга.

Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси ниҳоятда муҳим масала эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон

Олий Қенгаши 1992 йил 13 январда «Аҳолини иш билан таъмилаш тўғрисида» қонун қабул қилди. Мазкур қонунида фуқароларнинг меҳнат қилиши хуқуқини таъминлашнинг хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлари белгилаб берилган, бозор муносабатларига ўтиш даврида уни амалга оширишнинг тегишли кафолатлари назарда тутилган.

2003 йилда мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг йиллик ўртача сони 1,4 фоизга ўди ва 9,3 млн. кишини ташкил этди. Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакат. Дарҳақиқат, яқин ўтмишда республика ижтиёмий ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланиб келди. Сўнгти йилларда мамлакатда, айниқса, саноат ва қурилишнинг тез ривожланишигина фаол аҳоли бандлик даражасига ўзгаришлар киритди. Масалан, 1959 йилда мамлакат қишлоқ ва ўрмон хўжалигига 58,5 фоиз аҳоли банд бўлган бўлса, у 1998 йилга келиб 39,3 фоизга тушди. Шунга қарамасдан бу тармоқда ишловчиларнинг мутлақ сони ҳануз анча юқориличига қолмоқда.

2002 йилда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қўпи — 12,7 фоизи саноатда, қурилишда 7,8 фоиз, транспорт ва алоқада 4,4 фоиз, жами моддий ишлаб чиқаришда фоиз банд. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги катта фарқ қиласди, яъни моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи анча баланд. Халқ хўжалигининг зиқр қилинган тармоқларида меҳнат ресурсининг 80,1 фоизи банд бўлганлигини ҳам эътиборга олмоқ керак. Бу фарқ эса номоддий ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиётида тобора чуқур илдиз отиб бораётганлигини кўрсатади. Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳоли бандлиги соҳасида ҳам чуқур ўзгаришлар юз берди, давлат сектори билан бир қаторда нодавлат сектори ҳам вужудга келди ва у жуда тез суръатлар билан ўсмоқда. 2003 йилга келиб бандлик иқтисодиётнинг давлат секторида 23,4 фоиз, нодавлат секторида 74,2 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 76,6 фоиз, Фарғона вилоятида 79,5 фоизгacha етди. Республикада бандлик хизматини ташкил қилишга, ишсизликнинг олдини олишга, меҳнатга бўлган бозор талаби ўзгариб туришининг олдини олишга катта эътибор берилмоқда. 1991 йилдан бошлаб мамлакатимиз туман ва шаҳарларида 210 дан зиёд меҳнат биржаларининг кең тармоқли тизими ташкил этилди. Меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олиш, уларни қасбга йўналтириш, ўқитиш ва қайта ўқитиш, ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш каби қатор вазифаларни бажариб келмоқда. Ҳукумат томонидан кўрил-

ган тадбирлар натижасида ва турли манбалар хисобидан нодавлат секторида ҳар йили 200 мингта яқин иш ўринлари ташкил қилинмоқда. 2003 йилда меҳнат биржаларида 4,5 минг киши ишсизлик бўйича рўйхатга олинган. Бу иқтисодий фаол аҳолининг 0,5 фоизини ташкил этади.

Аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши ва таркиби бандликнинг барқарор равишда ўсишини таъминлашни тақозо этади. Қишлоқ жойларда аҳолининг зич жойлашганлиги, қишлоқ хўжалигига ортиқча ишчи кучи мавжудлиги ҳамда хайдаладиган ерга тўғри келувчилар сонининг катталиги Узбекистонда яқин 5-10 йилда меҳнат ресурсларига муҳтоҷликни келтириб чиқармайди. Фикримизча, мамлакатда, иқтисодий, демографик ва географик ҳусусиятларни хисобга олган холда аҳоли бандлиги тизимини тақомиллаштириш лозим. Ушбу вазифани амалга ошириш меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш, аҳолини қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш хизмати билан боғлиқ. Ишдан бўшаган ва иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлап ва малакасини ошириш уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий чораларидан бири. Ходимларни қайта тарёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими турли курс, факултет ва институтларни ўз ичига олади. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши самарадорлигини оширишда корхоналарда сменали ишларни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти ислоҳотлар стратегиясини руёбга чиқаришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Қисқача хуросалар

Ўзбекистон аҳолиси асосан табиий ўсиш ҳисобига кўпаймоқда. Айрим давлатларда аҳоли сони миграция ҳисобига кўнайган(иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан сўнг). Аҳолининг зичлиги Фарғона водийсида юқори. Аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон аҳолиси йилига қанчага кўпаймоқда?
2. Қайси вилоятларда аҳолининг зичлиги юқори?
3. Ўзбекистонда ўзбеклардан ташқари яна қайси миллат вакиллари яшайди?
4. Урбанизация жараёни қандай кечмоқда?
5. Мехнат ресурслари тўғрисида гапиринг.
6. Аҳоли бандлик муаммоларини ечиш учун қандай чора тадбирлар кўрилмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср буғасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Акрамов З.М. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Ўқитувчи 1994.
5. Вахобов Х. Иқтисодий география асослари -Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: 2000.
7. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти.-Т., 2000.
8. Рўзиев А.Р., Абиркулов К.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
9. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т: Университет, 2003.

ЎЗБЕКИСТОН ИКТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

15.1. Умумий таъриф

Тарихий тараққиётнинг турли босқичларида Ўзбекистон халқ хўжалиги, унинг иктиносидий ривожланиши даражаси муроққаб йўлни босиб ўтган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ўтмишда ер куррасидаги аҳоли хўжалик фаолияти ғоят қизғин кечган энг қадимий ўлкалардан бири бўлган. Мамлакатимизнинг Farb билан Шарқ ўртасидаги «Иктиносидий тараққиёт учун қулай бўлган географик ўрни, саҳий табиити, бой ва ранг-баранг табиат ресурслари, меҳнаткаш ва доно халқи умумбашарий тараққиётга асрлар оша ўз улушини кўшишга объектив шароит яратган.

Шубҳасиз, мамлакатимиз халқ хўжалиги XX асрда ривожланишининг янги босқичига қадам кўйди. Бироқ, мамлакат халқ хўжалиги ва унинг тармоқлар тараққиёти йўналишларини белгилаш ўзгалар кўлида эди. Негаки, мамлакатимизнинг 1860 йилларнинг ўрталарида биринчи марта ва 1917-1920 йилларда эса иккинчи марта босиб олиниши ва юртимизда ўзига хос мустамлакачиликнинг қарор тоғиши халқ хўжалигини ўзгалар эҳтиёжига мувофиқлаштириб, ривожлантиришга олиб келди.

Мустамлакачилик йилларида Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги бир томонлама ривожлантирилди. Яъни қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга, саноатда эса пахта ялпи ҳосилини бирламчи қайта ишлаш (яъни Россия тўқимачилик саноати учун хомашё — пахта толаси ишлаб чиқариш)га асосий эътибор қаратилди, Республика саноатининг қолган мухим тармоқлари ҳам пахта мажмуини ривожлантиришга мувофиқ равишда тараққилашди. 1913 йилда мамлакатимиз ҳудудида 425 та саноат корхонаси мавжуд эди. Уларнинг 208 таси пахта тозалаш, 80 таси озиқ-овқат, 14 таси металлсозлик саноат корхоналари эди, қолганлари эса обжувоз (гуруч ишлаб чиқарадиган), хумдун ясан ва бошқа корхоналар эди.

Тиклаш даври (1920 йилларнинг иккинчи ярми)да Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши таркибида сезиларли силжишлар юз берди. Оғир саноат тармоқлари (ва биринчи навбатда пахтачилик мажмуига хизмат қиласидиган саноат), шунингдек озиқ-овқат саноати тез ривожланди. Саноат ишлаб чиқариппининг социал тузилиши ҳам ўзгарди, 1928 йилда хусусий сектор хиссасига йирик саноат маҳсулотининг 0,4 фоизи тўғри келди, ҳолос.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги бепп йилларда (1929-1940) Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги бирмунча ривожланди. Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини колективлаштириш ҳамда маданий инқизобни амалга ошириш натижасида жамиятнинг иқтисодиёти анча ривожланди. Уруш йилларида Ўзбекистондаги бирламчи ишлаб чиқарувчи куч хисобланган меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган барча эркаклар фронтга сафарбар қилинди. Оғир саноатнинг кўпгина тармоқлари эса қурол-яроқлар, ўқ-дорилар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Аҳолининг фронт орқасидаги ишлаб чиқариш жараёни ҳам жангчиларга мадад беришга ва фронт зонасидан худудимизга кўчирилган аҳолини боқишга қаратилди.


Уруш йилларида республикамида иқтисодиёт ҳарбий изга кўчирилган, барча моддий техника ресурслари уруш эҳтиёжларини қондиришга сафарбар қилинган эди. Айни бир пайтда фронт яқинидаги туманлар Республикализ шаҳарларига кўчириб қелтирилган саноат корхоналари ишга туширилди. Урушдан кейинги йилларда саноат тармоқларини қайта қуриш, суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини механизациялашга қатта эътибор берила бошланди. 80-йилларнинг ўрталаридан Ўзбекистон иқтисодиётининг янги тараққиёт даври бошланди. Аммо, Ўзбекистон хўжалиги бирмунча ютуқларга эришган бўлсада, у собиқ Иттифоқнинг асосан хомашё қазиб берувчи ўлкаси бўлиб қолаверди.

Ўзбекистон 1991 йил 31 авгуустда ўз мустақиллигини эълон қилди ва ўзининг чинакам янги тараққиёт даврини бошлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари мустақиллик йилларида янгича йўналиш олди ва ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Бозор иқтисодиётининг биринчи босқичидаёқ (1991-1995) иқтисодий ислоҳотларга оид қонунлар қабул қилинди, унинг хуқуқий негизи яратилди. Ислоҳотлар хаётнинг барча жабҳаларини қамраб олди. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишининг иккинчи босқичига қадам қўйди. Ушбу босқич бозор муносабатларига ўтиш тизимларини шакллантиришни якунлаш, мамлакат халқ хўжалигини ҳар томонлама ривожланиши, милтий валютани барқарорлаштириш ва унинг ички конвертациясини таъминлаш билан боғлиқ. Бу босқичда давлат мулкини хусусийлаштиришни якунлаш ҳамда иқтисодиётни хомашё етинитириб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш кўзда тутилган. Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг юқорида зикр қилинган иккинчи босқичида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва халқ хўжалиги ўзак тармоқлари ўсишини таъминлани, ишлаб

чиқаришда ахоли кенг истеъмол молларига кўра уларнинг эҳтиёжини назарда тутиб, ўзгаришлар қилиш ва бошқа ҳаётий масалалар ҳал қилинмоқда.

Мустақиллик туфайли мамлакат иқтисодиёт тармоқларида қатор таркибий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, мамлакат халқ ҳўжалигининг етакчи соҳаси — саноатда импортнинг ўрнини боса оладиган товарлар ишлаб чиқариш мулкни давлат та-сарруфидан чиқариш орқали турли хил мулкчилик формаларини шакллантириш нефть ишлаб чиқариш кўламини кескин кўпайтириш ҳамда ғалла стиштириш географиясини кенгайтириш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ахолининг ушбу ҳаётий муҳим маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш орқали давлат импорти ҳажмини тушириб боришга эриншишга қаратилган йўналишларга иқтисодий сиёсатда устуворлик берилади.



Хорижий ва МДҲ мамлакатларининг ташкил савдодаги саломги (якунга нисбатан фоиз ҳисобида)

Эндиликда мамлакат иқтисодий салоҳиятида турли хил мулкчилик формалари шаклланмоқда. Ҳўжалик юритувчи

субъектлар тарзида фаолият кўрсатаётган ушбу корхоналарнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

2001 йилда республика худудида 99,8 минг ўрта ва кичик бизнес корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри (15,3 фоиз), Самарканд (10,2 фоиз), Тошкент вилояти (8,5 фоиз), Фарғона (8,5 фоиз) ва Андижон (8,2 фоиз) вилоятларида жойлашган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик ва ташкилий-хукуқий шакллари таркибида давлат корхоналари 11,2 фоиз, жамоа корхоналари 40,3 фоиз, хусусий корхоналар 45,1, қўшма ва чет эл корхоналари 1,9 фоизни эгаллайди.

Давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг кўпчилиги қурилиш (35,7 фоиз), соғлиқни сақлаш (14,9 фоиз), саноат (10,4 фоиз) ҳамда қишлоқ хўжалиги (8,9 фоиз), савдо (8,4 фоиз) соҳаларига тўғри келади.

Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан ислоҳ қилиниши билан унинг етакчи тармоқларида, бир томондан, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида кескин ўзгаришлар кузатилмоқда, иккинчи томондан эса, йил сайин давлат секторининг ҳиссаси нодавлат секторига нисбатан тушиб борипни кузатилмоқда. 1998 йилга келиб республикада иқтисодиёт тармоқлари бўйича давлат ва нодавлат сектори нисбати қуидагича кўринишга (фоиз ҳисобида) эга бўлди:

35-жадвал

2002 йилда Ўзбекистонда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати

	Давлат мулки	Нодавлат мулки
Ялии ички маҳсулот	26,7	73,3
Саноат маҳсулоти ишилаб чиқарни	28,6	71,4
Ялии қишлоқ хўжалик маҳсулоти	0,9	99,1
Асосий капиталга инвестициялар	40,9	59,1
Чакана товар айланаси	2,4	97,6
Пуллик хизматлар	38,3	61,7
Иқтисодиётда банд бўлганилар сони	23,4	76,6

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида бошқа МДҲ давлатларидаги каби бизнинг республикамиз ҳам анчагина иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирган эди. Улар бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан хўжаликда таркибий қайта қуриш, эски республикалар билан иқтисодий кооперация ва ихтисослашув алоқаларнинг узилиши,

ҳамда бошқа обьектив ва субъектив сабаблар туфайли содир бўлган эди. Собиқ Иттифоқ давлатлари орасида Ўзбекистон ўтиши даврида ёқ иқтисодий барқарорликкагина эмас, ҳатто унинг ўсишини таъминлаган ягона мамлакат бўлиб келмоқда.

1997-1998 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ҳажми 4,4 фоизга ўсган бўлса, Россияда 4,6, Қозоғистонда 1,7 фоизга қиекарган. Мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиши деярли барча ишлаб чиқарини ва хизмат кўрсатини соҳалари хисобига юз берди (36-жадвал).

36-жадвал

2001 ва 2002 йилда ялпи ички маҳсулот таркиби ўзгариши

	2001 йил	2002 йил
Иктилоҳий бўйича, жами шу жумладан:	100	100
Тармоқлар ясни кўнимимча киймати	88,1	88,3
Улардан		
Саноат	14,1	14,1
Кишиюқ ҳўжалиги	30,0	30,6
Транспорт ва алоқа	7,5	8,2
Курилни	5,8	4,9
Сайдо ва умумоқатланниш	10,4	9,8
Боника соҳалар (хизмат кўрсатини соҳасини кўшган холда)	20,3	20,7
Маҳсулот ва экспорт-импорт мӯоммалаларига соғф соликлар	11,9	11,7

Бозор иқтисодига қадамба-қадам ўтиш натижасида ЯИМда подавлат секторининг улуши барқарор (1997-2001 йилларда 63,5 фоиздан 64,5 фоизга) ўсиб бормоқда.

15.2. Саноат ва унинг етакчи тармоқлари

Ўзбекистон иқтисодиётида саноат ишлаб чиқарини етакчилик қиласи. У мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутиб, ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун моддий-техника воситаларини тўхтовсиз такрор ишлаб чиқариш манбан сифатида фаолият кўрсатади, иқтисодий районларнинг, вилоятларнинг, ижтимоий ишлаб чиқарини техникавий даражасини белгилаб беради ҳамда моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг ҳолатига таъсир кўрсатади.

Мамлакат асосий фонdlарнинг 40 фоизи саноатга тўғри келади, ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизи саноатда яратилади. Иқтисодиётда банд бўлган меҳнат ресурсларининг салқам 13 фоизи (ёки 1,1 млн.дан ортиқ киши) саноат тармоқларида ишлайди. Эслатиб ўтиши жоизки, бу соҳада юқори малакали

мұхаидис-техник ходимлар, малакали ишчилар ишлайды. Мустақиллик йилларида республикада саноатни устувор ривожланғанда көптеген жаһамият берилди. Ички ва хорижий инвестициялардан самараги фойдаланиши, янги корхоналар қуриш, эскизарниң қайта жиһозлашы, замонавий технологияларни жорий этиш, корхоналар мұлк шаклларини ўзгартырған, ресурслардан оқилюна фойдаланиши ва ҳ.к. саноатнинг барқарор ривожланишини тәъминлашылады. Республика міндеттесінде 2001 йилда 1991 йилга нисбатан саноат ялпі махсулоти қажеттесінде 114 фоиз, Қыргызстанда 68 фоиз, Тожикистонда – 38 фоизни ташкил этди.

Узбекистонда айниқса, газ, нефть, кимё, машинасозлық, ранчылық металлургия, ёқилғы саноати тармоқлари жадал суръяттар билан ўсди. Саноат тараққиётини жадаллаштириш – валюта-мөлдөмияттың, халқ хұжалигининг ташқы бозорға қарамағынни заңғлаштирады. Саноатнинг истеъмол буюмлари билан ўзини-үзи тәъминлаши эса халқ турмушы даражасини күтаришини қаралатлады.

Ислохотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириши ва давлат тасарруғидан чиқарыш дастурига мувофиқ 1912 обьектілар мүлкчиликкінинг янги шаклларига айлантирилди, жұда күн күшімдегі корхоналар қурилды.

2000-2002 йиллар ўртасыда саноат тармоқларының хисобтағы олинган кичик ва микро фирмалар сони 194,4 мингдан 231,9 мингга етди.

2002 йилга келиб мамлакат саноат ишлаб чиқарышыда фаолият құрсатаёттан хұжалик юритувчи субъектлар таркиби умумий фоизга нисбатан қуйидагыча ўзгарды:

37-жадвал


Мамлакат саноатидаги корхоналар нисбати

	Давлат	Недавлат
Махсулот ва хизметтілдер қажеттесінде	28,6	71,4
Саноат ишлаб чиқарышында ходимлары сони	20,5	79,5

Мустақиллик йилларида саноатнинг янги, юқори технологияга әга бўлган тармоқлари (автомобилсозлық, радиотехника, мураккаб, малакали кадрталаб, машинасозлық ва ҳ.к.) вужудга келди. Ҳозирги вақтда республика саноат таркибидан 100 дан ортиқ тармоқ; ва тармоқчалар мавжуд бўлиб, улар бир неча мажмуналарни ташкил этади (38-жадвал).

2001й

2002й



- Электр энергия
- Ёкілді саноати
- Қорғы металлургия саноати
- Рангли металлургия саноати
- Кимё ва нефть-кимё саноати
- Машинасозлик ва металлни қайта иштеп саноати
- Ерточни қайта иштеп саноати
- Күриллиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озик-өвқат саноати
- Саноатнинг башка ишлаб чыгармалары

Бундан ташқари саноат маҳсулотларининг хусусияти уларнинг истеъмол қилиниши бошқа хусусиятларига қараб, оғир, енгил, озиқ-овқат хомашё, қайта ишловчи тармоқларга бўлинади. Мамлакатимиз вилоятлари саноат маҳсулоти таркибида ушбу турухларнинг нисбати жуда катта фарқ қиласди (38-жадвал). Навоий, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида хомашё тармоқлари, Самарканд, Сирдарё, Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро вилоятларида қайта ишловчи тармоқлар ривожланган. Навоий, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида оғир саноат тармоқлари, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларида енгил саноат тармоқлари, Самарканд, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида озиқ-овқат саноат тармоқлари улушининг катталиги билан ажралиб туради. Айрим вилоятларда саноат тармоқларининг улуси ҳар хил. Масалан, қайта ишловчи саноат Навоийда (20,3 фоизини), оғир саноат Бухоро, Андижон, Сурхондарёда (11,8-15,4 фоизни), енгил саноат Навоийда (1,8 фоизни) ташкил этади.

38-жадвал.

Ўзбекистон вилоятларида саноат маҳсулоти таркибида тармоқлар турхининг нисбати(2002 йил % билан)

Вилоятлар	Хоманиё тармоқлари	Қайта ишловчи тармоқлари	Оғир саноат	Енгил саноат	Озиқ-овқат саноати
Қўрақалийисто н Республикаси	21,7	73,8	27,4	33,0	35,1
Андижон	13,8	82,2	15,4	52,5	28,1
Бухоро	20,2	74,0	11,8	58,1	24,2
Жиззах	42,7	52,1	18,8	35,4	40,8
Қашқадарё	70,0	28,2	57,4	18,7	22,0
Навоий	75,6	20,3	92,6	1,8	1,5
Наманган	20,2	77,7	17,6	47,4	32,8
Самарканд	13,2	84,2	22,4	15,1	60,1
Сурхондарё	39,3	58,9	12,9	35,4	49,9
Сирдарё	14,2	84,5	68,4	13,6	16,8
Тошкент	39,0	50,2	77,4	3,8	15,8
Фарғона	55,4	42,5	63,7	17,9	16,3
Хоразм	20,5	78,2	42,8	27,2	28,7
Тошкент ш.	4,7	81,2	48,4	18,2	22,5

Эслатма: Хоманиё тармоқларига ёқилғи, пахта тозалари, қурилни материальлари, металлургия, қайта ишловчи тармоқларга электроенергетика, манифасозлик, химия, енгил ва озиқ-овқатроф-муҳит, оғир саноатта электроенергетика, манифасозлик, металлургия, қурилни материальлари, ёқилғи саноат тармоқлари киритилган.

Умуман, республика саноат тармоқларининг ҳозирги таркибида энг катта улушни ёқилғи саноати (24,1 фоиз) эгаллади (8-жадвал). Ундан кейин енгил саноат 19,8 фоизни, озиқ-овқат — 14,2 фоизни, металургия — 10,3 фоизни эгаллади.

39-жадвал.

Республика саноат тармоқларида асосий маҳсулот ишлаб чиқариши нисбатининг ўзгариши (фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	1994	1995	2001	2002
Бутун саноат	100,0	100,0	100,0	100,0
Ёқилғи-энергетика мажмуси	18,3	18,3	21,3	21,4
Металургия	14,1	13,9	12,3	15,1
Кимё ва нефть саноати	4,6	5,2	6,0	5,7
Маниннасозлик ва металлни қайта ишлани	7,3	8,8	11,2	9,9
Ёрғочоззлик	0,9	1,0	1,3	1,2
Курилни материаллари саноати	5,0	4,5	5,2	4,8
Енгил саноат	19,0	18,6	20,0	19,8
Озиқ-овқат саноати	9,7	9,8	12,6	14,2
Бошқа саноат тармоқлари	11,2	10,9	10,1	7,9

Ўзбекистон Ўрта Осиёда самолётлар, автомобиллар мотори, пахта териш, тозалаш, иш йигириув, тўкув машиналари, тракторлар, экскаваторлар, юқ кўтарувчи кранлар, лифтлар, қораметалл, прокат каби маҳсулотлар ва бошқа кўигина тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ягона мамлакатdir.

Энди мамлакат саноатини унинг мажмуси ва айрим тармоқлари таснифи тармоқлари орқали талқин қиласиз.

15.3. Ёқилғи-энергетика мажмуси

Мамлакат ёқилғи-энергетика саноатининг таркибга газ, нефть, кўмир саноатлари ва энергетика киради. Бу саноат мажмунинг мамлакат саноат ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси салким 35,0 фоизга тенг. Ўзбекистоннинг гарбий ва жанубий худудларида топилган нефть, газ ва кўмир конларининг катта захираларига таяниб йилдан-йилга мазкур саноат тармоқлари тез ривожлантирилмоқда. Эндиликда Ўзбекистон жаҳондаги ўн йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласи киради. Кидириб топилган газ захиралари 2 трилион кубометрга яқин, кўмир захиралари эса 2 миллиард тониадан ортиқ. Республика изи нефть захиралари ҳам бой.

Ёқилғи қазиб чиқарини суръатлари МОД мамлакатлари ичida энг юқори. Масалан, 1991-1996 йилларда нефть қазиб чиқа-

рини Россияда 61,5, Озарбайжонда 77,8, Қозогистонда 83,2, Ўзбекистонда эса 271 фоиз ўди. Шунингдек, газ қазиб чиқаришига республикамиз (117 фоиз), Россия (93,5 фоиз), Қозогистон (81 фоиз), Озарбайжон (73,2 фоиз) ва Туркманистон (41,7) та нисбатан анча юқори.

Нефть, газ ва электр энергия ўз эҳтиёжларимиз тўла таъминлабгина қолмай, шу билан бирга кўп миқдорда экспорт қилиш имконини ҳам бермоқда. Ҳозир бу мажмуя капитал маблағ сарфлаш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этишининг энг фойдали соҳаларидан бири бўлиб қолди. 1998 йилда ёқилғи energetika мажмууда республика бўйича инвестиция умум ҳажмидан 13 фоизи ўзлаштирилди.

Мазкур саноат мажмуи икки гурӯхга: ёқилғи саноати ва электр энергетика саноатига бўлишиади.

ЁҚИЛҒИ САНОАТИ

Ёқилғи саноати Ўзбекистон оғир саноатининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у табиий газ, нефть, қўмир қазиб чиқаринни ва уларни қайта ишлашни ҳамда тайёр маҳсулотни искеъмолчиларга етказиб беринни ўз ичига олади. Бу саноат ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган қўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланган ва ривожланиб бормоқда. Республикада захираси саноатда ишлатилиши мумкин бўлган дарражада хисобланган 160 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилган. Улардан 115 таси Бухоро-Хива ҳавзасида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Мазкур конларнинг газ, газ-конденсати, газ-нефть, нефть, газ-нефть конденсатли ва нефть-газ конденсатли турлари мавжуд.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноатининг йирик-йирик конлари ва уларнинг захиралари чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда ўрганилмоқда, иқтисодий жиҳатдан баҳоланмоқда, қазиб олинмоқда, қайта ишланмоқда. Мутахассислар баҳолашича, Ўзбекистоннинг ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика худудининг каријеб 60 фоизида уларни истиқболда қазиб олиш мумкин. Нефть ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақани ажратиб кўреатиш мумкин. Булар: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Фарғий Хисор, Сурхондарё, Фарғона минтақалариидир. Нефть ва газ ресурсларининг захиралари бир трилион АҚШ долларидан зиёд баҳоланмоқда³.

³ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ... 234-бет

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида мамлакат хуҳудидан тонилган 70 дан ортиқ нефть, газ ва газ конденсати конларидан ҳамда мавжуд учта кўмир конидан фойдаланимокда. 49 та нефть, газ ва газконденсат кони эса фойдаланишга тайёрлаб қўйилган.

Мамлакат ёқилғи саноати республика ёқилғи-энергетика маҷмуининг белгиловчи тармоғидир. У барча турдаги ёқилғи хомашёсини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Унинг хомашёни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган йирик корхоналари Бухорода (Қоровулбозор), Қашқадарё (Шўртан, Муборак), Тошкентда (Ангрен), Сурхондарёда (Шарғун, Тўда), Фарғонада жойлашган. Ёқилғи саноати тез ўсиб бормокда. Масалан, 1980 йилда мазкур саноат тармоғида республика саноат ялпи маҳсулотининг 8,8 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса эндиликда бу кўрсаткич салкам икки марта ўси. Республика саноатида банд бўлган саноат хизматчиларининг 6 фоизи ёқилғи саноати тармоқларида ишлашади.

Нефть саноати. Нефть мамлакат иқтисодиётидаги муҳим аҳамият қасб қиласи. Ундан ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари учун бир неча ўнлаб муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Нефтдан қайта ишлаш орқали олинадиган ёқилғи маҳсулотлари, кимё ва ёғловчи маҳсулотлари саноатининг турли тармоқларида ишлатилиади. Мамлакатимизда биринчи нефть кони 1904 йилда Фарғона водийси (Чимён)да очилган эди. Ушбу нефть захирасига таяниб, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи қурилган. Ўзбекистонда нефтни қайта ишлаш саноатининг барпо қилинишига асос яратди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейинги йилларда Фарғона водийси (Жанубий Оламушук, Польвонтош Андижон)да ва Жанубий Ўзбекистонда (Хаудак, Лалмикор) янги нефть конлари ишга туширилди ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Бироқ ҳар иккала заводнинг ишлаб чиқариш куввати кам бўлиб, нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёж четдан келтириш ҳисобига қондирилар эди. Мустакиллик туфайли нефть саноатида кескин бурилиш юз берди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида кўплаб йирик (жумладан, Кўклиумалоқ) конларининг ишга туширилиши натижасида нефть қазиб олиш кескин ўси. 1960 йилда 1,6 млн. тонна нефть (газ конденсати билан бирга), 1980 йилда 1,3, 1990 йилда 2,8, 1997 йилда 7,9 ва 2002 йилда 7,2 млн. тонна нефть қазиб олинди ёки 5 марта га ортди. Натижада, янги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди. Заводни лойиҳалаштириши ва барпо қилинида 1993 йилдан бош-

иаб Франциянинг «Текеп» фирмаси, Япониянинг «Марубени» ва «Жей-Жи-Си», Туркиянинг «Гама» компаниялари сармоя ва мутахассислари билан қатнашди. Заводнинг биринчи навбати 1997 йилнинг 22 августда ишга тушди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳам чет эл фирмалари иштирокида батамом янги жиҳоз ва технология билан қайта таъмирланди. Эндиликда мамлакатимизда нефтни қайта ишлаш саноати корхоналарида жаҳон андозаларига мос келадиган 50 дан ортиқ хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда: юксак октанли бензин (шу жумладан, Б-92 авиабензин), авиакеросин, суюлтирилган газ, дизел ёқилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, сигил автомобиллар учун мотор ва сурков мойлари, керосин, битум, мазут ва х.к. Бу маҳсулотлар мамлакат ички эҳтиёжини қондирибгина қолмай, уларнинг айримлари хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Республикамизда нефтнинг асосий қисми (92 фоизи) Қашқадарё вилоятида қазиб чиқарилади. У бироз микдорда Андижон, Сурхондарё, Навоий, Фарғона вилоятларида ҳам қазиб чиқарилади.

Газ саноати. У мамлакат ёқилғи-энергетика саноатининг энг ривожланган ва иқтисодиётда салмоқли тармоқdir. Уни қазиб олиш ва ишлатиш микдори катта тезлик билан ўсib бормоқда. Масалан, 1990 йилда мамлакатда 40,7 млрд. м³, 1995 йилда 48,6 млрд. м³, газ қазиб олинган бўлса, 2002 йилга қелиб унинг ҳажми 58,4 млрд. м³, дан ошиб кетди. Эндиликда Ўзбекистон газ захиралари ва қазиб чиқаришда дунёning биринчи 10 мамлакати сафига киради. МДҲ мамлакатларида эса Россия ва Қозогистондан кейин З ўринда туради. Газнинг Республика ёқилғи балансидаги ҳиссаси 2/3 га тенг.

Мамлакатимизда нефть билан йўлдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш урушдан олдин бошланган. Нефть газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун биринчи газопровод (15 км.) «Андижонсаноат — Андижон шаҳри ўргасида 1944 йилда қурилган. Бироқ, табиий газдан саноат мақсадларида фойдаланиш 1950-1960 йилларда бошланган. Йилма-йил мамлакат газ саноатининг географияси кенгайиб борди. Дастрлаб Фарғона водийсида, 1960 йилларда Бухоро ва Навоий вилоятларида, 1970 йиллардан бошлаб Қашқадарё вилоятида газнинг foят катта захиралари топилди.

Сурхондарё ва Қорақалпоғистоннинг худудларидан ҳам кўпгина газ конлари топилган ва олдин-кейин ишга туширилган.

Айниқса, республика газ саноатининг ривожлананиши бино-барин, Ўзбекистоннинг газ қазиб олишдаги шуҳратининг ошиби-

шида Жарқоқ ва Газли конларининг очилиши ва ишга туширилиши катта роль ўйнади. 1955 йилда Жарқоқ, 1956 йилда Газли нефть конларининг очилиши натижасида мамлакат газ саноатининг моддий базаси яратилди. 1958-1960 йилларда Жарқоқ — Бухоро — Самарканд — Тошкент газ қувури қурилди. Ушбу газ магистралининг қурилиши билан республикамизнинг мазкур зонадаги саноат марказлари, шаҳарлар ва кўпгина қишлоқларни газлашириш бошланди. 1962 йилда катта захирага эга бўлган Газли кони ишга туширилди. Натижада, зудлик билан газ қувурлари қурилди ва Ўзбекистон гази биринчи навбатда катта хажмда ўзга регионларга жўнатиладиган бўлди. Ўзбекистон гази собиқ Иттифоқнинг Европа қисмига, Уралга, Козогистонга, Қирғизистон ва Тожикистонга, шунингдек, Болтиқбўйи республикаларига беминнат жўнатаб турилди. Шу мақсадда мамлакатимизнинг Бухоро ва Навоий вилоятлари худудидан учта гигант газ қувури фоят тезлик билан қурилган эди. Жуда қисқа муддатда «Газли-Свердловский» (яъни Бухоро-Урал) газ қувури қурилди ва металлургия саноатининг маркази бўлган Уралнинг йирик шаҳарлари (ва йирик саноат корхоналари) ўзбек гази билан таъминланди. Ушбу қувур орқали металлургик Уралга ҳар йили 21 миллиард кубометр газ жўнатаб турилди. Иккинчи энг узун ва энг йирик газ қувури «Ўрта Осиё — Марказ» деб юритиларди. Бу газ қувури орқали Ўрта Осиё (яъни Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозогистон)дан Марказга йилига 30 миллиард кубометр газ жўнатилар эди. Учинчى йирик қувур «Бухоро — Тошкент — Бишкек — Олмаота» эди. Бу қувур орқали ўзбек гази Қозогистон ва Қирғизистоннинг пойтахтларига кириб борган эди.

Мамлакатда газ саноати уни қазиб олиш ҳажмининг ўсими билан ривожланиб кетди. 1960-1970 йилларда Ўзбекистон газ саноатида кескин ўзгариш юз берди. Шу йиллар ичida мамлакатда газ қазиб олиш 71,79 марта ўси (яъни 447 млн. кубометрдан 32 млрд. кубометрга етди). Мамлакат газ саноати факатгина янги газ конларини топиш ва ишга тушириш эвазига ривожланиб борди. 1971 йилда Устюртда Шахпахти газ кони ишга туширилди. 1970 йилдан бошлаб республикадаги (Андижон, Фарғона, Ангрен ИЭС дан ташқари) барча йирик иссиқлик электр станциялари газ ёқилғисига ўтказилди.

1972 йилда Қашқадарё вилоятида жойлапиган Муборак газни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилиб, газни магистрал газ қувурларига узатишдан олдин аралашмалардан то'залаш имкониятлари яратилди. Мазкур завод кенгайтирилиб, ишлаб чиқарип (газни қайта ишлаш) қуввати ортиб борди. 1994

шунда унинг тўртинчи навбати ишга туширилди. Эндиликда республика газ қазиб чиқарини саноатини ҳамда табиий газни ва газ конденсатини қайта ишлаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Энг йирик газ ва нефть конлари Жанубий-ғарбий Ҳисор ва Бухоро-Хива, Устюарт, Сурхондарё ва Фарғона миңтақаларида жойлашган. Энг йирик газ, нефть газ конденсат конларидан Газли, Муборак, Шўртан, Кўқдумалоқ, Қоровулбозор, Мингбулоқ хисобланади.

Хозирги вақтда Қашқадарё вилоятининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган ва захирасининг катталиги жиҳатидан мамлакатимизда тенги йўқ Шўртанда газ мажмуюи қурилган ҳамда олtingутурти камроқ бўлган табиий газни энергетика эҳтиёжлари учун регионларга узатиш мақсадида Шўртан — Сирдарё — Тошкент газ қувури ишга туширилган. Шунингдек, Газли — Чимкент газ қувури қурилиб, фойдаланишига топширилди. Шўртан газ мажмудида жаҳонда биринчи бўлиб молекуляр элак (галвир)лар қўлланилмоқда.

Мамлакатнинг кўпгина газ конлари (98%) олtingутуртли газdir. Шунинг учун ҳам газ конденсатини қайта ишлаш бўйича ишлаб турган ва лойиҳалаштирилаётган объектларнинг ҳаммасида олtingутуртли бирикмалардан фойдаланиш назарда тутилган. Эндиликда мамлакат ёқилғи-энергетика саноатининг гигантларига айланган Фарғона нефтни қайта ишлаш, Муборак газни қайта ишлаш заводлари ҳамда Шўртан газ мажмудида йилига 100 минг тоннага яқин суюлтирилган газ ишлаб чиқарилмоқда. 2002 йилда республика газ саноатида 54,8 млрд. кубометр табиий газ, 7,2 млн. тонна нефть ва газ конденсати олишга эришилди ҳамда 321 минг т. олtingутурт ишлаб чиқарилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларни газлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Республикаиздаги жами хонадонларнинг 70 фоиздан ортиғи газлаштирилган. Газ саноатини ривожлантиришда чет эл инвестициялари жалб этилмоқда. Биргина Ҳўжаабод ер ости газ омборини қуришга 70 млн. АҚШ доллари сарфланди.

Шундай қилиб, мамлакатнинг нефть ва газ маҳсулотлари га бўлган эҳтиёжини ўз ресурслари хисобига қондириш долзарб масалага айланган ва у янги-янги конларни топиш ва ишга тушириш натижасида ўзининг ижобий ечимини тоизмоқда. Республика ҳудудида йирик ҳолда иш олиб борган қўлмий ва ишлаб чиқариш тармоқлари бирлаштирилиб Ўзбекистон нефть газ саноати миллий корпорацияси («Ўзбекнефтьгаз») тузилган. Республикаиздинг бир қатор вилоятларида газ конлари бўлишига

қарамасдан ҳозирги вақтда табиий газни қазиб чиқаришда асосий ўринни Қашқадарё (88 фоиз) вилояти эгаллайди. Оз миқдорда табиий газ Бухоро (2 фоиз), Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларда ҳам қазиб чиқарилади.

Кўмир саноати. Мамлакатимиз ҳудудидан дастлабки кўмир қазиб олиш 1930 йилларнинг охирида бошланган. Тошкент вилоятининг Оҳангарон водийсида Ангрен, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё (Шарғун) ва Бойсун(Тўда) туманларида кўмир конлари бор.

Ангрен кўнгир кўмир конида 1940-1948 йиллардан буён очиқ ва ёпиқ усувларда кўмир қазиб олинади. 1941 йилда тошлигтан Шарғун конидан 1958 йилдан буён тошкўмир қазиб олинади. 1961 йилда Ангрен кўмир конида ер ости газогенераторларида кўмирни юқори босимдаги ҳаво оқими ёрдамида энергетик газга айлантирадиган «Еростигаз» станцияси қурилган.

Мамлакат халқ ҳўжалигининг кўмирга бўлган эҳтиёжи хамиша катта. Бироқ, мавжуд кўмир захираларининг йилдан-йилга камайиб кетиши кўмир қазиб олиш даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, мамлакатда 1990 йилда салкам 6,4 млн. тонна кўмир қазиб олинган бўлса, эндиликда унинг ҳажми икки марта пасайиб кетди. Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСларнинг тўла кўмирга ўтказилиши билан мамлакатнинг кўмирга бўлган йиллик эҳтиёжи 8-9 млн. тоннага етди. Бундай эҳтиёжни қондириши Бойсун туманида тошилган Тўда тошкўмир конини тезрок ишга туширишни тақозо қиласи.

Гидроэлектр энергия олиш учун Ўзбекистоннинг имкониятлари анча катта. Мамлакат гидроэнергетика ресурсларини аниқлашда бирмунча ишлар қилинган, яъни регионларимиз ҳудудидан оқиб ўтадиган бир қатор дарёларнинг энергия ҳосил қилиш куввати аниқланган ва талайгина гидравлик электр станция(ГЭС)лар ҳам қурилган. Республикадаги дастлабки электр станциялар гидравлик эди ва бундай иш мақсадга мувофиқ эди. Чунки асримизнинг бошида мамлакатда ёқилғи ресурслари конлари очилмаган, захиралари аниқлашмаган эдикӣ, патижада четдан ёқилғи келтириб иссиқлик электр станциялари қуриш қимматга тушар эди.

Сув кувватидан фойдаланишининг эса икки томонлама, яъни электр энергияси олиш ва янги ерларни суфориш учун ўзлаштириш аҳамияти бор эди. Шунингдек, Ўзбекистондаги дастлабки ГЭСлар асосан каналларда, кичик дарёларда қурилиб, иқтисодий ва техник жиҳатдан арzonга тушар эди.

Электр энергетика саноати. Электрлаштириши саноатни жойлаштиришига ғоят катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир икки

чил йўналишда бўлади. Одатда, электр энергия катта масофага узатилади бу эса мамлакатнинг узоқ регионларида ҳам ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга бир хил ёрдам беради. Бундан ташқари муайян жойда арzon энергиянинг мавжуд бўнини энергияни кўп истеъмол қиласидиган ишлаб чиқаришни ривожлантиришини тақозо қиласиди.

Дарҳақиқат, электр энергетика саноатини жойлаштиришда зикр қилинган ҳолатлар ва саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш қонуниятларига амал қиласиди. Электр энергетика саноатининг жойланиши-тирилиши ва ривожлантирилишига ёқилғи ва гидроэнергетика ресурслари географияси, ишлаб чиқариш-даги ва электр энергия етказиб беришдаги техника тараққиёти ҳамда энергия истеъмол қилувчиларнинг жойлашиши таъсир кўрсатади. Товар шаклида маҳсулот ишлаб чиқариш билан электр энергияси ишлаб чиқаришнинг фарқи иккинчисида уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг бир вақтга тўғри келишида кўринади. Бундай ҳолат эса, электр станцияларининг энергияни истеъмол қилувчи районлар билан алоқасини кучайтиради.

Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш ва ундан халъ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланишининг ўз тарихи бор. Мамлакатда дастлаб электр кувватидан фойдаланиш XX асрнинг бошларига тўғри келади. Тошкентда дастлаб иккита электр станция қурилган. Уларнинг бири (куввати 1450 квт.) трамвайнин ток билан таъминлаш, иккинчиси (куввати 125 квт) шаҳарни ёритиш мақсадида қурилган. 1913 йилда Ўзбекистон ҳудудида умумий куввати 3 квт. бўлган 6 та дизел электр станция ишлаган, уларнинг ийлиқ куввати 3,3 млн. квт. га тенг бўлган.

Ўзбекистонда ГЭСлар қуриш ишлари 1926 йилда Тошкентда Бўзсув ГЭСини қуриш билан бошланиб кетди. Ўша даврда Бўзсув ГЭСи Ўрта Осиёда биринчи ва йирик энергетика инишоти эди. Иккинчи жаҳон урушигача Бўзсув дарёсида ва Бўзсув каналида Қодирия, Бўржар, Товоқсой ва бошқа ГЭСлар қурилди. 1948 йилда Фарход ГЭСи қурилди. Сўнгра Чирчиқ-Бўзсув сув тармоқларида, Шаҳрихонсой ва Намангансой дарёларида, Дағом, Ҳазарбоғ, Кумкўргон каналларида қатор ГЭСлар қурилди. Натижада республиканинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи 1955 йилга келиб ГЭСлар хисобида 65 фоизга қондирилди.

Аслида мамлакатнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини ГЭСларга таяниб қондиришнинг афзаликлари жуда кўп. Биринчидан, ГЭСларда электр энергияси ишлаб чиқариши экологик ҳолатни тоза сақлайди, иккинчидан, ёқилғи ресурсларини тежайди. ГЭСлар қуриши натижасида вужудга келган сув омборла-

ри эса янги ерларни сугоришига имкон яратади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизнинг бой гидроэнергетика ресурсларини тўла ўрганиш ва уни ишлаб чиқаришига кенг жалб этиш катта аҳамият касб этади. Бундай имкониятлар эса мамлакатимизнинг аксарият вилоятлар дарёларида, магистрал каналларида мавжуд.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариши кучларининг ривожланиб бориши (ва айниқса, электр энергияни кўп истеъмол қилувчи саноат тармоқларининг вужудга келиши), шаҳарлар сони ва географиясининг кенгайиши мамлакатнинг бир қатор вилоятларида ГЭС ва ИЭСлар куришни тақозо қилди. Айниқса, йирик-йирик ёқилғи ресурсларига эга бўлган конларнинг топилиши ва ишга туширилиши мамлакат энергетика саноатининг тез ривожланишига олиб келди.

Мамлакат электр энергетика саноати 1960-1970 йилларда биринчи марта, 1970—1980 йилларда иккинчи марта, 1980-1990 йилларда эса учинчи марта ўз таракқиёт босқичининг юксак кўрсаткичларига эришиди. Шу даврларда мамлакатда энг кудратли Тошкент (куввати 1860 минг квт.), Навоий (1250 минг квт.), Тахиатош (730 минг квт.), Сирдарё (3,0 млн. квт.), Ангрен (484 минг квт.), Янгиангрен (1,8 млн. квт.) ГРЭС гигантлари қурилди ва ишга туширилди.

Мамлакат электр энергия балансида сув ресурсларидан фойдаланиш ҳам сезиларли даражада ўёди. Қатор дарё ва каналларда ҳамда сув омборларининг тўғонларида янги ГЭСлар қурилди. Улар орасида республикамида энг йирик — Чорвоқ ГЭСини кўрсатиш мумкин. Куввати 620,5 минг квт. бўлган Чорвоқ ГЭСини куриш учун баландлиги 160 метрлик тўғон ва катта сув омбори барпо қилинди. 1980 йилларнинг бошида Чирчиқ дарёсида Хўжакент ГЭСи (165 минг квт.), кейинчалик Қорадарёда Андижон ГЭСи (110 минг квт.), Амударёда Туямўйин ГЭСи (70 минг квт.), Тўполон сув омборида Тўполон ГЭСи (50 минг квт.) қурилди ва х. к.

Мамлакатда иссиқлик ва гидравлик электр станцияларини қуриш ва ишга тушириш билан электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда.

Хозирги вақтда республикамида мавжуд бўлган электростанцияларда ўрнатилган умумий қувват 11640 МВТни ташкил этади, шундан 85,3 фоизи иссиқлик, 14,7 фоизи гидроэлектр станцияларига тўғри келади. Республикамида электр энергияси ишлаб чиқариш 2000 йилдаги 56,6 млн. квт. дан 2002 йилга келиб 49,3 млрд. квт соатга етди.

Республикамизнинг қатор регионларида электр энергияси ишлаб чиқаришнинг қўнайиши ва натижада энергетика саноати

ининг ривожланиши унинг халқ хўжалигидаги салоҳиятини ошириб юборди. Айни бир пайтда энергетика тизимларини бирлангтириш халқ хўжалигида электр таъминоти сифати ва барқ аорорлигини тубдан яхшилади, гидроресурслар ва ёқилғидан оқилюна фойдаланиш имкониятларини яратді. Эндиликда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмумини электрлангтиришда катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, янги ерларни узлаштириш учун барпо қилинган юзлаб йирик насос станцияларини электр энергияси билан таъминлаш қишлоқ хўжалигига электр кувватидан фойдаланишга талабни ошириб юборди. Шундай қилиб XXI асрнинг бусагасида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик корхоналари, туман марказлари, шаҳарчалар, шаҳарлар энергия тизими тармоқларига бирлаштирилган ва Ўзбекистоннинг ягона энергия тизими яратилди. 1970 йилдаёқ мамлакатимизда ялпи электрлангтириш масаласи ниҳоясига етган. Ҳозирга вақтда Ўзбекистон электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириб қолмасдан, балки маълум қисм электр энергияни четга экспорт қилмоқда.

Эндиликда мамлакатда 9 та энергетика тизими мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистонни МОДнинг барча давлатлари билан боғлайди. Мамлакатда (ва МОД аро) энергетика тизимининг ташкил қилиниши электр транспортини ривожлантиришни тақозо қилди. МОДдаги йирик электр станцияларни саноат марказлари билан боғловчи юқори вольтли электр ўзаткичлар курилган.

Электр энергияси ишлаб чиқаришда Тошкент (45 фоиз) ва Сирдарё (28,5 фоиз) вилоятлари ниҳоят катта улушни эгаллайди. Шунингдек, Навоий (15 фоиз) вилояти ва Қорақалпогистон Республикаси (6 фоиз), Фарғона (2,2 фоиз) вилоятининг ҳам маълум ҳиссаси бор.

Ўзбекистон энергетика саноатининг истиқболлари катта. Яқин келажакда бу ерда куввати энг юқори бўлган Толлимаржон ГРЭСи (3,2 млн. квт.), Қорақалпогистон ва Хива ГРЭСлари ва бошқа бир қанча гидравлик электр станциялари қурилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда йилига 50 млрд. ҚВт-с. электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

15.4. Металлургия мажмуи

Мамлакат металлургия мажмуи унинг оғир саноатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у бутун саноат ишлаб чиқаришининг 13,9 фоиз маҳсулотини беради. Ушбу саноат мажмуи республикада таркиб топган рангли металлургия ва қора металлургия саноат тармоқларини ўз ичига олади.

Рангли металлургия саноати. Саноатнинг ушбу турининг ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Бу ерда қадимда мисдан, қалай, кумуш ва олтингдан уларни қайта ишлаш (эритиш, қўйиш, қиздириш) орқали буюмлар, нақшлар, безаклар тайёрланган, танга пуллар зарб қилинган.

Қадимда Фарғона ва Зарафшон, Чирчиқ ва Оҳангарон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида бир қанча шаҳарларда заргарлик, мисгарлик темирчиликнинг, ривожланганлиги рангли металлар ва уларнинг қотишмаларидан маҳаллий аҳоли фойдаланганидан гувоҳлик беради.

Рангли металлургия 30-йилларда маҳаллий минерал хомашё ресурслари замирида саноатнинг алоҳида тармоғи тарзидан шаклланди. Республикамиз худуди рангли металл хомашёдарига жуда бой. Бир қанча рангли металл захиралари бўйича Ўзбекистон МДҲдагина эмас, балки жаҳонда олдинги ўринларда туради. Масалан, у олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда туради. Мис, уран захиралари бўйича дунёning олдинги ўнлик мамлакатлари қаторидан ўрин олган. Бу ердаги рангли рудалар тарқибида рух, қўроғин, кумуш, молибден, вольфрам, қадмий, индий, теллур, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар кўпдир. Рангли ва нодир металлнинг йирик захиралари Марказий Қизилқум, Жанубий Тянь-шянъ, Чотқол-Курама, Нурота, Молғузор, Жанубий Фарғона минтақаларида жойлашган. Топилган конларни саноат миёсида ўзлаштириш йўлга қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам эндиликада Ўзбекистон рангли металлар ишлаб чиқарип бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгалламоқда.

Олтин қазиб олиш саноати. Ўзбекистонда бирмунча олдин мазкур саноатнинг тармоғи шаклланган бўлса ҳам, у ўзга регионларга хизмат қиласр эди. Фақат мустақиллик натижасида олтин саноатида ривожланишининг янги босқичига қадам қўйилди.

Мамлакатда олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижасида каттагина олтин захираларига бой бўлган Мурунтов, Олмалиқ, Маржонбулоқ, Чормитан, Кучбулоқ, Каулди, Чодак, Қизилолмалисой, Ёзаксой, Қорақўтон, Пирмироб каби 30 дан ортиқ олтин конлари топилиб, уларнинг бир қисми саноатда ишлатилмоқда. Марказий Қизилқумдаги Мурунтов олтин конининг бутун дунёга донғи кетган.

Мамлакатимизда олтин саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, бу ишга чет эл инвестициялари, мутахассислари, техника ва технологиялари жалб қилинмоқда, қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йили «Ўзбеколтин»

официалмаси негизида эндиликда Ўзбекистон Республикасининг кимматбаҳо металлар давлат қўмитаси ташкил этилди ва у 1994 йилда Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари ўюшмаси («Ўзолмосолтин»)га айлантирилган. «Ўзолмосолтин» ўюшмаси (Тошкент шаҳри) ва унинг бошқаруви Навоий шаҳрида бўлган «Қизилқумкамёбметаллолтин» концерни (1991 йилдан) фаолият кўрсатмоқда. «Ўзолмосолтин» таркибида Ангрен (Ангрен шаҳрида), Маржонбулоқ (Жиззах вилояти), Чодак (Наманган вилояти), Каулди (Тошкент вилояти), Зармитин (Самарқанд вилояти) олтин қазиб олиш конлари, шунингдек, «Қизилқум» (Тошкент), «Зарница» (Ангрен) олтин изловчилар артеллари, Ўрта Осиё раигли металлар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти (Тошкент), «Олмос» олмос қирралаш фабрикаси (Тошкент вилояти, Бурчмулла) ва бошқа олтин қазиб олиш саноати билан боғлиқ ташкилотлар бор.

Мамлакат олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази «Қизилқумкамёбметаллолтин» концернининг бош корхонаси — Навоий комметаллургия комбинатидир. Мазкур комбинат мамлакат олтин саноатининг дурдонаси ҳисобланади. У дастлаб 1958 йилда Мурунтов ва Қизилқумининг бошқа сочма олтин конларини ишга тушириш мақсадида қурилган. Унинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудук шаҳарларида жойлашган. Мазкур шаҳарларда янги қувватларни ишга тушириш ва шу орқали олтин қазиб олиш саноатининг қувватини ошириб борилиши йил сайин жадаллашмоқда. Шунинг ҳам Ўзбекистоннинг жаҳон олтин саноатида мавқеи ошиб бормокда. 1991 йилда Ўзбекистон жаҳонда олтин қазиб олиш бўйича саккизинчи ўринда бўлган бўлса, эндиликда у еттинчи ўринга чиқиб олди.

Ўзбекистонда олтин саноатини ривожлантириш жараёнида хориж технологиясидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, олтин саноатини кенг ривожланган АҚШ билан ҳамкорликда 1993 йилда Зарафшонда Мурунтов руда чиқиндишлардан олтин ажратиб олиш юзасидан «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси (йиллик қуввати 12—13 тонна) қурилиши бошланган эди. Бу гигант қурилишига 150 млн. АҚШ доллари инвестиция қилиниб ғоят қисқа фурсатда — 1995 йил. инг май ойида маҳсулот бера бошлади. Бундан ташқари Буюк Британиянинг «Лонро» фирмаси билан ҳамкорликда Марказий Қизилқумда олтин рудалари конини ишга тушириш ва олтин ажратиб олиш мақсадида «Амантайту Голфидз» қўшма корхонаси қурила бошланди. «Лонро» фирмаси ушбу дастурга бошланғич маблағ сифатида 250 млн. АҚШ долларини инвестиция қилиди.

Ўзбекистон олтин сифати жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринларда туради. Унинг сифати тўртта — 9999 билан ифодаланади. Навоий кон-металлургия комбинатида олинган олтин ём билар Лондон рангли металлар биржасининг сертификатини олган (1994).

Мис ва бошқа рангли металлар қазиб олиш ва ишлаб чиқариш саноати мамлакат машинасозлик саноатида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда рангли металлургия саноатининг мазкур тармоқлари 1930 йилларнинг, Ўрталаридан бошлаб шаклана бошлади. 1935 йилда конларни ишга солиши жараёнида вольфрам-молибден, 1941 йилда флюорит, 1952 йилда кўргошин-рух, 1955 йилда мис қазиб чиқариши ва бойитиш ҳамда уларни концентратларини тайёрлаш саноати вужудга келди.

Эндиликда мамлакат рангли металлургия саноатининг иирик корхоналари Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа бардошли Чирчик қотишмалар комбинати, Ингичка ҳамда Қўйтош кон бошқармалари ва бошқалардир.

Мамлакат рангли металлургиясида олтиндан кейин миснинг салоҳияти катта. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг асосий маҳсулотларидан бири ҳам мисдир. Мазкур комбинатда уни қазиб олиш, бойитиш, пишириш, эритиш, хомаки ва сўнгра тоза мис тайёрлаш жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада йўлга қўйилган.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати мамлакат рангли металлургия саноатининг мажмуаси ва кўрки.

Тармоқнинг етакчи корхонаси ва тутал металлургия циклига эга бўлган мазкур комбинат мис мажмуаси Қалмоққир мис кони (1954), руда бойитиш фабрикаси (1957), металлургия заводи (1962)дан иборат.

Республикамизда йилига 83-85 минг тоннадан ортиқ мис ишлаб чиқарилмоқда.

1998 йилда металлургия мажмуасини ривожлантиришга 3,9 млрд. сўм маблағ сарфланди. Навоий, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қайта эрийдиган металлар комбинати, Ўзметкомбинат корхоналарини қайта қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Биргина Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг харажатлари 200 млн. АҚШ доллари миқдорига тенг бўлган қайта қуриш (реконструкция) лойиҳаси чет эл инвесторлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

Маълумки, табиатда турли хилдаги рангли металлар аралашган ҳолда учрайди. Ўзбекистон мис рудаларида мис билан бирга рангли металларнинг 15 дан ортиқ тури, чунончи, олтин,

күмүш, молибден, кадмий, индий, теллур, висмут, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар ҳам қазиб олинади. Рангли металларнинг жуда катта захиралари Чотқол-Қурама тоғларида жойлашган. Ўндаги Қалмоққир мис кони ўта ноёб ҳисобланали. Шу ерда жойлашган Даъний кони ҳам катта аҳамиятга эга. Мис, қўрғошин, рух Қорамазор, Қўрғошинкон, Бурчмулла, Обирахмат, Таноб, Ҳандиза, Учқулоч, Чодак, вольфрам конлари Қўйтош, Ингичка, Лангарда қазиб олинади. Фарғона водийсида ўнлаб сурма ва симоб конлари очилган. Умуман, Республика мизда 40га яқин рангли металлургия корхоналари бўлиб, уларда 65,4 мингдан ортиқ ишчилар ишлайди.

Қора металлургия саноати. Ўзбекистонда дастлабки қора металл ишлаб чиқаришга 1940 йилларда асос солинган. Жўмладан, 1942 йилда мамлакатда биринчи (Бекобод шахрида) замонавий металлургия заводи қуришга киришилган. 1944 йилда эса Бекобод металлургия заводида дастлабки маҳсулот — металл эритмаси олинган. Кейинчалик металлургия заводи кенгайиб, унинг цехлари кўпайиб ва ишлаб чиқариш қуввати ошиб борган. Жўмладан, 1944 декабрида завода металл қўйини цехи ишга тушган. 1945 йилнинг февралида эса иккинчи мартен печи, 1949 йилда учинчи мартен печи қуриб ишга туширилган. Шунингдек, 1946 ва 1949 йилларда завода «300» ва «700» прокат станлари қуриб ишга туширилган. 1962 йилда эса узлуксиз пўлат қуюв қурилмаси ишга туширилган.

Давр ўтиши ва янги цехларнинг қурилиши билан Бекобод металлургия заводининг ишлаб чиқариш қуввати ортиб борган ва корхонанинг ўзи йирик металлургия комбинатига айланган.

Умуман, республикамизда йилига 460 минг т нўлат ва 420 минг т прокат ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакат қора металлургия саноатини ривожлантириш мустакил Ўзбекистон учун долзарб масаладир. Шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам қора металлургия хомашёлари — темир, титан, марганең, хром ва бошқаларнинг анчагина захиралари аниқланди. Жўмладан, чўқинди жиссли темир руда конлари Оролбуйи регионида, Қизилқумда, Жizzах вилояти ҳудудида учрайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Жizzахнинг Фориш тумани ҳудудидан тошилган (1999 йил) темир руда таркибида 60 фоиз тоза темир бор. Шунингдек, қора металлургия саноатини ривожлантиришга хизмат қиласидиган Қорақалпоғистонда Тебинбулоқ титан-магний кони, Зарафшон, Қаратепа, Полабулоқ марганең конлари, Томдитоғ, Султон Увайсда ва Фарғона водийсида хром конлари топилган. Ана шу ва бошқа конлар захираларини аниқлаш ва уларни ишга

тушириш натижасида келажакда Бекобод металлургия заводи-ни түлиқ циклга ўтказиш имкониятлари туғилади. Шунингдек, Марказий Қозоғистон темир рудаларини импорт қилиш бу мұ-аммони ҳал қилишин тезлаштириши мүмкін.

15.5. Машинасозлик мажмуи

Ўзбекистон машинасозлиги оғир саноатнинг энг йирик ва етакчи тармоғидир. Унинг ахамиятты фан-техника ютуқларини халқ хўжалигининг барча тармоқларида жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарип жараёлларини механизациялаш ва автоматлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда намоён бўлади.

Ўзбекистон машинасозлик мажмуи узоқ йиллар мобайнида секинлик билан таркиб топди. Дастлабки машинасозлик саноати корхоналари XX асрнинг 20-йилларида вужудга келди. Ўша йиллари Ўзбекистонда металлга ишлов бериш саноати 14 та кичиқ таъмирлаш устахонасидан ташкил тонган эди. Уларда асосан темир йўл транспорти, пахта тозалаш ва ёғ заводларининг машина, асбоб ва ускуналарини таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Кейинчалик халқ хўжалиги тармоқлари ривожланиб бориши билан мамлакат машинасозлик саноатини барпо қилиш ва ривожлантиришга эҳтиёж ортган. 1927 йилда Тошкентда «Бошпахтасаноат» ташкилотининг механика заводи ишга туширилди. 1931 йилда эса мазкур завод негизида мамлакат пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарип ҳамда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлайдиган «Қишлоқмаш» — ҳозирги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи қурилди.

«Қишлоқмаш» кейинчалик мамлакатнинг энг йирик қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводига айланди. Дастлабки йилда бу заводда ўза сеялкалари, борона ва культиваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 1932 йилда Тошкентда экскаватор таъмирлаш заводи «Ирман» (ҳозирги «Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмаси), 1920 йилларнинг охирида Андижонда «Коммунар», Самарқандда «Колхозчи», Кўқонда «Большевик» ва бошқа заводлар ишга тушди. Шунингдек, 1936 йилда Тошкент шаҳридаги механика устахоналари негизида эҳтиёт қисмлар ва деталлар ишлаб чиқарадиган ҳозирги «Тошкимёқишлоқмаш» заводи, 1941 йилда эса Андижонда МТСлар негизида «Автотрактордетал» заводи ишга туширилди.

1920 йилда Тошкентда чўян заводи ва механика устахоналари базасида I-Туркестон заводи ташкил этилди ва бу

шюбд 1959 йилда машинасозлик бўйича давлат лойиҳа-конструкторлик технология бюросига айлантирилди. Ҳозирги вақтда ушбу бюро «Технолог» илмий-инплаб чиқариш бирлашмасига айлантирилган.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон машинасозлик мажмуи ривожланишига икки томонлама таъсир кўрсатди. Биринчидан, унгнинг сони, айниқса, фронт зонасидан кўчириб келтирилган заводлар хисобига кўпайди. Кўчириб келтирилган корхоналар орасида авиация заводи, карборунд заводи, «Подъемник» ва абразив заводлари, «Қизил Оқсой» (Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлик) заводи, «Ростсельмаш» ва бошқа заводлар борди. Иккинчидан, мамлакат ичкарисида мавжуд бўлган ва фарбий районлардан келтирилган заводларнинг катта қисми фронт ҳарбий техникаси учун эҳтиёт қисмлар, қурол-яроғ ва ўқдорилар ишлаб чиқариши йўналишида ривожлантирилди.

Урушдан кейин республика халқ хўжалигига қайта ишлаш, пахтачиликни ривожлантириш кенг қулоч ёзди. Пахтачилик, ирригация қурилиши, тўқимачилик ва кимё саноати учун турли хил машиналар ишлаб чиқаришга эҳтиёж ортди. Шунинг учун ҳам пахта териш ва пахта қатор ораларида ишлатиладиган машиналар, шунингдек, экскаваторлар, қўрикли электр кранлар, йигириш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон машинасозлиги саноатнинг кўп тармоқли турига айлантирилди. Шуни таъкидлаш жоизки, эндиликда бутун Марказий Осиё давлатлари машинасозлиги маҳсулотининг 2/3 қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакат машинасозлик мажмуи кўп тармоқлар бўлиб қолини билан бирга унинг иқтисодиётда ва айниқса, мамлакат миллий валюта тушумида ҳам улушни ортиб бормоқда. Айниқса, унинг МОД учун тамоман янги тармоғи — автомобилсозликнинг вужудга келиши тарихий воқеа бўлди. Агар 1940 йилда мамлакат машинасозлик саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулот микдорини бир деб қабул қиласак, у 1965 йилда — 220, 1975 йилда — 587, 1980 йилда — 936, 1985 йилда — 1272, 1990 йилда эса, 1539 марта ўсганини кўрамиз. Мамлакат ялпи саноат маҳсулоти умумий ҳажмида машинасозлик саноатининг ҳиссаси барқарорлашиб келмоқда. Асака шаҳрида барпо қилинган биргина енгил автомобиль заводининг ишга туширилиши ушбу барқарорлашувга ижобий тус берди ва мамлакат машинасозлик мажмуининг иқтисодиётдаги улушкини ошириди.

Машинасозлик мажмуасининг ҳудудий жойлашувида жуда кескин тафовутлар мавжуд бўлиб, бунда Тошкент шаҳри нихоят катта салмоқда (54,0 фоиз) эга, шунингдек, Тошкент (12,1

фоиз), Андижон (6,4 фоиз), Самарқанд, Фарғона (5,5 фоиз) вилоятларининг ҳам салмоғи анчагина. Лекин бу соҳада ҳануз-гача Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларининг салмоғи ниҳоятда пастлигича қолмоқда.

Автомобилсозлик. Саноатнинг бу тармоғи республикада янги. Уни ташкил қилиш ва ривожлантириш мамлакатимизнинг ички эҳтиёжи учун ўта мухим масала бўлишига қарамасдан сабиқ Марказ «Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқаришга йўл бўлсин» қабилида иш тутган эди.

Фақат мустақиллик мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланини қирраларини кенг очди ва, жумладан, Ўзбекистон автомобильсозлигини вужудга келтиришга объектив ишароит яратиб берди. Эндиликда республика автомобиль саноати таркиб топган ва ривожланишнинг дастлабки босқичига қадам қўйган. У енгил ва юқ автомобиллари, автобуслар, автомобиль двигателлари, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга тобора чуқур ихтинослашиб бормоқда.

Ўзбекистон автомобильсозлиги мустақиллик шарофати билан вужудга келган бўлса ҳам унинг ўз ривожланиш тарихи бор (Мамлакатдаги бир қатор автомобиль тузатиш (тальмирлаш) заводлари (1939), енгил машиналарга техника хизматини кўрсатадиган «Ўзавтотеххизмат», «Ўзавтовазхизмат» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхона ва ташкилотлар республика автомобиль саноатини вужудга келтиришда асос эди.

Республикада биринчи марта 1994 йилнинг марта «Ўзавтомаси» ўюнмаси ташкил этилди. Унинг таркибида 20 га яқин саноат корхоналари ва ташкилотлар бор. Автомобилсозлик соҳасида ишлаб турган ва янги қурилаётган заводлар негизида автомобиль индустрисини барпо этиш, енгил ва юқ автомобиллари, автобуслар, троллейбуслар ишлаб чиқариш ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш вазифалари ҳал этилмоқда. Шунингдек, мамлакатда автомобиль саноатига сервис хизматини ташкил қилиш, республика ҳалқ хўжалигининг автотранспорт техникасига бўлган эҳтиёжларини қондириш, автомобиль саноатининг рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиш вазифалари ҳам ҳал этилмоқда. Ўзбекистон автомобилсозликни ривожлантиришида чет эл илфор тажрибасига ва технологиясига таянмоқда ва қатор концерн ва корпорациялар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан Асака пахта ташийдиган тиркамалар заводи негизида енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган «ЎзДЭУавто» қўшима корхонасига асос солди.

Асака автомобиль заводи мамлакатимиз автомобиль саноатининг фахри. У Марказий Осиёда ягона. Жанубий Корея-нинг ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда қурилган ушбу заводнинг биринчи навбати 1996 йил мартада ишга туширилди. Микроавтобусларни серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1996 йилнинг 19 июлида эса заводнинг расмий очилиши ва ҳалқаро тақдимоти ўтказилди. Асака автозаводида «Нексия», «Дамас» «Тико» «Матиз» русумли тежамли автомобиллари республикамиз ахолисининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилимоқда ва ўнлаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ушбу заводни қайта реконструкция қилиш ишлари бошлиниб, яқин муддатда янги модель ва маркадаги автомашиналар ишлаб чиқариш режаси амалга оширилмоқда.

1999 йили Самарқанд шаҳрида Туркия Республикаси фирмалари билан ҳамкорликда яна бир автомобиль заводи ишга туширилди. Бу «Самрочавто» заводидир. У ҳам Марказий Осиёда ягона бўлиб, яқин вақт ичida йилига уч минг автобус, 1 минг юк машиналари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Янги автомобиль заводларида ишлаб чиқариш жараёнини доимо такомиллаштириб бориш, турли агрегатлар, автомобиль двигателлари, подшипниклар ва бошиқа кўн турдаги қисмларни республикамиз худудидаги корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, жумладан, 1993 йилдаёқ мамлакат автомобиль саноатини бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида «Автоэҳтиётқисм» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган эди. Республикани Тошкент, Шовот, Мархамат ва Охубобоев шаҳарларида жойлашган подшипник заводларида автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги учун подшипниклар ишлаб чиқарила бошлианди. Самарқанддаги «Красный двигатель» (1942й.) ишлаб чиқариш бирлашмаси автомобиль двигателларига эҳтиёт қисмлар, алюминий маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Автомобиль саноатига хизмат қилувчи янги катта ва кичик қўшма корхоналар Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент вилояти шаҳарларида кўплаб қурилмоқда. 2002 йил Республикаизда 35,1 минг автомобиль ишлаб чиқарилган.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги. Машинасозликнинг мазкур тури мамлакатимиз худудида 1930 йиллардаёқ шаклдана бошлаган эди. Уша йиллари «Бошпахтасаноат» механика заводида пахтачилик (язни, пахта қатор оралари)да ишлатиладиган, тупроққа ицилов берадиган машиналар, пахта тозалаш заводлари учун технологик жиҳозлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Республикамизда 1990 йилларнинг бошида тракторсозликка асос солинди. Тошкент трактор заводида, 30 от кучига эга бўлган, яъни «ТТЗ-30» русумли трактор, унга мосланган қишилоқ хўжалик машиналари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш ўзлаптирилди. 1993 йилдан бошлаб эса «ТТЗ-30» русумли трактор, унинг қисмларини серияли ишлаб чиқариш ўйлга кўйилди. 1994 йилда «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида дизель двигатели «ТТЗ-80/100» универсал чопик тракторлари синовдан ўтказилди. 1994 йилда республикада биринчи марта «ТТЗ-80 X» тракторларининг йирик саноат партиялари ишлаб чиқарилди. Сўнгра мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг мураккаб тармоқ тузилишига мослаштирилган турли хил қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарила бошлади. 1994—1999 йиллар мобайнида мамлакат машинасозлик саноат корхоналарида 45 дан ортиқ номда қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуна ва турли хил техника ишлаб чиқариш ўйлга кўйилди.

Мамлакатнинг тракторсозликдаги йирик корхонаси - «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси бўлиб, у пахтачилик тракторлари, универсал тракторлар, трактор тиркамалари, юклагичлар, металл қўймалар, штам-повкалар ишлаб чиқаради.

«Тошкент трактор заводи» — универсал корхона. Унда эндиликда пахтачилик мажмуи учун турли хил машиналар ишлаб чиқарилиши билан бирга металл қўйиш заводи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Тошкент агрегат заводи пахтачилик тракторларига орқа боғловчилар, эҳтиёт қисмлар, редукторлар ишлаб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган ва ҳар жиҳатдан техника воситалари билан таъминланган Ватанимизда барча техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда янги-янги қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводлари қурилмоқда, эскилари қайта таъмиirlанмоқда ва ишлаб чиқарилиш қувватлари оширилмоқда, уларнинг кўпида янги технологик асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. «Тошқишлоқмаш» заводи 1931 йилда инга тушган эди. У дастлаб пахтачилик учун турли хил техникалар ишлаб чиқарган бўлса, кейинчалик пахтачилик мажмунини техника билан таъминлашда муҳим роль уйнади.

Мамлакат қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғидаги гигант машинасозлик саноат корхоналари «Ўзбекқишлоқмаш» ва «Чирчиқкишлоқмаш» бирлашмалариидир. «Ўзбекқишлоқмаш» бирлашмаси фўза сеялкалари, кўсак чувиш машиналари, «ТТЗ-30» тракторига тирқаб ва осиб ишлатиладиган машиналар, пуркагичлар ҳамда паррандачилик учун жихозлар ишлаб чиқаради.

Қурилишига 1943 йилда асос солинган «Чирчиқкишлоқ-

мани» бирлашмаси эса мамлакат пахтацилигини ённасига механизациялаш учун машина ва механизмлар, гўза қатор ораларидан ишлатиладиган культиваторлар, ўғит солгичлар, ариқ қазгич-текислагичлар, пахта тозалаш саноати учун турли хил машиналар ишлаб чиқарди. Жумладан, ушбу заводларда пахтани тайёрлаш, қутиш, тозалаш, сақлашда қўлланиладиган машина ва мосламалар, аррали ва жували (валикли) жин машиналари, линтерлар, тола тозалагичлар, чигит тозалаш ва саралаш машиналари, транспортёрлар, пахта ғарамбузгичлари, пахта узатгичлар, туннел очиш машиналари, пахта ғарамларини шамоллатиш ва чанг тутиш машиналари, шунингдек, канонни қайта ишлаш машиналари чиқарилади.

Тўқимачилик, яъни пахтани иккиласи қайта ишлап учун «Ўзбектўқимачиликмаш» бирлашмасида (1971й.) турли хил машиналар ишлаб чиқарилади. Бирлашмада ишлик тайёрлаш, йигириш, халқали йигириш, йигириш-пинитиш машиналари, пиллакашлик ускуналари ишлаб чиқарилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия ва б.) фирмалар билан пахта териш, фалла ўриш машиналари, мини тракторлар ишлаб чиқаришда ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. 2002 йилда 3,1 минг дона трактор ишлаб чиқилди.

Мамлакатда радио электроника ва электротехника саноати машинасозлиги ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Саноатнинг мазкур тармоқларига иккинчи жаҳон уруши йилларида асос солинган. Тошкент кабел заводи (ҳозирги «Ўзкабелъ» давлат акционерлик жамияти), Тошкент радиолампа заводи («Фотон» акционерлик жамияти) алоқа дала симлари, генераторлар, қабул қилувчи ва қучайтирувчи радиолампалар, Чирчиқ трансформатор, Тошкент электротехника ва «Миконд» заводлари радиодеталлар, трансформаторлар, электротехника саноати учун шиша изоляторлар ва бошқа ускуналар ишлаб чиқармоқда.

«Зенит» заводи 1986 йилдан бошлаб ЭҲМ учун микроэлектроника элементлари, микросхемалар, масофадан туриб бошқариш тизимлари ишлаб чиқаришига ихтисослашган. Ушбу завод 1991 йилдан бошлаб Жанубий Кореянинг «Голдстар» фирмаси билан ҳамкорликда видеомагнитофон ва видеоплейерлар ҳамда ХХР нинг Синъцзян I-радио заводи билан ҳамкорликда рангли телевизорлар ишлаб чиқаришига ҳам йўлга қўйди.

Мамлакат машинасозлик саноати мустақиллик шарофати билан йилдан-йилга юксалиб, унинг металлкамталаб (ва айни бир пайтнинг ўзида ўта сифатли металлталаб), ўта малакали кад-

рталааб нозик ва нафис тармоқлари тобора ривожланиб бормоқда. Эндиликда мамлакатда шу хил машинасозликнинг «Ўзкабель», «Фотон», «Трансформатор», «Ўзэлектрапиарат», «Сигнал», «Оникс», «Андижонкабель», «Алгоритм» ва бошқа завод ва бирлашмаларида электрон компонентлар (яъни, тӯғриловчи устунлар, диодлар, дала транзисторлари), микроэлектрон тузилмалар, электрон микрофонлар, кучланиш кучайтиргичлар, телевизор трансформаторлари, кичик вольтли асбоблар, турли мақсадларга мўлжалланган кабеллар, симлар, ўзгарувчан ток электрдвигателлари, трансформаторлар, пайвандлани машиналари, электр аккумуляторлари, рангли телевизорлар, плейерлар, радионприёмниклар, билтур қандиллар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Самолётсозлик. Ўзбекистонда самолётсозликка 1941 йилда асос солинган. Уруш йилларида Тошкент авиаация заводида жанговор самолётлар ишлаб чиқарилган. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу завод урушдан кейин йўловчи ва юк ташишга ихтиносослашган самолётлар ишлаб чиқара бошлади. Жўумладан, 1958 йилдан транспорт самолётлари («ИЛ-14»), 1966 йилдан «АН-22» самолётлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. 1992 йилдан завод маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган 64 ўринли янги «ИЛ-114» самолётини чиқара бошлади. Ушбу самолёт 1999 йил май ойидан синовдан ўтди ва халқаро ҳаво йўлларида қатнашга кўйилди.

Мазкур завод 1996 йил май ойидан «Тошкент авиаация ишлаб чиқариш бирлашмаси»га айлантирилган эди. Бирлашма АҚШ, Россия, Украина самолётсозлик фирмалари билан ҳамкорликда янги тицдаги самолётлар ишлаб чиқариш устида муҳим тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Ўзбекистон самолётлари Ҳитой, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Самолётсозлик саноатимиз дунёдаги машхур фирма ва комианиялар (жумладан, «Боинг») билан ҳамкорликни йўлга кўйилмоқда.

Асбобсозлик саноати республика машинасозлигида маълум улушга эга. Унинг корхоналарида (Тошкент асбобсозлик, карборунид ва абразив заводларида) машинасозлик учун қирқув ва ўлчов асбоблари, слесарлик-созлаш асбоблари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Кимё ва нефть машинасозлиги мамлакат машина индустриясининг истиқболли тармоғига айланниб бормоқда. Унинг йирик саноат корхоналари - «Ўзбек-Кимёмаш» (Чирчиқ шахрида), «Компрессор» (Тошкент) ва Наманган машинасозлик заводларида кимё, микробиология, целлюлоза-қофоз тармоқлари

учун машина ва жиҳозлар, труба йиғиш, аммиак селитраси ва бошқа турдаги ўғитлар ишлаб чиқариш учун күчли мажмуали технологик линиялар, нефть ва газ саноати қудуқлари учун арматуралар, пўлат, титан қопқоқлар, зангламас сурма қопқоқлар ишлаб чиқарилади.

Қурилиш ва йўл қурилиши машинасозлигининг асосий саноат корхоналари Тошкент ва Андижон шаҳарларида жойлашган. 1932 йилда қурилган «Ўзбекгидрострой» (кейинчалик «Ирмаш», 1946 йилдан Тошкент экскаватор заводи, 1994 йилдан эса «Тошэкс» бирлашмаси), «Подъемник» (Тошкент), «Андижонирмаш» (1956), «Андижон гидравлика машинасозлиги» (1986), «Строммашина» заводи (Андижон) ва бошқалар турли марқадаги экскаваторлар, кўпприк электр кранлари, маҳсус грейферли, магнит грейферли, магнитли, кўп тиргакли осма кранлар, тўрт оёқли кранлар, ер текислайдиган машиналар, юклагичларнинг осма жиҳозлари, гидроцилиндрлар, манипуляторлар, гидротақсимлагичлар, З типдаги юклагичлар, насослар, дизеллар, турли хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради.

Самарқанддаги лифтсозлик заводи коммунал хўжалиги учун йўловчи ва юқ лифтлари, ёғочга ишлов берадиган станоклар ишлаб чиқаради.

Маданий-машиний рўзгор техникаси машинасозлиги Самарқанддаги «Сино» музлаттич заводи ва электр-куч асблори, универсал кино ва театр овоз техника апаратлари ишлаб чиқарадиган «Кинап» заводида йўлга қўйилган.

15.6. Кимё саноати

Кимё саноати мамлакат оғир саноатининг муҳим тармоқларидан биридир. Бир томондан, ресиубликада нефть, газ, кўмир саноатининг мунтазам ўсиб бориши (бинобарин, кимёвий хомашё миқёси ва географиясининг қенгайини), иккинчи томондан, ҳалқ хўжалигининг минерал ўғитлар, ҳар хил химиатлар, пластик массалар, сунъий тола, синтетик каучук, лок-бўёқ, кислота ва ишқорларга эҳтиёжи ортиб бориши мазкур саноат тармоғини ривожлантиришга объектив шарт-шароит яратган.

Мамлакат кимё саноати шунинг учун ҳам табиий равишида тез ривожланиб бормоқда. У айниқса, ёқилиғи-энергетика саноатининг хомашёси мўл бўлган регионларида тез ривожланмоқда.

Мамлакат кимё саноатида 750 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади, табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, озокерит, турли минераллар, оҳактош, графит, шунингдек рангли металлургия ва пахта-канопии қайта ишлаш чиқитларидан хо-

машё тарзида фойдаланилади. Республика изда ош ва калий тузлари, фосфорит ва сода хомашёлари, магний, натрий захира-лари ниҳоятда катта. Уларнинг йирик конлари Тубагатан, Бай-бичакан, Оқпат, Хўжайон, Лалмикон ва бошқалардир.

Республика кимё саноатининг асосий маҳсулоти минерал ўғитлардир. Қишлоқ хўжалиги учун ўта зарур бўлган аммофос, аммиак селитраси, аммоний сульфат, суперфосфат, карбамид, суюлтирилган аммиак, шунингдек, мураккаб азотли ва фосфорли ўғитлар Чирчиқ электр-кимё комбинатида, Фарғона азотли ўғитлар ва Самарқанд кимё заводларида, Навоий кимё ҳамда Олмалиқ «Аммофос» бирлашмаларида ишлаб чиқарилади.

Республика кимё саноати корхоналари бир йилда 2,8 млн. т азотли, 1,2—1,3 млн. т фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мамлакат ўзининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради ва маълум қисм (ўртача йилига 26—30 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда) ўғитни четга экспорт қиласиди. Бироқ, Узбекистонда калийли ўғит ишлаб чиқарилмайди. Шунинг учун Қашқадарё вилоятидаги калий тузлари негизида Тубагатан калий заводи қурилмоқда.

Кимё саноатининг гидролиз корхоналари этил спирти, фурфурол, озуқа ачитқилари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Андижон гидролиз заводи, Фарғона фуран бирлашмаси, Янгий-ўл биокимё заводлари шундай корхоналардир.

Республикада резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш Ангрендаги «Узбекрезинатехника» бирлашмаси, пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш Оҳангарон «Сан-техлит», Жizzах пластмасса қувурлари заводи, Тошкент «Рангли лак» фирмаси, Олмалиқ ва Наманган кимё заводларида амалга оширилади. «Узбекрезинатехника» бирлашмаси 1992 йилдан автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. У 1996 йилда енгил автомобиллар учун 1,5 миллион дона, юқ автомобиллари учун 200 минг дона шина ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга тушириди.

Органик синтез кимёси ҳам республика кимё саноатининг энди ривожланишиб келаётган тармоқларидан биридир. Унинг ривожланишига газ саноатидаги ўсиш ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда бу соҳаннинг йирик корхонаси Навоий кимё комбинатидир. Унинг таркибида ацетилен, сирка кислотаси, ацетил-целлюлоза, нитрон тола ишлаб чиқарадиган қувватлар яратилган. Фарғона ва Наманган кимё заводларида ацетат ипак, вискоз ипак ишлаб чиқарилмоқда. Бу сунъий толалардан газлама, гилам, трикотаж ишлаб чиқаришида фойдаланилади.

Кимё саноатининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлари лак-бўёқ ва майний кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарнига ихтисослашган. Тошкентдаги кимё саноати корхоналари лак-бўёқ Олмалиқ кимё комби-нати турли хил кир ювиш воситалари ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон кимё саноати корхона ва бирлашмаларида Хитой, АҚШ, Япония, Германия ва Италия фирмалари билан ҳамкорликда маҳаллий хомашёлардан янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноат чиқинидиларини қайта ишлашни автоматлашириш, кимё саноатининг экспорт имкониятини кенгайтириш, қўшима корхоналар қуриш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Кизилкум фосфорит комбинати (куввати 210 млн. тонналик), Кўнғирот каустик сода заводи, Тубатаган калий ўғитлар заводи ҳамда қўпгина қўшма корхоналар жадал суръатлар билан қурилмоқда.

15.7. Қурилиш материаллари саноати

Мамлакатимиз кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Бу саноатнинг хомашё ресурслари республикамизнинг барча минтақаларида жуда кўп миқдорда учрайди. Нометалл хомашёлардан дала шпати, асбест, глауконит, волластант, графит, тальк, абразивлар, гипс, цемент хомашёси, кварц қумлари, бетонит гили, фишт хомашёси кўп. Жумладан, волластанитнинг 50 га яқин, графитнинг 15 дан ортиқ, мармарнинг 20, графитнинг 30 дан ортиқ конлари тошилган.

Қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлардан топаз, феруза, тоф, хрустали, яшма, аметисит, халцедон, нефрит, лазурит, радонит, амазонит, агалъмотанитларнинг ҳам йирик-йирик захиралари мавжуд.

Мустақиллик йилларида қурилиш материаллари саноати ҳам деярли қайта қурилди, замонавий ускуналар, янги технология асосида жиҳозлантирилди. Жуда кўп қўшма корхоналар пайдо бўлди. Натижада кўп миқдорда ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тез ўсиб бормоқда.

1998 йилда тармоқ корхоналарида 3286 минг. т цемент, 718 млн. дона шартли фишт, 325,7 млн. шартли тахта асбоцепмент шиферлари, 7623 минг м² дераза ойналари, 854,6, минг м² ленолиум ишлаб чиқарилди.

Қурилиш материаллари саноати ўз ишлаб чиқариш хусусиятига қараб бир қатор тармоқларга бўлинади.

Цемент саноати. Мамлакатнинг Бекобод (1927), Қувасой (1932), Оҳангарон (1947), Навоий (1977) каби йирик саноат

корхоналарида цемент, текис ва тўлқинсимон шиферлар, асбоб-цемент қувурлар, минерал пахта (вата) ва ундан тайёланган буюмлар, цементкүм черепицалари ва қурилиш саноатининг бошиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Тоштарошлиқ (тошга сайқал бериш) ҳам қурилиш материаллари саноатида алоҳида аҳамият кашф қиласди. Бир томони тоғлар билан тулашиб кетган аксарият вилоятларимиз худудларида тоштарошлиқ яхши ривоҷланган. Саноатниң мазкур тури, айниқса, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ва Ўзбекистондаги ривоҷланган.

Қоплама тошлар захиралариning кўплиги ва хилма-хиллиги, тош жозибадорлиги бўйича Ўзбекистон кўпгина МДҲ давлатларидан олдинда туради. Республикада 30 дан ортиқ мармар, гранит, травертин (ғовак оҳак-тош), туф (ғовак тоғ жинси) ва бошиқ тоғ жинси конлари тошилган. Мамлакатимиз табиий тошлари завод ва комбинатларда сайқал берилиши билан ишлаб чиқаришга жўнатилади. Республикамизнинг кўпгина шаҳарларида, шунингдек, Москва ва Киев, Новосибирск ва Бокуда, Бишкеқ ва Душанба шаҳарларида қурилган архитектура иншоотларида, метро станцияларида Фозгон ва Нурутга мармар, Лангар, Севасой, Чоркесар гранити, Чуст травертини ишлатилган. 1970 йилда ишга тушган Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати (йиллик куввати 150 минг м² тош плита), 1976-95 йилда ташкил этилган Тошкент тошга ишлов бериш комбинати (куввати 88 минг м²), Нукус гранит-мармар заводи (70 минг м²); «Қашқадарёмармар» (куввати 25 минг м²) «Самарқандмармар» (куввати 22 минг м²) бирлашмалари ва Сурхондарёда «Конпуртена» гранит комбинати шу тармоқнинг йирик корхоналаридир.

Деворбоп материаллар, яъни пишиқ ғишт ишлаб чиқарилип ўнлаб йирик заводларда амалга оширилади. Сўнгги йилларда, айниқса, чет эл технологиясига асосланган хусусий ғишт заводлари кўплаб қурилган. Керамика маҳсулотлари Тошкент ва Ангрендаги йирик комбинатларда ишлаб чиқарилади. Шиша ойна ишлаб чиқаришга чуқур ихтисослашган саноат корхоналари «Кувасойшиша» бирлашмаси ва Ғазалкент шиша ойна заводидир.

Ёғочсозлик саноати ҳам қурилиш индустрисининг таркибий қисми бўлиб, унинг саноат корхоналари ёғочсозлик ёки дурадгорлик, ўйсозлик, асбобсозлик, аравасозлик, эгарсозлик, сандиксозлик, панжарасозлик, ўймакорлик сингари жуда кўп тармоқлардан таркиб топган.

15.8. Енгил саноат

Ўзбекистон иқтисодиётида енгил саноатнинг улуси алоҳида ва қўп қирралидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари республика агросаноат мажмуи (АСМ)нинг таркибий қисмидир.

Мамлакат енгил саноати қўп тармоқли индустрисал мажмуи бўлиб, унинг таркибida пахта тозалаши заводлари, тўқимачилик корхоналари, трикотаж ва шойи тўқини, тикувчилик ва қўн-пойабзal, гиламчилик, чинни-фаянес буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар бор.

Республика енгил саноати тармоқлари йилига 456 млн. m^2 иш газлама, 474 минг m^2 жун газлама, 47 млн. m^2 шойи газлама, 32,1 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 64,5 млн. жуфт пайпок, 5,5 млн. жуфт пойабзal, 2 млн. m^2 гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Пахта тозалаш саноати. У енгил саноат тармоқлари орасида етакчи ўринда туради. Республиkaning йирик шаҳарларида, барча вилоятларида ва аксарият туманларида замонавий технологияга эга бўлган пахта тозалаши саноати (бириичи наебатда пахта тозалаши заводлари) мавжуд.

Республика пахта тозалаши саноати ягона бошиарувда ишлайдиган пахта тайёрлаши пунктлари, куритиш-тозалаши цехлари, транспорт хўжаликлари, пахта тозалаши заводларини ўз ичига олади. Таркибida 119 та пахта тозалаши заводи, 560 та пахта пункти фаолият кўрсатмоқда (1997). Пахтадан тола чиқишини ўртacha 31—32 фоизни ташкил қиласди. Толаси ажратиб олишган техник чигит ёғ-мой комбинатларида қайта ишланади. Мамлакатда йилига 1,2 ملي. тоннадан кўп тола ва 200 минг тоннадан ортиқ уруғлик чигит тайёрланади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида пахта майдонларини яrim миллион гектарга камайтирди. Бу нарса пахта саноати фаолиятига таъсир кўрсатди. Мустамлакачилик йилларида Ўзбекистонда қайта ишланган пахта толасининг 92—95 фоизи Россия, Украинага жўнатилар эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахта толаси 40га яқин хорижий мамлакатларга, жумладан, Буюк Британия, Белгия, Йқанубий Корея, Швецария, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик саноати. У ин ва иш газлама, ипак (шойи) газлама, жун газлама ишлаб чиқарини ўз ичига олади. Ўзбекистонда тўқимачиликning таркиб топиши ва ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Бироқ, Ўзбекистон тўқимачилик саноати яқин ўтмишида яхши ривожлантирилмади. Бу саноат учун

асосий хомаши бўлган пахта толасининг фоят катта қисми ўзгарайонларга ташиб кетишиди.

Республика тўқимачилик саноатини ривожлантиришининг асосий йўналишларидан бири рақобатбардои газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Шу мақсадда деярли барча вилоятларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ўнларча йирик тўқимачилик корхоналари қурилди, айниқса, АҚШ, Италия, Туркия, Покистон, Хиндис-тон, Корея фирмалари билан ҳамкорликда иш газлама ишлаб чиқарадиган янги қўшима корхоналар қурилди. Жўумладан, «Супертекстил» пахта иш-йигириув Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси (Тошкент, 1993), ишак гиламлар ишлаб чиқарадиган «Афрон — Бухоро — Самарқанд» қўшма корхоналари (Самарқанд, Бухоро, 1993) ва Туркиянинг «Язеке» кор-порацияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида «Панфен» қўшма корхонасининг иш-йигириши фабрикаси, Тўйтепа, Тошкент (Кўкча) фабрикалари қурилиши ҳамда эскиларини таъмирлаш, жиҳозлаш, тўқимачилик саноатининг истиқболини очиб бермоқда. Аммо, тўқимачилик саноатида юз бераётган катта ўзгаришларга қарамасдан республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг кам қисми мамлакатимиз саноат корхоналарида қайта ишланмоқда. Яқин келажакда эса республикада етиштириладиган пахта толасининг тенг ярмини қайта ишланашига эришиш вазифаси қўйилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизнинг барча пахта етиштириладиган ҳудудларида турли қувватга эга бўлган тўқимачилик корхоналари қурилиши режалаштирилган.

Республика ишакчилик саноатида табиий ипақ, кимёвий ва аралаш ишлардан маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда саноатнинг бу тури қадимдан Марғилон, Наманган, Кўқон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида шойи газламалар ишлаб чиқариши билан машҳур бўлган. Шойи газлама ва зарли кийимлар ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга бўлган ўзбек халқи ўз удумларини асрлар оша давом эттириб ва такомиллаштириб келмоқда.

Республикамизда дастлабки пиллакашлик фабрикалари 1926-1932 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Марғилонда қурилган. 1937 йилда сунъий ишак газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хозирги вақтда эса унбу соҳада Марғилон (1926), Фарғона (1926), Самарқанд (1927), Бухоро (1927), Тошкент (1959), Наманган (1966), Урганч (1975), Шаҳрисабз (1976) ва Булоқбоши (1989) пиллакашлик фабрикалари ва уларнинг 12 та филиали ишлаб турибди.

Республикада шойи тўқини соҳасида Марғилон шойи тўқиши комбинати (1928), Марғилон «Атлас» (1925) ва Наманган

(1966) шойи ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбината (1925), Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси (1934), Кўқон шойи тўқиши фабрикаси (1926), Шўрчи ва Бойсун шойи тўқиши фабрикалари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакат шойи ва атлас тўқиши саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган крепдешин, крепшифон, креп-жоржет, атлас, хонатлас, бекасам, шойи, сунъий иплардан тўқилган абрли газламалар халқимиз эҳтиёжини қондириб келмоқда ва хорижга экспорт қилинмоқда.

Мамлакат тўқимачилик саноати мажмууда трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик ҳам тараққий этмоқда. Саноатнинг мазкур тармоқларига ихтисослашган йирик корхона (фабрика ва комбинат)лар Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа ўнлаб шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда чиройли кийим-кечаклар билан бирга қўлда тикилган чопон, кўрпа-тўшак, гулкўрпа, зарбоф тўн, чойшаб, сўзана, кашта каби буомлар юксак миллий санъат маҳсулни даражасида ишлаб чиқарилмоқда.

Кун-пойабзal ишлаб чиқаришнинг географияси катта. Унинг йирик корхоналари кўпчилик вилоят марказларида фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Тошкентдаги иккита (1927, 1935), Бухоро, Самарқанд, Андижон, Кўқон, Чирчиқ ва Намангандаги пойабзal фабрикалари машҳурдир. Уларда ҳайвонлар терисидан юмшоқ ва қаттиқ чарм, табиий ва сунъий чармдан турли пойабзal (туфли, ботинка, этик, сандал, шинпак, пийма, калиш ва б.), шунингдек, телпак, от-улов асбоблари, атторлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Пойабзal ишлаб чиқаришни такомиллаштириш соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Масалан, 1995 йилдан «Фарғонапойабзal» акциядорлик жамияти Германиянинг «Саламандер» фирмаси билан ҳамкорлиқда «Ўзсаламандер» кўпима корхонаси барпо этилиб, экспортбон маҳсулот чиқара бошлади. Ушбу корхонанинг йиллига 8 турдаги 500 минг жуфт эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш қувватига эга.

Тошкент кўн-мўйна заводида аёллар ва болалар учун мўйнали пальто, бош кийимлар, астари муйна, авраси газлама бўлган буюмлар ишлаб чиқарилади. Бухоро — Қорақўл заводида Қорақўл териларига ишлов берилади.

Ўзбекистон енгил саноатида чинни идишлар тайёрлани ҳам яхши йўлга қўйилган. айниқса, Тошкент, Самарқанд, Кувасой чинни заводларида чевар қўллар орқали тайёрланган (гулланган) коса, пиёла, чойнак, лаганларнинг довруғи етти иқлимга кетган. Масалан, Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилаёт-

ган «Оқ олтин», «Тонг» ва Самарқанд чинни заводида ишлаб чиқариладиган «Узум» ва бошқа чинни идиш тўпламлари халиқ-аро ярмарка ва кўргазмаларда фахрли ўринларни эгаллаган.

Республикада каноп толасидан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Унинг Тошкент ва Йангийўлда, Жумабозор ва Кетмонтепада, Янгиҳаёт ва Кўрғончада, Кўйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқда йирик саноат корхоналари ишга туширилган. Каноп толасидан брезент, пойандозлар, нотўқима матолар, қон-ўров газламаси, арқон, кабель или ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Республика енгил саноатининг яна битта муҳим тармоғи мебель ишлаб чиқаришдир. Унинг географияси кенг. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Шўрчи, Кўқон шаҳарларида фаолият кўрсатаёттани мебель ишлаб чиқариш фабрикалари ассортиментининг кўплиги, маҳсулотининг юқори сифати билан ажralиб туради.

Мамлакатда «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси тузилган. Унинг таркибида 36 та мебель ишлаб чиқариш бирлашма корхоналари («Янгиўл» ширкати, 13 та мебель фабрикаси, 9 та мебель бирлашмаси, мебель кўзгуси корхонаси, ёточ кесиши станоклари заводи ва бошқалар) бор.

Мамлакатдаги хорижий технологияни қўллаб ва замонавий ускуналар билан жихозланган мебелчилик корхоналарида меҳмонхона, ошхона, кабинет, ётоқхона, ўрга мактаб ва олий мактаблар учун мебеллар ишлаб чиқарилади. Миллий мебель (хонтахта, сандик, курси, жовон) намуналарини, хашибатли мебеллар йиғмаларини ишлаб чиқариш миқёси эса тобора кенгайиб бормоқда.

Республика маҳаллий саноатида металлга ишлов бериш, ёточни қайта ишлаш, халқ хунармандчилигининг зардўзлик, тиккувчилик, тўқувчилик, пичоқчилик, бадиий каштачилик, дўппичилик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарлик, кулоллик, миллий чолғу асбоблари ясаш, косибчилик, миллий каштачилик, гиламчилик ва бошқа тармоқлари ривожланган. Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги маҳаллий саноат ва айниқса, миллий хунармандчилигини ривожлантиришнинг кенг истиқболларини очиб берди.

15.9. Озиқ-овқат саноати

Қишлоқ хўжалиги ривожланган Ўзбекистонда саноатининг бу тури қадимдан шаклланган ва ривожланиш босқичини даврлараро ўтаган. Дастреб сув тегирмонларида ун, обжувозларда гуруч, жувозларда ўсимлик мойи, новвойхоналарда ноилар тайёрланган, қандолатчилар турли хил ширинилик (новвот, курси-

чак)лар, узумдан мусаллас, тариқдан бўза ва бошқа шарбатли ва суюқ ичимликлар тайёрлаганлар.

Бугун Ўзбекистон халқ хўжалигида озиқ-овқат саноатининг улуши катта ва салоҳияти ўзгача. Саноатнинг мазкур тури асосан маҳаллий (қишлоқ хўжалиги) хомашёга таянади. Республика ялпи саноат маҳсулотининг салкам 10 фоизи озиқ-овқат саноати ҳиссасига тўғри келади. Тармоқ кўп хил. Унда сут ва гўшт, ёғ-мой ва балиқ маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари, мева-сабзавот ва консервалар, узум ва мева материаллари, спирт, ароқ, ниво, тамаки, чанқовбосар ичимликлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўналишдари йўлга қўйилган.

Озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоғи гўшт ишлаб чиқаришдир. Ўтмишда маҳаллий аҳоли от гўштидан қази, қорамол гўнитидан узоқ сақланадиган, куритилган ва қовурилган гўшт маҳсулотлари тайёрлашган. 1932 йилга келиб гўшт саноати республика халқ хўжалиги режасига алоҳида саноат тармоғи тарзида куритилган.

Эндиликда республиканинг барча вилоят марказлари ва йирик шаҳарларида гўшт комбинатлари ишлаб турибди. «Ўзгўштсурсаноат» уюшмаси таркибида 23 та йирик гўшт комбината, гўшт етиштиришга ихтисослашган 45 та хўжалик, вилоят туманларида эса бўрдоқчилик йўналишидаги 100 дан ортиқ ўрта ва кичик корхоналар бор.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг турли географик районларида жамоа, давлат, ширкат ва фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан замонавий технология билан жихозланган гўшт маҳсулотлари ва турли колбасалар ишлаб чиқарадиган кўпгина комбинатлар курилди. Жўмладан, биргина «Ўзбекбирлашув» таркибида колбаса маҳсулоти ишлаб чиқарадиган 34 та цех барпо қилинди. Республика гўшт саноатида Германия ва Туркия фирмалари билан ҳамкорликда ярим тайёр гўшт (яъни, гўштни пиширишга қиймаланган ҳолда тайёрланган) маҳсулотлари ишлаб чиқариш, гўштни қадоқлаш, ичак маҳсулотлари тайёрлани ва уларни ўраб, истеъмолга чиқариш ишлари йўлга қўйилан.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳам озиқ-овқат саноатининг таркибий қисмидир. Саноатнинг ушбу турида сут-қатиқ, сариёғ, сут консервалари, қуруқ сут, пишлоқ, бринза, қаймоқ, музқаймоқ, айрон, сузма, қафсаноқ, қурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари жуда кўп. 1995 йилда ташкил қилинган биргина «Ўзгўштсурсаноат» уюшмаси таркибида 37 та сут корхонаси, 118 та сут қилиши пункти фаолият кўрсатмоқда.

Озиқ-овқат саноатининг яна бир тармоғи – ёғ-мой ишлаб чиқаришдир. Саноатнинг бу тармоғида пахта мойи ишлаб чиқариш етакчилик қилади. Республикада йилига умумий куввати 3 млн. тонна мойли ўсимлик уруғларини қайта ишлайдиган 20 дан ортиқ корхона ишлаб турибди. Уларда асосан ғұза уруғи, соя, рапс, мева данақлари уруғларидан мой ишлаб чиқарылади. Ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда йилига 2,1 млн. т атрофика чигит ишлатилади.

Республика ёғ-мой саноати озиқ-овқат саноати ялпи маҳсулотининг 40 фоизини беради. Энг йирик ёғ экстракция заводлари Гулистан, Косонсой, Фарғона, Кўқон, Каттақўргон, Денисов, Ургаичdir.

Тармоқ корхоналарида технологик жараёнларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда қўшимча қувватларни ишга тушириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашда Крупп, Скет (Германия), «Альфа-Лаваль» (Швеция), «Жон Браун», «Карвер», «Краун» (АҚШ), «Маццони», «Боллистра» (Италия), Россия, Украина, Польша фирмалари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат озиқ-овқат саноатида элеватор саноатининг ҳам хиссаси ошиб бормоқда. Бу мамлакат аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш билан боғлиқ жараён тақозосидир.

Етиширилган донни фақат элеватор хўжаликларида яхши сақлаш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур саноат тармоғини кенгайтириш мамлакат озиқ-овқат саноати ходимларининг галдаги энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. 1965 йилда республикада умумий сифими 674 минг т бўлган 5 та элеватор ва 226 та галла омбори бўлган бўлса, эндиликда элеваторларнинг сифими бир неча марта ошган.

Эндиликда мамлакатда 45 та элеватор бор ва уларнинг умумий фалла сифими 4,5 млн. тонна. Ҳар йили этишириладиган фалланинг ўртacha 65 фоизи элеваторларда сақланади. Қайта жиҳозланган ва янгидан қурилган элеваторлар автоматик диспетчерлик бошқаруви тизимлари, фалла ҳароратини автоматик тарзда масоффадан туриб ўлчайдиган қурилмалар билан жиҳозланган. Мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжини қондириш мақсадида унинг озиқ-овқат саноати йилдан-йилга кўп маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминламоқда. Мамлакат озиқ-овқат саноат корхоналарида 142,6 минг т ғўнит ва ғўнит маҳсулотлари, 213,4 минг т. сут ва сут маҳсулотлари, 2,8 — 3 минг т.

ҳайвон ва 276 минг т. ўсимлик ёғи, 54,2 минг т. макарон маҳсулотлари, 542,2 минг т нон ва нон маҳсулотдари ишлаб чиқарилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда унинг алоҳида ўрни бор. «Ўздонмаҳсулот» концернига қарашли Фарғона, Кўва, Янгийўл, Шўрчи, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Косойсой ва бошқа шаҳарларда кўп навдаги ун ишлаб чиқарувчи заводлар, комбинатлар курилган. Республикада суткасига 120 т.дан 500 тоннагача дон тортадиган 20дан ортиқ корхона курилган, 44 корхона техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланган. Шунинг учун ҳам мамлакатда ун ишлаб чиқариш ҳажми тез ўсмоқда.

Нон ишлаб чиқариш асосан «Ўздонмаҳсулот» таркибидир. Унга 4 та нон ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент, Янгийўл, Фарғона, Қарши) ва 21 та нон заводи қарайди. «Ўзбекбирлашув» тизимида ҳам нон ишлаб чиқарилади. Бу тизимда 242 та корхона, 3 мингта яқин тандир (новвойхона) ва кичик корхоналар бор. Уларнинг ҳар иккисида суткасига 3575 тоннадан кўпроқ (300 хилдан ортиқ) нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Республика озиқ-овқат саноатида чорва моллари учун омиҳта ем, шолидан турли навли гуруч ишлаб чиқарилади.

Гуруч ишлаб чиқариш хомашё районларида яхши йўлга кўйилган. Қорақалпогистонда Тахиатош, Хўжайли, Қонликўл, Шуманай, Чимбой, Хоразмда Ургант, Хонқа, Боғот, Сурхондарёда Музробод гуруч заводдари йирик корхоналарданdir.

Республикада мева ва узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан турли хил консервалар ишлаб чиқариш кенг қулоч ёзган. Унинг замонавий ускуналар билан жиҳозланган саноат корхоналарида мева комбинатлари, мурабболар, джем, шарбат, помидор пастаси, куритилган мева, қовун қоқи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Эндилиқда мамлакат озиқ-овқат саноатида яна бир янги тармоқ — қанд-шакар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Саноатнинг бу турини ривожлантириш аҳолининг эҳтиёжини қондиришига қаратилган бўлиб, қанд ишлаб чиқариш учун хомашё тарзида қанд лавлаги етиштиришига киришилди. Мамлакатимизнинг серқуёш иқлимий шароитида қанд лавлаги ўсимлигининг қандлилиқ даражаси юқори бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам ҳукumat режалаштириш ташкилотлари қанд лавлаги етиштириши миқёсини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хоразмда, Тошкент ва Самарқандда ҳамда бошқа вилоятларда қанд лавлаги экиш кенгайтирилмоқда, уларни қайта ишлаб, қанд-шакар ишлаб чиқаришига киришилди.

1995—1997 йилларда Туркия фирмалари билан ҳамкорликда Хоразм вилоятининг Ҳазораси туманида шакар заводи қурилди. Завод суткасига 3 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлаш кувватига эга. Франциянинг «ФСБ» фирмаси Самарқанд шахрида суткасига 6 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлайдиган завод, шунингдек, қўпгина вилоятларда эса мини шакар заводлари қурилмоқда.

Вино ва майиз ишлаб чиқариши ҳам озиқ-овқат саноатининг алоҳида тармоғи. Мазкур тармоқда турли нав узумлардан майиз, узум қиёmlари, турли нав вино, коняк, шампан виноси, ароқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Виночиликка ихтисослашган саноат корхоналарининг катта қисми «Ўзмева-сабзавотизимсаноат» ўюнласига қарайди.

Мамлакатдаги вино ва ароқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналарининг йиллик ишлаб чиқариши куввати 25 млн. д/л га тенг. Тармоқда 16 та йирик корхона бор. Вино маҳсулотлари тайёрлаш ва қўйиш билан 60 га яқин корхона шуғулланади. Жумладан, соҳага ихтисослашган «Ташкентвино» комбинати, Тошкент шампан винолари заводи, Самарқанд вино ва Самарқанд — «Зарафиён» вино комбинатлари, Янгиёл, Кўқон, Бухоро, Шахрисабз, Денов ва бошқа шаҳарларда йирик корхоналар бор.

Вино саноати корхоналарида тайёрлашаётган оқ, қизил, десерт винолар («Ўзбекистон», «Вассарга», «Буваки», «Юмалок» ва ҳ. к.) дунёning халқаро кўразмаларида 100 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланган.

Республикада пиво ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш ҳам кенг ривожлантирилган. Саноатни уибу тармоғида йилига 17,7 млн. дал. пиво, 20 дал. чанқовбости ичимликлар, 380 млн. шинша минерал сув ишлаб чиқарилади.

Республика ош тузи яқин вақтларгача ўзга регионлардан келтирап эди. 1991 йилдан бошлиб мамлакатнинг ош тузиға бўлган эҳтиёжи маҳаллий хомашё ҳисобига қондирилмоқда. Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида йилига 100 минг т, Сурхондарёнинг Шеробод тумани (Хўжайон)да йилига 150—200 минг т ош тузи қазиб олинмоқда ва аҳоли кенг истеъмолига чиқарилмоқда.

Самарқандда чой қадоқлаш фабрикасида Хиндистон, Хитой, Гуржистан, Туркия, Индонезиядан келтирилган чойларга ишлов берилмоқда ва қадоқланмоқда. Корхона чет эл дастгоҳлари билан жихозланган бўлиб, йилига 11—12 минг т чой қадоқлайди.

Шундай қилиб мустақиллик йилларида мамлакатимиз саноати жадал ривожланмоқда, тармоқлари қўпаймоқда. Аммо

унинг худудий жойланишида ҳали ҳам тафовутлар катта. Республикамиз саноатида Фарғона (13,0 фоиз), Тошкент (11,8 фоиз), Андижон (9,8 фоиз) вилоятларининг салмоғи юқори бўлгани ҳолда Сирдарё (1,2 фоиз), Йиззах (1,1 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (2,2 фоиз) ва Сурхондарё (2,4 фоиз) вилоятларида бу кўрсаткич жуда наст. Яқин келаражакда барча вилоятларниң саноат ривожланиши имкониятларини тўла ишга солини, самарадорлигини опириш республика иқтисадиётини кайта қуришининг навбатдаги асосий вазифаларидан бирига айланмоғи лозим.

Қисқача хулосалар

ХХ асрнинг 90-йиллари гача Ўзбекистонда тоғ-кон ва қишлоқ хўжалигига хизмат қиласидиган саноат тармоқлари ривожлантирилди.

Батанимизда ёқилги саноати кўмир, нефть ва газ тармоқларидан иборат. Кўмир саноати Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, нефть саноати асосан Қашқадарёда ҳамда Андижон, газ саноати Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ривожланган.

Ўзбекистонда электрэнергия ИЭС, ГЭСларда ишлаб чиқарилади. Электрэнергиянинг асосий қисми ИЭСларда ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда рангли металлургия саноати яхши ривожланган. Унинг асосий марказлари Олмалиқ, Чирчиқ ва бошқа шахарлар хисобланади. Ўзбекистон олтин қазиб олиш бўйича жаҳонда 4-ўринда, унинг захираси бўйича 7-ўринда туради. Қора металлургия саноати Тошкент вилоятининг Бекобод шахрида мавжуд. Кимё саноати асосан минерал ўғитлар ва кислоталар ишлаб чиқаради. Йирик марказлари Чирчиқ, Фарғона, Самарқанд, Навоий шахарларида жойлашган.

Машинасозликнинг илгаридан қишлоқ хўжалиги учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариладиган тармоғи ривожланган. 1996 йилдан бошлаб автомобиллар заводи ишга тушиши муносабати билан енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. XX аср бошларида Ўзбекистонда саноатнинг қайси тармоқлари ривожланган эди?
2. Собиқ иттифоқ даврида мамлакатимизда саноатнинг қайси тармоқлари яхши ривожланди?
3. Ўзбекистонда автомобиль заводлари қайси вилоятларда қурилди?
4. Ўзбекистонда йирик кимё заводлари рўйхатини тузинг.
5. Ўзбекистонда қандай қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Акрамов З.М. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Ўқитувчи 1994.
5. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: 2000.
6. Рўзиев А.Р., Абиркулов К.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
7. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т: Университет, 2003.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ

16.1. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни

Республика иқтисодиётини ривожлантириш ва ҳалқ фаровонлигини яхшилаш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳолати самарадорлигига боғлиқ. Республика аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди, саноат салоҳиятининг деярли ярми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлани билан банд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишдан давлат валютасининг 50 фоизи вужудга келади.

Маълумки, ер ва сув ресурслари аграр секторнинг асосий ишлаб чиқариши воситалари ҳисобланади. Ўзбекистонда ерларнинг 72 фоизи қишлоқ хўжалигига турли йўналишда фойдаланилади ҳамда республика сув лимитининг 86 фоизи аграр секторда ишлатилади.

Ватанимиз ер юзасида сугориладиган дехқончилик ҳамда чорвачиликнинг энг қадимий регионларидан. Унинг қулай табиий шароитига мувофиқ тарзда ҳалқимизнинг меҳнат кўниҳмаси туфайли Ўзбекистон пахта, пилла, қоракўл териси, майиз, қовун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш билан жаҳонга донг таратган.

Яқин ўтмишда мамлакат қишлоқ хўжалиги бир томонлама ривожлантирилган, «Ўзбекистон – мамлакатнинг асосий пахта базаси» шиори амалда эди. Ерларнинг тенг ярми ўрланиб кетганлиги, агротехника тадбирларининг бузилганлиги, аҳолини дон ва гўшит маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар пахта якка-ҳокимлигининг асорати эди. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ниҳоятда мураккаб кечди.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилиданоқ, пахта якка-ҳокимлигини бартараф этишига киришилди ва «ғалла мустақиллиги»ни таъминлаш мақсадида дастур ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш ва бозор муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ мухим хукуқий-меъёрий асослар яратилди, ташкилий-иктисодий йўналишлар ишлаб чиқилди. Бу борада мамлакат қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиши билан боғлиқ ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Жумладан, «Ер тўғрисида» (1990), «Давлат тасарру-

фидан чиқариш ва хусусийлантириш түғрисида» (1991), «Деҳқон хўжалиги түғрисида» (1992), «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари түғрисида» (1992), «Ер солиги түғрисида» (1993), «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш түғрисида» (1995) ва бошқа қонуилар шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 1996 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил қилинди. Айрим соҳаларни чукур ихтисослаштиришга кўра, қишлоқ хўжалигидаги бир қатор қорхоналар «Ўзмевасабзавотизимсаноат», «Қоракўл», «Пилла», «Ўзпаррандасаноат», «Асал» каби уюшма ва республика ишлаб чиқариш бирлашмаларига қаратилди.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш бўйича республика Президентининг 1998 йил 18 мартағи фармонига мувофиқ республика комиссияси тузилди. Бу комиссия 1998-2000 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чукурлаштириш дастурини ишлаб чиқди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги чукур ислоҳотларни бошидан кечирмоқда; қишлоқ хўжалигига бозор мунносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давдат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини йўлга кўйиш каби муҳим масалалар ҳал этилмоқда. 2002 йилга келиб турли мулк шаклига эга бўлган 2658 минг қишлоқ хўжалик корхоналари, 72,4 минг фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Қишлоқ жойларда томорқа эгаларига 600 минг гектарга яқин унумдор ерлар ажратиб берилди. Эндиликда хўжалик тоифалари бўйича ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари 65,4, қишлоқ хўжалик корхоналари 24,6 ва фермер хўжаликлари 9,9 фоизни эгаллади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қишлоқларда мулкдорлар синфини вужудга келтиришнинг мумкин бўлган шаклларидан бири сифатида мулкий пайларни жорий этиш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини пайчилар жамиятига айлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигига этиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг мутлақ кўп қисми иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда (40-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида 2001—2002 йилларда қишлоқ хўжалиги ялни маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши

Маҳсулот турлари	Учтов бирлиги	2001 йил	2002 йил
Қишлоқ хўжалиги ялни маҳсулоти, шу жумладан:	млрд. сўм	2104,8	3257,2
зироатчилик маҳсулотлари	млрд. сўм	1086,0	1650,0
чорвачилик маҳсулотлари	млрд. сўм	1018,8	1607,2
Ялни маҳсулот ишлаб чиқаришида давлат секторининг улуни	фоиз ҳисобида	1,4	1,3
Нодавлат секторининг улуни	фоиз ҳисобида	98,6	98,7

Носамарадор қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш давом эттирилмоқда, кўнгина санация қилинган хўжаликлар эса йилни фойда билан якунламоқда.

Пахта яккахокимлигига барҳам берилиб, дон ва бошиқа озуқа экинлари майдонлари кенгайтирилди. 2002 йилда 1,52 млн. га майдонга бошоқли дон экинлари экилди. 5,5 млн. т. бошоқли дон, жумладан, 4,9 млн. тоннадан кўн бутдой ҳосили йиғиб олини.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини яхшилаш мақсадида янги техника, ўғит, ёқилифи ва мойланни материалилари етказиб беришин яхшилаш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилган ва у босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, чет эллардан (АҚШ, Германия) юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган пахта терадиган, галла ўрадиган (Кейс) комбайнлари келтирилди. Уларниң айрим турлари ва эҳтиёт қисмларини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали фойдаланиш мақсадида туманиларда 200 дан ортиқ машина-трактор парклари (МТП) ташкил этилди. Дастурга кўра, бу парклар хўжаликлардаги машина ва меҳенизмларни кейиничалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олади ва ердарни экишга тайёрлаш, экинларга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга доир ишларни хўжаликлар билан келишиб бажаради. МТПларда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлайдиган катта қувватлар ишга туширилмоқда.

Республикада олиб борилаётган аграр сиёсат натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сугурталаш, аванслаш ва тўлов муносабатлари такомиллаштирилмоқда. Янги аграр сиёсатининг босқичма-босқич амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ялни маҳсулотларининг ўсии суруйатлари барча МДХ мамлакатларидағига қарагандা анча юқоридир.

Қишлоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши бўйича муайян чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг ўсишини таъминла-моқда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаринида сифат ўзгаришларга олиб келмоқда.

Ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган бош мақсад қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини, ер ва маҳсулотнинг ҳақиқий эгаларини шакллантиришдир. Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириши асосий масалалардан ҳисобланади.

Илғор мамлакатлар таърибасига кўра, қишлоқ хўжалигининг юқори даражада ривожланиши, аввало саноат ривожи билан боғлиқдир. Маълумки, АҚШ ҳамда Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларида аҳолининг 4-5 фоизини ташкил этадиган, замонавий техника ва технологияга эта бўлган фермер хўжаликлари ўз ҳалкини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлаш билан бирга уларниң кўпини экспортга чиқарадилар. Ҳозирги вақтда республикамиз ҳалқ хўжалигидаги иш билан банд бўлган 3,8 млн. аҳолининг салкам ярми ҳамон қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилимоқда. Келажакда ана шу ортиқча меҳнат ресурсларини саноатга, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб қолини лозим.

Қишлоқ хўжалигига ривожланишининг навбатдаги босқичида ишни «етиштириш — қайта ишилаш — сотиш» учлик бирлиги занжиррида ташкил қилиш долзарблиқ касб этмоқда. Бунинг учун қишлоқ жойларида маҳсулотларни замонавий техника ва технология асосида қайта ишилайдиган қатор саноат корхоналар қуриш ва занжирли учликни ишга тушириш керак. Қишлоқ хўжалигини агросаноат интеграцияси (АСИ) негизида ривожлантириш қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ишлов берувчи саноат корхоналари билан боғлаб иш юритишини тақозо-зо қиласди. Бу қишлоқ хўжалиги билан қайта ишловчи саноат ўйғуналашувини таъминлайди. Бу муаммони ҳал этиш учун катта молиявий ресурслар талаб этилади. Назаримизда бундай маблағларни хорижий мамлакатлардан, ҳалқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги доимо давлат кредитига муҳтој.

Шундай қилиб, янги иқтисодий шароитда қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришининг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий техно-

ологияга асосланган корхоналар тизимини барпо этиш орқали ҳал қилишидир. Турли мулк шаклидаги бундай корхоналарни барпо қилиши аҳоли бандлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самараадорлигини таъминлайди.

16.2. Ер фонди

Мамлакатимизнинг ер фонди 44,405 минг га, шундан қишлоқ хўжалик ер турларининг умумий майдони 26,8 млн.га. Уларнинг катта қисми (82,8 фоиз)ни Қизилқум, Устюрт ва бошиқа чўл ҳамда тоғолди, тоғ яйловлари эгаллайди; ўрмонзор ва бутазорлар 5,4 фоизни, кўн йиллик дарахтзорлар 1,3 фоизни, пичанзорлар 0,42 фоизни, бўз ерлар 0,3 фоизни ташкил этади (41-жадвал).

41-жадвал

Республика қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар ва уларнинг тақсимоти

Ер турлари	Минг га	фоиз
Кишлоқ хўжалиги ер турларининг жами	26766,4	100
жами экин ерлари	4061,9	15,7
шундан суюргиладиган	3317,3	15,2
Кўн йиллик дарахтзорлар,	355,7	1,3
шу жумладан:		
а) боғлар	171,3	0,63
б) узумзорлар	104,4	0,4
в) тутзорлар	70,4	0,26
г) мевали кўчатзорлар	9,6	0,04
Ер турлари	Минг га	фоиз
Бўз ерлар	77,8	0,3
Пичанзорлар	112	0,42
Яйловлар	22159	82,8
Ўрмонзорлар ва бутазорлар	1458,5	5,4

16.3. Дехқончилик

Дехқончилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг стакчи тармоғи. Дехқончиликнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги хиссаси 65-70 фоизни ташкил қиласди. Мамлакат табиий-иктисодий шароитига кўра, унинг турли минтақаларида аҳоли азалдан суръма ва лалмикор дехқончилик билан шуғулланиб келган.

Лалмикор дехқончилик майдони 1 млн. га дан кўп бўлиб, улар асосан адир зоналарда жойлашган. Бу ерларда буғдой, арпа, нўхат, кунжут, зигир, лалми, қовун, тарвуз экилади, боғдорчилик қилинади.

Суғориладиган ерлар 1914 йилда 1,8 млн. га бўлса, Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, Марказий Фарғонада янги ерлар очилиши натижасида 1998 йилга келиб 4,2 млн.га дан ошиди. Чўлларни ўзлаштириш билан республикада йирик-йирик ирригация иншоотлари барпо қилинди. Натижада сугориб, дехқончилик қилиш миқёси мунтазам ортиб борди. Ёкин сугориладиган ерлар жами ер ресурсларининг атиги 9,3 фоизини ташкил қиласди, аммо дехқончилик ялпи маҳсулотининг 98,5 фоизини беради.

Суғорма дехқончиликда асосий соҳа пахтачилик ва ғаллачиликдир. Шунингдек, сугориладиган зонада сабзавот, картошка, полиз, тамаки, каноп, хашибаки экийилар етиштирилади ва дехқончиликнинг бошқа турлари билан шуғулланилади. Узум ва мева етиштириш ҳам асосан сугориладиган зонада амалга оширилади.

Республика қишлоқ хўжалигида тамоман товар аҳамиятга эта бўлган соҳа — пахтачиликдир. Унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти жуда катта асосий валюта ресурсидир. Ўзбекистоннинг саҳий табиати, иссиқ иқлими, иссиқ, ер, сув ва бой меҳнат ресурслари, ҳалқининг асрлар давомида тўплаган тажрибаси, дехқончилик маданияти пахтачиликнинг сердаромад тармоқда айланишини таъминлаган. Шунинг учун ҳам унинг пахта етиштиришдаги юқсақ кўрсаткичлари жаҳондаги катта мавқеини белгилаб берган. Ўзбекистон пахта етиштиришнинг барча қирралари бўйича жаҳондаги кучли тўққизлик орасида бешинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон жаҳонда (АКШдан кейин) пахта толасини экспорт қиласидиган энг йирик мамлакат. Пахтачилик агросаноат мажмуи республика ҳалқ хўжалигининг 70 фоиздан қўпроқ тармоқлари билан техника ва технологик жиҳатдан боғлиқ. Айниқса пахта етиштириш ва уни қайта ишлашни агросаноат интеграцияси (АСИ) негизида ривожлантириш натижасида пахтачилик оғир ва енгиз саноатнинг ўйлаб соҳалари билан боғланган. Жумладан, республикада шаклланган пахтачилик агросаноат мажмуи пахтачилик учун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, снгил саноатларни, инфратузилма тармоқларини ва ноишлаб чиқариш соҳаларини ўз ичига олади.

Ғўза-иссиқсевар ўсимлик. Ғўза навларининг ҳаво ҳароратининг ижобий ва фойдали кўрсаткичларига талаабчалиги ҳар хил. Масалан, узун толали ғўза навлари мамлакатимизнинг барча географик минтақаларида яхши етилиб, яхши ҳосил берса, ингичка толалилари фақат жанубий минтақаларда экиласди. Негаки, ингичка толали навлар ўта иссиқсевар бўлиб, айни пайдада ўзида узоқ вегетация даврларини ҳам талаб қиласди.

Ўзбекистон пахтачиликни изчил ривожлантириб келаётган давлатлар қаторида уни ёпнасига механизациялаш, кимёлапшириш, гўзанинг серхосил ва эртапиша навларини яратишида катта довон ошган. Республиkanинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда пахтачиликнинг илмий асосланган минтақавий дехқончилик тизими ҳамда ўза етиштиришининг индустрисал технологияси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон пахтачилиги мамлакатда мустақиллик қўлга киритилиши билан ўз географиясини бирмунча қисқартириди. Ўза 1986 йилда 2091,2 минг. га ерга экилган бўлса, 1998 йилда 1521,6 минг.га ерга экилди (42-жадвал).

42-жадвал

Республика дехқончилик тармоқларининг ривожланиши

	1993 й.	1996 й.	1997 й.	2002 й.	Ҳисоб 2002 й.да – 1993 й.га нисбатан, %
Экин майдонлари, минг гектар					
Жами майдонлари	4229,7	4007,0	4116,2	3540,8	96,3
Жумладан, ғазла экспилари	1280,3	1740,5	1757,3	1393,7	131,6
Техника экспилари	1731,8	1525,1	1536,0	1462,2	90,2
Пахта	1695,1	1487,3	1511,9	1421,0	89,7
Картошка	44,5	44,3	57,4	48,9	93,7
Сабзавот	151,9	131,0	129,1	127,5	86,7
Нолиз экспилари	48,1	39,3	35,9	37,3	94,8
Дехқончилик маҳсулотлари ститигириши					
Дон (минг. т.)	2142,4	3562,0	3775,6	3550,8	163,2
Шу жумладан буғдой	876,0	2741,8	3073,0	4967,4	404,8
Пахта (минг. т.)	4234,5	3350,1	3645,0	3122,4	75,7
Картошка (минг. т.)	472,4	513,5	691,9	777,2	145,4
Сабзавот (минг. т.)	3038,7	2497,4	2384,2	2953,0	77,4
Нолиз экспилари (минг. т.)	622,3	469,7	367,6	475,4	74,7
Мева (минг. т.)	560,1	604,8	547,7	818,5	137,5
Узум (минг. т.)	381	478,3	511,5	516,4	138,3

Табиийки, мамлакатда пахта майдонини қисқартириш суториладиган зонада буғдой етиштириш географиясини кескин қўпайтириш билан боғлиқ кечди. Ўз навбатида, пахтачиликни интенсив ривожлантириш масаласи унинг юқори ҳосилдорлигини сақлаб қолини билан боғлиқ равишда таъминланмоқда (43-жадвал).

Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг ўсиши

Йиллар	Пахта майдони, мингга	Ўртacha хосилдорлиги и/га	Ялпи пахта хосили, минг т.	Ялпи пахта хосилдининг ўсими; 1924й.га нисбатан, марта
1924	264,8	7,8	205,8	—
1930	883,8	8,4	744,3	3,6
1940	923,5	15,0	1385,9	6,7
1950	1098,1	20,3	2225,6	10,8
1960	1386,6	20,4	2823,5	13,7
1970	1709,2	26,3	4495,2	21,8
1980	1877,7	29,7	5578,6	27,1
1990	1830,1	27,6	5058,0	24,6
1995	1492	26,4	3934,1	19,1
1996	1487,3	22,5	3350,1	16,3
1998	1521,6	21,3	3206,2	15,6
2002	1421,0	22,0	3122,4	14,3

Сўнгги йилларда пахтачиликни чуқур механизациялаш ва пахтани машиналарда теринига алоҳида эътибор берилмоқда. Республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги пахтачиликка мослаштирилган тракторлар, сеялкалар, культиваторлар, пахта терини машиналарининг янги-янги маркаларини яратиш ва жорий қилинида чет эл (АҚШ, Германия, Япония ва б.) фирмалари билан ҳамкорлик қўлмоқда. Пахтачилик машиналари бўйича бир неча махсус лойиҳалаштириш ташкилотлари ва конструкторлик бюоролари фаолият кўрсатмоқда.

Республикада пахтачиликни кимёлаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Уни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг илмий асосланган меъёрлари чет эл тажрибалари асосида такомиллаштирилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, биргина минерал ўғитининг ўзи ғўза хосилдорлигини 40 фоизгача оширади. Шунинг учун ҳам ғўза майдонларида турли хил минерал ва органик ўғитни ишлатиш, гербицид, пестицид, дефолиантларнинг илмий асосланган меъёрларини қўллаш ривожланишининг ҳозирги босқичида айниқса дол зарбдир. Чунки ҳозирги вақтда, бир томондан, пахта майдонлари ярим миллион гектарга қисқарган, иккинчи томондан эса, унинг хосилдорлигини ошириб бориши эвазига ялпи ҳосил етиштиришни баркарор сақлаб туриш вазифаси ўртага ташланган. Пахта ялпи ҳосили етиштиришни барқарорлаштириш, унинг ҳосилдорлигини (30—35 центнергача) ва пахтадан тола чиқини эса (33 фоизгача) ошириш дол зарб вазифа қилиб қўйилган. Бунга эри-

шишда пахтачиликни тўла механизациялаш ва кимёлаштиришидан ташиқари «пахта-беда-ғалла», «пахта-ғалла» алмашлаб экинши жорий қилишнинг муҳимлиги тан олинган.

Шу мақсадда республика пахтачилигини ривоҷлантиришида янги-янги агротехника усуллари кенг қўлланилмоқда. Їумладан, 1997 йилда биринчи марта 350 минг га, 2002 йилда 850 минг га майдонга чигит плёнка остига экилди. Бу усульнинг афзаллиги шундаки, чигит эрта экиласи ва бинобарин, эрта хосил етиштирилади, ҳосилдорлик ҳам ошади. Эртаги пахтадан бўшаган ерлар эса, такрор дехқончилик қилишга кенг имконият яратади.

Республиқада эндилиқда фўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтлари, уларнинг вилоятлардаги филиаллари, пахтачилик бўйича жаҳон миқёсида эътироф этилган Ўзбекистон ФА қошидаги «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси обрўли илмий марказларданadir. Ушбу илмий муассасалар кучи ва ҳамкорлигига фўза селекциясида янги илмий ўналишларга асос солинган. Шу билан бирга чет элларда пахтачилик соҳасида тўпланган технологияларни Ватанимизда жорий этишда ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Їумладан, фўзани янги усузида сугориш, озиқлантириш, ишлов бериш, АҚШ ва Исройл каби давлатларнинг пахта ҳосилини эрта муддатларда йиғиб олиш борасидаги тажрибалари мамлакатимизнинг турли мингақаларидаги ҳўжаликларда синовлардан ўтказилмоқда, яхши натижалар кенг қўламда оммалаштирилмоқда.

Дончилик. Дончилик аҳолини бевосита озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бирламчи ўрин тутади. Унинг аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ҳамда чорвачиликнинг ем-хащак базасини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини инобатга олган Ўзбекистон хуқумати мустақиликнинг дастлабки йилиданоқ «Дон мустақилигини таъминлаш» шиорини ўртага ташлади.

Эпидиликда мамлакат дехқончилигига допчилик ўзининг ишлаб чиқариш миқёсини сугориладиган ерларда кенгайтирилмоқда, дон етиштириш агротехникасини қайта тикламоқда, буғдойнинг янги-янги серҳосил навларини яратмоқда.

Республика дончилиги кўп хил экинлар турини ўз ичига олади. Дон олиш учун буғдой, арина, жавдар, шоли, сули, макка, жўхори, оқ жўхори, тарик, дуккакли дон экинлари — иўхат, моши, ловия, ерёнгоқ, мойли дон экинлари — зифир, кунжут, соя, ерёнигоқ, канакунжут, махсар, кунгабоқар, индов ва бошқалар етиштирилади.

Фаллачилик. 1930 йилларгача Ўзбекистон иқтисодиёти ва айниқса, унинг қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаринида ғалла ва

бонинчи навбатда, буғдой ва арпа етиштириши мухим аҳамияттасб қылган. Бироқ сабиқ Иттифоқда «Пахта мустақиллигини таъминлаш» шиорининг ўртага қўйилиши ва унинг ҳал қилиниши ва кейинчалик пахта яккаҳокимлигининг қарор топниши республикада ғалла етиштиришини иккинчи даражали вазифага айлантириб қўйган эди.

Ўзбекистон азал-азалдан ўз аҳолисининг дон, ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз ички имкониятлари хисобига қондириб келган ва буғдой етиштириша янги-янги серхосил навлар яратиб, катта тажриба орттирган эди. Бироқ сабиқ Иттифоқ даврида буғдой ва арпа майдонлари кескин қисқариб борди, улар суғориладиган зонадан сикиб чиқарилди. Аҳолининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш эса ўзга регионларга боғлаб қўйилди. Аҳоли истакларини инобатга олмасдан бундай иш тутиш хато эди. Масаланинг иккинчи бир нозик томони ҳам бор эдики, аста-секин ғалла етиштириш агротехникаси унтилиди. Буғдой, арпа, шоли етиштиришини фандалиллари асосида ривожлантириш, уларниң янги-янги навларини яратиш ва районлаштириш, қишлоқ хўжалигини юритиш амалиётда ахён-аҳёнда учрайдиган ҳодиса бўлиб қолди.

Мамлакатда ғалла етиштириши кескин ривожлантириш масаласи ҳал қилинаётган ҳозирги даврда «орқага чекиниши»-ларининг асоратидан қутилиш, яъни буғдой ва бошқа доишли экинлар етиштиришининг унут бўлган агротехника усусларини тиклапи, уларниң янги-янги навларини яратиш ва районлаштириш ишлари мажмуаси ҳал қилинмоқда. Ышунигдек, ғалла экинларининг тармоқ тузилишига ўзгаришлар киритилмоқда.

Мамлакат ғалдачалилигида, айниқса, буғдой етиштириш пахта билан ёнма-ён қўйилмоқда ва дехқончиликнинг ўзак соҳасига айлантирилмоқда. Буғдой етиштиришининг лалмикор ерлардаги миқёси қамайган бир пайтда, унинг суғориладиган зонадаги майдони кескин кенгайтирилди. Масалан, 1992 йилда суғориладиган майдонларда буғдой ва арпа майдони 90 минг гектарга кўпайтирилган ва ғалла етиштириши 1991 йилдагига нисбатан 240 минг тоннадан ортган эди.

Кейинчалик ғалла экини изчиллик билан олға сизжиди. Айниқса, мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлашда 1995 хўжалик йилидаги катта қадам ташланди. Уша йили реснубликадаги жами экинлар майдонининг 40 фюззи ғалла экини учун ажратилиди. Унинг экин майдони 1300 минг гектарга стказилди. Шундан 828 минг гектари суғориладиган зонага тўғри келди. Бу майдонларда бошоғли дои экинлари салмоғи 1200 минг гектарни ташкил қилди. 2002 йилда мамлакатнинг лалмикор, шартли су-

сугориладиган ва сугориладиган зонасида салкам 1,53 млн. га ерга буғдой экилди ва 5,5 млн. тонна ҳосил йиғиб олинди.

Фалла экинларидан мүл-ҳосил етиштириши омилларидан бири яхши ва районбоп навдир. Мамлакат фаллачилигиде (унинг сугориладиган зонасида) фалланинг қилтиқсиз (безостая), «Унумли буғдой», «Сете Церрос», «Санзар-4», «Интенсив», «Санзар-8», «Қарши-7», «Зафар», «Ёнбош», лалми ерларда «Қызил Шалола», «Сурхон-5688», «Ўзрос-7—13», «Толмас» каби навлари экилди. Экилаётган буғдой навларидан сугориладиган зонанинг ихтинослашган хўжаликларида 40—50 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда. Шунинг учун ҳам республика фаллакорлари олдига сугориладиган майдонларда гектаридан ўртача 30-35 центнердан, лалмикор ерлардан 9-12 центнердан ҳосил етиштириши асосий мақсад қилиб қўйилган. Ушбу мақсаднинг амалга оширилиши эса мамлакат фалла мустақиллигини таъминлайди.

Фалла экинлари орасида кенг тарқалган донли ва озуқабоп экин маккажӯҳоридир. Уни, одатда, дон олиш ва чорва молларига озуқа етказиб бериш мақсадида экишади.

Ўзбекистонда маккажӯҳори кенг тарқалган экин. У барча вилоятларда (сугориладиган майдонларда) экилади. Маккажӯҳорининг ҳар гектаридан 50 центнерга етказиб дон, 1300—1350 центнер кўқпоя олинади. 1998 йилда мамлакатда 140,5 минг тоннадан кўп маккажӯри дони етиштирилган.

Ўзбекистон фаллачилигига шоликорликнинг ҳам ўз ўрни бор. У айниқса, Амударё этакларида кўп етиштирилади. Хоразм вилоятига республикамиз шоли экин майдонларининг ва ялпи ҳосилининг 43,2 фоизи, Қорақалпоғистон республикасига 37 фоизи тўғри келади. Шунингдек, шоли Тошкент, Сирдарё, Андижон, Наманган, Сурхондарё вилоятларида ҳам кенг майдонларда етиштирилади. Шоли, асосан сув ичидаги ўсади, етилади. Шоли ўсимлиги шўрҳок тупроқларни ёқтиради. Айни бир пайтда, иссиқсевар бўлган мазкур экин Амударё, Сирдарё, Сурхондарё ва бошқа йирик дарёлар қайирларида яхши ҳосил беради.

1998 йилда мамлакатда салкам 150 минг га ерга шоли экилган ва 346,5 минг тонна ҳосил олинган. Шолининг «ЎзРОС — 713», «ЎзРОС — 17», «Нукус-2», «Авангард» навлари серҳосилдир.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Кўйи Чирчиқ туманларида канопчилик ривожланган. 1936 йилдан бошлаб иқлимлаштирилган бу толали ўсимликнинг поясидан тола, газлама, ўров материаллари, қоп, брезент, каноп арқон, каноп ип, кабел ип тайёрланади. Мамлакатимизнинг айрим худудларида аҳоли тамакичилик билан шуғулланади. Тамаки нисбатан юмшоқ иқлимий шароитда яхши ўсади ва мүл ҳосил беради. Самарқанд

вилоятининг Ургут тумани тамакичиликка ихтисослашган. Тамаки, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг (Китоб, Шахри-сабз, Яккабог туманлари) тоғли кисмларида ҳам етиштирилади.

Картошка, сабзавот, полиз экинлари. Республика мизнинг табиий иқлим шароити мазкур экинларни кенг районлаштириш ва улардан юқори ҳосил олиш учун ўта қулай. Мамлакатимизда етиштириладиган сабзи, пиёз, лавлаги, шолғом, турп, картошка, карам, бодринг, саримсоқ, бақлајон ва айниқса қовуи, тарвуз, номидорлар ўзининг ўта циринлиги, маззалиги билан ажраблиб туради. Уларнинг қўпини қайта ишлаб экспорт қилиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда.

Сўнгги йилларда ушбу тармоқларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, картошка «иккинчи нон» деб таърифланиб, унинг аъло нав уруғлари хориждан келтириб районлаштирилмоқда.

Мевачилик ва узумчилик. Ўзбекистоннинг агроиқлим иссиқ ресурслари ҳар қандай мева ва узум донасининг қандилик дарражасини оширишга қодир. Шунинг учун серқуёш диёrimизда етиштириладиган турли мевалар ва узум навлари ширин-шакар, ўта лаззатли бўлади.

Шафтоли, ўрик, ёнғоқ, жийда, бодом, писта, апор, олхўри, турли навдаги узумлар боғларимизни безайди. Улардан тайёрланган консервалар, шарбатлар, қиёмлар, майизлар, қоқилар дастурхонларимизга йил давомида файз киритиб туради.

Мамлакатимизнинг жанубий регионларида субтропик ва цитрус мевалар кўп етиштирилади. Айниқса хурмо, бодом, анжир, писта, апор, лимон, маңдарин, апельсин кўп экиласди. Бироқ, бу меваларнинг айримлари қиши фаслида иссиқхоналарда сақланади ёки вақтинча усти плёнкалар билан ёпиб қўйилади.

Республикада мева ва узумнинг янги, серҳосил навларини яратишда Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишилаб чиқариш корпорацияси катта ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда 2002 йилда ўртача 842,9 минг. т. мева ва 500 минг. т. атрофида узум ҳосили йиғиб олипди. Мевачиликда Андижон (20 фоиз), Самарқанд, Наманган, Фарғона, Тошкент (11—12 фоиз) вилоятларининг, узумчилиқда эса Самарқанд (27 фоиз) вилоятининг салмоғи каттадир.

16.4. Чорвачилик

Ўзбекистон — чорвачиликнинг қадимий марказларидан бири. Республиканинг тупроқ ва табиий иқлимий шароитлари --- унум-

дор сүгориладиган ерлар, бенөён қир-адирлар, дашт-чүл, тоғолди яйловлари чорвачиликнинг ривожи учун ўта қулай. Сүгориладиган ерларда асосан қорамолчилик, чўчқачилик, паррандачилик, қир-адирлар, дашт-чўл ва тоғолди яйловларида эса қўйчилик, эч-кичилик, йилқишлик, тяччилик, сув ҳавзаларида балиқчилик ривожланган. Чорвачиликдан келадиган даромад ўсиб бормоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришинг муҳим омилларидан бири унинг озуқа базаси хисобланади. Шунинг учун яйловлар ҳолатини яхшилаш, озуқабоп экинлар майдонини кенгайтириш, омухта ем ишлаб чиқаришни кўнайтиришига эътибор берилмоқда. Мамлакатда ем-хашак экинлари жами экин майдонининг 25 фоизини ташкил қиласди. Кейинги йилларда чорвачиликни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида чорва моллари туёғи ва асосий чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсмокда.

44-жадвал

Мамлакат чорвачилиги А. Чорва моллари туёғи (минг бош)

Кўрсаткичлар	1990 йил	1996 йил	2002 йил	Ўснис: 2002 йилда 1990 йилга нисбатан, % билиш
Қўрамоллар	4581,3	5351,6	5477,6	118,4
Жумладан, сигирлар	1856,2	2248,3	2393,0	123,8
Кўй ва очкалар	9230,2	9330,6	9208,8	94,5
Чўйкалар	716,3	86,8	75,8	10,6
Йиқилар	105,1	147,3	147,9	140,3

Б. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Гўнит, минг тоини	484,1	800,1	513,1	106,9
Сут, минг тоини	3061,2	3403,9	3794,8	114,7
Йуни, минг тоини	26,0	16,6	15,9	59,6
Қорақўл териси, минг дона	1257,4	1335,4	903,5	72,3
Хар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут, кг	1286	1115	1583	136,3
Хар бир товуқдан олинган ўртача тухум, дона	146	132	158	112,7

Қорамолчилик. Қорамолчилик республика чорвачилигига етакчи тармоқ. У республикада етиштириладиган гүштнинг тўртдан уч қисми ва сутнинг ҳаммасини беради. Мамлакатда, унинг минтақалараро агроклиматик хусусиятларига кўра, сут, сутгўшт, йўналишидаги қорамолчилик соҳаларида, йирик шаҳар атрофи хўжаликларида ҳамда янгидан суғорилган минтақаларда, гўшт-сут гўшт йўналишидаги қорамол зотлари эса тоб-тоголди минтақаларида ривожланган.

Қорамолчиликнинг худудий жойланишида вилоятлараро катта тафовутлар бор. Самарқанд вилоятида мамлакат жами қорамолларининг 14,8 фоизи, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Ҳоразм, Сурхондарё вилоятларининг ҳар бирида 8—11 фоизи боқилади.

Қорамол зотларини яхшилаш соҳасида кўп ишлар қилимокда. Жўмладаи, Болтиқбўйи давлатларида серсут қорамоллар келтирилиб районлаштирилган ва уларни чатиштириш орқали янги зотлар яратилган. Маҳаллий зотларни қораодга зотлар билан чатиштириб қўнғир ва қора-ола зотларнинг Ўзбекистон типи яратилган.

Қўйчилик. Республикада Қоракўл, ҳисори ва жайдари қўйлар кўп боқилади. Уларнинг сони эчкиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 9,3 млн. бошдан кўп. Шундан ярмидан ортиғи Қоракўл қўйларидир. Юқорида зикр қилинганидек, иқтисодий ислоҳотларининг дастлабки босқичидаёқ мамлакат чорвачилиги анча барқарорлашди.

Қоракўл қўйлари республика қўйчилигининг фахри ҳисобланади. У мамлакат экспортида алоҳида ўрин тутадиган, кўпил товланадиган сифатли қоракўл териси, гўшти ҳамда жун олиш учун катта-катта ҷўл яйловларида боқилади. Олимларнинг исботлашича, қоракўл зотли қўйларнинг асл ватани Зарафшон воҳаси ҳисобланади. Демак Жанубий Африка, Афғонистон, Россия ва Марказий Осиё давлатларида боқилаётган Қоракўл қўйлари асл ватани Ўзбекистондир. Мамлакатимизда Қоракўл қўйларининг боқиладиган асосий яйловлари Қизилкум, Қарши ва Устюрт чўллариdir, қисман тоб олди-минтақалариdir.

Ўзбекистон сифатли қоракўл терилари етиштиришда дунёning узоқ бурчакларигача машҳур Ўзбекистон қоракўл терилари мўйна бозорларида, Санкт-Петербург «ким онди» савдо бозорида, халқаро ярмаркаларда, шунингдек, Америка ва Европа бозорларида сотиласди. Мамлакатда қоракўлчиликка ихтинослашган 120 та йирик хўжалик бўлиб, шунинг 18 таси наслчиллик заводлари ва 9 таси наслчиллик хўжаликлариdir. Республика наслчиллик заводлари асосан сифатли тери навлари яра-

тиш билан шуғулланади. Бухоро вилоятидаги «Жонгелди» наслылик заводида жакет қора рангли қўйлар, Қорақалпогистондаги «Жамбаскала» дехқон хўжалигида қорақалюқ, сур тери типлари яратилди. Сурхондарё «Оққопчиғай» давлат наслылик заводида марварид ва оқ рангли, Жанубий Ўзбекистон кулранг қоракўли ва бошқа тери навлари яратилган.

Республикада гўшт ва жун етишириш мақсадида дағал жун ва гўшт-ёғ берувчи ҳисори ва жайдари қўй зотлари боқиласди. Думбали ва сержун қўйлардан 3 млн. дан ортиги аҳоли ва фермер хўжаликларида, 875 минг боши эса жамоа секторларида боқиласди.

Мамлакат қўйчилиги айниқса, гўшт етишириш бўйича анча маҳсулдор. Юқори типли ҳисори қўчқорлардан ҳар бирининг тириқ вазни 190 кг. га етади. Улар 140-150 кг. гача гўшт-ёғ беради. Бироқ мамлакатнинг иссиқ иқлимий шароитида қўйлар жун маҳсулдорлиги анча паст (ўртача ҳар бир бош қўйга 1 кг. дан баланд).

Эчкичилик сут, жун, гўшт, тери ҳамда тивит учун боқиласди. Эчкилар асосан Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд вилоятларида қўп. Мамлакат эчкичилигига сержун ангор, тивитли Оренбург, жундор Ўзбекистон зотлари кенг тарқалган. Ўзбекистонда йилига 60-85 т эчки жуни, 40-45 т тивит, 15-20 минг дона эчки териси тайёрланади. Эчкилар асосан республикализминг баланд тоғли ва тоғ олди зонаналарида боқиласди.

Мамлакат чорвачилигига йилқичилик, паррандачилик, чўчқачилик, күёнчилик, балиқчилик, асаларичилик, туячилик ҳамда пиллачиликнинг ўз ўрни бор. Мазкур тармоқларининг мамлакат чорвачилик маҳсулотлари етиширишдаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. Фақат чўчқачилик объектив сабабларга кўра, қисқармоқда.

Қисқача хуносалар

Мамлакат қишлоқ хўжалиги асосан унинг турли географик мухити — минтақаларо кечади. Унинг худуди табиий ва иқтисодий омиллар ҳамда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига кўра, З та минтақага (зона)га бўлиниди.

Сугориладиган минтақа мамлакат ҳудудининг қарийб 20 фоизини, чунончи Фарғона водийси, Чирчиқ — Оҳангарон, Зарафшон, Кашиқадарё воҳалари, Сурхон-Шеробод водийси, қуий Амударёни ҳамда Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларининг сугорибо ўзлаштириладиган қисмларини ўз ичига олади; мамлакат иқтисодиётининг асоси, қишлоқ хўжалигида энг кўп (85 фоиз) даромад берадиган қисмдир.

Тоғ ва тоғолди минтақаси республиканинг 20,5 фоизини ишғол қиласди. Унинг баланд қисмида арчазор ва ёз яйлови учун ўтлоқзорлар бор. Адир тоғ олди қисмида лалмикор ерлар бўлиб, ғалла ва хашаки эқинлар экилади, боғдорчилик, узумчилик ривожланган. Бу минтақа мамлакат ялни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг салкам 8 фоизини беради. Келажакда лалмикор ерларни ўзлаштириш ва боғдорчилик, мевачиликни яна ҳам ривожлантириш имкониятлари бор.

Чўл-яйлов минтақаси республика ҳудудининг² энг катта (60 фоизини) қисмини эгаллайди. У Қизилқум, Устюрт чўлларини, Қарши, Жиззах чўлларининг ҳали ўзлаштирилмаган қисмларини қамраб олади. Бу минтақа мамлакатнинг асосий қорақўлчилик базаси бўлиб, келажакда бу ерларда сугориладиган майдонларни кенгайтириш мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агроиқлим ресурслари деганда нимани тушинасиз?
2. Ўзбекистон ер фондининг қанча қисмини сугориладиган ерлар ташкил қиласиди?
3. Ўзбекистондаганда гўзанинг қандай навлари экиласиди?
4. Қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, эчқичилик қайси вилоятларда ривожланган?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Вахобов X. Иқтисодий география асослари -Т.: Ўқитувчи, 2001.
5. Туҳлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: 2000.
6. Рӯзиев А.Р., Абиркулов К.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
7. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т: Университет, 2003.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ

Транспортнинг республика иқтисодиётидаги аҳамияти. Ўзбекистон халқ хўжалигининг муҳим тармоғидан бири транспортдир. Унинг ривожланиш даражаси мамлакат иқтисодиётига, унда ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Транспортнинг тақиқи иқтисодий, техникикавий, савдо-сотик ва маданий алоқаларда ҳам аҳамияти катта.

Ўзбекистонда ҳозирги замон транспортининг асосий турлари мавжуд. Жумладан, бу ерда темир йўл ва автомобиль йўли, ҳаво ва дарё, қувур ва электр транспортлари ривожланган.

Мамлакат транспорти истиқдол туфайли мустақил бўлди. Унга эса асосий транспорт турларини ташкил қилиш, бошқарини ва ундан фойдаланиши хуқуқи республиканинг ўзида эмас эди. Масалан, 1920-1991 йилларда республика транспортининг асосий турлари собиқ Иттифоқнинг Марказий вазирликларига бўйсунган.

Эндиликда республика транспорти она-ватан тараққиётига хизмат қўймоқда. Мамлакат транспортининг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш ва транспорт бошқариш тизимини такомиллаштириш максадларида «Ўзбекистон ҳаво – Машҳад» темир йўлининг Ўзбекистон учун аҳамияти жуда катта ва шунинг учун ҳам унинг 133 километрлик «Тажан-Сарахс» йўл қурилишини ва ишга туширилишида мамлақатимиз қурувчилари фаол қатнашди.

Ўзбекистон МОДнинг айрим давлатлари орқали Хитой (Хитой орқали эса Тинч океани)га чиқиши учун Тошкент-Ўш-Қашқар темир йўли қурилишини ҳам олиб борилмоқда. Бу йўл қурилишида Қирғизистон ва Хитой ҳам қатнашимоқда.

17.1. Автомобиль транспорти

У муҳим ички транспорт тармоғидир. Автомобиль транспортининг ривожланиши ҳолати маъмурий районлар тараққиётida ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ер сирти тузилишининг мураккаблиги, яъни унинг халқ хўжалиги тифиз ривожланган худудларида тоғлик, яесси тоғликларнинг мавжудлиги бир томондан, темир йўл транспортини ривожлантиришини табиий равишда чегаралаган, иккинчи томондан эса, автомобиль транспортини ривожлантиришини тақозо қилган. Бугунги Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларини ва мамлакат аҳолиси

эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эга. Тош йўлларнинг умумий узунлиги 86 минг км дан ортиқ. Шундан қаттиқ қопламалий йўллар 75 минг км.

Эндиликда автотранспортда ҳам хусусийлаштириш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш давом этмоқда. Транспорт во-ситалари — автобуслар, юк ва енгил машиналарга эга бўлган жамоа ҳамда хусусий хўжаликлар қўпаймоқда, уларнинг йўловчи ва юк ташища салмоғи аста-секинлик билан ўсиб бормоқда.

Республика автотранспортининг моддий-техник баъзаси мустаҳкамланмоқда. Автотранспорт парки хорижий мамлакатлар (Германия, Жанубий Корея)дан келтирилган ва ватанимизда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, енгил машиналар ҳисобига тобора янгиланиб бормоқда. Автохўжаликлар, йўл қурилиши хўжаликлари замонавий техникалар билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон автомобиль транспортида қўшини узоқ хорижий давлатлар билан боғланиш истиқболи очилмоқда. 3,2 минг км масофадаги автомобиль йўлларимиз ҳалқаро аҳамиятта эга. Йўлларни жаҳон андозаларига мос келадиган тарзда таъмирлаш, янги янги йўллар, кўприклар, довонларда тунеллар қуриш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Шу мақсадда чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиниб, уларнинг маблағи, техникаси ва технологияси кенг жалб этилмоқда.

Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатларининг барчаси билан ҳалқаро аҳамиятга молик бўлган йирик автомагистраллар қуришида ташаббускоғ бўлиб чиқмоқда ёки бевосита қатнашмоқда. Жўмладан, у.Хитойга (ва Тинч океанига) чиқиш имкониятини берувчи «Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар» автомобиль йўли ҳамда Хинҷ океанига чиқишига имкон берадиган «Термиз — Ҳирот — Қарачи» автомобиль йўли қурилишида ва шу йўналишда мавжуд бўлган йўлларни қайта таъмирлашида ўз улушини қўшиш билан қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Ўзбекистон Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар, шунингдек, Бухоро — Сарахс — Машҳад — Техрон ва Термиз — Ҳирот — Қондахор — Карочи автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳисса күшган ҳолда катнашишдан ҳам манфаатдор».¹

17.2. Ҳаво транспорти

Мамлакатимизнинг ички ва ташқи алоқаларида ҳаво транспортининг аҳамияти айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига чукур кириб бориши билан долзарблиқ қасб қилмоқда.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..., 274—275-бетлар.

«Ўзбекистон ҳаво йўлари» авиакомпанияси хилма-хил тиңдаги ҳаво транспорти воситаларига эга. Жўмладан, унда қишлоқ хўжалик ишларига мўлжалланган «АН-2», маҳаллий йўлларда катнайдиган «АН-24», «ЯК-40», халқаро йўлларда қатнайдиган «ИЛ-76», «ИЛ-62», «ИЛ-86», «ТУ-154», «А-310», Бойнг каби самолётлар бор. Вертолёт паркида эса «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» каби машиналар бўлиб, улардан мамлакат муассасалари, метеорология, геология-қидирув ишларида кенг фойдаланилди.

Мамлакат ҳаво транспорти хизматини яхшилаш масаласи ўз-ўзидан аэропортлар ҳар хил янги типдаги самолётларни қабул қилишга кўра жиҳозланишини ва таъмирланишини тақозо қилган. Хозирги вақтда мамлакатда 12 та аэропорт бор.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганчдаги аэропортлар чет эл фирмалари ҳамкорлигидаги қайта таъмирланиб ва жиҳозланиб энг замонавий типдаги самолётларни қабул қилиш имконига эга бўлди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳаво транспортиning хизмат кўрсатиш кўлами нихоят даражада кенгайди. Эндиликда Ўзбекистон Ўрта Осиё ва МДҲ нинг барча давлатлари ҳамда йирик шаҳарлари билан ҳаво транспорти алоқасига эга. Шунингдек, республиканинг узоқ хорижий давлатлар билан ташки иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишида ҳам ҳаво транспортининг аҳамияти ортиб бормоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» нинг Европа, Осиё ва Америкадаги бир қанча мамлакатларида ваколатхоналари очилган. 1993-1998 йилларда Ўзбекистон 20 дан ортиқ йўналишда халқаро маршрутда самолёт қатновини йўлга қўйди. Жўмладан, Лондон, Манчестер, Франкфрут, Тель-Авив, Жидда, Бангкок, Истамбул, Караби, Пекин, Сеул, Афина, Амстердам, Нью-Йорк, Куала-Лумпур, Жакарта, Дакка, Париж ва бошқа чет эл шаҳарларига мунтазам халқаро авиарейслар ташкил қилинган.

Мамлакатимиз йўловчи айланмаси ҳаракатида ҳаво транспортининг салмоғи 9,3 фоизни эгаллайди. Ўнинг, айниқса, узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларини ривожлантиришда аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда Хитой, Покистон, Судаң, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар авиакомпаниялари Ўзбекистон самолётларини фрахт йўли билан ижарага олиб ишлатиш йўналиши тобора кенгайиб бормоқда.

17.3. Сув транспорти

У районлараро ва халқаро аҳамиятга эга бўлиб, халқ хўжалиги юқларини ташиши ҳамда Туркменистон, Тоҷикистон, Афғонистон давлатлари билан иқтисодий алоқалар учун хизмат қиласади.

Республика сув транспорти салохиятида Амударёниг улущи катта. Шунинг учун ҳам биринчи марта 1950 йилда Амударёнинг нисбатан бошланғич қисем Сурхондарё вилояти ҳудудида Термиз дарё порти ташкил этилган. 1952 йилда эса Ҳужайлида кема таъмирилаш заводи қурилган. Амударё соҳилларида янги Шарлавуқ, Тўрткўл, Ёрунӣ, Қоратов, Ҳужайли бандаргоҳ (пристан)лари қурилган.

1994 йилдан бошлаб мамлакат сув транспорти хизматини яхшилаш мақсадида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлимлари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё порти», «Қорақалпоғистон дарё порти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилган (1995). «Ўзвоттранс» корпорацияси хузурида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича (Тошкентда) бош бошқарма тузилган бўлиб, у мамлакат сув транспортига умумий раҳбарлик қиласди.

17.4. Қувур транспорти

У тез ривожланиб бормоқда ва мамлакат нефть ҳамда газ саноатининг ривожланиши, аҳолини ичимлик суви билан тўла таъминаш бўйича катта истиқболига эга. Тарихга назар ташласак, Ўзбекистонда биринчи нефть қувури 1908 йилда ишга тушиганини кўрамиз. Уша йили Чимёни нефть конидан Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводига 20 км лик қувур тортилган эди. Кейинчалик мамлакатда янги-янги нефть ва газ конларининг топилиши қувур транспорти ривожланишига таъсир кўрсата борди. Эндиликда биргина Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига нефть конларидан жами 228,5 км лик қувур ўтказилган.

Сурхондарёда (Лалмикор-Қумкўргон), Қашқадарёда (Фарбий Тошлоқ - Қашқадарё станцияси ва Шимолий Ўртабулоқ — Олтингугурт заводи), Бухорода (Кўкдумалоқ — Бухоро) нефть қувурлари қурилган.

Мамлакатда газ саноатининг ривожланиши эса газ қувурлари географиясини жуда кенгайтириб, унинг ҳалиқаро аҳамиятини опириб юборди. Мамлакатда газ қувурлари қуришга 1960 йилларнинг бошида киришилган эди. Уша йиллари «Асака-Андижон», «Ҳўжаобод-Фарғона», «Шимолий Сўх-Қўқон», «Газли-Коғон» газ қувурлари қурилган. Кейинчалик «Жарқоқ-Самарқанд-Тошкент», «Газли-Свердловский» газ қувурлари ишга туширилган.

Ҳозирги вақтда эса Ўзбекистон газ қувурлари орқали МОД нинг бир қатор давлатлари билан боғланган. 1998 йилда мам-

лакатдаги магистрал қувурлар орқали 33,7 млрд. куб м. газ ва 164,2 минг т. нефть ташилди.

Аҳоли (биринчи навбатда шаҳарликлар) ни чучук сув билан таъминлашида ҳам қувур транспортининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Умуман, қувур транспорти мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида муҳим омил бўлиб, у саноат корхоналари ва хўжаликларни, аҳоли маизилгоҳлари ва шаҳарларни табиий газ ва чучук сув билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Қувур транспортининг ривожлантирилини ва унинг халқ хўжалигига мавқеининг оширилиши ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ошишига, маҳсулот таниархи насайишига, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан тоза бўлишига олиб келади.

Қисқача хуросалар

Ўзбекистонда автомобиль, темир йўл, ҳаво ва қувур транспорти ривожланган. Ҳозирги пайтда қатор автомобиль ва темир йўллари курилди, эскилари қайтадан таъмирланди. Охирги йилларда ҳалқаро ҳаво транспорти жадал суръатлар билан ривожланди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистонда қандай транспорт йўллари яхши ривожланган?
2. Ўзбекистонда қайси йўналишларда янги темир йўллар курилди?
3. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон қайси давлатлар билан ҳаво йўллари орқали боғлаган?
4. Ўзбекистонда ҳалқаро ахамиятга эга бўлган қандай автомагистраль йўллар мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Вахобов X. Иқтисодий география асослари -Т.: Ўқитувчи, 2001.
5. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: 2000.
6. Рўзиев А.Р., Абиркулов К.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
6. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўкув қўйланма. -Т: Университет, 2003.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

18.1. Ташқи иқтисодий алоқаларниң иқтисодий-географик хусусиятлари

XXI аср, шубҳасиз, халқаро мұнасабатларда бутун дүнёни қамраб оладиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёини халқаро институтлар ва ташкилотларда суворен давлатлар даврасини кенгайтириш жараёини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақаларда ҳам, шунингдек, умуман, бутун сайдерамиз қўламида сабитқадамлик, барқарорлик нинг қудратли омили, деб хисобламоқ зарур.

Ўзбекистон жуда қадим замонлардан бўён қўхна карвон йўли – Буюқ ипак йўлида жойлашиб, ташқи дунё (Фарб билан Шарқ) билан фаол иқтисодий алоқалар олиб борган. Мустақиллик шарофати билан эса мамлакатимиз иқтисодиётидаги янги йўналиш - ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорликка кенг йўл очилди. Эндиликда Ўзбекистон товарлар, капитал, ишчи кучини мамлакатлараро транзит этишга, жаҳон иқтисодини интеграциялаш, йирик трансмилий ва халқаро лойиҳани амалга оширишга қодир.

Мамлакатда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солини мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, божхона қўмитаси тузилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида янги стратегия ишлаб чиқилиб, унда экспортнинг хомашёвий йўналишини барта-рафт этиш ҳамда хорижий инвестициялар оқими кенгайишига қўмаклашиш каби йўналишлар белгилаб олинди. Мамлакатда ташқи иқтисодий алоқалар тизими, уларни йўлга қўйишдаги асосий тамойиллар ишлаб чиқилди. Хорижий давлатлар фирма, банк тизимлари билан алоқа пойдевори барпо этиш йўлида сиёсий, хуқуқий ва ташкилиз омиллар яратилди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет әл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ва меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни баражареш учун шароит яратди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бориб, қўпчилик давлатлар билан иқтисо-

дий, техникавий, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни амалга оширмоқда. Ташқи алоқалар ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама ривожланмоқда. Ватанимизда иқтисодий фаолиятни кенг қўламда ривожлантириш, юксак тараққий этган давлатлардаги ишлаб чиқаришнинг технология ва иқтисодий жараёнлари билан танишиши, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, супермаркетлар, савдо филиаллари ташкил қилиш имконияти яратилмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти кенг қамровли бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда чет эл фирмалари маблағи иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони 6 мингдан ошиб кетди. Улар орасида дунёга танилган «Самсунг», «ДЭУ», «Ньюмонт-Майнинг», «Хекс», «Сиба-Гейти», «Ренк ксерокс», «Филипс» ва боғқалар самарали фаолият қўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки чет мамлакатлардаги 180 дан ортиқ банклар билан боғланиб, корреспондент муносабатларини олиб бормоқда. У Марказий Осиёда биринчи бўлиб жаҳон банклараро молия телекоммуникацияси тизими (СВИФТ)га қўшилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонни дунёнинг 170 га яқин мамлакати таин олган, шундан 130 га яқини билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Пойтахт – Тошкентда 50 га яқин мамлакатнинг элчихоналари фаолият қўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг чет мамлакатларда элчихоналари, консульстиклари ва 30 дан ортиқ ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон БМТнинг кўп ташкилотлари ҳақида 50 дан ортиқ ҳалқаро ва регионал (худудий) ташкилотларининг аъзосидир. Жумладан, улар орасида ҳалқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, Ҳалқаро электр алоқа Иттифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ҳалқаро молия корпорацияси, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши ва ҳ. к.лар бор. Шунингдек, бир қатор нуфузли ҳалқаро ташкилотлар мамлакатимизда худуний ваколатхоналарини очишган. Улар республиканинг кўп қиррали алоқаларини ривожлантиришга салмоқли хисса қўшиб келишмоқдалар.

Ўзбекистоннинг хорижий компания ва фирмалар билан ҳамкорлиги, уларнинг худудимизда тўла фаолият қўрсатиб ишлashingа кафолат берилганини ташқи савдоға ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ташқи алоқаси, савдо географияси жуда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон барча қитъаларда жойлашган давлатлар билан кенг қамровли савдо-сотиқ алоқаларини олиб бормоқда. Ташқи савдода Европа-66,3 фоиз, Осиё-28,0, Америка қитъаси-5,4, Африка-0,1, Австралия ва Океания-0,2 фоизни эгаллайди. Кейинги йилларда Ўзбекистон экспорти

ва импортида МДХ ва хорижий мамлакатлар ҳиссасида бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. 1996-2002 йиллар ўртасида узоқ хорижий мамлакатларнинг Узбекистон экспортидаги салмоғи 77,1 фоиздан 72,0 фоизга пасайди, импортдаги салмоғи эса 67,9 дан 62,2 фоизга пасайди. 2002 йилда МДХ мамлакатларининг Узбекистон ташқи савдо айланмасидаги салмоғи 36,9 фоиз, узоқ хорижий мамлакатларники - 63,4 фоизни ташкил этди.

Узбекистоннинг экспортида Буюк Британия—10,6, Швейцария—8,7, Туркия—4,7, импортда эса, АҚШ—19,2, Корея—15,1, Германия—12,3, Хитой—6,6 фоизни эгаллади.

Узбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг ирик савдо иқтисодий шеригидир. 1994 йилдан бошлаб Узбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида дипломатлик муносабатлар ўрнатилган. Эндиликда Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан Узбекистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ҳамда маданий-маърифий алоқалар тез суръатлар билан ривожланмоқда. Утган давр ичида Узбекистонда Европа Иттифоқининг «Тасис» техникавий ва бошқа соҳадаги кўмаклашиш дастурлари амалга оширилди. Эндиликда 2006 йилгача даврга мўлжаллашган дастурлар устида ишлар олиб борилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида республика экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган мукаммал дастур амалга оширилмоқда. Натижада 1993-2002 йилларда экспорт ва импорт таркибида айрим маҳсулотларнинг ҳиссаси анча ўзгарди (45-жадвал).

45-жадвал

Мамлакат ташқи савдо айланмасининг товарлар таркиби (фоиз ҳисобида)

	1993й.	1995й.	1997й.	2002й.
ЭКСПОРТ, жами	100	100	100	100
Шу жумладан: нахта толаси	78,0	57,9	36,0	22,4
кимё маҳсулотлари, пластмасса	5,3	17,1	1,7	3,0
манина ва асбоб-ускуналар	0,4	2,4	6,3	3,9
кора ва рангли металлар	6,9	5,6	4,6	6,4
хизматлар	3,2	9,3	8,2	15,9
бониқа мухим товарлар	3,2	7,7	31,2	36,8
ИМПОРТ жами,	100	100	100	100
Шу жумладан: озиқ-овқат	61,3	18,2	19,3	12,5
манина ва асбоб-ускуналар	15,9	47,9	45,9	41,4
кимё маҳсулотлари, пластмасса	7,5	9,5	12,5	15,1
кора ва рангли металлар	3,0	5,7	7,5	8,0
хизматлар	0,6	5,0	7,5	10,6
бониқа мухим товарлар	4,8	13,7	6,7	11,1

Экспортда машина ва асбоб-ускуналар салмоғи анча ўеди. Мамлакатимиз нефть маҳсулотларини импорт қилишдан экспорт қилувчига айланди. Экспорт таркибида машинасозлик маҳсулотлари орасида турли русумдаги енгил автомобиллар, автобуслар, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги машина асбоб-ускуналари, телевизор ва бошқа радиотехника маҳсулотлари салмоғи аста-секинлик билан ошиб бормоқда. Ўтган давр ичидаги республикада импорт таркибида бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. Жўмладан, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти 5 барабар қисқарди. Шунга қарамасдан, мамлакатимиз четдан оладиган жами товарлар таркибида ҳамон озиқ-овқат маҳсулотлари улуши анчагина. Шу сабабдан бундай товарларга бўлган эҳтиёжларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондиришининг узоқ муддатли режаси амалга оширилмоқда, чет эллик сармоядорлар учун кулагай иқтисодий, хукукий инвестиция муҳити яратилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияларини ўзлаштириш (чет эл инвестициялари умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида, кредитларни кўшган ҳолда) қуйидагича бўлди: нефтни қайта ишлаш саноатида — 13,8, енгил саноатда — 17,6, алоқада — 11,4, транспортда — 10,9, озиқ-овқат саноатида — 6,3, кимё ва нефть-кимё саноатида — 3,2 фоизни ташкил этди.

Республикамиз узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ҳам олмоқда. Бу инвестициялар саноатнинг устувор тармоқларини, аҳолини озиқ-овқат билан таъминланини яхшилашга хизмат қиласидиган агросаноат мажмуини жадал ривожлантиришга, хомашё экспортидан тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини кучайтириш, маҳсулотларининг рақобатбардошлигини кўтариш соҳаларига йуналтирилмоқда. Халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар, турли банк тизимлари мамлакатимиз олтин, нефть, газ, кимё, рангли металлургия, саноати, агросаноат мажмуасини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этиб келмоқдалар. Хорижий сармоядорлар Кўкдумалоқ газ-нефть конини ўзлаштириш, Бухоро нефти қайта ишлаш заводини қуриш, олтин ишлаб чиқарадиган «Зарафшон-Ньюмонт», Ўзбекистон АҚШ қўшма корхонасини қуриш, Фарғона нефти қайта ишлаш заводни батамом қайта қуриш, Шўртан газ-кимё мажмуасини замонавий техника билан жизоҳлаш каби лойиҳаларни молиялантиришда фаол қатнашдилар. Шунингдек, янги қурилаётган ва қайта таъмирланётган обьектлар қурилишида, уларни замонавий техника ва технология билан жиҳозлашада ва аввало, ишлаб

берувчи саноат тармоқларини ривожлантиришида қагта молиявий техникавий ёрдам бермоқдалар. Улар пахтани тақрор-тақрор қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашнинг маъжумини қамрайдиган, янги технология асосида ишлайдиган, рақобатбардои маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳаларда фаол иштирок этишмоқда. Мавжуд корхоналарни қайта таъмираш ва жиҳозлаш асосида босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқарадиган ҳоддинг компанияларини шакллантириш ва ривожлантириш ўйлида кўп ишлар қилинмоқда. Чет эл инвестициялари ўрга ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришни хар томонлама қўллаб-қувватлаб турли банкларда кредит йўлларини очмоқдалар. Натижада асосий капиталга киритилаётган инвестициялар таркибида нодавлат мулк шаклларининг салмоғи тобора ошиб бормоқда.

Чет эл инвестициялари билан ишлаган корхоналар сони 2001 йилда 1958 бўлса, 2002 йилда 2087га етди. Уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатиш хизматлари 610,2дан 1044,2 млрд. сўмга кўтарилиди, ишчи ва хизматчилар сони эса 90,4дан 94,1 минг кишига етди.

Мамлакатнинг айрим маъмурий районларида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида нодавлат мулкларини ривожлантиришга йуналтирилаётган чет эл инвестициялари салмоғи ҳануз анча кам. Назаримизда мамлакат ташки иқтисодий фалиятини ривожлантиришда унинг ҳар бир маъмурий райони (вилоят, туман) ҳамда турли мулк шаклидаги корхоналар иштирокини таъминлаш ватанимиз иқтисодиётини юксалтиришга, ҳалқнинг турмуш шароитини яхшиланға маълум ҳисса бўлиб қўшилади.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон ҳозирги пайтда чет элга пахта толаси, кимё маҳсулотлари, пластмасса, машина ва асбоб-ускуналар, қора ва рангли металлар экспорт қилади.

Ўзбекистонда чет эл фирмалари маблағи иштирокида тузиленген күшма корхоналар сони б мингдан ошиб кетди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон чет давлатлар билан иқтисодий, илмий, маданий алоқаларни мустаҳкамламоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистонда қайси давлатларнинг элчихоналари бор?
2. Ўзбекистон қанақа халқаро ташкилотларга аъзо?
3. Ўзбекистон қайси давлатлар билан иқтисодий алоқалар олиб бормоқда?
4. Ўзбекистон қайси давлатлар билан илмий ва маданий алоқалар ўрнатган?
5. Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт маҳсулотлари таркибини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Вахобов X. Иқтисодий география асослари -Т.: Ўқитувчи, 2001.
5. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: 2000.
6. Рўзиев А.Р., Абиркулов К.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
7. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўкув қўлланма. –Т.: Университет, 2003.

АДАБИЁТЛЯР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавф-сизлиқка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Акромов З. М. География фани XXI аср бўсағасида: муаммолар, ечимлар ва йўналишлар. Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 21-жилд. -Т., 2000.
5. Акромов З.М. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
6. Абирқулов Қ. Н., Жумаев Т., Ражабов Н. Иқтисодий география. -Т., 2000.
7. Абирқулов Қ., Қурбаниязов Р. Иқтисодий географиядан амалий машғулотлар. -Т., Урганч, 1998.
8. Фуломов С., Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. -Т., 1999.
9. Фуломов С.С. Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодига ўтиш йўли. -Т.: ФАН, 1996.
10. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. -Т., 2000.
11. Рўзиев А.Р., Абирқулов Қ.Н. Ўзбекистон иқтисодий географияси. -Т.: Шарқ, 2002.
12. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. -Т., 1996.
13. Рўзиев А.Н. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. -Т., 2000.
14. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Мухамадалиев Р.И. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўкув қўлланма. -Т.: Университет, 2003.
15. Солиев А. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати. -Т., 2000.
16. Абдуллаев О. Наманган вилояти. -- Наманган, 1995.
17. Асанов Г.Р., Набиҳонов М., Сафаров И. Ўзбекистон

- иқтисодий ва ижтимоий географияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
18. Курбониёзов Р., Саъдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари. — Урганч, 1999.
19. Назаров И., Саломов Ю. — Бухоро вилояти: Бухоро, 1994.
20. Вахобов Х. Иқтисодий география асослари -Т.: Ўқитувчи, 2001
21. Алиев М.Г., Ишанходжаева Д.А., Хачиев Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. -Т., 1998.
22. Бабурин В.А., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
23. Касимов Г.М. и др. Экономика Узбекистана на современном этапе. -Т: Узбекистан, 1998.
24. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - Ростов-на -Дону, 2000.
25. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
26. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М., 2000.
27. Гребцова Е. Экономическая и социальная география России. -Ростов-на-Дону: Веникс, 1997.
28. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
29. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. —М., 1995.
30. Региональная экономика. / Под.ред. М.В.Степанова. - М.,2000.
31. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. -М.: Прогресс, 1998.
32. Социально-экономическая география зарубежного мира. // Под ред. В.В. Вольского. - М.: Крон-пресс, 1998.
33. Страны мира. -М.: Мысль, 1996.
34. Спиридонова И.А. Мировая экономика.Уч.пособие. - М.,2001.
35. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана.-Т.,2000

36. Родионова И.А. Политическая карта мира. -М., 1996.
37. Узбекистан в цифрах, -Т.,2003.
38. Экономическая география зарубежных стран. / Под ред. Максаковского. - М.: Мысль, 1998.
39. Эшмухамедов А., Шибаршова Л.И. Мировая экономика и МЭО. Интеграция в мировую экономику. -Т.: ТГЭУ, 1998.
40. Шишов С. С. Экономическая география и регионалистика. -М.,1998

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
1-бўлим. «ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ»НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
I боб. «ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ» КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	6
1.1. «Иқтисодий география»нинг предмети, унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни.....	6
1.2. «Иқтисодий география»нинг назарий асослари, илмий концепциялари ва услублари.....	8
1.3. «Иқтисодий география»нинг ривожланиш тарихи.....	10
Қисқача холосалар.....	12
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	12
Асосий адабиётлар.....	13
II боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ.....	14
2.1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари.....	14
2.2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шакллари.....	15
2.3. Ишлаб чиқаришни худудий ташкил этишининг асосий омиллари....	16
Қисқача холосалар.....	19
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	19
Асосий адабиётлар.....	20
2-бўлим. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯСИ.....	21
III боб. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ.....	21
3.1. Дунё сиёсий харитасининг аҳамияти ва ўзига хослиги.....	21
3.2. Дунё сиёсий харитаси шаклланишининг хусусиятлари ва асосий босқичлари.....	23
3.3. Давлат тузими ва давлат тузилиши.....	36
Қисқача холосалар.....	42
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	42
Асосий адабиётлар.....	43
IV боб. ДУНЁ АҲОЛИСИ ГЕОГРАФИЯСИ.....	44
4.1. Дунё аҳолисининг ўсиши.....	44
4.2. Дунё аҳолисининг зичлиги ва жойлашуви.....	44

4.3. Урбанизация жараёнининг ривожланиши.....	46
4.4. Ахолининг жинсий, диний ва ирқий таркиби.....	47
4.5. Меҳнат ресурслари ва бандлик муаммолари.....	48
Кисқача хуносалар.....	50
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	50
Асосий адабиётлар.....	51
 V боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ.....	52
5.1. Дунё хўжалигининг умумий таърифи.....	52
5.2. Фан-техника инқилоби ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириши.....	60
5.3. Моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимида юз бераётган силжишлар ва дунё иқтисодиётининг уч тури - босқичи.....	67
5.4. Дунё иқтисодиётида фан-техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган янги хўжалик турлари.....	69
5.5. Дунё хўжалигининг географик модели.....	71
5.6. Дунё хўжалиги ва регионал сиёсат.....	72
Кисқача хуносалар.....	77
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	77
Асосий адабиётлар.....	78
 VI боб. ДУНЁ САНОАТИ ВА УНИНГ ТАРМОҚЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ.....	79
6.1. Саноат ривожланишининг умумий хусусиятлари.....	79
6.2. Дунё ёқилғи – энергетика саноати.....	80
6.3. Дунё электро-энергетика саноати.....	87
6.4. Дунё металлургия саноати.....	93
6.5. Дунё машинасозлик саноати.....	100
6.6. Дунё кимё саноати.....	106
6.7. Дунёнинг ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати.....	111
6.8. Дунё енгил саноати.....	113
Кисқача хуносалар.....	116
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	117
Асосий адабиётлар.....	117
 VII боб. ЖАҲОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ГЕОГРАФИЯСИ.....	118
7.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг умумий таърифи.....	118
7.2. Жаҳон ўсимлиқшунослиги.....	123
7.3. Жаҳон чорвачилиги географияси.....	131
7.4. Дунёда балиқ овлаш ва балиқчилик.....	134
Кисқача хуносалар.....	138
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	138
Асосий адабиётлар.....	139

VIII боб. ДУНЁ ТРАНСПОРТИ ГЕОГРАФИЯСИ.....	140
8.1. Күрүклик транспорти.....	140
8.2. Сув транспорти.....	142
8.3. Хаво транспорти.....	155
Кисқача хуласалар.....	158
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	159
Асосий адабиётлар.....	159
 IX боб. АМЕРИКА ҚЎШМА ЩТАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.....	160
9.1. Географик жойланиши.....	160
9.2. Давлат тузуми.....	160
9.3. Хўжалигининг умумий тавсифи.....	162
9.4. АҚШнинг ички тафовутлари.....	166
9.5. Ташиб иқтисодий алоқалари.....	167
Кисқача хуласалар.....	168
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	168
Асосий адабиётлар.....	169
 Х боб. ЯПОНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.....	170
10.1. Ривожланини хусусиятлари.....	170
10.2. Географик жойлашиши, табиий шароити ва бойликлари.....	172
10.3. Аҳолиси ва унинг жойлашиши.....	174
10.4. Давлат тузими.....	175
10.5. Хўжалигининг умумий таърифи.....	176
10.6. Иқтисодий-географик тафовутлари.....	182
10.7. Япония ва Ўзбекистон ўргасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши.....	183
Кисқача хуласалар.....	187
Назорат ва муҳокама утун саволлар.....	187
Асосий адабиётлар.....	188
 XI боб. ГЕРМАНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.....	189
11.1. Иқтисодий-географик ўрни ва жаҳонда туттган ўрни.....	189
11.2. Германиянинг табиий шароити ва табиий ресурслари.....	190
11.3. Аҳолисининг жойлашуви, меҳнатда бандлиги.....	190
11.4. Хўжалигининг умумий таърифи.....	191
11.5. Саноати ва унинг жойлашиши.....	193
11.6. Транспорти.....	193
11.7. Ташиб иқтисодий алоқалари.....	194
Кисқача хуласалар.....	195
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	195

Асосий адабиётлар.....	196
XII боб. РОССИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ...	197
Қисқача хуросалар.....	201
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	201
Асосий адабиётлар.....	202
3-бўлим. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯСИ.....	203
XIII боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИ. МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ.....	203
13.1. Географик ўрни.....	203
13.2. Ташибчи топиши ва маъмурий ҳудудий бўлиниши.....	205
13.3. Мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш жиҳатидан баҳолаш....	207
Қисқача хуросалар.....	220
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	220
Асосий адабиётлар.....	220
XIV боб. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ...	221
14.1. Аҳоли динамикаси.....	221
14.2. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби.....	225
14.3. Аҳолининг миглий таркиби.....	226
14.4. Шаҳар ва кишилоқ аҳолиси.....	227
14.5. Аҳолининг ижтимоий таркиби.....	228
14.6. Меҳнат ресурслари.....	230
Қисқача хуросалар.....	233
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	233
Асосий адабиётлар.....	233
XV боб. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ.....	234
15.1. Умумий таъриф.....	234
15.2. Саноат ва унинг стакчи тармоқлари.....	238
15.3. Ёқилғи-энергетика мажмуи.....	242
15.4. Металлургия мажмуи.....	251
15.5. Машинасозлик мажмуи.....	256
15.6. Кимё саноати.....	263
15.7. Курилинг материаллари саноати.....	265
15.8. Енгил саноат.....	267
15.9. Озиқ-овкат саноати.....	270
Қисқача хуросалар.....	276
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	277
Асосий адабиётлар.....	277

XVI боб. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ.....	278
16.1. Қишлоқ хўжалигини республика иқтисодиётида туттган ўрни...	278
16.2. Ер фонди.....	282
16.3. Деҳқончилик.....	282
16.4. Чорвачилик.....	289
Қисқача хуносалар.....	293
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	294
Асосий адабиётлар.....	294
 XVII боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ.....	295
17.1. Автомобиль транспорти.....	295
17.2. Ҳаво транспорти.....	296
17.3. Сув транспорти.....	297
17.4. Қувур транспорти.....	298
Қисқача хуносалар.....	300
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	300
Асосий адабиётлар.....	300
 XVIII боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ГЕОГРАФИЯСИ.....	301
18.1. Ташқи иқтисолий алоқаларнинг иқтисодий-географик хусусиятлари.....	301
Қисқача хуносалар.....	306
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	306
Асосий адабиётлар.....	306
 АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	307

CONTENTS

Introduction.....	5
PART I. THEORETICAL BASES OF «ECONOMIC GEOGRAPHY»...	6
CHAPTER-I. SUBJECT, METHODOLOGY AND TASKS OF THE COURSE OF «ECONOMIC GEOGRAPHY».....	6
1.1. Subject of «Economic geography», its role among other courses	6
1.2. Theoretical bases, scientific conceptions and methodology of «Economic geography».....	8
1.3. Development history of «Economic geography».....	10
Brief conclusions.....	12
Questions for discussion and control.....	12
Main literature.....	13
CHAPTER-II. TYPES, FACTORS AND LAWS OF PRODUCTION PLACEMENT IN THE CONDITIONS OF MARKET ECONOMY.....	14
2.1. Main laws of production forces placement.....	14
2.2. Main types of organization of production.....	15
2.3. Main factors of local organization of production.....	16
Brief conclusions.....	19
Questions for discussion and control.....	19
Main literature.....	20
PART II. WORLD ECONOMIC GEOGRAPHY.....	21
CHAPTER-III. NOWADAYS POLITICAL MAP OF THE WORLD....	21
3.1. Essence and characteristics of world's political map.....	21
3.2. Characteristics and main stages of the development of world's political map.....	23
3.3. State system and state structure.....	36
Brief conclusions.....	42
Questions for discussion and control.....	42
Main literature.....	42
CHAPTER-IV. GEORGRAPHY OF WORLD POPULATION.....	44
4.1. Increase of world population.....	44
4.2. Density and placement of the world population	44
4.3. Development of urbanization process.....	46
4.4. Religion, gender and ethnic structure of the population.....	47
4.5. Labor resources and employment problems.....	48
Brief conclusions.....	50

Questions for discussion and control.....	50
Main literature.....	51
CHAPTER-V. GEOGRAPHY OF WORLD HOUSEHOLD.....	52
5.1.General explanation of the world household.....	52
5.2.Scientific-technical revolution and placement of production forces....	60
5.3.Improvements happening in the branch of goods production and three stages of the world economy.....	67
5.4.New households appeared in world economy according to the development in scientific-technology.....	69
5.5.Geographical model of world household.....	71
5.6.World household and regional policy.....	72
Brief conclusions.....	77
Questions for discussion and control.....	77
Main literature.....	78
CHAPTER-VI. THE GEOGRAPHY OF WORLD INDUSTRY AND ITS BRANCHES.....	79
6.1.General characteristics of industrial development	79
6.2.World's oil energy industry.....	80
6.3.World's electro-energy industry.....	87
6.4.World's iron industry	93
6.5.World's machinery industry.....	100
6.6.World's chemical industry.....	106
6.7.World's forest and wood production industry.....	111
6.8.World's light industry.....	113
Brief conclusions.....	116
Questions for discussion and control.....	117
Main literature.....	117
CHAPTER-VII. GEOGRAPHY OF WORLD AGRICULTURE.....	118
7.1.General explanation of world agriculture.....	118
7.2.World crops.....	123
7.3.World cattle breeding.....	131
7.4.World's fish industry.....	134
Brief conclusions.....	138
Questions for discussion and control.....	138
Main literature.....	139
CHAPTER-VIII. GEOGRAPHY OF WORLD TRANSPORTATION...	140
8.1.Land transportation.....	140
8.2.Water transportation	142

8.3.Air transportation	155
Brief conclusions.....	158
Questions for discussion and control.....	159
Main literature.....	159
 CHAPTER-IX. ECONOMICAL-GEOGRAPHIC DEFINITION OF USA..... 160	
9.1.Geographical placement.....	160
9.2.State system.....	160
9.3.General explanation of household.....	162
9.4.Internal differences of USA.....	166
9.5.Foreign economic affairs.....	167
Brief conclusions.....	168
Questions for discussion and control.....	168
Main literature.....	169
 CHAPTER-X. ECONOMIC-GEOGRAPHICAL DEFINITION OF JAPAN..... 170	
10.1.Development characteristics.....	170
10.2.Geographic place natural conditions and wealthes.....	172
10.3.Population and its placement.....	174
10.4.State system.....	175
10.5.General definition of household.....	176
10.6.Economic-geographical differences.....	182
10.7.Economic relation between Uzbekistan and Japan.....	183
Brief conclusions.....	187
Questions for discussion and control.....	187
Main literature.....	188
 CHAPTER XI. ECONOMICAL-GEOGRAPHIC DEFINITION OF GERMANY..... 189	
11.1. Economic-geographical place and its place.....	189
11.2.Natural conditions and resources of Germany.....	190
11.3.Population placement and its employment.....	190
11.4.General explanation of household.....	191
11.5.Industry and its placement.....	193
11.6.Transports.....	193
11.7.International economic relations.....	194
Brief conclusions.....	195
Questions for discussion and control.....	195
Main literature.....	196
Chapter XII. Economical-geographic definition of Russia..... 197	

Brief conclusions.....	201
Questions for discussion and control.....	201
Main literature.....	202
 PART III. ECONOMICAL GEOGRAPHY OF UZBEKISTAN.....	203
 CHAPTER XIII. GEOGRAPHIC PLACE OF UZBEKISTAN. ADMINISTRATIVE-TERRITORIAL DIVISION.....	203
13.1.Geographic place	203
13.2.Appearance and administrative-territorial division.....	205
13.3.Natural resources of the country and their production.....	207
Brief conclusions.....	220
Questions for discussion and control.....	220
Main literature.....	220
 CHAPTER XIV. POPULATION OF UZBEKISTAN AND LABOUR RESOURCES.....	221
14.1.Population dynamics.....	221
14.2.Gender, age structure of polulation	225
14.3. National structure of population.....	226
14.4.City and village population.....	227
14.5.Social structure of population.....	228
14.6.Labour resources.....	230
Brief conclusions.....	233
Questions for discussion and control.....	233
Main literature.....	233
 CHAPTER XV. ECONOMIC BRANCHES GEOGRAPHY OF UZBEKISTAN.....	234
15.1. General definition.....	234
15.2. Industry and its main branches.....	238
15.3. Oil-energy industry.....	242
15.4. Heavy industry.....	251
15.5. Machinery industry.....	256
15.6.Chemical industry.....	263
15.7.Building materials industry.....	265
15.8.Light industry.....	267
15.9.Food industry.....	270
Brief conclusions.....	276
Questions for discussion and control.....	277
Main literature.....	277
 CHAPTER XVI. AGRICULTURE.....	278
318	

16.1.The role of agriculture in the economy of the Republic.....	278
16.2.Land sources.....	282
16.3.Peasantary.....	282
16.4.Cattle breeding.....	289
Brief conclusions.....	293
Questions for discussion and control.....	294
Main literature.....	294
 CHAPTER XVII. TRANSPORT GEOGRAPHY OF UZBEKISTAN ...	295
17.1.Automobile transport.....	295
17.2.Air transport	296
17.3.Water transport	297
17.4.Pipe transport	298
Brief conclusions.....	300
Questions for discussion and control.....	300
Main literature.....	300
 CHAPTER-XVIII. INTERNATIONAL ECONOMIC RELATIONS GEOGRAPHY OF UZBEKISTAN.....	301
18.1.Economical-geographic characteristics of international economic relations.....	301
Brief conclusions.....	306
Questions for discussion and control.....	306
Main literature.....	306
 LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	307

ҚУЛМАМАТ АБИРҚУЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

Ўкув қўлланма

Нашр учун матьсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюнимаси

Адабиёт жамғармаси директори

Курбонмурад Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир – З. Йўлдошев

Техник муҳаррир – Н. Тоқиев

Мусаҳис – Ж. Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – М. Султонов

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теринига берилиди 04.11.2003 й. Боснига рухсат этиниди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 ¼₃₂. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоби 20. Нуҳаси 2000.

Буюртма № 37

Ўзбекистон Ёзувчилар уюнимаси Адабиёт Жамғармаси нацириёти.
700000, Тонкент, Ж-Неру, 1.

Алинер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чон қилиниди.
Тонкент шаҳри, Хадича Сулаймонова, 33-үй